


**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Шавкат Мирзиёевнинг**

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР  
ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИ  
75-СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН  
НУТҚИНИ ЎРГАНИШ ВА  
КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК  
ЎРТАСИДА ТАРФИБ  
ҚИЛИШ**



**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

---

---

*Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг*

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР  
ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИ  
75-СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИНИ  
ЎРГАНИШ ВА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК  
ЎРТАСИДА ТАРГИБ ҚИЛИШ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

*Тошкент давлат иқтисодиёт  
университетининг  
90 йиллигига баъншаганади*

ТОШКЕНТ  
«МАҲНАВИЯТ»  
2021

УЎК: 323(575.1)

КБК: 66.3(5Ў)

Ў 32

Ў 32      Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев-нинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган нутқини ўрганиш ва кенг жамоатчилик ўргасида тарғиб қилиш бўйича ўкув қўлланма [Мати]: – Т.: «Маънавият», 2021. – 280 бет.

ISBN 978-9943-04-412-8

Унбу ўкув қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 23 сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 75-сессиясида сўзлагал нутқида баён килинган концептуал фикр ва тоялар, белгилаб берилган мақсад ва вазифалар, ўртага кўйизган долзарб муаммолар, уларнинг нафакат Ўзбекистон, балки дунё миссонидаги моҳияти ва аҳамияти атрофлича таҳсил қилинган.

Қўлланмада асосий эътибор сессияда алоҳида таъкиданган олтида устувор йўналишнинг маъно-мазмуни мантикий кетма-кетлик ва изчилликда ёритилиб, уларни кенг жамоатчилик, хусусан, талаба ёшлилар ўргасида тарғиб тини бўйича илмий-амалий тавсиялар берилган. Шу мақсадда ҳар бир йўналиш юзасидан бажарилиши лозим бўлган вазифалар реал фактлар, аналитик материал ва жадваллар асосида баён этилган.

Қўлланма мамлакатимиз таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар, талаба ва ўкувчи-ёшлар ҳамда кенг китобхонилар учун мўжассандаган.

**НАШР УЧУН МАСЪУЛ ИЖОДИЙ ГУРУХ:**

*К.А. Шарипов, М.И. Эшов, С.К. Худойқулов,  
Г.К. Абдураҳмонова, Л.Ф. Амиропов*

**МАСЪУЛ МУҲАРРИР:**

*М. Каршибоев*

**ТАҚРИЗЧИЛАР:**

*К.Х. Абдураҳмонов – Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
академиги, икътисодиёт фанлари доктори, профессор;*

*Н.Х. Жумаев – Олий Мажлис Конунчиллик палатаси депутати,  
икътисодиёт фанлари доктори, профессор.*

ISBN 978-9943-04-412-8

© «Маънавият», 2021



## КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 23 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясида сўзлаган нутки ўзининг бир канча муҳим жиҳатлари билан нуфузли халкаро экспертлар томонидан тарихий воқеа сифатида баҳоланмоқда. **Биринчидан**, ушбу нутқ БМТ тарихида илк бор бутунлай янги форматда – коронавирус пандемияси туфайли онлайн мулоқот режимида бўлиб ўтган анжумандада сўзланди. **Иккинчидан**, Ўзбекистон раҳбари биринчи марта шундай олий минбардан давлат тили бўлган ўзбек тилида, Алишер Навоий тилида нутқ сўзлади. **Учинчидан**, Президентимиз коронавирус пандемияси ва упинг оқибатида келиб чиққан глобал инқироз туфайли жаҳон миқёсида юзага келган вазиятта хар томонлама чукур баҳо берди ҳамда мавжуд муаммоларни хал этиш бўйича бир катор долзарб фикр ва ташабbusларни илгари сурди.

Шу нутқай назардан караганда, Шавкат Мирзиёевнинг мана бу фикрлари ғоят муҳим ахамиятга эга: «Бундай глобал фалокат сайёрамизда сўнгти юз йилда кузатилмаган эди. Бу оғрат бутун илониятнинг заиф жиҳатларини яққол кўрсатди. Ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият ер юзидағи барча давлатлар ва халклар ўзаро боғлиқ эканини, ўртамиизда мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботлади».

Давлатимиз раҳбари «Шу йўлда барчамиз хукуматлар, парламентлар ва фуқаролик жамиятларининг ўзаро саъй-харакатларини бирлаштириш, умумий масъулият тамойилларини мустаҳкамлаш, халкаро шерикликни мувоғифик ҳолда ривожлантириш лозимилигини чукур англадик», деб таъкидлар экан, БМТ шафелигига *Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажсубуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни* ўзлаб чиқишни таклиф этди.

Мазкур тарихий нутқда Ўзбекистонда заманга оғирлаётган ислоҳотлар ҳақида атрофлича фикр билдирилди. Жумладан,

мамлакатимиз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айлангани, хотин-кизларниң давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучайиб бораёттани, янги Парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробарга кўнайгани, инсон ҳукуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутунлай ўзгаргани, мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ туга-тигини, Инсон ҳукуқлари бўйича Миллий стратегия қабул килингани алоҳида таъкидланди. Давлатимиз раҳбари яна бир бор жаҳон ҳамжамиятини *Ёшлилар ҳукуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилиши бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-кувватлашга чақирди.*

Бундан ташқари, *барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳукуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги БМТ Бош ассамблеясининг маҳсус резолюциясини қабул қилиши таклифи ҳам илгари сурілди.*

Шавкат Мирзиёев кўшни афғон заминида 40 йилдан зиёд вақтдан бўён давом этасиган нотинчликни бартараф этиш бўйича ҳам муҳим таклифларни билдириди. Президентимиз Ўзбекистон Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида қабул килишини, афғон муаммосини ечишга кўмаклашиш лозимлигини ва афғон сиёсий кучлари ўртасида бошланган тинчлик музокараларини тўла қўллаб-кувватлашини қайд этди. Минтақада иктисолий интеграция жараёнларига Афғонистонни кенг жалб этиш мақсадида Ўзбекистон томонидан «Сурхон - Пули Хумри» электр узатиш тармоги ва Мозоря Шарифдан Хинд океани портларига чиқадиган темир йўл қурилиши каби йирик инфратузилма лойиҳалари амалга оширилаётганингига эътиборни каратди.

Факат биргаликда ва якин ҳамкорлик орқали биз афғон халқининг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқаришимиз мумкин, бу борада «Бекарор ва вайронкор вазиятдан – тинчлик ва бунёдкорлик сари» деган тамойил асосида иш олиб бориш муҳимдир, деб таъкидлади Юртбонимиз. Шу боисдан *БМТ хузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил этиши лозимлигига ургу бериб ўтди.*

Давлатимиз раҳбари яна бир бор жаҳон ҳамжамияти эътиборини Орол деғизи қуришининг ҳалокатли оқибатларига каратар экан, *Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва*

*технологиялар ҳудуди деб эълон қилиши ҳақида БМТ Бош Ассамблеясининг маҳсус резолюциясини қабул қилишини тақлиф этди.* Шунингдек, жаҳоннинг турли нукталарида нотинчлик сақланиб колаётгани, зиддият ва зўравонликлар ортиб бораётгани, экологик оғатлар ва бошқа замонавий хатарлар қашшоқлик ва камбағалликнинг глобал муаммоларини кучайтираётганини, айниқса, пандемия шароитида кескин тус олаётган ва тобора ташвишли оҳанг касб этаётган қашшоқликнинг овози бутун дунё ҳамжамиятини безовта қилиши зарурлигини таъкидлаб, *қашшоқликни тугатишни ва камбағалликка қарши кураинини БМТ Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга багишланган глобал саммитни ўтказиши ташаббусини илгари сургани муҳим аҳамиятга эга бўлди.*

Қадрли китобхон, эътиборингизга ҳавола килинаётган ушбу ўкув қўлланманинг биринчи бобида пандемия даврида ҳалқаро ҳамкорлик, жумладан, давлатлар ва ҳалқлар ўртасидаги мунтазам мулокот, ишонч ва яқин ҳамкорлик, умумий масъулият тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳалқаро шерикликни ривожлантириш, давлатнинг ўз фуқаролари ва ҳалқаро шериклари олдидаги мажбуриятлари ҳамда дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари ёритилган.

Иккинчи бобда жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш, гендер тенглик сиёсати, инсон ҳуқуқлари, жумладан, мажбурий ва болалар меҳнатини тугатиш, ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида ҳалқаро конвенцияни қабул қилиш, шунингдек, барқарор тараккиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентнинг ролини ошириш каби масалалар таҳлил қилиниб, уларни ўрганиш бўйича назарий-методологик тавсиялар берилган.

Учинчи бобда Марказий Осиё давлатлари ҳамкорлиги, хусусан, транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш, минтақада хавфсизликни таъминлаш механизmlарини яратиш ва миллий-маданий мероснинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни батафсил баён килинган.

Тўртинчи бобда эса Афғонистоннинг Марказий Осиё минтақасида тутган ўрни, унинг ижтимоий-иқтисодий ривожлани-

ши ҳамда ташки иқтисодий алокалари, шунингдек, Марказий Осиёда иқтисодий интеграцияни кучайтиришда Афғонистоннинг иштирокини таъминлаш ва минтақада янги Йпак йўлини яратиш масалалари очиб берилган.

Бешинчи бобда Марказий Осиёнинг баркарор ривожланишига глобал иқлим ўзгариши ҳамда Оролбўйи минтақасидаги экологик ҳолатнинг таъсири ва унинг оқибатида келиб чиқсан хавф-хатарлар ҳамда уларни бартараф этиш борасида олиб бори-лаётган ислохотлар, ижтимоий-иқтисодий вазиятни ва ахолининг яшааш шароитларини яхшилаш истиқболлари, БМТнинг инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шерикликни ривожлантириш йўлидаги сайд-харакатлари атрофлича ёритилган.

Олтинчى бобни жаҳонда қашшоқликка қарши курашиш, шунингдек, Ўзбекистонда қашшоқликни тугатиш ва камбағалликни камайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда бу борада Хитой ва бошқа хорижий мамлакатлар тажрибаси хақида таникли озим ва экспертларнинг фикр ҳамда хулосалари баён қилинган.

Умид қиласизки, мазкур кўлланма Президентимиз нуткининг мазмун-моҳиятини, Ўзбекистонда шу йўналишда олиб борилаётган кенг кўламни ислохотларнинг мақсади ва итижаларини аниглашга, бу жараёнда юртдошларимиз, айниқса, ёшларнинг фаол иштирок этишларини таъминлашга хизмат қилади.





## I. Б о б

### ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

#### 1.1. Давлатлар ва халқлар ўртасидаги мунтазам муроқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқида пандемия даврида дунёдаги турли мамлакатларнинг куч ва имкониятларини бирлаштириб, бугунги кундаги мавжуд муаммоларни ҳамжиҳатликда сенгиг ўтишга чакиргани ушбу тарихий путкнинг умумбашарий аҳамиятидан далолат беради. Давлатимиз раҳбари бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, «ҳозирги таҳликалар ва мураккаб вазият ер юзидағи барча давлатлар ва халқлар ўзаро боғлиқ эканлигини, мунтазам муроқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳиммилигини исботлаб берди»<sup>1</sup>, деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, жаҳон халклари бошига келган ана шу умумий синов турли мамлакатларни янада яқинлаштирги. Буни биз қўшни ва узок давлатлардан ижтимоий ёрдам карвонларининг Ўзбекистонга келгани ва, ўз навбатида, мамлакатимиз раҳбари ташабbusи билан қатор қўшни ва яқин ҳамкор давлатларга ёрдам карвонларининг жўнатилгани мисолида кўрдик. Хусусан, 2020 йилнинг апрель ойи якунига кўра, дунёда коронавирус тарқалишига карши кураши бошлиғанидан кейин Ўзбекистон Хитойга, Россияга, Эроига, Афғонистонга, Қирғизистонга, Тожикистонга, Беларусга, Озарбайжонга, Венгрияга инсонпарварлик ёрдамларини жўнатди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Хитой, БАА, Жапубий Корея ва АҚШдан ёрдам олди. Ўзбекистон Президенти ташабbusи билан қўшни

<sup>1</sup> Президент Шавкат Мирзиёев 23 сентябрь куни видеоанжуман шаклида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессияси ишида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси тарихида илк маротаба ўзбек тилида нутк сўзлади // «Халқ сўзи», 2020 йил 24 сентябрь.

Қирғизистонга ҳам коронавирусни бартараф этишга кўмаклашиш максадида инсонпарварлик ёрдами юборилди.<sup>1</sup>

Бу ҳақда сўз юритганда, Германия Федератив Республикасидан Ўзбекистонга 3 тонналик инсонпарварлик ёрдами, жумладан, кислород баллонлари, тиббий никоблар, аравачалар, комбинезонлар келтирилганини қайд этиш лозим.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Буларнинг барчаси мамлакатимиз оғир синов кунларида дўст ва ҳамкор давлатлардан ёрдамини аямагани, улар ҳам, ўз навбатида, Ўзбекистонни қўллаб-куватлаганини кўрсатади.

Албатта, дунёда, жумладан, Ўзбекистонда ҳам коронавирус пандемияси даврида аҳоли турмуш даражаси нисбатан пасайди. Ишлаб чиқариш ва саноат тармоқларида маҳсулот етиштириш хажми, савдо тармоқларида товар айирбошлап камайиб борли, хизмат кўрсатиш соҳаларида турғұнлик ҳолати кузатилди. Бир сўз билан айтганда, аҳоли даромадлари пасайиб борди. Ҳалқаро экспертлар COVID-19 пандемиясининг иқтисодий зарбаси тенгсизликни кучайтиради, қашшоқликни кўпайтиради ва турмуш даражаси паст бўлган ва хукуматлари аҳолини қўллаб-куватлап имкониятлари чекланган мамлакатларда ижтимоий ва сиёсий бекарорликка олиб келиши мумкин, деб таъкидлашмоқда. Иқтисодчиларнинг фикрича, пандемия ижтимоий-иктисодий тенгсизликни оширади ва яқин келажакда бу жараённи янада кучайтириши мумкин. Даромад даражасига, яшаш шароитларига, қасбига қараб, одамлар пандемия билан бирга келадиган турли иқтисодий зарбаларни бошдан кечиради, бу эса жамиятда кутбланиши кучайтириши эҳтимолдан узок эмас.<sup>2</sup>

Кўриниб турганидек, бундай таҳликали даврларда ўзаро ҳамкорлик, бир-бирига кўмак кўрсатиш давлатлар ва ҳалқлар ўртасида дўстлик ва биродарлик ришталарининг яхшиланиши ва юксалиб боришини таъминлайди. Шу билан бирга, кўмак берувчи ва олувчи томонлар ўзаро тажриба алмашишлари учун қулай мухитни шакллантиради. Бу борала дунё ҳамжамиятида кўплаб янги ташаббус-

<sup>1</sup> Германиядан 3 тонналик инсонпарварлик ёрдами келди [/https://uznews.uz/ru/article/22935; https://www.google.ru/search?q//lang\\_ru](https://uznews.uz/ru/article/22935; https://www.google.ru/search?q//lang_ru)

<sup>2</sup> Социальные последствия пандемии //https://econs.online/articles/ekonomika/sotsialnye-posledstviya-pandemii/

лар ҳам кўзга ташланди. Хусусан, Европа Иттифоқи коронавирус пандемияси оқибатларини 2021–2027 йилларда Ўзбекистон учун мўлжалланган янги молиявий ёрдам дастурида ҳисобга олиб, ривожланиш учун ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги кичик қўмитанинг учинчи йиғилишини видеоконференция шаклида ўтказди. Учрашувда молиявий ҳамкорлик дастурининг 2021–2027 йилларга мўлжалланган истиқболлари кўриб чиқилди.<sup>1</sup> Умуман олганда, Европа Иттифоқи бу борада умумий позицияни шакллантирган ҳолда, вирусга карши курашда куч бирдамликда бўлиши кераклигини таъкидлади. Европа Иттифоқи аллақачон бир қатор чораларни кўрган ва бу ҳаракатлар Европа даражасида ҳам, мамлакатлар ўртасида ҳам амалга оширилмоқда, деб баёнот бермоқда ушбу ташкилот вакиллари.<sup>2</sup>

Бу борада БМТ ҳам ўз позициясини маълум қилди. Хусусан, БМТ Бош котиби Антониу Гуттериш «иқлим фалокати келмоқда, биологик хилма-хиллик камаймоқда, қашшоқлик яна ошиб бормоқда, норозиликлар кучаймоқда, геосиёсий зиддиятлар кучаймоқда... COVID-19 пандемияси дунёдаги бекарорликни на-мойн этди. Фақаттина биргаликда биз унга қарши турга оламиз»,<sup>3</sup> дея таъкидлаган.

Мухтарам Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида жаҳон ҳамжамияти биргаликда амалга ошириши ўта долзарб бўлган ҳалқаро ташаббусларни илгари сурди. Давлатимиз раҳбари бугунги кунда бутун дунёга жиддий хавф солаётган коронавирус пандемияси ҳақида тўхталиб, бу оғат жамики инсониятнинг заиф жиҳатларини яққол кўрсатганини, хозирги таҳликали ва мураккаб вазият ер юзидағи барча давлатлар ва ҳалқларга ўзаро боғлиқ эканини, улар ўртасидаги мунтазам мулокот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботлаганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

<sup>1</sup> ЕС учтет последствия пандемии в программе новой помоции Узбекистану до 2027 // <https://uz.sputniknews.ru/economy/20201019/15215221/ES-uchtet-posledstviya-pandemii-v-programme-novoy-pomoschi-Uzbekistanu-do-2027.html>.

<sup>2</sup> Европейская солидарность в борьбе с Covid-19 // <https://www.diplomaticie.gov.fr/ru/politique-etrangere/europe/evenements/article/la-solidarite-europeenne-face-au-covid-19>.

<sup>3</sup> Генсек ООН призвал усилить международное сотрудничество для борьбы с COVID-19 // <https://review.uz/post/gensek-oon-prizval-usilit-mejdunarodnoe-sotrudnichestvo-dlya-borb-s-covid-19>

Шу максадда ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратиш, бу борада Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигига пандемиялар даврида давлатларининг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқишини таклиф этиб, ушбу хужжатда ҳар бир давлатнинг ўз фуқаролари ва халқаро ҳамкорлари олдидағи мажбуриятлари акс этиши лозимлигига эътибор қаратилди.

Чиндан ҳам, COVID-19 пандемияси туфайли юзага келаётган муаммоларни бирорта давлат бир ўзи ҳал эта олмаслигини бутун дунёдаги вазият ўзи кўрсатиб туриди. Шу маънода ушбу таклиф ҳозирги глобал инқироз бутун дунё ҳамжамиятининг саъи-харакатларини бирлаштириш ва бунда БМТнинг ўрни нақадар муҳим эканини кўрсатди.

Президентимиз дунё учун ўта долзарб бўлган яна бир муаммо-қашшокликни тугатишга асосий эътиборни қаратиб, қашшокликни тугатиш ва камбағалликка қарши куралишни БМТ Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишлиланган глобал саммитни ўтказишни таклиф этдилар.

Шунингдек, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигига транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш, ушбу Ташкилот хузурида ағон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган кўмита ташкил этиш, БМТнинг Оролбўйидаги вазият бўйича маҳсус резолюциясини кабул қилиш ҳақидаги муҳим ташабbusлар ҳам илгари сурилди.

Ишончимиз комилки, ушбу ташабbusлар жаҳон ҳамжамияти ва БМТ раҳбарияти томонидан тўлиқ қўллаб-кувватланади. Бу эса Ўзбекистон дунёсинг барча мамлакатлари билан кенг қўламли ва ўзаро манфаатли шерикликни янада ривожлантиришида муҳим аҳамият қасб этади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 30 июль куни «Коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимояга ва ёрдамга муҳтоҷ ахоли қатламларини моддий қўллаб-кувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонни имзолади. Унга кўра, Махалла ва оиласи қўллаб-кувватлаш вазирлиги ва худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича

мутасадди идоралар томонидан шакллантирилган моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оиласаларнинг рўйхатлари («темир дафтар»)га киритилган 400 мингдан кўпроқ оиласага (1,7 миллион фуқаро) республика бюджетидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиши белгиланди.

- моддий ёрдамга муҳтож оиласаларни молиявий кўллаб-куватлаш учун «Саховат ва кўмақ» жамғармасига – 200 миллиард сўм;
- тез тиббий ёрдам ходимларига (врачлар, фельдшерлар, санитар ва ҳайдовчилар) бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш учун – 100 миллиард сўм;
- бундан ташқари, Алишер Усмонов томонидан қилинган 10 миллион АҚШ доллари микдоридаги ҳомийлик хайрияси ҳам тез тиббий ёрдам бригадаларини маддий рағбатлантиришга йўналтирилди.

Бир марталик моддий ёрдам рўйхатларига киритилган оиласаларга ёрдамни 2020 йилнинг 15 августига қадар етказиш белгиланди.

Бундан ташқари, тиббиёт ходимларининг фидокорона меҳнатларини тақдирлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 30 июлдаги 458-сонли Қарорига кўра, тез тиббий ёрдам ходимларига қуидаги микдорда бир марталик моддий рағбатлантириш тўловлари бериш белгиланди:

- врач ходимларга – 5 миллион сўм;
- ўрта тиббиёт ходимларига (фельдшер ва санитарлар) – 4 миллион сўм;
- ҳайдовчиларга – 3 миллион сўм.

Шунингдек, Ўзбекистон мусулмоцлари идораси ҳузуридаги «Вақф» хайрия жамоат фондига 150 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Юкорида зикр этилганидек, дунёдаги олис-яқин давлатлар билан мунтазам мулокот, ишонч ва яқин ҳамкорликни мустаҳкамлашга Президентимиз томонидан жиддий эътибор берилмокда. Натижада, кўпни давлатлар билан алоқалар кейинги йилларда мисли кўрилмаган даражада кенгайди, Марказий Осиё ҳудудида ўзаро ишонч муҳити юзага келмоқда. Таҳлилий фикрларга кўра, бу ҳудуд дунёнинг энг йирик иқтисодиётлари ўртасида жойланинган.<sup>1</sup> Биноба-

---

<sup>1</sup> З.Бжезинский. Великая шахматная доска. – AST Publishers, 2018.

рин, ушбу мингақада мунтазам мулокот, ишонч ва яқин ҳамкорлик муҳити барқарор бўлиши жуда муҳим. Айни жараёнда Президентимизнинг ўрни ва фаолияти алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Етук сиёсатчилар бу ҳақиқатни кенг эътироф этишмоқда.

Маълумки, иктиносидий, сиёсий алоқаларда барқарорлик бўлмаса, ижтимоий муаммолар кўпая бошлиайди, айрим масалаларнинг ҳал этилиши кечикиши натижасида улар катталашиб бораверади. Бунга йўл кўймаслик учун давлатлар ва ҳукуматлар ўртасида тенг ҳуқуқли, ҳар томонлама фойдали ҳамкорлик алоқалари мустаҳкам бўлиши лозим. Бу борада ҳукуматлар, *парламентлар ва фуқаролик жамиятларининг ўзаро саъй-ҳаракатларини бирлаштириши, умумий масъулият таомойилларини мустаҳкамлаши, халқаро шерикликни мувоғиқ ҳолда ривожлантириши* энг асосий масаладир. Нутқда ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратиш фикри ҳамда шунга мос аниқ ташаббус излари сурилди. Бу – БМТ шафелигига пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбурияtlари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиши таклифидир.<sup>1</sup>

Бутун инсоният учун сиоповга айланган пандемия даврида давлатлар ўртасида ўзаро ишончга, бир-бирини кўллаб-қувватлашга асосланган ҳамкорлик улкан зарурат экани аён бўлди. Пандемия оқибатида кутилмаган вазият юзага келиши дунё иктисолиётига каттиқ зарба бермоқда, бундан, энг аввало, эҳтиёжманд, кам даромадли қатлам азият чекяпти, жамиятларда камбағал ахоли қатлами кўпаймоқда, бу эса нафақат бир давлат миқёсидаги, балки халқаро барқарорликка хам таҳдид солмоқда.

Шу маънода, камбағалликка қарши курашиш глобал вазифага айланмоқда. Давлатлар ва иктисолиётлар ўртасида фаол муносабатлар ўрнатилмаса, бир давлат доирасида камбағалликка карши самарали курашиш қийин кечади. Чунки бугун иктисолиётлар бир-бiri билан чамбарчас боғланиб кетган, улар якка ҳолатда барқарор ривожлана олмайди.

<sup>1</sup> Президент Шавкат Мирзиёев 23 сентябрь куни видеоанжуман шаклида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессияси ишида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси тарихида ишларнинг ўзбек тилида нутқ сўзлади // «Халқ сўзи», 2020 йил 24 сентябрь.

Мамлакатимизда пандемия сабабли камбағаллик, ишсизлик хавфи кучайиши олдиндан ҳисобга олиниб, тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Тўғри, ҳали муаммолар оз эмас, жойларда камчиликлар ҳам кўзга ташланмоқда. Лекин энг мухими шундаки, кийин вазиятда мухтоҷ қатламга биринчи навбатда зарур моддий ёрдам кўрсатилмоқда, катта, кимматли тажриба тўпланмоқда. Давлатнинг барча тегишли тузилмалари бу жараёнга жалб этилган, саъй-харакатлар ягона мақсад учун сафарбар этилмоқда. Ҳали олдинда вазифаларимиз кўп.

Президентимизнинг камбағалликка қарши қураш БМТнинг навбатдаги Ассамблеясида асосий мавзулардан бирига айланиши кераклиги ҳакидаги таклифи ўта мухим ва ўткир масалани ҳал этишда давлатлар ўртасида ҳамкорликни янги даражага қўтаришга, ушбу мураккаб муаммо бўйича янги счимлар пайдо бўлишига хизмат қиласди.<sup>1</sup>

Дарҳақиқат, дунё ҳамжамияти таракқиётининг бугунги босқичида иқтисодий-ижтимоий таракқиётнинг тармоқлари ва, умуман, инсонлар ҳаётининг жабхаларида глобаллашув жараёнларининг таъсири тобора ортиб, иқтисодий ҳамкорлик механизmlарининг вакт сайин либераллашиб бориши, ҳалқлар ва миллатлараро муносабатларда алоқа ва яқиндан мулокот тенденцияларининг кенгайиши натижасида мунтазам мулокот, ўзаро ишонч ва хурмат ҳамда умумий мақсадларга эришишдаги яқин ҳамкорлик муносабатларини амалга ошириш жамиятлардаги тинчлик, баркарорлик мухитини мустаҳкамлайди. Колаверса, демократик ривожланиш йўлини танлаган жамиятларда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тушунчалари фуқароларнинг онгу шуурига сингдирлиши, жамиятларнинг демократик қонунларида амалда ўз аксими топиши ҳамда бу қонуниятлар давлатлараро муносабатларда ҳам устувор аҳамиятга эга бўлиши – давр талабидир. Шу нуктаи назардан, изчил ва ўзгарувчан тараққиёт мухитида ўзаро ишонч ва яқин ҳамкорлик масалалари пандемия даврида мураккаблашиб бораётган иқтисодий аҳвол ва вужудга келаётган муаммоли вазиятларни бартараф этишда энг асосий омил бўлиб хизмат қиласди. Бу омиллар устуворлигини таъминлаш бутун инсониятни оғишмасдан тараққиёт сари одимлашида мухим аҳамиятга эгадир.

---

<sup>1</sup> Муаммолар низолар билан эмас, ишонч ва яқин ҳамкорлик орқали ҳал қилинади. <https://xdp.uz/partiya-yangiliklari/1906>

## **1.2. Умумий масъулият тамойилларини мустаҳкамлаш, халқаро шерикликни самарали ривожлантириш**

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг тинчликпарвар ва яхши қўшичилик сиёсати кенг халқаро жамоатчилик, шу жумладан, Яқин ва Ўрта Шарқ, Жанубий Осиё, Осиё-Тинч океани минтақаси ҳамда бутун дунё давлатлари томонидан эътироф этилмоқда. Хусусан, Афғонистонда тинчликка эришиш борасидаги Ўзбекистоннинг қатъий позицияси, пандемия шароитида бир неча давлатлар билан бир-бирини моддий ва маънавий қўллаш бўйича амалга оширилган беғараз инсонпарварлик ёрдамлари мамлакатимизнинг халқаро обрў-эътиборини янада ошириди.

Аник фактларга тўхталадиган бўлсак, маълумотларга кўра, айни пайтда Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари билан инвестициявий ҳамкорлик карибб 1 миллиард 900 миллион доллар микдоридаги 60 дан зиёд лойиҳани қамраб олган.

Осиё-Тинч океани минтақаси Ўзбекистон учун сиёсий ҳамкорлик ва янги бозорларни ўзлаштириш нуктаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Минтақада ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш ҳажми 70 фоизга этиши кутилмоқда. Юқори технологияларнинг энг йирик экспортчилари ҳам, импортчилари ҳам айнан шу ерда жойлашган.<sup>1</sup>

Хитой Халқ Республикаси, Корея Республикаси ва Япония бизнисиг энг йирик ҳамкорларимиз экани ҳеч кимга сир эмас.

Ўзбекистон кучли иқтисодий, индустрiali ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган Хитой билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга стратегик масалалардан бири сифатида қарамоқда. Бугунги кунда икки давлат ўргасида сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий, ҳарбий ва харбий-техникавий, маданий, қишлоқ ҳўжалиги, курилиши, фан ва таълим соҳаларидағи ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Икки мамлакат ўргасидаги олий ва юқори даражадаги мунтазам учрашувлар, жумладан, давлат раҳбарларининг 2017-2020

<sup>1</sup> Пандемия минтақа давлатлари билан ҳамкорлигимизга қай даражада таъсир кўрсатмоқда? // <https://kitab.uz/pandemiya-mintha%D2%9Ba-davlatlari-bilan-%D2%B3amkorligimizga-%D2%9Baj-darazhada-tasir-k%D1%9Ersatmo%D2%9Bda.html>

йиллардаги музокаралари ва сиёсий иродаси натижасида стратегик шериклик муносабатлари сифат жиҳатидан янги боскичга кўтарилиди. Хусусан, 2019 йил мамлакатимиз иқтисодиётiga жалб қилинган ва ўзлаштирилган Хитой сармоясининг умумий ҳажми 9,8 миллиард доллардан зиёдни ташкил этди. Шунингдек, 100 миллион долларга яқин грантлар жалб этилди.<sup>1</sup>

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўргасидаги ўзаро ҳамкорлик хам алоҳида эътиборга молик. Олий даражадаги мулокотлар самарасида мамлакатларимиз ҳамкорлиги барча йўналишларда изчил ривожланиб бормоқда.

2017–2019 йиллар давомидаги амалга оширилган олий даражадаги ташрифлар якуни бўйича умумий қиймати 20 миллиард доллардан зиёд келишувларга эришилди ва, бунинг натижасида, турли соҳалардаги ўзаро манфаатли ришталар янада мустахкамланди. 2019 йилда муносабатларимиз алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилиди. Бу – томонларнинг ҳамкорликка содиклиги, дўстлиги ва ўзаро ишончидан далолатидир.

Ўзбекистон Жанубий Корея билан, айниқса, таълим соҳасида қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Ҳозирги кунда юртимиздаги 13 та олий таълим муассасаси, 48 та мактаб ва лицейда корейс тили ўқитилади. Мамлакатимизда Инха, Пучон, Ёджу ва Аджу университетлари филиаллари фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон сўнгги йилларда барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантираётган яна бир мамлакат, бу – Япониядир. Япония – улкан иқтисодий, индустриал ва интеллектуал салоҳиятга эга давлат. Иқтисодий таракқиёт бўйича дунёда учинчи ўринда турадиган кунчиқар мамлакат «Катта еттилик» давлатлари қаторига киради. Халқаро майдонда ҳам ўзига хос мавқега эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 17–20 декабрь кунлари Японияга илк расмий ташрифини амалга оширди. Бу Ўзбекистон – Япония муносабатлари тарихида муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Ўз навбатида, ушбу ташриф сиёсий, савдо-иктисодий, молиявий, инвестициявий, технологик, илмий ва маданий-гуманиттар соҳалардаги алоқаларимизни, стратегик шериклигимизни сифат жиҳатдан янги боскичга олиб чиқди.

<sup>1</sup> Пандемия минтака давлатлари билан ҳамкорлигимизга қай даражада таъсир кўрсатмоқда? // <https://kitab.uz/pandemiya-mininta%D2%9Ba-davlatlari-bilan...>

Ўзбекистон ва Яқин Шарқ мамлакатларини географик жиҳатдан якинлик, умумий тарих, маданий ва маърифий қадрияtlар бирлаштириб туради. Айнан шу омиллар Ўзбекистоннинг минтака давлатлари билан алоқаларини мустаҳкамлашга замин яратмоқда.

Сўнгги йилларда араб давлатлари билан барча соҳалардаги ҳамкорлик кўлами кенгайди. Бу ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари ва сайд-харакатлари самарасидир. Ҳусусан, давлатимиз раҳбари 2017 йил 21 май куни Саудия Арабистонига, 2019 йил 26 март куни Бирлашган Араб Амирликларига расмий ташриф буюрди, 2018 йил сентябрь ойида Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сиси Тошкентга келди.

Ушбу олий даражадаги музокаралар доирасида ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш, савдо-иктисодий, инвестициявий, энергетика, банк-молия, кишлоқ хўжалиги, маданий-гуманистар, сайёхлик ва бошқа соҳалардаги ришталарни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимизнинг Бирлашган Араб Амирликларига ташрифи чоғида 10 та муҳим ҳужжат ва қиймати 10 миллиард долларга тенг 11 та инвестигия битими имзоланди. Миср Араб Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифи доирасида 4 та ҳукуматлараро, 7 та идоралараро ҳужжат ва кариб 500 миллион долларга тенг 11 та инвестигия битими бўйича келишувга эришилди.

Минтака давлатлари ташки сиёsat маҳкамалари ўртасида мунтазам сиёssий маслаҳатлашувлар ўтказилмоқда. 2017–2020 йилларда Саудия Арабистони, Кувайт, БАА, Исройл, Марокаш, Йордания, Миср билан ўтказилган сиёssий мулокотлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистоннинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) билан ҳамкорлик алоқаларига алоҳида тўхталимоқчимиз. Биз ушбу ташкилотни мукаддас динимизни тинчлик ва тараққиёт омили сифатида илгари суриб келаётган нуфузли ва самарали халқаро форум сифатида эътироф этамиз.

Мазкур тузилма билан алоқаларининг бутунги ҳолати томонларни тўла қаноатлантиради. Давлатимиз раҳбари 2016 йил 18–19 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтган ИХТ Ташки ишлар вазирлари кенгашининг 43-сессиясида иштирок этиб, мазкур кенгашга Ўзбекистон райслегиги даврида амалга оширилиши кўзда

тутилган устувор мақсадларни белгилаб берди. Шунингдек, 2017 йил 10 сентябрь куни Остона (Нурсултон) шаҳрида бўлиб ўтган ИХТнинг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитида Президентимизнинг илм-фан, маънавият ва маърифатни янада ривожлантириш билан боғлиқ амалий ташаббуслари ташкилотга аъзо мамлакатлар томонидан кўллаб-куватланиб, ҳаётга кенг татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистоннинг Эрон билан муносабатлари ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар Ўзбекистон – Эрон ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, сиёsat, савдо-иктисод, сармоялар, маданият ва туризм жабхаларидаги алоқаларни янада кенгайтириш учун муҳим имконият яратди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Эрон инвестициялари иштириқида 267 та корхона ташкил этилган, уларнинг 125 таси 100 фоиз Эрон сармояси асосида фаолият кўрсатяпти.

«Ўзбекистон – Туркманистон – Эрон – Умон» транспорт йўлагини барпо этиш тўғрисидаги тўрт томонлама Ашхобод битимини ҳаётга татбиқ этиш борасида фаол ҳамкорлик олиб борилмоқда.

Икки мамлакатнинг илмий-тадқиқот, спорт ва таълим муасасалари вакиллари Ўзбекистон ва Эронда ўтказиладиган турли тадбирларда қатнашиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистон ва Эрон спортчилари ўртасидаги самимий ракобат ҳалқаро мусобакалар, Осиё ва жаҳон чемпионатларида дўстона руҳда кечади.

Икки томонлама муносабатларнинг шартномавий-хукукий асосини савдо, иқтисодиёт, транспорт, туризм, маданият, шунингдек, жиноятчиликка қарши курашишга оид 55 та хужжат ташкил этади.

Мамлакатимиз Жанубий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик алоқаларини узоқ муддатли ва кўп қиррали шериклик асосида олиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон ва Хиндистон раҳбариятлари ўртасидаги алоқалар тубдан янги мазмун қасб этди. 2018–2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хиндистонга давлат ва амалий ташрифлари ташкил этилди. Бундан ташқари, Циндао ва Бишкеқдаги Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар раҳбарлари саммитида икки мамлакат ташкилотлари ўртасидаги музокаралар очик ва конструктив руҳда ўтди.



Нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида бир-бирини қўллаб-кувватлаш, ташаббусларни илгари сурицда ҳам ҳамкорлик тобора ривожланмоқда. Жумладан, Ҳиндистон томони Ўзбекистон номзодини 2021–2023 йилларда БМТ Инсон ҳукуқлари кенгаши аъзолигига қўллаб-кувватлади ва Ўзбекистон вакили кенгаши аъзолигига сайланди. Ўз навбатида, Ўзбекистон Ҳиндистон номзодини 2021–2022 йиллар учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзолигига илгари сурди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг шартнома-вий-хукукий базаси 110 га яқин хужжат билан мустаҳкамланган. Шундан 20 та шартнома Ҳиндистонга олий даражадаги ташрифлар доирасида имзоланган. Айни пайтда яна 20 га яқин хужжат имзолашга тайёрланмоқда.

Айтиш мумкинки, сўнгги йилларда Покистон Ислом Республикаси билан барча йўналишларда алоқаларимиз янги босқичга кўтарилиди. Чунки Ўзбекистон ва Покистон раҳбарларининг олий даражадаги учрашувлари ўзаро муносабатларимизни янада яхшилашга имкон берди. Жумладан, 2017–2019 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Покистон Ислом Республикаси Президенти ва Бош вазири билан кўп томонлама анжуманлар доирасида тўрт бор учрашиди. Мулоқотлар жараёнида эришилган келишувлар давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларни сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқишга хизмат қилмоқда.

Коронавирус пандемияси халқаро муносабатларга ва глобал иқтисодиётга ўз салбий таъсирини кўрсатмай қолмади. Аммо, шуни мамнуният билан таъкидлаш жоиз, пандемия шароитига карамасдан, Ўзбекистон ўзининг ташқи ҳамкорлари билан мулоқотни бир дақиқага бўлса-да, сусайтиргани йўқ. Балки ҳамкорликнинг янги ва ноанъянавий шакллари йўлга қўйилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон олий ва юқори даражада видеоконференция ҳамда интерактив усуlda Хитой, Жанубий Корея, Япония, БАА, Покистон, Ҳиндистон ва бошқа етакчи мамлакатлар билан мунтазам мулоқотлар, музикаралар ташкил этиб келмоқда. Бунинг натижасида коронавирусга карши биргаликда курашиш, пандемия шароитида иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, инвестициявий ҳамкорлик масалаларида юзага келаётган муаммоларга тезкор ечимлар топилмоқда.

Бундан ташқари, коронавирусга қарши курашиш доирасида Ўзбекистон ўз ҳамкорлари билан, юқорида айтилганидек, беғараз асосда инсонпарварлик ёрдами алмашинувларини амалга ошириди.

2020 йил февраль-март ойларида Хитойга 202,8 минг доллар миқдорида инсонпарварлик ёрдами юборилди. Хитойдан Ўзбекистонга эса йилнинг марта-июнь ойларида тиббий жиҳозлар жўнатилди. Бундан ташқари, COVID-19 билан оғриган беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, уларни Жаҳон соғликни саклаш ташкилоти стандартлари бўйича даволашга кўмаклашиш мақсадида хитойлик 15 нафар шифокор ўзбекистонлик ҳамкаслари билан биргаликда фаолият юритди.

Жанубий Кореядан юборилган инсонпарварлик кўмаги ҳам коронавирус билан оғриган беморларни даволашда кўл келди. Ушбу давлат 250 минг доллар миқдоридаги тест тизимларини юборди. Шунингдек, коронавирусни даволашда катта тажрибага эга бўлган икки нафар шифокор мамлакатимиз мутахассислари билан ёнма-ён иш олиб борди.

Сеулдаги элчиҳонамиз томонидан бу йўналишда катта ҳажмдаги ишлар бажарилди, дейиш мумкин. Дипломатик миссия кўмагида коронавирус пандемияси даврида ахолини кўллаб-кувватлаш учун мамлакатимизга 1,1 миллион доллар миқдоридаги ёрдам юклари юборилди. Жанубий Кореяда яшаётган ватандошларимиз ҳам ушбу жараёнда четда қараб туришгани йўқ. Улар 45 минг долларлик молиявий ёрдам кўрсатди.

Япония ҳукумати Ўзбекистонга коронавирусга қарши курашиш мақсадлари учун 10 миллион доллардан зиёд маблағ ажратишга қарор қилди. Шунингдек, айни пайтда Япония билан давлат бюджетини кўллаб-кувватлаш мақсадида 300–500 миллион АҚШ доллари миқдорида кўмак ажратиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Шунингдек, ўтган вақт мобайнида мамлакатимизга БАА томонидан 40 тоннага яқин турли тиббий восита ва анжомлар, Ҳиндистондан зарур дори воситалари ва Покистондан тиббий жиҳозлар тақдим этилди.

Бундан ташқари, коронавирус пандемияси даврида авиақатновлар тўхтатилгани сабабли Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ ҳамда Африка минтақасида бўлиб турган 3 минг 200 нафардан зиёд (БАА – 1777, Ҳиндистон – 732, Миср – 340, Саудия Арабистони – 114,

Исроил – 110, Қатар – 61, Умон – 43, Покистон – 22, Шри-Ланка – 17, Бангладеш – 11) юртдошларимиз маҳсус чarter рейслар билан Ўзбекистонга олиб келинди. Ушбу йўналишдаги ишлар давом эттирилмоқда.

Пандемия даврида мамлакатимизда хорижий инвесторлар лойиҳаларининг тўхтаб қолмаслиги, хорижий мутахассисларнинг юртимизга келишини таъминлаш мақсадида тегишли давлат органдари билан самарали музокаралар олиб борилди. Ушбу йўналишда Афғонистондан 15 нафар, Эрондан 10 нафар, Бирлашган Араб Амириларидан 7 нафар, Хиндистондан 4 нафар мутахассисининг Ўзбекистонга келиши таъминланди.

Афғонистондаги сиёсий қарама-каршиликлар, бу мамлакатда кечётган воқеа-ходисаларга бефарқ карашга ҳаққимиз йўқ. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида яқин сиёсий, савдо-иктисодий ва маданий-гуманитар алоқалар йўлга кўйилган. Шунингдек, Афғонистонда миллионлаб ўзбеклар яшайди. Афғонистон Конституциясига мувофиқ ўзбек тили мамлакатнинг расмий тилларидан бири ҳисобланади. Шу нұктай назардан ҳам Афғонистонда тинчлик ўрнатилиши биз учун жуда муҳим.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йил март ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган «Тинчлик жараёни, ҳавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги ҳалқаро конференция Ўзбекистоннинг афғонлараро тинчлик жараёнини фаоллаштиришга қўшган салмокли хиссаси бўлди. Ушбу анжуман афғон йўналишида тинчлик саъй-ҳаракатларини қайта кўриб чиқишида ҳал қилувчи роль йўнади, десак, муболаға бўлмайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ўтказилган мазкур конференция жаҳон ҳамжамияти эътиборини яна бир карра Афғонистонда ҳукм суроғтган жараёнларга қаратди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: «Афғонистон ҳавфсизлиги, бу – Ўзбекистон ҳавфсизлиги, бутун бепоён Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси барқарорлиги ҳамда тараккиётнинг гаровидир»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Афғонистонни минтақавий интеграция ва иктисадий ҳамкорликка жалб килиш орқали унинг Марказий Осиёнинг

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, ҳавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида ўтказилган ҳалқаро конференциядаги нутки // <https://president.uz/uz/lists/view/1601>.

ажралмас қисмига айланишини таъминлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ушбу мақсадлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон қўшни Афғонистон иқтисодиёти учун ўта муҳим бўлган йирик инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича донор мамлакатлар ва халқаро молиявий ташкилотлар билан музокаралар олиб бормоқда.

«Мозори Шариф – Кобул – Пешовар» темир йўли ва «Сурхон – Пули Хумри» электр узатиш линиясини куриш лойиҳалари шулар жумласидандир. Мазкур лойиҳалар ижроси Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларининг транспорт коммуникациялари, энергетика тармоқларини ўзаро боғлайди ҳамда Афғонистон иқтисодиётининг юксалишига хизмат қиласади.

2017 йил 7 февралда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»<sup>1</sup>ги ПФ-4947-сонли Фармонда мамлакатимиз тараққиётининг бешинчи устувор ўйналиши сифатида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёsat юритишга йўналтирилган, давлатимиз мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, Ўзбекистоннинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва ахил қўшничилик муҳитини шакллантириш, мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш белгиланган эди. Ўтган қисқа даврда бу соҳада залворли ишлар амалга оширилиб, уларнинг таг-замирида, аввало, яқин қўшничилик муносабатларини йўлга қўйиш ва бунда «барча қўшниларимиз билан дўстона ва ўзаро ишонч руҳидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш бизнинг асосий вазифаларимиздан бирига айланди». Яъни, барчамиз гувоҳмизки, сўнгти йилларда қўшни давлатлар билан чегаралар демаркацияси, савдосотик ишларининг яхшиланиши, чегараларнинг очиқлиги ҳамда маданий алокалар соҳаларида кескин ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Бир сўз билан айтганда, белгиланган стратегия асосида минтақавий интеграцион жараёнларда Ўзбекистон Республикаси асосий ташаббускор сифатида майдонга чиқмоқда.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь // <http://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi>.

Айнан ўша Ҳаракатлар стратегияси асосида ташқи сиёсатда ўзаро манфаатли ва тенг хукуқли ҳамкорликни мамлакатимизнинг халқаро нуфузини юксалтиришни кўзлаган ҳолда ривожлантириш масаласи ҳам ташқи сиёсатда устувор қилиб белгиланди ва бу борада ҳам улкан ютукларга эришилди. Хусусан, халқаро ташкилотлар, етакчи давлатлар ва халқаро нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорликда кўп ютуклар кўлга киритилди. Бу ютуклар замирида ҳалқимизнинг пировард мақсади бўлган эркин ва фаровон жамиятни яратиш бўйича энг эзгу орзу-истаклари амалда қарор топаётгани барчамиз учун қувонарлидир.

### **1.3. Давлатнинг ўз фуқаролари ва халқаро ҳамкорлари олдиаги мажбуриятлари**

Мамлакатимиз кейинги йилларда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташки сиёсат юритиш, хорижий давлатлар билан дўстона ҳамда ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш борасида муҳим натижаларга эришмоқда.

Бу жараёнда, айниқса, Европанинг бир қатор давлатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик сезиларли даражада мустаҳкамланди. БМТ, ЕХХТ, ШХТ, ИХТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар билан шериклик муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилиди.

Ўзбекистон Европа Иттифоқи ва Европа давлатлари билан ҳамкорликни ўз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири деб билади. Сўнгти йилларда Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари билан барча жабхалардаги муносабатлари жадал суръатларда ривожланиб бориши натижасида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги даври бошланди, деб айтсанк бўлади.

Биргина мисол. Президентимизнинг Францияга (2018 йил октябрь), Германияга (2019 йил январь) ва Туркияга (2017 йил октябрь ва 2020 йил февраль) расмий ташрифларининг натижалари бўйича сиёсий, савдо-иктисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда салмоқли келишувларга эришилди. Ўз навбатида, Германия Президенти Франк-Валтер Штайнмайер (2019 йил май) ва Туркия Президенти Режеп Тайип Эрдўған (2018 йил апрель) мамлакатимизга жавоб ташрифини амалга оширганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Сўнгти йиллар давомида Европанинг Австрия, Германия, Буюк Британия, Словакия, Словения, Испания, Италия, Туркия, Франция, Швейцария, Чехия, Норвегия, Финляндия, Латвия, Литва каби мамлакатлари Ташқи ишлар вазирликлари билан 20 дан зиёд сиёсий маслаҳатлашув ўтказилди.

Биз кейинги вақтларда Европа Иттифоқи билан энг юкори ва олий даражадаги мулокот илгари кузатилмаган даражада фаоллашаётганига гувоҳ бўлдик. Хусусан, 2019 йил май ойида Европа Кенгаши раҳбари Доналд Туск илк маротаба Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бундан ташқари, ЕИнинг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича эндиликда собиқ олий вакили Федерика Могерини икки марта (2017 йил ноябрь ва 2018 йил март ойлари) республикализма ташриф буюрди.

2020 йилнинг апрель ойида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ва Европа кенгаши раҳбари Шарл Мишел ўртасида телефон мулокоти ўтказилди. Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ЕИнинг Ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили, Европа Иттифоқи Комиссияси вице-президенти Жозеп Боррел (2020 йил январь ойида Берлин шахрида ва май ойида телефон орқали) билан икки марта сухбатлашди. Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва гуманитар соҳаларда кўп қиррали ҳамкорликнинг долзарб масалалари муҳокама килинди.

Мазкур музокаралар чоғида Европа томони иқтисодиёт, савдо, инновация ва инвестиция, транспорт, илм-фан, таълим ва соғлиқни саклани соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини билдири.

Шу ўринда Европа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий йўналишда ҳамкорликнинг сезиларли тарзда ўсиб, ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Жумладан, 2019 йил якунларига кўра, Ўзбекистон ва ЕИ мамлакатлари ўртасидаги савдо ҳажми 2016 йил билан таққослаганда деярли 60 фоиз ўсиб, 4 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Шу билан бирга, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Европага экспорт килиш 1,5 баробар ортган ҳолда, 580 миллион АҚШ доллари микдорига етган бўлса, бу даврда импорт ҳажми 1,5 баробар ошди ва 3,42 миллиард долларни ташкил этди.

2020 йил январь-май ойларида товар айирбошлаш хажми 1,315 миллиард долларни, шу жумладан, экспорт 196,6 миллион долларни, импорт 1,11 миллиард долларни ташкил этди.

Ўзаро муносабатларни сифат жиҳатидан янги ва юкори даражага кўтариш мақсадида расмий Тошкент ва Брюссель ўртасида янги кенг қамровли икки томонлама ҳужжат – Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тузиш бўйича 2019 йилдан бошлаб фаол музокаралар ўтказилмоқда.

Европа Иттифоқи билан кўп жабҳали мулокотни ривожлантиришига хизмат қилаётган мазкур йўналишга, асосан, 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси доирасида Ўзбекистонда амалга оширилган туб ислоҳотлар туфайли эришилди.

Сўнгти йилларда Марказий Осиёда кузатилаётган ҳамкорликнинг ижобий динамикаси, шунингдек, Ўзбекистоннинг минтақа давлатларига нисбатан яхши қўшичилик муносабатларини мустахкамлаш ва конструктив мулокот орқали барча масалаларни ҳал этишга қаратилган янги сиёсати асосида Брюссель минтақага нисбатан сиёсатини минтақалараро алоқаларни ривожлантириш сари тубдан қайта кўриб чиқди.

Буларнинг барчаси Брюссель томонидан Марказий Осиё учун тасдиқланган (2019 йил июнь ойида) янги стратегияда якқол намоён бўлди. Европа томонининг позициясига кўра, Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар Марказий Осиёнинг сиёсий баркарорлиги ва изчил ривожланишидан, шунингдек, икки минтақа ўртасидаги интеграция алоқаларини фаол ривожлантиришдан манфаатдордир.

Минтақамиздаги барқарор вазиятни эътироф этган ҳолда, расмий Тошкент томонидан илгари сурилган яхши қўшичилик сиёсати туфайли расмий Рим илк марта «Италия – Марказий Осиё» форматидаги вазирлар учрашувини (2019 йил декабрь) ўтказди. Ўз навбатида, Марказий Осиё билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадида расмий Париж ҳам шу сингари мулокотнинг иккинчи босқичини давом эттиришга карор килди.

2020 йилнинг апрель ва июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси Бонн вазири ўринбосари – Инвестициялар ва ташки савдо вазири С.Умурзоқов Европа Иттифоқи савдо комиссари Ф.Хоган билан икки маротаба видеоконференция шаклида учрашувлар ўтказди. Музокаралар давомида Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида кенгайтирилган

шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим лойихаси бўйича келишиш жараёнини фаоллаштириш борасида келишувга эришилди. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши бўйича ишли гурухнинг 4-ийғилишига тайёргарлик кўриш доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларга, шунингдек, Ўзбекистоннинг ЕИ «Преференцияларнинг бош тизими» имтиёз тизимида бенефициар мамлакат макомини олиши жараёнига алоҳида эътибор қаратилди.<sup>1</sup>

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда COVID-19нинг глобал миқёсда тарқалиши ва бутун дунё иқтисодиётига салбий таъсири шароитида Европа Иттифоки унинг салбий оқибатларини бартараф этиш учун Ўзбекистонга 30 миллион евродан кўпроқ маблағ ажратишга карор килди.

Бундан ташқари, БМТ шафелигига Ўзбекистоннинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик асосида Траст фондига Европа Иттифоки 5 миллион евро, Норвегия 1,1 миллион АҚШ доллари ва Финляндия 1 миллион евро миқдорида маблағ ажратди.<sup>2</sup>

Европадаги ҳамкорларимизга Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши хамда Европанинг кенгайтирилган шерикчилик ва ҳамкорлик тўғрисида битими доирасида бенефициар макомини олиши бўйича саъй-ҳаракатлари, шунингдек, кенг қарорларни ўзгаришлар шароитида мамлакатимизга кўрсатаётган молиявий ва техник кўмаги устувор аҳамиятга эгадир.

Европа Иттифокининг Ўзбекистон Республикаси учун 2014–2020 йилларга мўлжалланган беғараз ёрдами тўғрисидаги кўп йиллик индикатив дастури доирасида республикадаги ижтимоий-иқтисодий лойихаларни амалга ошириш учун карийб 168 миллион евро маблағ ажратилди.

Европа Иттифоки мамлакатлари Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти томонидан Афғонистондаги мавжуд вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш бўйича олиб бораётган халқаро майдондаги саъй-ҳаракатларини кўллаб-куватламоқда. Ўзбекистон учун кўшини

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигига янги давр бошланди // <https://yuz.uz/news/ozbekistonning-evropa-mamlakatlari-va-kalqaro-tashkilotlar-bilan-ozaro-mansaatli-hamkorligida-yangi-davr-boshlandi>.

<sup>2</sup> БМТ доирасидаги халқаро ташаббусларда янги тенденциялар // <http://xs.uz/uzkr/post/bmt-doirasidagi-khalqaro-tashabbuslarda-yangi-tendentsiyalar>.

давлатда узоқ кутилган тинчликни ўрнатиши устувор аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимиз Европа билан икки ва кўп томонлама истиқболли муносабатларни давом эттирмоқда. Савдо-сотик, инвестиция ва молия, юкори технологиялар трансфери, илм-фан, техника, таълим, экология, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларидағи ҳамкорлик, шунингдек, мintaқавий хавфсизликни мустаҳкамлаш Ўзбекистон – Европа муносабатларининг асосий устувор йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг нуфузли ҳалқаро ташкилотлар, шу жумладан, БМТ ва унинг ихтисослашган агентликлари билан самарали ҳамкорлиги пандемия даврида ҳам сусайгани йўқ.

2020 йилнинг июнь ойида Президентимиз таклифи билан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш бўйича тадбирлар режаси («йўл ҳаритаси») фикримизнинг яққол исботидир. Мазкур ҳужжат давлатимиз раҳбари ташабbusларини БМТ доирасида илгари суриш, республика ва унинг вакиллари номзодларини БМТнинг сайлов органлари аъзолигига илгари суриш ва мамлакатимизнинг ҳалқаро майдондаги имижини оширишга қаратилган сиёсий-дипломатик тадбирларни ташкил этиш бўйича ҳалқаро майдондаги фаoliyatни жадаллаштириш борасидағи саъй-ҳаракатларни кўзда тутади. Тадбирлар режаси сайёрамиздаги энг универсал ҳалқаро ташкилот – БМТ ва унинг ихтисослашган муассасалари билан бундан кейинги ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариши шубҳасиз.

Шу билан бирга, коронавирусга қарши биргаликда курашишда БМТ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ ва Ҳалқаро меҳнат ташкилоти билан мамлакатимиз яқиндан ҳамкорлик қилмоқда.

2020 йилнинг 8 июль куни Женева шаҳрида дунёning 80 дан ортиқ мамлакати давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштироқида Ҳалқаро меҳнат ташкилотининг меҳнат соҳасида COVID-19 га қарши курап масалалари бўйича глобал виртуал саммити бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мазкур тадбир иштироқчиларига мурожаатнома йўллаб, мамлакатимизда пандемия шароитида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётганини таъкидлади.

БМТ Таракқиёт дастури биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда коронавирус тарқалишининг олдини олиш бўйича аниқ мақсадли саъй-ҳаракатларни амалга ошириш учун 250 минг доллар миқдоридаги молиявий-техник ёрдамни ажратди. Шунингдек, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан коронавирус пандемиясининг ижтимоий-иктисодий оқибатларини юмшатиш борасида Ўзбекистон ҳукуматига кўмак бериш мақсадида қўшимча равишда 1 миллион доллар миқдоридаги грант маблағлари ажратиш масаласи ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, БМТнинг Тошкентдаги тегинчили агентликлари томонидан COVID-19 билан боғлиқ вазиятни баҳолаш ҳамда бу борадаги долзарб вазифаларни ўз ичига олган «Ижтимоий-иктисодий чоралар бўйича умумлаштирилган кўп томонлама таклиф» деб номланган таҳлилий ҳужжат ишлаб чиқилди.

Ҳужжатда коронавирус пандемияси шароитида ҳал этилиши лозим бўлган долзарб ижтимоий, шу жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасига оид масалалар билан бир каторда, БМТ ва унинг республикамиизда фаолият юритаётган агентликларининг Ўзбекистон ҳукуматига кечикириб бўлмайдиган макроиктисодий чора-тадбирларни амалга ошириш, иктисодиётни тиклаш, хусусан, маҳсулот экспортининг камайишига, кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг ёпилишига ва тегишли иш жойларининг қисқаришига йўл қўймаслик борасида яқиндан кўмак бериш бўйича таклиф ва тавсиялари ўз аксини топган.

Ўз вақтида ишлаб чиқилган ушбу таҳлилий ҳужжат ҳозирги шароитда жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатимизда пандемияга қарши жадал олиб борилаётган тадбирларни БМТ ва унинг ихтисослашган агентликлари тажрибаси ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда манзилли йўналтириш имкониятини беради. Ўзбекистон томони, албатта, БМТнинг мазкур ҳужжатни тайёрлаш борасидаги фаолиятини юқори баҳолаб, шу каби масалаларда бундан кейин ҳам ташкилотнинг Тошкентдаги ваколатхонаси билан яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёрлигини билдириди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ўзбекистонга лаборатория ва синов тўпламларини сотиб олишда, инфекция тарқалишини назорат қилишда, ҳалқаро соғлиқни сақлаш қоидалари ва COVID-19 маълумотларини тўплашда ёрдам бермоқда.

БМТнинг болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ Осиё тарақкиёт банкининг молиявий кўмаги асосида мамлакатимиз учун 1,56 миллион долларлик тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозларни харид қилди. Дори-дармон воситалари, тиббий буюмлар ва бошқа ксракли анжомлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигига ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ташқи сиёсий ва иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришда ҳамда уларни юкори боскичга олиб чиқиша мухим омил саналади.

Хозирги кунда дунёнинг 164 та мамлакатини ўз таркибига олган йирик иқтисодий интеграциялардан бири Жаҳон савдо ташкилотидир. Ташкилот алоҳида низомга эга бўлмай, шартнома ва музокараларга таянган ҳолда ташкил этилгани ва хозирги кунга қадар фаолият юритиб келаётгани унинг ўзига хос жиҳатларидан биридир. Мазкур ташкилотта аъзо бўлиш узок муддатли музокаралар ва турли йўналишларда комплекс ишларни амалга оширишни тақозо этади. Бунда асосий эътибор аъзо давлатлар билан олиб бориладиган икки ва кўп томонлама музокараларга қаратилган.

Ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш ва уларнинг халқаро инфратузилмалар билан интеграциялашувига қартилган тадбирлар доирасида Ўзбекистоннинг ЖСТГа аъзо бўлиши учун салмокли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2020 йил 29 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – инвестициялар ва ташки савдо вазири С.Умурзоков раҳбарлигига Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) билан ишлаш бўйича Идоралараро комиссиянинг навбатдаги йиғилиши видеоконференция шаклида ўтказилди.

2020 йилнинг 7 июль куни Ўзбекистоннинг ЖСТГа кўшилиши бўйича ишчи гурухнинг 4-йиғилиши бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда 60 дан ортиқ мамлакат вакиллари, жумладан, АҚШ, Европа Иттифоки, Хитой, Россия, Япония, Канада, Бразилия, Панама, Парагвай, Уругвай, Никарагуа, Мўғулистан, Гондурас, Ҳиндистон ва бошқалар иштирок этди.

Йиғилиш давомида аъзо давлатларнинг саволларига ўзбек экспертлари томонидан батафсил жавоблар берилди.

Утрашув якунида Ўзбекистоннинг ташкилотга кўшилиши жарайининг кейинги босқичлари, яъни фактологик резюме ишлаб чиқиш, икки томонлама утрашувларни ташкиллаштириш ва уларни ўтказиш, илгари тақдим этилган хужжатларни янгилаш каби муҳим масалалар юзасидан келишиб олинди.

Хозирги кунда ЖСТга аъзо давлатларнинг аксарияти, жумладан, Хитой, ЕИ, Туркия, Япония, Россия каби давлатлар Ўзбекистоннинг ЖСТга кириши учун амалга ошириладиган тадбирларда ҳар томонлама кўмак кўрсатишга тайёр эканини билдириди.

Юртимизда охирги уч йилда «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» тамоили асосида халкимиз хаётини тубдан яхшилашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётгани халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланмоқда. Жумладан, БМТнинг Инсон хукуқлари бўйича Олий комиссари Мишел Бачелетнинг 2019 йил якуни бўйича тақдим этган йиллик ҳисоботида илк бор Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотларга алоҳида ижобий ургу берилган.

Шу билан бирга, 2020 йилнинг март ойида БМТнинг Инсон хукуқлари бўйича қўмитаси Ўзбекистон Республикаси томонидан тақдим қилинган Бешинчи даврий ҳисоботни кўриб чикиб, юртимизда коррупцияга қарши кураш, аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, суд-хукуқ соҳасини ислоҳ қилиш, болалар ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш соҳасидаги ютукларга ижобий баҳо берган. Хозирги кунда қўмитанинг бу борадаги тавсияларини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг ОАВ эркинлиги бўйича вакили Арлем Дезир Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш соҳасидаги ишларга юқори баҳо бермоқда. Жумладан, унинг офиси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва Миллий масс-медиани кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда қатор тадбир ва лойиҳаларни амалга оширимоқда. 2020 йилда ЕХХТнинг Марказий Осиёда сўз эркинлиги халқаро форумини Тошкентда ўтказиш реjalаштирилди.

2020 йилнинг 22 июнь куни Ўзбекистон Республикасининг Инсон хукуқлари бўйича миллий стратегияси қабул килинди. Ушбу хужжат асосида юртимизда инсон хукуқлари соҳасида янада кенг

кўламли ислоҳотлар ва хорижий ҳамкорлар билан кенг камровли ишлар кўзда тутилган.

Хорижий шерикларимиз ва халқаро ташкилотлар билан мuloқot жараёнида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислоҳотларнинг ортга қайтмаслиги ва давомийлигини алоҳида таъкидлаб келинмоқда. Ўзбекистон вакилининг 2021–2023 йиллар мобайнинда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кенгашига аъзо бўлиб сайла-ниши мазкур соҳада мамлакатимизнинг дунё давлатлари олдидаги нуфузини янада ошириди.

Ўзбекистон Европа Иттифоки билан муносабатларда инсон ҳуқуқлари ва конун устуворлиги соҳасидаги ҳамкорликни ривож-лантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиёда биринчилардан бўлиб адлия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва тегишли масалалар бўйича Ўзбе-кистон – Европа Иттифоки куйи қўмитаси доирасида «Инсон ҳуқуқлари бўйича мuloқot»ни ташкил этди. Бугунги кунга кадар томонлар ўргасида 12 раунд мuloқot бўлиб ўтди.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида кўп қирралি ислоҳотлар бошланган пайтдан буён европалик ҳамкорларимиз жамиятни демократлаштириш, конун устуворлигини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти, сўз эркинлиги ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги чукур ўзгаришларни кўллаб-куватлаб келмоқдалар.

Ўзбекистоннинг мажбурий меҳнатга барҳам бериш, суд ислоҳотлари, кийноқларнинг олдини олиш ва фуқаролиги бўлма-ган шахслар билан боғлик муаммоларни ҳал этиш борасидаги ютуқларини Европа Иттифоки томони алоҳида таъкидлайди.

Ушбу соҳалардаги сезиларли ютуқлар туфайли 2019 йилда Ев-ропа Иттифоки «индивидуал ҳолатлар» деб номланувчи рўйхатни биринчи марта тақдим этмади. Албатта, бу мамлакатимизда мазкур соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлардаги сезиларли ўзгаришлар-дан далолат беради.

Маълумот учун: «Ўзбекистон – ЕИ» куйи қўмитасининг ад-лия, ички ишлар, инсон ҳуқуқлари ва тегишли масалалар бўйича йигилишлари доирасида Европа томони қамоқдан озод килиш талаби билан «сиёсий маҳбуслар» деб аталувчи 10–15 кишининг рўйхатини анъанавий тарзда тақдим этди.

Бундан ташқари, Европа томонининг таъкидлашича, 2019–2020 йилларда окланганларнинг ўтган йилларга нисбатан жуда кўплиги

Ўзбекистон суд тизимидағи ислоҳотлар амалда ижобий натижаларни кўрсатётганидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг ушбу соҳада эришган ижобий натижалари Европа Иттифоқининг дунёда инсон ҳукуқлари ва демократия бўйича йиллик ҳисоботида (2020 йил июнь ойида эълон қилинган) ҳам юқори баҳоланди. Ҳужжатда 2016 йилдан бошлаб Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистонда жамиятни босқичма-босқич либераллаштириш ва демократлаштиришга қаратилган кенг қамровли ислоҳотлар дастури, шу жумладан, сиёсий дастурлар амалга оширилаётгани таъкидланган.

Алоҳида қайд этилишича, бу йўналишда жиддий ютуқларга 2019 йилда ва унинг якунидаги (22 декабрь) бўлиб ўтган парламент сайловида эришилди. Бу эса, ўз навбатида, республикамиз раҳбариятининг туб ўзгаришларни амалга оширишга бўлган интилишларини яққол намойиш этди.

Бундан ташқари, ЕИ ҳисоботида сўз эркинлиги соҳасида эришилган ижобий ўзгаришларга эътибор қаратилган. Жумладан, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги турли давлат идоралари билан ишлашда қийинчиликларга дуч келган ўзбекистонлик журналистларга жиддий ёрдам кўрсатгани қайд этилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон 2019 йилда «Чегарасиз ОАВ» таснифига кўра, «қора худуд»дан чиқарилиди.

Юртимизнинг инсон ҳукуқларини таъминлап борасидаги ютуқларини инобатга олган ҳолда, ЕИ ва унга аъзо давлатларнинг аксарияти Ўзбекистоннинг глобал сиёсий жараёнлар, жумладан, БМТнинг Инсон ҳукуқлари кенгашига аъзо бўлишида фаол иштирок этди.

Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш, юртимизга чет эллик сайёҳларни жалб қилиш, умуман, мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини кучайтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларимиз БМТнинг Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) томонидан ижобий қабул қилинмоқда.

Мамлакатимиз вакиллари ЮНВТО шафелигига ташкил этиладиган йирик ва нуфузли туристик ярмаркалар – FITUR, ITB, JATA, World Travel Market, Top Resa ва шунга ўхшашиб катор ҳалкаро тадбирларда ҳамда улар доирасида ўтказиладиган вазирлар даражасидаги анжуманларда доимий равишда фаол иштирок этиб келмоқда. Бу эса ҳозирги кунда туризм соҳасидаги муҳим масала-

лар юзасидан халқаро ҳамкорлар билан фикр алмашиш имконини бермоқда.

Ташкилот Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ташаббусларини ҳар томонлама ва кенг қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, мамлакатимиз ташаббуси билан 2020 йилнинг 1 июнь куни Жаҳон сайёхлик ташкилотининг «Тикланиш йўли» мавзусидаги халқаро анжумани ташкил этилди. Унбу онлайн мулокот жараёнида SAFE TRAVEL GUARANTEED ташаббуси, яъни Ўзбекистонда коронавирусга қарши курашиш, ҳавфсиз туризмни жорий этиш, юргимизда хорижий сайёхлар учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақидаги янгилик ташкилотга аъзо давлатлар ўргасида илгари сурилди.

Бундан ташқари, 2020 йилнинг 25 июнь куни Ўзбекистон ралислигида ЮНВТОнинг Европа минтақавий комиссиясининг навбатдаги 65-сессияси видеомулоқот тарзида ташкил этилди. Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринbosари, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Азиз Абдухакимов 2023 йилда БМТ Жаҳон сайёхлик ташкилотининг Ижроия кенгашига 2021–2023 йиллар учун ва Бош ассамблеянинг 25-сессиясини ўтказишга Ўзбекистон номзодини илгари суриш ташаббусини эълон қилди ҳамда бу аъзо давлатлар томонидан илиқ кутиб олинди.<sup>1</sup>

Ишончимиз комилки, бундай хайрли ишлар келгусида ҳам давом этади. Бунинг натижасида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи мустаҳкамланиб, Ватанимизнинг куч-кудрати юксалиб бораверади.

2020 йилнинг 12 авгуаст куни Хитой халқаро муаммолар академияси ташаббуси билан «Коронавирус эпидемияси шароитида Хитой ва Евроосиё мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорлик: имкониятлар ва муаммолар» мавзусида видеоконференция бўлиб ўтди.

Онлайн тадбирда Хитой, Россия, Ўзбекистон, Козогистон, Қирғизистон, Тожикистон мамлакатларининг нуфузли илмий-тадқиқот институтлари ва йирик ақл марказлари вакиллари, малака-

<sup>1</sup> Ўзбекистоннинг Европа мамлакатлари ва халқаро ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигига янги давр бошланди. <https://yuz.uz/news/ozbekistonning-evropa-mamlakatlari-va-xalqaro-tashkilolar-bilan-ozaro-manfaatli-hamkorligida-yangi-davr-boshlandi>

ли эксперталар, Ўзбекистон томонидан «Тараққиёт стратегияси» маркази ижрочи директори Элдор Туляков иштирок этди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий ривожланиш вазифаларини ҳал этиш, миңтақадаги қўшни давлатлар ва дунёниг етакчи давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликни фаоллашириш устувор аҳамият касб этмоқда. Шу нуктаи назардан, «Бир макон – бир йўл» кенг кўламли лойиҳаси доирасида Ипак йўлини тиклашда Ўзбекистоннинг иштироки масаласига стратегик вазифа сифатида каралмоқда.

Таъкидлаш жоиз, эпидемиологик инқирозга қарши курашда Ўзбекистон ва Хитой ўз фуқароларининг саломатлиги учун зарур бўлган барча ресурсларни сафарбар этишга қодир самарали бошқарувга эга масъул давлатлар сифатида ўзининг энг яхши фазилатларини намоён этди.

Айни пайтда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби мавжуд бўлиб, бу ўзаро товар айирбошлиш ҳажмини оширишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, Ўзбекистон – Хитой товар айланмаси ҳажми 2019 йил якунларига кўра 7,6 миллиард долларни ёки Ўзбекистон умумий ташки савдо ҳажмининг 18,1 фоизни ташкил этган. Жорий йилнинг I чорагида эса, ушбу кўрсаткич 1 миллиард 364 миллион доллар, яъни Хитойга Ўзбекистон экспорти 400,8 миллион доллар, Хитойдан импорт эса 963,5 миллион доллар деб қайд этилган.<sup>1</sup>

Мамлакатимизда 2020 йил бошида Хитой инвестициялари иштирокидаги 1652 корхона (жами корхоналар соннинг 16 фоизи) фаолият юритмоқда, шундан 531 таси 2019 йилда ташкил этилган бўлиб, нефть-газ, тўкимачилик, телекоммуникация, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика тармоқлари, кимё саноати ва қурилиш материаллари соҳаларини қамраб олган ва жами 20 мингдан ортиқ иш ўрнини яратган. Шу билан бирга, 120 дан ортиқ корхона – 100 фоиз Хитой капитали асосида ишламоқда.

Бундан тапқари, Хитой билан Ўзбекистон учун тобора муҳим бўлган иқтисодий ҳамкорлик соҳаси – саноат, транспорт, фарма-

---

<sup>1</sup> Коропавирус эпидемияси даврида Хитой ва Евросиё мамлакатлари ҳамкорлиги қай ҳолатда? <https://strategy.uz/index.php?news=1050>.

цевтика, телекоммуникация, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида турли лойиҳаларни амалга оширишда XXРнинг инвестициявий кўмаги ортиб бормоқда, шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида Хитой компаниялари иштирокида юкори технологиялар асосида кўшма саноат парклари ташкил этилмоқда.

Коронавирус пандемияси туфайли жорий этилган чекловлар Ўзбекистон – Хитой савдо-иктисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигининг ҳозирги ҳолатига салбий таъсир кўрсатса-да, икки мамлакат ҳукумати ва жамоатчилиги ушбу жараённинг салбий оқибатларини камайтириш бўйича жиддий саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Ҳар икки мамлакат ўзаро товар айирбошлиш ҳажмининг кескин камайиб кетишининг олдини олиш, Ўзбекистон – Хитой савдо тузилмасини мақбуллаштириш ва режалаштирилган кўшма лойиҳаларни амалга оширишни қайта бошлиш бўйича жиддий саъй-ҳаракатларни давом эттирмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва XXРнинг айрим ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорлик ҳажми ва йўналишларининг ўсиш тенденцияларини хисобга олган ҳолда, ўрта муддатда савдо-иктисодий ва гуманитар саъй-ҳаракатларни бирлаштиришга эътибор қаратиш фойдали бўлади.

Хитой минтақавий ривожланишга кўмаклашиш, ШХТ майдонида соғликни сақлаш ва экология муаммоларини ҳал этиш, «Бир макон – бир йўл» доирасидаги муҳим лойиҳалар бўйича ишларни қисқа муддатда қайта тиклашга тайёр эканини билдирамоқда.

Коронавирус пандемиясига қарши курашда Ўзбекистон, аввало, ўзининг куч ва имкониятларига таянди. Давлатимиз раҳбариятининг ташаббуси билан кенг жамоатчилик иштирокида *«Мехр-шафқат ва саломатлик»* жамғармаси фаолияти йўлга кўйилиб, 2020 йил 10 апрелигача бўлган қисқа даврда бу жамғарма 57 миллиард 613 миллион сўмдан ортиқ микдорда муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатди.<sup>1</sup>

Камбағалликни қисқартириш дастури доирасида мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудида «темир дафтар», «аёллар дафтари» ва «ёшлилар дафтари» шакллантирилиб, ижтимоий кўмакка муҳтож

<sup>1</sup> «Мехр-шафқат ва саломатлик» фондига канча маблағ тушди ва у нималарга сарфланмоқда? //<https://kun.uz/news/2020/04/12/mehr-shafqat-va-salomatlik-fondiga-qancha-mablag-tushdi-va-u-nimalarga-sarflanmoqda>.

оилаларга манзилли ёрдам берилмоқда. Эҳтиёжманд оилалар вакиллари баңдлигини таъминлашга эътибор кучайтирилмоқда, оилалар даромадини ошириш орқали уларни «темир дафтар»дан чиқариш чора-тадбирлари кўрилиб, бунинг натижасида жойларда қатор муаммолар ўз ечимини топмоқда.<sup>1</sup>

Ишонч билан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистонда COVID-19га карши кураш борасида бир бутун ва чуқур ўйланган стратегия ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда, бундай ёндаптув Германия, Хитой, Корея Республикаси, Франция, Австрия, Чехия, Дания каби давлатларнинг пандемияга карши курашишдаги энг яхши амалиётларига мос келади. Уларнинг тажрибаси касаллик мониторингини ташкил этиши, соғлиқни саклаш тизими салоҳиятини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш зарурлигига асослашади. Соғлиқни саклаш соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш ва иктисодий ўсишга мустаҳкам замин яратиш орқали глобал инқироз таъсирини камайтириш борасидаги зарур шарт-шароитлар таъминланди.

Айтиш мумкинки, пандемия шароитида ҳукumat ва барча давлат органлари имкон қадар ошкора ишламоқда. Ахборот очиклиги борасида ташлаган йўлимиз ривожланган мамлакатларнинг энг яхши амалиётларига мос келади ва амалда ўзини оқламоқда.

Аввало, барчани келажакка бўлған умидни сўндирмаслик ва кўрилган барча чора-тадбирларнинг кутилган натижани беришига ишониш мухим омиллиги эътибор марказида бўлди. Ўзбекистон худудида коронавирусни жиловлаш мақсадида, пандемиянинг дастлабки кунлариданоқ улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат фуқароларда касалликни аниқлаш ва даволаш бўйича барча харажатларни тўлиқ зиммасига олди. Коронавирус инфекцияси тарқалишига карши курашиш харажатлари учун дастлабки карантин кунларида 1,7 триллион сўм маблағ йўналтирилди.

Ушбу маблағларга тезкор тарзда Тошкент, Наманган, Сурхондарёда карантин зоналари, шунингдек, Зангигита туманида 1000 ўринга мўлжалланган ихтисослаштирилган кўп тармоқли шифохона қуриб битказилди. Баъзи тиббиёт муассасалари қайта ташкил

<sup>1</sup> Бuxoro tumani 3-sektorida «Mehr va sahovat» talbiri ўtkazildi // <https://iiv.uz/news/buxoro-tumani-3-sektorida-mehr-va-sahovat-tadbiri-otkazildi>.

етилиб, янги стационарлар очилди, тиббий ускуналар, шахсий химоя воситалари харид қилинди.<sup>1</sup>

Бу COVID-19га чалинган барча беморларни мұваффакиятли даволашни таъминлаш, тиббий ходимлар саломатлигини сақлаб келиш, Италия, Испания ёки АҚШда кузатилганидек, заарланишларнинг энг юкори чүккисида соғлиқни сақлаш тизимиға оғир юқ тушишига йўл қўймаслик имконини берди.

Бир сўз билан айтганда, ҳукумат карантинни жорий этиш билан гина чекланиб қолмай, соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамлашда, тезкор ёрдам кўрсатиш хизмати салоҳиятини оширишда давом этмоқда.

Ўртча даражадаги оғир бир bemorга даволаниш харажати 32,3 миллион сўм (3,200 доллар), реанимациядаги bemorга эса 64,4 миллион сўм (6,300 доллар)ни ташкил этади. Дастребки ойларда bemorларнинг кейинги реабилитациясида ҳар бири учун 2,5 миллион сўм (250 доллар) сарфланди. Масалан, FAIRHEALTH хисоб-китобига кўра, АҚШда тиббий суғуртасиз бир америкаликни коронавирусдан даволаш 73,3 минг долларга, суғуртага эга bemorni даволаш эса 38 минг долларга тушади. Шунингдек, коронавирусга чалинган касални даволаш харажати 1 миллион долларни ташкил этган ҳолат мълтум.<sup>2</sup>

Ўзбекистонда ўз вақтида кўрилган дастребки карантин чоралари туфайли COVID-19 атрофидаги вазият қўшни давлатлар, МДҲ ва, умуман, бутун дунёга нисбатан анча яхши ва бу жуда муҳимдир.

Нафақат аҳолининг барча қатламлари учун, балки кичик ҳамда ўрта корхоналар ва, умуман, бутун иқтисодиётнинг бир маромада иплашини максимал даражада кўллаб-қувватлаш мақсадида ёрдам пакети кабул қилинди. 500 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти ва 8 миллиондан ортиқ фуқарога қарийб 30 триллион сўм микдорида имтиёз ва преференциялар берилди.<sup>3</sup>

---

<sup>1</sup> <https://coronavirus.uz/uz>

<sup>2</sup> Такрорий карантин ўзини канчалик оқлади ёхуд Ўзбекистон пандемияга карши қурашни қандай давом эттиради? // <http://www.isrs.uz/uz/yangiliklar/takrorij-karantin-uzini-kancalik-oklajdi-ehud-uzbekiston-pandemiaga-karsi-kurasni-kandaj-davom-etadiradi>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологияк осойиштасиғи ва саломатлигини сақлани тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6035-сонли Фармони. 2020 йил 25 июль.

Коронавирус пандемияси вактида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-кувватлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирларнинг умумий қиймати 6,1 миллиард доллардан зиёд, деб баҳоланган. Ўзбекистон шароитида бу маблағлар мамлакат ЯИМнинг деярли 11 фоизини ташкил этади. Иқтисодий имкониятларимизни ҳисобга оладиган бўлсак, бу – анчайин катта маблағ. Шундан 1,7 миллиард долларга яқин ёки қарийб 30 фоиз маблағ юзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини мустаҳкамланига йўналтирилди, бу эса юқори кўрсаткичdir.<sup>1</sup>

Бутун дунёда пандемия оқибатларини минималлаштиришнинг ягона стандарти мавжуд эмас. Ҳар бир мамлакат ўз иқтисодий ҳолатига асосланиб, қарорлар қабул қиласи. Манзилли молиявий ёрдам ижтимоий қўллаб-кувватлаш сифатида фойдалидир, бироқ пул-кредит сиёсати воситаси сифатида долзарб эмас ва, умуман, ривожланаётган иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

*Биринчидан*, қарор қабул қилишда манзилли кўмак тамойилидан келиб чиқилди. Маблағлар, биринчи навбатда, пандемияга карши курашиш учун аҳолининг энг заиф тоифаларига, шунингдек, иқтисодиёт тармоқларининг қўллаб-кувватланиши ва бир маромда ишлаши учун йўналтирилди. Бу пандемиядан сўнг ҳар бир кишининг ишга киришиб кетиши, иқтисодиётнинг «ишлани» мақсадида амалга оширилди.

*Иккинчидан*, тўлақонли ишламаётган хизмат кўрсатиш сектори шароитида катта пул массасининг пайдо бўлиши инфляцияга олиб келиши мумкин, бу эса, охир-оқибатда, озик-овқат ва бошқа кундалик эҳтиёж товарлари нархлари ошишига олиб келади.

Умуман олганда, қабул қилинган модель аҳолининг заиф гурӯҳларига манзилли ёрдам қўрсатишни ташкил этишга асосланди. Мавжуд захиралардан иқтисодий фаолиятни қўллаб-кувватлаш ва одамларни иш ва шунга мос равишда маоп билан таъминлашда фойдаланилди. Бу кслажакда мамлакат аҳолисига бир марталик

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси ва глобал инқиroz ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 19 мартағи ПФ-5969-сонли Фармони.

пул тўлоғларидан кўра кўпроқ иктисадий самара бериши шубҳасиз.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Ўни Ассамблеясининг 75-сессиясида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг мақоми ва салоҳиятини ошириш, ваколатларини кенгайтириш, БМТ шафелигида пандемиялар даврида давлатларининг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш, БМТнинг мувофиқлаштирувчи халқаро тузилма сифатидаги марказий ўрнини янада кучайтириш каби халқаро аҳамиятга молик таклифлар ҳам билдирилди. Улар бугунги глобал дунёнинг янги ривожланган ва тинчликсевар қиёфасини намоён этишга қаратилган таклифлар сифатида эътиборга молик. Чунки, пандемия шароитида кўплаб давлатлар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари асосида ушбу вируста қарши кураш олиб бормокда. Мазкур ташкилот тинимсиз равишда янги тадқиқотлар устида иш олиб бормокда. Демак, ташкилотнинг мақоми ва салоҳиятини ошириш, ваколатларини кенгайтириш инсониятнинг барқарор ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Бу Ўзбекистоннинг халқаро муносабатлардаги позициясининг турли аспектларда, кўп векторли ташқи сиёсатида кўзга ташланади. Мамлакатимиз янги халқаро ва минтақавий ташабbusларига БМТни фаол жалб қилмоқда. Ўзбекистон БМТ билан алоқалари натижасида жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро ҳамкорлик борасида ўзига хос тажриба тўплади. Мамлакатимиз БМТдан йирик ташкилот сифатида глобал ва минтақавий муаммолар ечимига халқаро сиёсий минбар сифатида фойдаланди. Ўз навбатида, Ўзбекистон ташабbusларига БМТ юксак баҳо бермоқда.

Пандемиялар даврида давлатларининг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодекс ишлаб чиқиши таклифи Президентимиз томонидан 2020 июль ойида ўтказилган Халқаро меҳнат ташкилоти саммитида биринчи бор билдирилган эди. Бу кодексда катор асосий йўналишлар белгилаб берилган.

Кодекс қабул қилиниши билан олинадиган ихтиёрий мажбуриятлардан бири хавфсиз меҳнат шароитини яратиш бўлади. ЖССТ маълумотларига кўра, турли давлатларда коронавирусга карши курашда 14 фойздан 35 фоизгача тиббиёт ходимлари қасалланган. Кодексда, биринчи павбатда, уларга ва бошқа соҳа

ходимларига хавфсиз меҳнат шароитини яратиб бериш назарда тутилган.

Кодексдаги иккинчи йўналиш пандемия даврида аҳоли бандлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал килиш мажбуриятини олиш хисобланади. Бу ҳозирги пандемия даврида Ўзбекистоннинг ҳам бошига тушди. Карантин даврида айрим корхоналар фаолияти тўхтади. Ишсизлик кўпайди, иш соатлари қисқарди. Шундай ҳолатда давлат ўз фуқаролари олдида қандай мажбуриятлар олиши бу кодексда акс этади.

Яна бир йўналиш меҳнат муҳожирлари бўйича мажбуриятларни олишга каратилган. Халқаро ташкилотлар статистикаларига кўра, дунё бўйича 272 миллион шахс меҳнат муҳожири сифатида фаолият юритади. Уларда карантин чекловлари даврида чегаралардан ўтиш имконияти камайди. Кодексда уларнинг муаммоларига қандай ёндашиши кераклигига тўхталиб ўтилади.<sup>1</sup>

Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексда ишлаб чиқариш занжирида узлуксиз тизимни ҳосил қилиш ҳам акс этади. Оддий мисол, Ўзбекистонда маълум корхоналар чет элдан хомашё олиб келиб юртимиизда маҳсулот ишлаб чиқаради. Агар 3–4 та хомашёдан бири бўлмаса ҳам, ишлаб чиқариш тўхтаб колади. Бу ҳам ишсизлик даражаси ошишига олиб келади.

Пандемиялар даврида ҳам чегаралар хомашё олиб ўтиш учун очилиши, ишлаб чиқариш занжирининг узлуксиз бўлиши кераклиги кодексда акс этган.

Санаб ўтилган жиҳатлар пандемиялар шароитида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқишнинг аҳамияти қай даражада мухим эканини кўрсатади.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, эҳтиёжманд оиласаларга ёрдам кўрсатилиши борасида ҳеч қандай шубҳага ўрин қолмаслиги лозим. Карантин даврида бундай тоифадаги кишилар озиқ-овқат ва дори-дармонсиз қолиб кетмайди. Давлат масъулиятни

<sup>1</sup> Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриялари тўғрисидаги халқаро кодексда нималар акс этади? Вазир изоҳ берди. <https://www.kun.uz/news/2020/09/24/pandemiyalar-davrida-davlatlarning-ixtiyoriy-majburiyatlari-togrisidagi-xalqaro-kodeksda-nimalar-aks-etadi-vazir-izoh-berdi>

ўз зиммасига олади ва бу режаларни қатъий амалга оширади. Президентимиз таъкидлаганидек, бунинг учун бизда барча захира ва имкониятлар мавжуд. Энг муҳими, биз энди пандемия шароитида яшашга, меҳнат қилишга ўрганишимиз шарт. Ҳаёт давом этмоқда ва у биздан сабр-тоқат ва мустаҳкам интизом билан оқилона ҳаракат килишимизни талаб этади.

#### **1.4. Пандемия даврида халқаро миқёсда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари**

Озиқ-овқат хавфсизлиги иқтисодий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисмидир. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида «таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни мутасил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторининг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»<sup>1</sup> лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Озиқ-овқат хавфсизлиги мамлакат аҳолисининг асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан ички имкониятлардан фойдаланган ҳолда, етарли даражада таъминланишини, импортга боғлиқликни имкон қадар камайтиришни ифодалайди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун икки йўналишда чора-тадбирлар амалга оширилди:

- қишлоқ аҳолиси томорқа майдонларини кенгайтириш ва янги ер участкаларини ажратиб бериш;
- қишлоқ хўжалиги экинлари таркибини қайта кўриб чиқиш.

Давлатпинг озиқ-овқатга оид сиёсати каргошка, мева-сабзавот маҳсулотлари билан ҳам ўзини ўзи таъминлашни кўзда тутади. Аҳолига етарли даражада чорвачилик маҳсулотлари ва ўсимлик ёғи етказиб бериш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш учун зарур бўлған базани барпо этиш, шунингдек,

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

озиқ-овқат маҳсулотлари асосий турларининг етарли захирасини шакллантириш, уларнинг чакана баҳолари барқарорлигини таъминлашга эришиш, четдан келтирилаётган маҳсулотлар ҳажмини қисқартириб бориш каби масалалар ҳам озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишлари хисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағищланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида «Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалалари, ҳеч шубҳасиз, биз учун энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади»<sup>1</sup>, деб таъкидлаб ўтди.

Озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси биринчи бор 1974 йилда Жаҳон озиқ-овқат саммитида таклиф қилинган бўлиб, «озиқ-овқат истеъмолининг барқарор ўсишини таъминлаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳажми ва нархлар ўзгаришларини қоплаш учун асосий озиқ-овқатларнинг дунёда етарли жамғармалари ҳар доим мавжудлигини» англатади. Кейинги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва тўйимлилиги ҳамда шахсий хоҳишлиарни ҳам инобатга олиш мақсадида озиқ-овқат хавфсизлиги тушунчаси кенгайтирилди. Озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида мавжуд замонавий адабиётда жуда кўп тушунча ва қўрсаткичлар мавжуд. Озиқ-овқат хавфсизлигига оид кўпгина тушунча ва қўрсаткичлар мавжудлигига қарамасдан, мазкур ғоянинг ўта муҳимлигини хамма эътироф этган.

1996 йилда Жаҳон озиқ-овқат хавфсизлиги саммити озиқ-овқат хавфсизлигини шарт сифатида белгилади: «...барча одамлар ўз озиқланиш эҳтиёжлари ва шахсий хоҳишлиарига биноан ҳамда фаол ва соғлом ҳаётни таъминлаш учун етарли миқдорда хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига иқтисодий жиҳатдан эга бўла олиши зарур».

2001 йилда озиқ-овқат хавфсизлиги ғоясига моддий ва иқтисодий имкониятдан ташқари ижтимоий имконият тушунчаси ҳам

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағищланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутки. «Халқ сўзи», 2016 йил 15 декабрь.

қўшилди. Ҳозирги ФАО белгилаган тушунча мазкур қўшимча жиҳатни қуидагича акс эттиради: «барча одамлар ўз озиқланиш эҳтиёжлари ва шахсий хоҳишлирага биноан ҳамда фаол ва соғлом ҳайётни таъминлаш учун етарли микдорда хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига эга бўлиши учун жисмонан, иктиносидий ва ижтимоий имкониятлари мавжудлиги озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланди, деганидир»<sup>1</sup>.

Озиқ-овқат хавфсизлиги иктиносидиётнинг шундай ҳолатики, бунда жаҳон бозорлари тебранишларидан катъи назар, бир томондан, илмий асосланган кўрсаткичларга мос микдорда, иккинчи томондан, тиббий меъёрлар даражасида истеъмолни қондириш учун шарт-шароит яратилган ҳолда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминланаш кафолатланади.<sup>2</sup>

Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ўсиб бориши, бизнингча, қуидагилар орқали изоҳланади. Биринчидан, аҳоли

#### 1.1 - жадвал

##### **Дунёда ҳар миллиард аҳоли сонининг кўпайиб бориши ва унинг истиқболлари.<sup>3</sup>**

Аҳоли сони	Йил	Ҳар миллиард аҳоли сони кўпайишининг олдинги даврдан фарқи
1 миллиард	1804	-
2 миллиард	1927	123
3 миллиард	1960	33
4 миллиард	1974	14
5 миллиард	1987	13
6 миллиард	1999	12
7 миллиард	2011	12
8 миллиард	2025	14
9 миллиард	2043	18
10 миллиард	2050	7

<sup>1</sup> Намозов А. Агар соҳада инвестициялардан унумли фойдаланиш – давр талаби // O'zbekiston qishloq xo'sjaligi. – Т.: 2009, 6-сон, 29-б.

<sup>2</sup> [www.icarda.org](http://www.icarda.org) – Курғоқчилик ҳудудларида кишлак ҳўжалиги тадқиқотлари бўйича халқаро маркази (ICARDA)нинг расмий сайти.

<sup>3</sup> World Population Prospects, the 2010 Revision

сонининг ўсиб бориши билан озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж миқдор жиҳатдан ортиб боради. Масалан, 1804 йилда дунё аҳолиси 1 миллиард кишини ташкил этган бўлса, хозирги кунда эса 7 миллиардан ортиқни ташкил этмоқда (1.1-жадвал).

Жадвалдан кўриниб турибдики, сўнгги 200 йилда аҳоли сони деярли 7 баробар ўсган. Озиқ-овқат маҳсулотлари эса ерда етиштирилади. Ернинг юзаси ўзгаргани йўқ. Қолаверса, кейинги йилларда чўллашиш даражасининг ошиши, экин ерларининг шўрланиб бориши натижасида тупроқ унумдорлигининг пасайиши кузатилмоқда.

*Иккинчидан*, аҳоли даромадларининг ўсиб бориши ҳам озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни миқдор ва сифат жиҳатидан ўсишига сабаб бўлмоқда. Кейинги йилларда дунёда аҳоли сони кўп бўлган мамлакатларнинг иқтисодиёти ўсиб бориши ҳам озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ўсиб боришига сабаб бўлмокда.

*Учинчидан*, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёж уларнинг хилма-хиллиги жиҳатидан ҳам ўсиб бормоқда. Яъни, бу ўринда озиқ-овқат маҳсулотлари турларининг кўпайиши, янги турдаги навларнинг яратилиши, озиқ-овқат маҳсулотларидан тайёрланадиган бошқа янги турдаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларнинг ўсиб боришини тушунишимиз керак.

Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг асосий мақсади ички ва ташки салбий таъсирга боғлик бўлмаган холда қайта ишловчи корхоналарни хомашё, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдир. У, ҳатто, валютанинг етишмаслиги, четдан маҳсулотларни олиб киришда эмбарго (бошқа мамлакатлар томонидан тўсиқлар кўйиш) нархларнинг ўсишига боғлик бўлмаган бўлиши керак.

Озиқ-овқат хавфсизлигига эришишнинг муҳим шартлари қуидагилар ҳисобланади.

- ҳар бир инсон учун озиқ-овқат маҳсулотларининг етарли бўлиши (унинг етарли миқдордаги таклифи);
- аҳолининг барча ижтимоий тоифалари, шу жумладан, кам таъминланган аҳоли томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олишнинг иқтисодий жиҳатдан имконияти (истеъмолчилик талабининг тўлов қобилияти);

- меъёрда овқатланиш учун юқори сифатли маҳсулотларни истеъмол килишнинг етарли миқдорда бўлиши.<sup>1</sup>

ФАО мутахассисларининг фикрига кўра, озиқ-овқат хавфсизлиги озиқ-овқат хавфсизлиги омиллари, кўрсаткичлари, таъминотнинг барқарорлиги, эга бўлиш имконияти ва экологик тозалик билан белгиланади. Улар куйида батафсил белгиланган.

**Барқарорлик:** озиқ-овқат таъминоти узилмаслиги учун аҳоли, оила ёки алоҳида шахс ҳар доим озиқ-овқатга эга бўлиши лозим. Улар кутилмаган ҳодисалар (масалан, иқтисодий ёки иқлим билан боғлиқ бўхронлар) ёки циклик ҳодисалар (масалан, иқлим ўзгариши туфайли келиб чиқсан озиқ-овқат танқислиги) туфайли озиқ-овқатдан узилиб қолмаслиги лозим.

**Озиқ-овқат мавжудлиги:** зарур сифатли озиқ-овқат маҳсулотларининг керакли миқдорда ички ишлаб чиқариш ёки импорт орқали таъминланиши. Озиқ-овқат мавжудлигининг энг кўп кўлланиувчи воситаси калорияларда ҳисобланувчи жон бошига кундалик энергия сарфидир (КЭС). ФАО услубларига кўра, КЭС кўрсаткичи озиқ-овқат балансига асосланган озиқ истеъмоли турига биноан ҳисобланади. ФАО муайян товарларни озиқ-овқат таъминотининг турли манбалари (ишлаб чиқариш, жамғармалар, савдо) ва маҳсулотлардан турли мақсадларда фойдаланишга (ёки истеъмол) (ем, уруғлик, саноатда фойдаланиш, чиқитлар) оид маълумотлардан фойдаланиб, озиқ-овқат балансларини ҳисоблайди.<sup>1</sup>

**Озиқ-овқатга эга бўла олиш:** тўйимли озиқланиш учун зарур озиқларга эга бўлиш мақсадида зарур ресурслардан фойдаланиш учун моддий, иқтисодий ва ижтимоий имкониятлар.

Озиқ-овқатнинг моддий таъминоти озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолчилар талаб қилган миқдор ва бозорда мавжудлиги ҳамда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун инфратузилма бўлишини назарда тутади.

Иқтисодий имконият аҳолининг барча ижтимоий қатламлари етарли миқдорда озиқ-овқат маҳсулотларини харид килишга курби этишини билдиради. Бошқача айтганда, иқтисодий имконият ўй хўжаликларининг озиқ-овқат хариди учун етарли даромадга ва

<sup>1</sup> Д.Н.Саидова, И.Б.Рустамова, Ш.А. Турсунов. Аграр сиёсаг ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўқув кўлланма. - Т.: ЎзРФ Фаплар академияси Асосий кутубхонаси нашириёти, 2016. 257-б.

мамлакат озиқ-овқат импорти учун етарли хорижий валютага эгалигини билдиради.

Ижтимоий имконият маданият ёки диндан қатын назар, бутун ахоли адолатли равища озиқ-овқат билан таъминланишини англатади.

*Фойдаланиш:* мувофик озиқланиш, тоза сув, санитария ва соғиликни сақлаш орқали озиқ-овқат истеъмол қилиш билан барча физиологик эҳтиёжлар қондирилувчи ҳолатга етиш. Бирор кўрсаткичга етишмаслик озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси пастлиги ёки озиқ-овқат етишмаслигига олиб келади.

Озиқ-овқат етишмаслиги шундай вазиятки, ахоли меъёрда ўсиш, ривожланиш ҳамда фаол турмуш тарзи учун зарур бўлган хавфсиз ва тўйимли озиқ-овқатларни етарли миқдорда ололмайди.

Озиқ-овқат етишмовчилиги ёки озиқ-овқат хавфсизлиги даражаси пастлиги ахоли орасида қониқарсиз озиқланишга олиб келиб, у, ўз навбатида, одамлар, оиласлар ва бутун мамлакат ахолиси учун жиддий оқибатларга олиб келади.

Миллий даражада озиқ-овқат хавфсизлиги даражасининг таҳлили озиқ-овқат баланси (ООБ)да, яъни мамлакатда озиқ-овқат мавжудлигига акс эттирилади. ООБ муайян даврда мамлакатда озиқ-овқат таъминоти ва инсон истеъмоли учун мавжуд озиқ-овқат миқдори ва уларнинг озиқ кийматига оид статистик маълумотларнинг ҳисоб-китобини таъминлайди. Озиқ-овқат балансида озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги ва импортта оид маълумотлар йигилган бўлиб, мамлакатда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги шароитини ҳамда мамлакат қай даражада импортга қарамлигини (импортга қарамлик кўрсаткичи) баҳолашга имкон беради.

Ахолининг озиқ-овқат хавфсизлиги ҳолатини баҳолаш қўйидаги кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилади:

- ▶ мамлакатнинг барча ҳудудида тўловга қобил талабга мос келадиган миқдорда ва ассортиментда озиқ-овқат маҳсулотларининг доимий равища мавжудлиги;
- ▶ барча истеъмолчилар учун унинг ижтимоий мақоми ва яшаш жойидан қатын назар, озиқ-овқат маҳсулотларини минимал даражада истеъмол қилиш имкониятининг мавжудлиги;
- ▶ озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги – инсон учун ушбу маҳсулотни яроқсиз ҳолга келтирувчи ёки хавфли бўлган моддаларнинг мавжуд эмаслиги;

- озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, яъни ҳар куни инсон томонидан унга зарур бўлган миқдордаги калория ва озукавий компонентларнинг унинг ёши ва фаолият соҳасига боғлиқ равишда истеъмол қилиниши. Бунда овқатланиш сифати овқатда мутасадди органлар томонидан тавсия қилинган, рационал меъёrlарга мувофик келадиган оқсил, ёғ, углеводлар, витаминалар, макро- ва микроэлементларни уйғунлаштириш орқали таъминланади.<sup>1</sup>

Юкорида кўрсатилган аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигининг умумий мезони белгиланади. Аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланнишини баҳолашда муайян белгилар асосида ҳам миқдори, ҳам сифати бўйича дастлабки қиймат бутун дунёда мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлаши ва ўткинчи захираларнинг даражаси хисобланадики, у мазкур захираларнинг 15–20 фоизини ташкил қилиши керак.<sup>2</sup>

Халқаро ташкилотлар миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолаш учун МДҲ иштирокчилари бўлган давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини ошириш концепциясида тақлиф этилган кўрсаткичларидан фойдаланиш мумкин. МДҲ аъзолари бўлган давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини ошириш концепцияси 2010 йил 19 ноябрда МДҲ хукумат бошликлари кенгашининг қарори билан тасдиқланган бўлиб, унда мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги даражасини баҳолаш қуидаги кўрсаткичлар мажмуаси келтирилган (1.2-жадвал).

МДҲнинг аъзолари бўлмиш давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш даражасининг мажмуавий баҳоси сифатида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги ва балиқ маҳсулотлари, хомашё ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг ички бозордаги товар ресурсларининг умумий ҳажмига бўлган нисбатининг фоиздаги ифодасидан фойдаланилади.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Д.Н.Сайдова, И.Б.Рустамова, Ш.А. Турсунов. Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўкув қўлланма. – Т.: ЎзР Фанлар академияси Асосий кутубхонаси нашриёти, 2016. 257-б.

<sup>2</sup> Gary Bickel, Mark Nord, Cristofer Price, William Hamilton, John Cook. Measuring Food Security in the United States. Guide to Measuring Household Food Security. USA ,USDA, 2000.

<sup>3</sup> Д.Н.Сайдова, И.Б.Рустамова, Ш.А. Турсунов. Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўкув қўлланма. – Т.: ЎзР Фанлар академияси Асосий кутубхонаси нашриёти, 2016. 257-б.

**Озиқ-овқат хавфсизлиги даражасини баҳолаш күрсәткічлари.**

<b>№</b>	<b>Озиқ-овқат хавфсизлиги даражасини баҳолаш күрсәткічлари</b>
<b>1</b>	<b>2</b>
1.	Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш учун иқтисодий имкониятларнинг мавжудлігі – озиқ-овқаттарға кетадиган харажатларнинг барча турдаги товар ва хизматларга килинадиган жами харажатларга нисбати;
2.	Ички бозорнинг айрим озиқ-овқат маҳсулотлари бүйіча салохиятлы сиғими – мұайян озиқ-овқат маҳсулотини рационал истеъмол қилишининг ахоли жон бошига тұғри келадиган миқдорининг шу маҳсулотни истеъмол қилишининг амалдагы миқдорига күпайтмасы;
3.	Айрим озиқ-овқат маҳсулотлари бүйіча озиқ-овқат мұстакиллігінинг даражаси – аниқ турдаги озиқ-овқат маҳсулотини мамлакатнинг ўзіда ишлаб чықарып ұажмининг шу маҳсулотни амалда истеъмол қилиш ұажмуга нисбати;
4.	Биологик сифат күрсәткічи маҳсулотнинг озуқавий құммати бўлиб, 1 грамм озиқ-овқат маҳсулотида ҳаёттій мухим озуқавий моддалар ва энергиянинг миқдори билан белгиланади: энергетик қувват (ккал), оқсип (мг), ёғлар (мг), углеводлар (мг);
5.	Биологик хавфсизлик күрсәткічи озиқ-овқат маҳсулотидаги заарлар ингридиентларнинг миқдори билан белгиланади, у йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрий даражадан ошмаслиги керак;
6.	Инсон рационининг суткалик озуқавий ва энергетик құммати;
7.	Ҳар бир алоҳида озиқ-овқат маҳсулотини истеъмол қилишининг етарлилік даражаси;
8.	Давлат ресурсларида дон захираларининг етарлилік даражаси;
9.	Тоза ичимлик суви захираларининг етарлилік даражаси;
10.	Аҳолининг ҳар хил тоифалары учун озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш имкониятларининг мавжудлік даражаси;
11.	Мамлакат озиқ-овқат таъминоти ҳамда агросаноат мажмудалари ресурс таъминотининг импорта қарамлагы даражаси;
12.	Стратегик, оператив ва ўтқинчи озиқ-овқат захираларининг уларнинг меъёрий даражасига таққосланған ҳажми;
13.	Мамлакатимизда ишлаб чықарыладиган қишлоқ хұжалиғи ва балиқ маҳсулотлари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг уларни умумий истеъмол қилиш ҳажмидаги ва товар ресурсларидаги улуши (солиштирма ҳиссаси);
14.	Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган физиологик эҳтиёжларнинг уларнинг хавфсизлиги, озуқавий энергетик құмматини ҳисобга олган ҳолда қондирилиш даражаси;
15.	Ишлаб чықарылаётган қишлоқ хұжалиғи ва балиқ маҳсулотлари, хомаше ва озиқ-овқат маҳсулотларининг ички бозордаги товар ресурслари умумий ҳажмидаги солиштирма улушининг фоиздаги ифодаси.

**МДХ мамлакатларининг асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини ўзи таъминлаш даражасининг тавсия этилаётган дастлабки қиймати**

Маҳсулот номи	Ўзини ўзи таъминлаш даражасининг тавсия этилаётган дастлабки қиймати, фоиздан кам бўлмаган
Дон	95
Сут ва сут маҳсулотлари (сутга қайта хисобланган ҳолда)	90
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари (гўштга қайта хисобланган ҳолда)	85
Балиқ маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, шакар	80

МДХ аъзоси бўлган давлат учун ўрта муддатли истиқболда дастлабки қиймат тавсия этилган (1.3-жадвал).

Озиқ-овқат хавфсизлигини баҳолашнинг халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида таклиф этилган асосий дастлабки қиймат ва кўрсаткичларидан ташкари мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги борасидаги салоҳият даражасини қуидаги йўналиши ва мезонлар бўйича инобатга олиш ҳамда баҳолаш лозим:

- қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш салоҳияти, у мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари, ерлар ва меҳнат ресурслари бўйича баҳоланади;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг тараққиёт ва барқарорлик даражаси, бунда мавжуд техника ва технологияларнинг амалдаги сифати, АСМ тармоклари ва ташкилотларининг молиявий-иктисодий холатини баҳолаш натижалари инобатга олинади;
- мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминланганлик даражаси, бунга бюджетдан молиялаштириш ва бошқа манбалар ҳам киритилади;
- мамлакатимиздаги ташкилотлар томонидан ишлаб чиқарилаётган аграр маҳсулотлар ва озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати;
- импортнинг кўлами, жумладан, мамлакатдаги ишлаб чиқаришни аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжлари билан таққослаган ҳолда;

## 1.4. ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ХАЛҚАРО МИКЕСДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ...

- озик-овқат маҳсулотларининг очиқлик даражаси билан импорт интервенциясига қарши таъсир кўрсатиш механизми;
- атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва тақиқланган препаратлар, технологиялар, жумладан, гени модификация қилинган организм (ГМО), ўсишни рағбатлантириш воситалари, антибиотиклар ва бошқалардан фойдаланиш нуқтаи назаридан тармоқнинг экологик жиҳатдан ривожланиш даражаси;
- озик-овқат хавфсизлигига қўйилган талабларнинг қонунчиликка, меъёрий хужжатлар тизимиға, давлат аграр сиёсатининг йўналишларига ҳамда жаҳон тенденциялари ва меъёрларига мослиги;
- озик-овқат хавфсизлигига таҳдид ва таҳдикалар.

Маълум бир даврда қишлоқ хўжалигининг ривожланиши нуткай назаридан озик-овқат хавфсизлигининг эришилган даражасини кўйидаги кўрсаткичларга кўра баҳолаш мумкин (1.4-жадвал).

### 1.4 - жадвал

#### Озик-свқат хавфсизлигининг эришилган даражасига кўра баҳолаш кўрсаткичлари

1.	<b>Асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришининг жон бошига тўғри келадиган миқдори</b>
	Ушбу кўрсаткич ёрдамида иқтисодиётнинг мазкур секторидаги тақрор ишлаб чиқариш жараёнининг динамикасини кўриб чиқилаётган даврда аҳоли сонининг ўзгаришини инобатга олган ҳолда баҳолаш мумкин.
2.	<b>Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тавсия этилган стандартлар ва халқаро мезонларга мослиги</b>
	Шу стандартларга мувофиқ ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришининг жон бошига истеъмол қилиш бўйича етарли даражасини таъминлаш учун миқдор ва сифат таркибини тавсия этиш мумкин.
3.	<b>Асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар</b>
	Давлат ёки ҳудудлар даражасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг молиявий-иқтисодий ҳолатини тезкор баҳолаш учун кўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин: – қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бутун фаолиятидан олинган қолдиқ натижаси (фойда ва зарар); – фойда олиб ёки зарар кўриб ишлаётган корхоналар сони; – умуман, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ва, жумладан, зироатчилик ҳамда чорвачиликнинг рентабеллик даражаси.

Алоҳида уй хўжаликларининг озиқ-овқат хавфсизлигига асосан аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад таъсири кўрсатади, чунки ҳар бир кишининг амалда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиши даромад даражасига боғлиқ. Даромадлар, ўз навбатида, оиласдаги ишловчи аъзоларнинг иш ҳаки миқдорига, ногиронлар, пенсионерлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламларининг пенсиялари ва ижтимоий нафақаларига; индивидуал фаолиятдан келадиган даромадларга боғлик бўлади. Бунда озиқ-овқат маҳсулотларига кетадиган харажатларнинг реал пул даромадлари билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг, АСМнинг озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати маҳсулотлари нархларининг ўзгаришлари билан корреляциялашуви ўз беради.

Аҳоли овқатланишининг миқдор ва сифат кўрсакичлари бўйича қуйи чегараси таркибига маълум бир товар ва хизматлар тўплами киритиладиган минимал истеъмол саватчаси сифатида қараш мумкин.

Озиқ-овқат хавфсизлигининг муҳим натижавий кўрсаткичи бўлган озиқ-овқатлар саватчасининг қиймати айнан ўша истеъмол саватчасидаги маҳсулот тўпламига боғлиқдир. Унинг миқдори аҳолининг муайян гуруҳлари учун уларнинг жинси ва ёшини инобатга олган ҳолда, минимал истеъмол меъёрларини товар ишлаб чиқариладиган тармоқда: ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш – қишлоқ хўжалиги – қайта ишлаш – маҳсулотни пировард истеъмолчига сотиш соҳасида қарор топган ўртacha нархларга кўпайтириш йўли билан ҳисоблаб чиқилади. Бунда, шуни назарда тутиш лозимки, турли мамлакатларда минимал истеъмол саватининг меъёрлари илмий асосланган овқатланиш меъёrlаридан сезиларли даражада фарқланиши мумкин.

Минимал истеъмол саватчасининг товар ва хизматлар тўпламидан келиб чиқсан ҳолда яшаш минимуми аниқланади, у бир киши учун инсоннинг минимал биоижтимоий эҳтиёжларининг қондирилишини таъминлайдиган минимал истеъмол саватчасининг қийматига тенг бўлган минимал даромаддан иборат. Шуни инобатга олган ҳолда, яшаш минимуми қуйидагилар учун мўлжалланган (1.1-расм).

Кўрсатиб ўтилган омилларнинг озиқ-овқат хавфсизлигига таъсирини озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишининг қуйидаги кўрсаткичлари асосида баҳолаш мумкин (1.2-расм):



турмуш даражасини баҳолаш;  
камбағаллик даражасини аниқлаш;  
ижтимоий сиёсатнинг йўналишларини асослаш;  
аҳолини ижтимоий кўллаб-куватлаш бўйича  
тадбирларни амалга ошириш;  
иш ҳақи, пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларнинг  
энг кам миқдорини асослаш.

### 1.1-расм. Яшаш минимуми кўрсаткичининг қўлланиши

Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги сиёсатида, асосан, ўзининг кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва ички бозорларини ривожлантиришга, кисман чет эллардан озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилиш асосида аҳолини озиқ-овқатга бўлган мақбул даражадаги эҳтиёжини кондириш кўзда тутилади. Давлатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш сиёсати ўзини ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражаси ҳамда уларни импорт қилиш даражасини оқилона уйғунлаштириш, мамлакат аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг кафолатланган имкониятларини яратиш, бу борада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга қодирлиги мухим ҳисобланади. Бундан ташкири, ушбу сиёсат даврий равиша янгиланиб турадиган озиқ-овқат захирасини яратишга ҳам қартилган бўлади.

Аҳоли даромадларининг харид қобилиятини баҳолаш: минимал ва ўртача ойлик иш ҳақининг, минимал пенсиянинг яшаш минимумига нисбати;

Агар ушбу нисбатнинг қиймати 1 га тенг бўлса, озиқ-овқат товарларини истеъмол қилиш даражаси минимал истеъмол саватчасига мос бўлади.

Агар нисбатнинг қиймати 1 дан катта бўлса, озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражаси минимал истеъмол саватчасидан каттароқ бўлади.

Асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг амалда жон бошига  
истеъмол қилинадиган миқдори.

### 1.2-расм. Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг баҳолаш кўрсаткичлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майда «Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш», мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан кўллаб-куватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4700-сонли қарори қабул қилинди.

Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилиги юзага келиши мумкин бўлган шароитда қишлоқ хўжалигидаги мавжуд ресурслар ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, озиқ-овқат экинларини икки баробар кўпайтириш, юқори ҳосил олиш, қишлоқ хўжалиги соҳасида янги иш ўринларини яратиш ва манфаатдорликни ошириш борасида замонавий ёндашувларни жорий этиш мақсадида фойдаланишдан чиқиб кетган ва сизот сувлари захираси мавжуд бўлган ерларни фойдаланишга киритиш, уларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ахолига имтиёзли шартлар асосида ажратиб бериш тартиби жорий қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан кўллаб-куватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4700-сонли Қарорига асосан:

- Солик кодексининг 57-моддасида назарда тутилган шартларга жавоб берувчи қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ўзи ишлаб чиқарган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини сотишдан олинган фойдаси бўйича фойда солиғи ставкаси 0 фоиз миқдорида белгиланганди;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлаш, шунингдек, ипак қурти етиштириш учун фойдаланиладиган қишлоқ хўжалиги корхоналари балансида бўлган мол-мулкнинг ўргача йиллик қолдик қиймати юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни хисоблашда солик базасидан камайтирилди;
- томчилатиб суғориш тизими кўлланадиган ерлар – томчилатиб суғориш тизими жорий этилган ойнинг бошидан эътиборан беш йил муддатга, қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун янги ўзлаштирилаётган ерлар – ваколатли орган томонидан

тасдиқланған лойихага мувофик, уларни ўзлаштириш ишлари бажариладиган даврда ва улар ўзлаштирилган вактдан эътиборан беш йил мобайнида ҳамда янги барпо этилаётган боғлар, токзор ва тутзорлар эгаллаган ерлар, дараҳтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланишдан қатъи назар, уч йил муддатга ер солигидан озод қилинганди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 марта даги ПФ-5969-сонли Фармонига асосан қишлоқ хўжалигидаги ерларни сугориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик ставкалари 2020 йилда ўрнатилган ставкалардан 50 фоизга пасайтирилгани маълумот ўрнида келтирилган.

Инқирозга қарши курашиш дастури доирасида ажратилган маблағлардан ер майдонларини фойдаланишга киритиш учун туман бюджетларига Бosh вазирининг агарар ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарининг таксимотига асосан 300 миллиард сўм ажратилади.

Шунингдек, қарор билан коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-куватлаш чораларини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси» тасдиқланди.

**Таянч иборалар:** пандемия, инқироз, соглиқни сақлаш, соликлар, озиқ-овқат хавфсизлиги, минимал истеъмол савати, саҳоват ва кўмак, халқаро ташаббуслар, интеграция, халқаро ташкилотлар, индустрисал ва интеллектуал салоҳият, қишлоқ хўжалиги, иқтисодий барқарорлик, ресурслар.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Коронавирус эпидемиясининг тарқалиши қаердан ва нимадан бошлиниганди?
2. Мамлакатимизда коронавирус пандемиясининг тарқалишига қарши қандай чоралар кўрилди?
3. Халқаро ҳамкорликнинг ривожланишида халқаро молия институтларининг ўрни қандай?

4. Жаҳон савдо ташкилотига Ўзбекистоннинг аъзо бўлиши қандай янги имкониятларни очади?
5. Сизнингча, Ўзбекистонни ЖСТга аъзо бўлишининг ижобий ва салбий томонлари нималарда намоён бўлади?
6. Иқтисодиётнинг қайси соҳаларидағи ҳалқаро ҳамкорлик Ўзбекистон учун самарали деб ҳисоблайсиз?
7. Миграция масалаларидағи муаммолар ҳалқаро ҳамкорлик натижасида қандай ечимга эга бўлади?
8. Глобаллашув ва ҳалқаро ҳамкорлик орасидаги ўзаро боялиқликни тушутиринг.
9. Марказий Осиё давлатлари билан Ўзбекистоннинг иқтисодий соҳадаги алоқаларининг келгусидаги истиқболлари қандай?





## ТЕСТ

**1. «Ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият ер юзидағи барча давлатлар ва халқлар ўзаро боғлиқ эканини, мунтазам муроқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботлаб берди». Мазкур фикрлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг қачон сўзланган ва қайси нутқидан олинганини аникланг.**

- A) 2020 йил 23 сентябрда, БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида сўзлаган нутқидан;
- B) 2018 йил 24 сентябрда, БМТ Бош Ассамблеяси 73-сессиясида сўзлаган нутқидан;
- B) 2018 йил 22 январдаги, Президентнинг Олий Мажлисга Мурожатномасидан;
- Г) 2019 йил 7 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллик тантаналарига бағишиланган йиғилишдаги нутқидан.

**2. Коронавирус тарқалишига қарши қураш мақсадида Ўзбекистон Республикаси қайси давлатларга инсонпарварлик ёрдамини кўрсатди?**

- A) Афғонистонга, Қирғизистонга, Тожикистонга, Беларусга, Озарбайжонга, Венгрияга;
- Б) Хитойга, Эронга, Афғонистонга, Қирғизистонга, Тожикистонга, Беларусга, Озарбайжонга, Венгрияга;
- В) Хитойга, БААга, Жанубий Кореяга ва АҚШга;
- Г) Хитойга, БААга, Жанубий Кореяга, АҚШга, Афғонистонга, Қирғизистонга, Тожикистонга.

**3. 2021–2027 йилларда коронавирус пандемияси оқибатларини енгиллаштириш учун Ўзбекистонга янги молиявий ёрдам дастурини жорий этган томонни белгилант.**

- А) АҚШ давлат департаменти;
- Б) Европа Иттифоки;
- В) Осиё тараққиёт банки;
- Г) Хитой Халқ Республикаси.

**4. «COVID-19 пандемияси дунёдаги бекарорликни намоён этди. Биз унга факаттинга биргаликда қарши турға оламиз», деб бутун иисониятни ҳамкорлик ва бирдамликка чақирган сиёсатчани белгиланг?**

- |                     |                      |
|---------------------|----------------------|
| А) Билл Клинтон;    | В) Антониу Гуттериш; |
| Б) Михаил Горбачёв; | Г) Дональд Трамп.    |

**5. Мажалла ва оиласи кўллаб-қувватлаш вазирлиги ва ҳудудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича мутасадди идоралар томонидан шакллантирилган моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оиласарнинг рўйхатлари («темир дафтар»)га киритилган 400 мингдан кўпроқ оиласарга (1.7 миллион фуқаро) Республика бюджетидан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилиши белгиланди. Мазкур ишлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг қайси қарори асосида амалга оширилди?**

- А) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси ва глобал инкиroz ҳолатларининг иктиносидёт гармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида»ги Қарори. 2020 йил 19 март;
- Б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича кўпимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори. 2020 йил 10 ноябрь;
- В) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Керонавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимоята ва ёрдамга муҳтож ахоли қатламларини моддий кўллаб-қувватлашга доир кўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 2020 йил 30 июль;
- Г) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизmlарни жорий қилиш ва соғликни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори. 2020 йил 12 ноябрь.

**6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 17–20 декабрь кунлари ... илк расмий ташрифини амалга ошириди.**

- |              |               |
|--------------|---------------|
| А) Россияга; | В) Францияга; |
| Б) Хитойга;  | Г) Японияга.  |

**7. Айни пайтда Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари билан инвестициявий ҳамкорлик қарийб ...**

- А) 1 миллиард доллар миқдоридаги 50 дан зиёд лойиҳани қамраб олган;
- Б) 1 миллиард 900 миллион доллар миқдоридаги 60 дан зиёд лойиҳани қамраб олган;
- В) 1,5 миллиард доллар миқдоридаги 70 дан зиёд лойиҳани қамраб олган;
- Г) 2 миллиард 900 миллион доллар миқдоридаги 160 дан зиёд лойиҳани қамраб олган.

**8. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2018 йил март ойида Тошкент шаҳрида ўтказилган ... мавзусидаги халқаро конференция Ўзбекистоннинг афғонлараро тинчлик жараёнини фаоллаштиришга кўшган салмоқли хиссаси бўлди.**

- А) «Афғонистон: муаммолар ва уларнинг ечими истиқболлари»;
- Б) «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақаий шериклик»;
- В) «Марказий Осиё ва Афғонистон»;
- Г) «Афғонистоннинг иқтисодий ривожланиш истиқболлари».

**9. 2019 йил май ойида Европа Кенгаши раҳбари Доналд Туск ...**

- А) Илк маротаба Ўзбекистонга ташриф буюрди;
- Б) Илк маротаба Қозогистонга ташриф буюрди;
- В) Илк маротаба Тажикистонга ташриф буюрди;
- Г) Илк маротаба Туркманистонга ташриф буюрди.

**10. БМТ шафелигига Ўзбекистоннинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўшириклик асосидаги Траст фондига ... маблаг ажратди.**

- А) Ўзбекистон 1 миллион доллар;
- Б) Норвегия 1,1 миллион доллар ва Финляндия 1 миллион евро миқдорида;
- В) Европа Иттифоқи 5 миллион евро, Норвегия 1,1 миллион доллар ва Финляндия 1 миллион евро миқдорида;
- Г) Голландия 2,3 миллион доллар.

**11. COVID-19 билан боғлиқ вазиятни баҳолаш ҳамда бу борадаги долзарб вазифаларни ўз ичига олган «Ижтимоий-иктисодий чоралар бўйича умумлаштирилган кўп томонлама тақлиф» деб номланган таҳтилий хужжат қайси ташкилот томонидан ишилаб чиқилди?**

- А) ЮНИСЕФ томонидан;
- Б) Ислом тараққиёт банки томонидан;
- В) Туркий тилли давлатлар кенгаси томонидан;
- Г) БМТнинг Тошкентдаги тегишли агентликлари томонидан.

**12. ... Осиё тараққиёт банкининг молиявий қўмаги асосида Ўзбекистон Республикаси учун 1,56 миллион долларлик тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозларни харид қилди.**

- А) Туркий тилли давлатлар кенгаси;
- Б) Ислом тараққиёт банки;
- В) БМТнинг болалар жамгармаси – ЮНИСЕФ;
- Г) БМТнинг Тошкентдаги тегишли агентликлари.

**13. БМТнинг Инсон хукуқлари бўйича Олий комиссари Мишель Бачелетнинг қайси йил якуни бўйича тақдим этган йиллик ҳисоботида илк бор Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотларга алоҳида ижобий ургу берилди?**

- А) 2016 йил;
- Б) 2017 йил;
- В) 2018 йил;
- Г) 2019 йил.





## II. Б о б

# ЖАМИЯТНИ СИЁСИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ – МАМЛАКАТДАГИ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ПОЙДЕВОРИ СИФАТИДА

## 2.1. Гендер тенглик сиёсати: хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни – устувор масала

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда. Фуқаролар юртимизда кечаетган ислоҳотларни рўёбга чиқаришнинг фаол иштирокчиларига айланмоқда. Ўзбекистонда олиб борилаётган чуқур ислоҳотлар халқаро эксперталар томонидан **«шиодатли мўъжизавий ҳолат»** деб баҳоланмоқда. Бундай улкан ўзгаришлар замирида инсон манфаатлари мужассам экани, долзарб масалалар аҳоли билан очик мулоқот, яъни мақбул ечим излаш орқали ҳал этилаётгани диққатга сазовордир.

Бизнинг катта ва юксак мўлжалимиз шуки, Ҳаракатлар стратегиясининг дастурий кўрсатмаларига асосланган ҳолда, Ўзбекистоннинг ўта ривожланган давлатлар қаторидан жой олишини таъминлаш – бош мақсадимиз бўлиб қолади.

**Шавкат Мирзиёев**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 23 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессияси БМТ минбаридан биринчи марта ўзбек тилида сўзлаган нутқида жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш бўйича кенг кўламли чоратадбирларимиз натижасида янги Ўзбекистон шаклланаётгани, бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олгани ҳақида фикр билдириб, «Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни тобора кучаймоқда. Янги парламентимизда аёллар сони икки баробарга қўлпайди»<sup>1</sup>, деб таъкидлади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутки. // «Халк сўзи», 2020 йил 24 сентябрь.

**Гендер** (инг. *gender* – үрүг) – инсон жинсининг ижтимоий-маданий ва маънавий жиҳатини ифода этувчи тушунча. Гендер ибораси ижтимоий фанларда жинс мавзусини ўрганишда янгича ёндашув шаклланган паллада, яъни ўтган асрнинг 50-йилларида бошлаб киритилган. Бу давргача «жинс» тушунчаси одамнинг физиологик тузилиш хусусиятини англатган ҳолда, инсониятни эркак ва аёл жинсларига ажратишнингина назарда тутарди. **Жинс** (яъни, биологик хусусиятлар) эркак ва аёллар ўртасидаги фарқнинг асоси ва бирламчи сабаби, деб талкин этилади. Лекин одамлар ўртасида биологик фарқлардан ташқари, уларнинг ижтимоий вазифалари, хулқи, рухияти ва ҳиссиётида ҳам муайян тафовут мавжуд.

Гендер деганда турли жамиятларда яшовчи эркак ва аёллар хулқини белгиловчи ижтимоий ва маданий вазифалар меъёрлари-нинг мажмуаси тушунилади. Тадқикотларда турли жинс вакиллари хулқ-атворидаги фарқ (масалан, шахснинг психологик сифатлари, хулқ шакллари, фаолият турлари, эркак ва аёллар шуғулланадиган касблар) биологик асосдан кўра кўпроқ ижтимоий-маданий меъёрлар билан белгиланиши аниқланган. Гендер эркак ва аёлларга хос ижтимоий модель сифатида жамиятда шаклланади ва у оркали эркак ва аёлнинг жамият ҳамда унинг турли институтларидаги мавқеи белгиланади (оилада, сиёсий тузилмаларда, иқтисодиётда, маданият, таълим соҳасида ва ҳоказо). Эркак ва аёл ҳақидаги умумий тасаввурлар негизида вужудга келган гендер тизимли турли жамиятларда ўзига хос тарзда намоён бўлади. Гендернинг асосий моҳияти унинг икки кутблилиги ва ички зиддиятга эгалигидир, яъни гендер ёндашуви асосида жамиятда мавжуд бўлган жинс мавзусига оид зиддиятли ҳолатлар ўрганилади. Гендер жамиятдаги ижтимоий табақалашув шакли бўлиб, бунда ирқ, миллат, синflар, гурухлар сингари жинс вакиллари ўртасида ҳам маълум иерархик муносабатлар ўрнатилади. Инсон туғилганиданоқ гендер тизими таъсирида бўлади. Анъанавий урф-одатлар таъсири кучли бўлган жамиятларда туғилиш билан боғлиқ бўлган турли удумларга риоя этиш, масалан, чақалоққа танлананаётган кийимнинг рангидан бошлаб ўйинчоқларгача эътибор қаратиш – инсонни ёшлик чоғиданоқ гендер тизимига киритади, оилада фарзандларга бўлган муносабатларда ҳам гендер фарқлар кўзига ташланади. **Гендер**

*тадқиқотлари* дастлаб аёллар муаммоларини ўрганиш доирасида амалга оширилгани боис ҳозирга қадар айрим одамлар «гендер» сўзини «феминизм» ибораси билан айнан бир хил мъянода талқин этади. Бирок, «феминизм» соҳасидаги тадқиқотлар аёлларниң жамиятдаги мавқеи, уларниң ҳақ-хукуқларини таъминлаш каби мавзулар доирасида амалга оширилган бўлса, гендер тадқиқотлари, аввало, эркак ва аёл мавқеининг ўзаро нисбати, уларниң хатти-харакатини белгиловчи хулқ меъёрлари ҳамда уларга асосланган роллар, ана шу ролларниң шахснинг шаклланишига таъсир этишини ўрганишга йўналтирилган.

*Гендер* жамиятни социал-жинсий жихатдан вертикал стратификация килишдан фарқли равишда горизонтал стратификация килишга ёрдам беради. Гендер хулқ-атворнинг социал ўзига хослигини ифода этади. Шахвоний майл ва гендер – инсон ҳаётининг турли кутбларидир. Шахвоний майл биологик омиллар билан сабабий боғлиқ. Гендер эса инсоннинг жинсий мансублигига мувофиқ равишда ўзига хос тарзда социаллашувидир. Инсоният ўз эволюциясида шахвоний майдан гендер томон интилиб келди. Ҳозирги замон медицинаси чақалоқ туғилмасидан анча илгарироқ унинг кандай жинсга мансублигини билиш имконига эга. Ота-оналар ўғил ёки кизнинг туғилишига турлича муносабат билдиришлари мумкин. Шунингдек, турли ҳалқлар ва маданиятларда ўғил ёки қизга турлича муносабат билдирадилар. Масалан, Японияда то XX аср бошларига қадар янги туғилган ўғил болаларни чақалоклигиданоқ йўқ килиш анъанаси мавжуд бўлган, уларни бозорда сотиш, фойда кўриш қийин, деб ҳисоблаганлар. Бошқа ҳалқларда, хусусан, канадалик эскимослар қиз болаларни чақалоклигиданоқ йўқ килишга ҳаракат қилганлар. Исломгача арабларда ҳам шундай ҳолатлар бўлган. Болалар ўшлигиданоқ эркак ёки аёл ролини ўйнай бошлайди. Қиз болаларниң она ролини, ўқитувчи, доктор ролларини ўйнаши, ўғил болларниң эса машиналар, конструкциялар билан қизиқиши бежиз эмас.

Болаларниң ўз жинсига мувофиқ социаллашувида маданий мухит катта роль ўйнайди. Маданий мухитгина эркак ва аёлнинг қандай бўлиши зарурлигини белгилайди. Шунингдек, гендер муносабатларниң бошқа мезонлари ҳам мавжуд. Одатда, эркаклар ташаббускорлиги, агрессивлиги, ҳукмронлик қилишга мойиллиги,

авторитаризми, лидерликка интилиши, ўз мұлоқазалари ва хатти-харакатларыда рационаллiği, монологга интилиши, ўз «мен»ини қарор топтириш учун зүр бериши, худбинлиги билан харәтерланади. Бирок аёллардаги бундай сифатлар жамоатчилик томонидан қораланади. Аёллар ўз хулқ-атворидаги юмшоқлық, күнгилчанлик, меҳрибонлик, сабр-тоқатлилик, ғамхұрлық, алтырудым, эмоционаллик, жозибадорлық, мұлоқотта интилиши, мурасасозлиги, тенглик, одиллик ва әркінликни қадрлаши билан харәтерланади. Эркаклик ва аёллик тұғрысидаги тасаввурлар турлы халқлар маданиятида кескин фарқланади. Бу эса әркак ва аёл үртасидаги коммуникатив хулқ ва ўзаро мұносабатлар харәтерига кучли таъсир күрсатади. Масалан, іқтисодиеті ривожланған ва протестантизмға мансуб бўлган мамлакатларда хотин-қизлар юқори маълумотта эга бўлиб, жамият ҳаётида фаол иштирок этадилар. Тараккій этган мамлакатларнинг гендер идеологияси әркаклар ва хотин-қизлар үртасида тенглик ўрнатишига қаратилган.

Асрлар давомида шаклланған ва инсоннинг фаолият йұналишини белгилаб берадиган іжтимоий мөйёrlар турли жинс вакиллари үртасидаги ўзаро мұносабатни изга солған ҳолда, жамият аъзолары турмушини енгиллаштиради, гендер муаммоларини тезликда ҳал



**2.1-расм. Гендер мавзусига оид асосий түшүнчалар.**

этиш имкониятини яратади, энг асосийси, ҳар бир жинсга хос вазифаларни англаш жараёни миллий, маданий кадриятларнинг ўзлаштирилишига хизмат килади.

Кўпчилик, «*гендер тенглиги*» иборасини эшитганда, уни, албатта, аёллар билан боғлайди. Хотин-қизлар Ер юзи аҳолисининг ярмини ташкил этади. Шундай экан, гендер тенглик, яъни эркак ва аёлларнинг тенг ҳукуқлилиги инсоннинг энг муҳим ҳукукларидан бири ҳисобланади. Айнан шу омил жамиятда тинчлик ва тотувликни таъминлаш, барқарор ривожланиш асосида инсоний салоҳиятни рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутади.

Аёлларни давлат ва жамият ҳаётига кенг жалб этиш ислоҳотлар самарадорлиги ҳамда иқтисодий ўсишни таъминлаши – амалиётда ўз исботини топган ҳақиқат. Жинслар тенглигига эришиш моҳияттан инсонга шахс сифатида намоён бўлишга халал берувчи барча ижтимоий тўсикларни ўрганиш ва бартараф этишдан иборат. Мана шу барча тамойил ҳамда йўналишлар, «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунида мужассамлашган. Аслида, гендер тенглик ва у билан боғлиқ барча конструктив тамойиллар билан танишиш, уларнинг мазмун-моҳиятини англаш учун биргина мазкур ҳужжатни яхшилаб, мағзини чақиб мутолаа қилишнинг ўзи кифоя. Хусусан, конуннинг 4-моддасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳукуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари деб демократизм, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳукуқлилиги, жинс бўйича камситишга йўл қўйилмаслиги, очиқлик ҳамда шаффоффлик белгиланган. Жумладан, демократизм тамойили жинсидан қатъи назар, ҳамма учун барча даражадаги таълим имкониятларидан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш соҳасида тегишли хизматларга эга бўлиш, барча сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳукуқлардан тенг фойдаланишини англагади. Унинг 5-моддаси «Жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик» деб номланади. Бу жуда муҳим модда ва унда кўплаб баҳс-мунозараларга барҳам берувчи аниқ нормалар келтирилган. Хусусан, унда хотин-қизлар ва эркаклар давлат томонидан кафолатланган тенг ҳукуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши аниқ қайд этилиб, жинс бўйича камситиш ҳисобланмайдиган омиллар келтирилган. Бола туғиши ва она сути

билин озиқлантириш вазифалари билан боғлик муносабатларни тартибга солиша фарқларни белгилаш, қонуний тартибда муддатли ҳарбий хизматга чақириш, ушбу қонун асосида гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтингчалик маҳсус чоралар кўриш, хотин-қизлар ҳамда эркаклар меҳнатини муҳофаза қилишда уларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш шулар жумласидан.

Бундан ташқари, буларга яна мажбуриятлар фақат муайян жинсдаги шахслар томонидан бажарилиши мумкинligига асосланган ҳолда касбий малакага доир тавсиялар бериш, қамоқда, шунингдек, жазони ижро этиш жойларида сақлаш тартиби ва шартлари ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан таъсир кўрсатишнинг бошқа чораларини тартибга солиша фуқароларни белгилаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини мустаҳкамлашига, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга қаратилган ижобий чоралар ҳам киритилган.

Айнан шу холатларнинг конунда алоҳида белгиланиши бежиз эмас. Сабаби – эркаклар ва аёллар ўртасида жисмоний ва руҳий жиҳатдан барқарор фарқлар бор. Уларни хисобга олмаслик, аввали, жамият ривожига, миллат генофондига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Фарзанд тарбияси, ёш оиласида боқувчилик макомига келсак, бу борада ҳам фақат оила аъзолари келишувига кўра ижтимоий «роллар»ни ортиқча қийинчиликларсиз ўзгартириш мумкин. Энг асосийси, эр-хотин бунга рози бўлса, фикрлари бир жойдан чиқса бас.

**Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.**

Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси, 46-модда.

Кейинги уч йилда мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манбаатлари ҳимоясига қаратилган қарийб

– 20 та норматив-ҳуқуқий хуҗжат,

Жумладан, 2 та қонун:

- Президентимизнинг 4 та фармони, 1 та қарори,
- Вазирлар Маҳкамасининг 13 та қарори қабул қилинди. Пировард натижада бугунги кунда:
- 16 нафар аёл Ички ишлар вазирилиги тизимида раҳбарлик,
- 6 нафар аёл ҳокимлик,
- 1 нафари элчи лавозимини эгаллади.

Бундан ташқари, 1500 нафарга яқин хотин-қизлар турли даражадаги раҳбарлик лавозимларида фаолият юритмоқда.

**2.2-расм.**

Аслида, хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги туғма физиологик фарқлар борлигига карамай, гендер маъносидағи фарқларнинг аксарияти жамиятнинг ижтимоийлашуви ҳамда маданият ривожидан келиб чиқкан, десак, адашмаймиз. Яъни, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари кайсиидир жабхаларда амалга ошмаслиги күпроқ жамиятда илдиз отган қолип тушунчалар – стереотиплар билан боғлик. Уларни ўзгартириш – мураккаб ва кўп вақт талаб қиладиган жараён. Бунинг учун, аввало, ёш авлоднини; қолаверса, кагталарапнинг ҳам дунёкарашини тўғри шакллантириш лозим. Аввало, бу масалалар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси лойиҳасида ҳам белгиланган. Ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, хотин-қизлар ҳамда эркакларнинг ҳақиқий тенглигипи таъминлашга қаратилган ушбу ҳужжат тез орада жамоатчилик эътиборига ҳавола килиниб, у бўйича кенг муҳокамалар ўтказилиши режалаштирилган.<sup>1</sup>

2020 йилда «Ўзбекистонда 2020–2030 йилларда Гендер тенгликка эришиш стратегияси»нинг якуний муҳокамаси бўлиб ўтди. Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоеванинг тавсиясига кўра, гендер тенглик мавзуси бўйича тушунчалар беришни ўкув дастурларига киритиш масаласи ҳам қўрилмоқда. Ҳуқуқлари бузилган аёлларга кўмаклашувчи ташкилотлар тузилмоқда. «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўгрисида»ги Қонунга кўра, гендер бу хотин-қизлар ва эркаклар ўртасидаги муносабагларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқук, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳати ҳисобланади. Гендер тенглик деганда эса, юкоридағи соҳаларда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг имкониятларга эга эканлиги тушунилади.

Жамиятда гендер тенглик билан боғлик муаммолар жуда кўп. «Мен фарзандимни шамоллагани сабаб шифохонага олиб бордим. Ундан кейин боғчада қолдирдим. Боғча вақти тугагач, ўша атрофдаги хиёбонда озроқ айландик. Кейин дўконга кириб, кечки овқатга

<sup>1</sup> Мухторова Н. Гендер тенгликни таъминлаш оиласдан бошланади // «Халқ сўзи», 2020 йил 15 октябрь.

зарур маҳсулотларни сотиб олиб уйга қайтдик». Мана шу жумла́рни эшигаётган инсоннинг кўз ўнгига беихтиёр бола етаклаб юрган она образи гавдаланади. Биргина шу мисол оркали кўплаб хулосалалар чиқариши мумкин.

Ўзбек жамиятида аёллар йиллар давомида факатгина уй-рўзғор юмушлари билан банд бўлди, сиёсатдан узоқ ташкилотларда фаллигини кўрсатиб келди, холос. Уларни жамият ҳаётида муҳим бўлган «фронт»ларда деярли ишлатмадик. Сўнгги йиллардаги давлат ташкилотларида эркаклар фоизининг аёлларга нисбатан ўсиб кетгани ҳам сўзимизни исботлайди. Тан олиш керак, аксариятимиз аёлларга нисбатан пастгрок назар билан караб келдик. Вазият шу даражага етиб келдики, айрим «эркак»лар жисмоний устунлигидан фойдаланиб, аёлинни дўппосласа ҳам улар жим яшацда давом этаверди. Сўрасангиз, «Эрим-да, яхши бўлиб кетар», «Ажрашиб қаерга ҳам борарадим» ёки «Фарзандларим етим ўсмасин, деб чидаяпман» каби жавобларни айтаверишди. Жанжаллар сабаб вафот этганлар ҳам бор. Яна ажримлар сони ошиб кетди. 2019 йилнинг январь-сентябрь ойларида ФХДЁ органлари томонидан 23,6 мингта никоҳдан ажрашишлар кайд этилган бўлиб, мос равишда 1000 ахолига нисбатан никоҳдан ажрашиш коэффициенти 0,9 промиллени ташкил этган. Булар чинакамига фожия эди.

Хукуматимиз томонидан гендер тенгликни таъмишлаш юазисдан катта ишлар килинмоқда. Айниқса, бошқарувда аёллар хизматидан фойдаланиш ҳолатлари ортди. Масалан, Олий Мажлис Сенати ва Конунчилик налатасида аёл сенатор ва депутатлар сони кўпайди. Аёл ҳокимлар тумашларни бошқармоқда. Аксарият вазирлик ва қўмиталарда аёл ўрипбосарлар фоизи ҳам ортди. Бу билан аёлларнинг жамият бошқарувида ўзларини кўрсатишига имкон берилмоқда.

**Гендер** тенгликда, энг асосийси, ҳар биримиз ўз дунёкарашимизни ўзгартиришимиз лозим. Хотин-кизлар ва эркаклар ҳар жиҳатдан тенг экани ва хукуклар давлат ҳимоясида эканини тушунишимиз керак. Ташкарида демократия бўлаверсин, уйимизда диктатура бўлади, деган эгоистик карашларимизга ҳам барҳам беришимиз лозим.

Маълумки, муқаддас Куръони каримнинг энг катта сураларидан бири - «Нисо», яъни «Аёллар» деб аталади ва бу бежиз эмас.

Аллоҳ таоло ушбу сурада инсонларни аёлларга адолатли муносабатда бўлишга даъват этади ва бу илохий сўзлар замирида албатта теран хикмат мужассам. Бир ҳақиқат аёнки, ҳар қандай ҳалкнинг маънавий даражасини, аввало, шу юрт аёлларининг маънавий савияси белгилайди. Буюк сиймоларнинг ҳаётига назар ташласак, уларнинг шахс сифатида камол топишида меҳрибон оналари, доно рафиқалари ғоят муҳим роль йўнаганини кўрамиз.

Кейинги йилларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг хукуқ ва манфаатларини, гендер tenglikni таъминлаш, оила, оналик ва болаликни химоя килиш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Бугунги кунда кенг қўламли демократик ислоҳотларимиз натижасида аёлларимизнинг сиёсий-ижтимоий жараёнлардаги иштироки тобора кучайиб бормоқда. Буни 2019 йил 22 декабрь ойида мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар яна бир бор тасдиклади. Сайловлар натижаларига кўра, Олий Мажлис Қонунчилик нафасатига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Бу кўрсаткич Сенатда ва маҳаллий кенгашларда 25 фоиздан ошди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан белгиланган тавсияларга мос даражага етди. Мамлакатимиз парламенти аёл депутатлар сони бўйича дунёдаги 190 та миллий парламент ўртасида 37-ўринга кўтарилди. Ҳолбуки, бундан 5 йил аввал биз бу борада 128-ўринда эдик.<sup>1</sup> Ҳозирги вактда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 380 нафардан зиёд хотин-қизлар раҳбарлик лавозимларида меҳнат қilmokda. Мухтарама аёлларимиздан 16 нафари Ватанимизнинг олий мукофоти – «Ўзбекисон Қаҳрамони» узвонига сазовор бўлган. Хотин-қизларимиз ўртасида фан доктори, профессор ва академиклар, «Халқ ўқитувчisi», «Халқ шоири», «Халқ артисти» узвонларига сазовор бўлганлар хам кўп. Миллий парламент та-

---

<sup>1</sup> Мирзиёев И.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. 406-б.

рихида биринчи марта аёл киши – хурматли Танзила Камаловна Норбоева Сенат Раиси лавозимиға сайданди. Ташиббускор ва ташкилотчи аёлларимиз туман ва шаҳар ҳокимила озимларига тайинландилар. Жумладан, Андижон вилоятининг Бўстон туманига Садбархон Маметова, Бухоро вилоятининг Олот туманига Наргиза Неъматова, Наманган вилоятининг Тўракўрғон туманига Зулайхо Маҳкамова, Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон шахрига Гавҳар Алимова, Сирдарё вилоятининг Боёвут туманига Дилфуз Уролова, Кашикадарё вилоятининг Қарши туманига Маҳсума Мустафоева раҳбар этиб тасдиқланди.

Истеъоддли ёш олима Азиза Шоназарова АҚШдаги нуфузли Колумбия университетининг профессори этиб тайинланган. Тошкент шаҳрининг Коракамиш даҳасида вояга этиб, Тошкент шарқшунослик институтида, кейинчалик Польша ва АҚШдаги машҳур университетларда таълим олган Азизахон Шоназарова 32 ёшида тарих ва динишунослик йўналишида фан доктори бўлган, 500 та талабгор орасида конкурсда ғолиб чиқиб, ана шундай юксак илмий даражага эришган.

Ҳар йили мамлакатимиз бўйича 28 нафар истеъоддли қизлар Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирланади. Ҳозирги вақтда ушбу мукофотга сазовор бўлганлар сони 339 нафарга стди.

Таҳлилларга кўра, ҳозирги кунда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган жами 1 минг 206 судьядан 1 минг 50 нафари эркаклар бўлиб, аёл судьялар атиги 156 нафар, яъни 12,9 фоизни ташкил қиласи. Ўзбекистон Республикаси Олий судида фаолият олиб бораётган жами 62 судьядан 15 нафари аёл судьялардир. Бу ракам 24,2 фоизга teng. Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси аъзолари Судьялар Олий кенгаши ҳамда Олий суд билан ҳамкорликда судьялар орасида гендер тенгликни таъминловчи механизмларни жорий этиш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра, аёл судьяларни тизимли равишда тайёрлаш, уларнинг билим ва салоҳият даражасини ошириш, тизимда судья хотин-қизлар сонини кўпайтириш, юрист аёллар орасидан кадрлар захирасини шакллантириш вазифалари белгилаб олинди.

Халқ таълими тизимида меҳнат қилаётган мавжуд 60 мингдан кўпроқ педагог ходимларнинг деярли 70–80 фоизи хотин-

**Оилада:**

**Оилавий муносабатлар соҳасидаги эркак ва аёллар хуқуқларининг тенглиги:**

- эркаклар ва аёллар никоҳининг ихтиёрийлиги;
- мажбурий ва эрта никоҳларга йўл кўйилмаслиги;
- эр-хотинларнинг шахсий ва мулкий хуқуқлари тенглиги;
- оила ичидаги низоларни ўзаро келишув бўйича ҳал қилиниши;
- уйдаги меҳнат хусусида эркаклар ва аёллар хуқуқлари ва мажбуриятларининг тенглиги;
- вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг хуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини, оналик, оталик ва болалик ҳимоясини таъминлашда тенг иштирок этишга асосланган.

**Ишхонада:**

**МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДА эркак ва аёлларнинг тенг хуқуқлари ҳамда имкониятларини таъминлаш мақсадида иш берувчи қўйидагиларни таъминлайди:**

- ишга ёллашда, бўш ўринларини эгаллашда эркак ва аёллар учун тенг имкониятларни;
- тенг қийматли меҳнат учун эркак ва аёлларга тенг иш ҳақини (мукофотни);
- малака ошириш, қайта тайёрлаш ва хизматда кўтарилиш учун тенг имкониятларни;
- корхоналар, муассасалар, ташкилотлар тутатилганида ёки қайта ташкил этилганида ходимларни ишдан бўшатишда эркак ва аёллар хуқуқларининг тенглигини;
- фарзандлари бор эркак ва аёллар учун қулай бўлган оиласи кўллаб-кувватлаш бўйича амалиётни жорий этиш ва ривожлантириш, ҳомиладор ва эмизики аёллар учун қулай шарт-шароит яратишни;
- эркак ва аёлларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда саломатлигини сақлашни таъминлайдиган хавфсиз меҳнат шароитларини;
- эркак ва аёлларга тенглик асосида меҳнат фаолиятини амалга ошириш имконини берадиган иш шароитини яратишни;
- эркак ва аёллар учун меҳнат фаолиятини оилавий мажбуриятлар билан бирга бажариш имкониятини яратиш.

**2.3-расм.**

қизлардан иборат. Айрим эркак ўқитувчиларнинг умумтаълим тизимига қайтаётганининг ижтимоий-сиёсий сабаблари мавжуд.

Умуман, хотин-қизларнинг давлат ҳамда жамият қурилишидаги иштирокини кенгайтириш, ижтимоий-иктисодий, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошка соҳаларга эътиборни кучайтириш талаб этилади. Жумладан, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг даражада давлат ҳамда жамият бошқарувига оид долзарб масалалар юзасидан карорлар қабул қилишдаги иштирокини кучайтиришини таъминланш лозим.

## У.И. Мажбурий на болалар меҳнати тутатилгани ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегиянинг қабул қилиниши

*Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги  
дусмий ҳам охумигай ўзгарди.  
Мажбурий на болалар меҳнати  
тутни тушсанисди. Инсон  
ҳуқуқлари бўйича миллий  
стратегия қабул қилинди.*

**Шавкат Мирзиёев**

Халқаро меҳнат талқиilotи-  
нинг «Мажбурий меҳнат тўғ-  
рисидаги конвенцияси ратифи-  
кация килинди. Бу эса бизнинг  
мажбурий меҳнатга қарши ку-  
рашиб борасидаги қатъий ва  
ўзгармас позициямизни ифода  
этади. 2020 йил 13 октябрь куни  
БМТ Бош Ассамблеяси сессия-

сида бўлиб ўтган сайловда Ўзбекистон миллий давлатчилиги-  
миз тарихида илк бор мазкур халқаро тузилманинг Инсон ҳуқуқ-  
лари бўйича кенгаши аъзолигига 3 йил муддатга – 2021–2023 йил-  
ларга 15 та янги аъзодан бири бўлиб сайланди. Мамлакатимиз  
учун БТМнинг мазкур кенгапига аъзо 193 та давлатдан 169 таси  
овоз берди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташабbusи билан қа-  
бул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари  
бўйича миллий стратегияси ушбу соҳада давлат сиёсатини самара-  
ли амалга ошириб, инсон ҳукук ва эркинликларига хурмат билан  
муносабатда бўлишни шакллантириш орқали халқаро майдонда  
мамлакатимиз нуфузини янада мустаҳкамлашга қаратилган ха-  
ракатларимизнинг ёрқин далолатидир.

Бу – миллият етакчиси раҳбарлигида Ўзбекистоннинг мутлақо  
янгиланган ташки сиёсатини амалга ошириш, хорижий давлатлар  
ва халқаро ташкилотлар билан халқаро алоқаларни ҳар томон-  
лама янада ривожлантириш, Марказий Осиё минтақаси давлат-  
лари билан муносабатларни ўзаро дўстлик, яхши қўшничилик ва  
стратегик шериклик руҳида сифат жиҳатидан янги босқичга кўта-  
риш масалаларига алоҳида ургу берилаётгани ҳамда бундай саъи-  
харакатлар жаҳон ҳамжамияти томонидан юқсак эътироф этил-  
гани ҳамда кўллаб-қувватланаётганинг ўзига хос ифодаси  
ҳамдир. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Жа-  
миятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация килиш  
бўйича кенг кўламли чора-тадбирларимиз натижасида янги Ўзбе-

қистон шаклланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиздаги демократик ўзгаришлар ортга қайтмайдиган тус олди».

Кейинги йилларда аҳоли ва партияларнинг сиёсий фаоллиги, фуқаролик жамияти институтларининг роли, оммавий ахборот воситаларининг таъсири тобора ошиб бормоқда. Биз учун гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳолат ҳам бутунлай ўзгарди. Мажбурий ва болалар меҳнати тўлиқ тугатилди. БМТнинг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига жавобан 2020 йилнинг ўзида фуқаролиги йўқ 50 минг юртдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди. Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг узлуксиз тизимини яратиш, умумтаълим мактаблари, олий ўкув юртлари, кадрларни қайта тайёрлаш марказида «Инсон ҳуқуқлари», «Бола ҳуқуқлари», «Аёллар ҳуқуқлари» номли маҳсус ўкув курсларини жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда.<sup>1</sup>

Илгари болаларга улар ҳимояга муҳтож бўлган тақдирдагина ғамхўрлик, муруват кўрсатилар эди. Конституциямизда бола ҳуқуқлари кафолати мустаҳкамлангач, 1992 йил «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенция мамлакатимиз томонидан ратификация қилиниб, ғамхўрлик ва ҳимоя, бу – муруватли масала эмас, балки ҳуқуққа айланди. Айни пайтда мамлакатимиз болалар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир барча асосий халқаро ҳужжатларга қўшилган. 2020 йилдан бошлаб эса Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили – Бола ҳуқуқлари вакили лавозими жорий қилинди.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлиги доирасида кейинги 4 йилда мустақилликнинг дастлабки 25 йилида эришилмаган ниҳоятда муҳим ва юксак натижалар кўлга киритилди. Биргина мисол. 1993 йил 25 июнь куни Вена шаҳрида БМТ шафелигида бўлиб ўтган *Инсон ҳуқуқлари бўйича жаҳон конференциясида қабул қилинган Вена декларацияси ва Ҳаракатлар дастурида ҳар бир давлат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун миллий ҳаракатлар*

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан миллий юксалинг сари. 4-жилд. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. 117-б.

**режасини ишлаб чиқиши тавсия қилинган.** Орадан 27 йил ўтиб, давлатимиз раҳбари томонидан 2020 йил 22 июнда имзоланган фармон билан юртимиз тарихида биринчи марта Иисон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий стратегияси тасдиқланди. Бу ҳақдаги маълумотлар БМТнинг 6 та тилида нашр этилди ва *Боши Ассамблеяниң 74-сессиясида расмий ҳужжат сифатида тарқатилди*.

Миллий стратегияни тасдиқлаш тўғрисидаги маълумотлар БМТнинг расмий ҳужжатлар тизимига ҳам жорий этилди. *Натижада, дунё жамоатчилигини Иисон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясининг араб, инглиз, испан, рус, хитой ва француз тилларидаги матни билан таништириши учун қулай имконият юзага келди.*

Миллий стратегия доирасида 53 та норматив-хуқукий ҳужжатни қабул қилиш, 37 та чора-тадбирлар мажмууни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда 8 та халкаро шартномани ратификация қилиш – жами 98 та ҳужжат устида изчил иш олиб бориш белгиланган. Миллий стратегияни амалга ошириш бўйича «йўл ҳаритаси»да белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши юзасидан 2020 йил 10 сентябригача бўлган мониторинг натижалари «йўл ҳаритаси»нинг жами 78 бандидан 17 таси бўйича ижро муддати якунлангани, 7 та банд бўйича ишлар ўз муддатида бажарилганини кўрсатди. Ҳатто 2 та бандда белгиланган вазифалар муддатидан олдин адо этилгани эътиборлиdir.

Сўнгги йилларда Олий Мажлис томонидан ижтимоий соҳада 30 дан зиёд қонунлар кабул қилинди. Хусусан, «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида» (2017 йил 8 сентябрь), «Бутунжаҳон интеллектуал мулк» (2019 йил 16 февраль), «Фуқароларнинг репродуктив саломатлигиги ни сақлаш тўғрисида» (2019 йил 19 март), «Хотин-қизларни тазийқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида» (2019 йил 2 сентябрь), «Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида» (2019 йил 2 сентябрь), «Она сути билан озиқлантиришни кўллаб-кувватлаш ҳамда гўдаклар ва кичик ёшдаги болалар озиқ-овқат махсулотларига доир талаблар тўғрисида» (2019 йил 23 октябрь), «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида» (2019 йил 29 октябрь), «Бола ҳуқуқларининг кафолатларини янада

кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (2019 йил 6 декабрь)ги қонунлар шулар жумласига киради.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, Конституция ва қонун устуворлиги ҳамда инсон ҳуқук ва эркинликларини таъминлаш ҳар бир ҳукукий демократик давлатнинг асосини ташкил этади. Унинг тараққиёт даражасини белгиловчи энг асосий мезонлардан ҳисобланади. Бу ҳақда гапирганда, аввало, Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида ишлаб чиқилган ва изчил амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегияси доирасида ҳалқ билан мулокотнинг янги шакли ва воситалари: Ҳалқ қабулхоналари, Виртуал қабулхона, Бош вазир қабулхонаси, масъул ва мутасадди раҳбарларнинг ҳалқ депутатлари вакиллик органларидаги ҳисобботлари, сайёр қабулхоналар, ижтимоий муаммолар ҳамда одамларнинг яшаш шароитларини бевосита жойларга чиқиб ўрганиш каби усуллар кенг кўлланаётганини алоҳида зътироф этиш мумкин. Жамиятимизда ижтимоий адолатни қарор топтириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида гапирганда, ўтган уч-тўрт йилда узоқ йиллар мобайнида юртимизда яшаб, меҳнат қилаётган, айни пайтда фуқаролиги бўлмаган минглаб шахслар Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинганини қайд этиши зарур. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу борада 2020 йил 23 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сесиясидаги нутқида таъкидлаганидек, «Бирлашган Миллат Ташкилотининг фуқаролиги бўлмаган инсонлар сонини камайтиришга қаратилган чақириғига жавобан 2019 йилнинг ўзида 50 минг юртдошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилди»<sup>1</sup>. Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинган шахслар: ўтган 3 йилда 9692 нафар; шундан 2017 йилда 1064 нафар; 2018 йилда 2760 нафар; 2019 йилда 5868 нафар. 1991–2016 йиллар мобайнида 482 нафар шахс шундай имкониятга эга бўлди.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар (16 та конфессияга тегишли) жами 2274 та, шундан: исломий диний ташкилотлар 2092 та; христиан ташкилотлари – 165 та;

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сесиясидаги нутқи // «Ҳалқ сўзи», 2020 йил 24 сентябрь.

*Мамлакатимизда диний эркинликлар борасида ҳам вазият кескин яхшиланди.*

*Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликтен янада мустаҳкамлаш биз учун доимий муҳим вазифадир.*

**Шавкат Мирзиёев**

яхудий жамоаси – 8 та; баҳой – 6 та; кришнаийлар жамияти, будда ибодатхонаси, конфессиялараро Ўзбекистон Библия жамияти – 1 тани ташкил этади.<sup>1</sup>

Маълумотларга кўра; 2017–2019 йиллар мобайнида тўғри йўлдан адашган ва радикал оқимларга кириб қолган, лекин ўз қилмишига пушаймон бўлган 20 минг нафардан ортиқ фуқа-

ро маҳсус рўйхатдан чикарилди. Уларпинг ижтимоий ҳаётга мослашувини таъминлаш, ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш мақсадида туман ва шаҳарларда ишчи гурухлари ташкил килиниб, 15 мингдан зиёд ижтимоий муаммолар ижобий ҳал этилди.

Айни найтда мамлакат аҳолисининг хукуқий онги ва маданияти, юксак бўлиши, яъни улар ўз хукуқ ва эркинликларини англаши, Асосий конунимиз ва қонунларни эъзозлаш ҳамда чуқур ўрганиш, жамият ва давлат олдидағи масъулият ва мажбуриятларини тўлиқ адо қилишни талаб этади. Демак, Конституциямизнинг нормаларини мукаммал билиш, унинг талабларини бажариш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи хисобланади.<sup>2</sup> Фуқароларнинг хукуқий маданияти 2019 йилнинг 22 декабрида «Янги Ўзбекистон – янги сайловлар» шиори остида бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига сайловларда имтиҳон вазифасини бажарди. Бу сайловлар фуқароларнинг сиёсий фаоллиги кўзгуси хисобланади, демократик ислоҳотларнинг изчиллиги ва бардавомлигини, фуқаролар

*Биз қанчалик мукаммал қонунлар яратмайлик, бу борада қандай ислоҳотлар ўтказмайлик, агар фуқароларимизнинг хукуқий билими ва маданият етарли даражада бўлмаса, кутинган натижаларга эришини мушкул бўлади.*

**Шавкат Мирзиёев**

<sup>1</sup> «Халқ сўзи», 2019 йил 11 декабрь.

<sup>2</sup> Каримов Н. Янги Ўзбекистон меъмори. – Т.: 2020. 49-б.

ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлашга хизмат қиласи. Юртимизда сўнгти йилларда фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинларини, уларнинг конуний манфаатларини таъминлаш борасида қанчалик муҳим қадамлар кўйилаётгани, шу асосда Бош қонунимиз ижтимоий ҳаётда том маънода ўзининг муносаб ўрни ва аҳамиятига эга бўлиб таъбир жоиз бўлса, чинакамига ишлай бошлаганини намоён этди, десак, айни ҳакиқатни айтган бўламиз»<sup>1</sup>.

Бу юртимизда инсон манфаатларини таъминлап, ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга каратилган саъи-харакатлар жадал рўёбга чиқарилаётганидан далолат беради. Миллий қонунчилик тизими, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари шакллангани, барча жабхада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, ижтимоий-иктисодий, сиёсий ҳамда ҳарбий соҳаларимиз юксалаётгани, фуқароларимизнинг дунёқараши тобора кенгайиб бораётганини фаҳр билан тилга оламиз.

Туркиядаги нуфузли «Tіcətöneу» нашрининг йиллик рейтингида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Йилнинг хорижий давлат арбоби» дея эътироф этилди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг ташки дунё, Туркия ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари билан сиёсий ва иқтисодий алокаларини сезиларли даражада мустаҳкамлашдаги буюк хизматлари ҳамда муҳим амалий ҳиссаси, шунингдек, Марказий Осиё минтакаси ва унинг атрофида ҳамкорлик ҳамда жипсликни сезиларли даражада жоплантиргани учун ана шундай юксак эътирофга сазовор бўлди.<sup>2</sup>

Амалга ошираётган ислоҳотларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан муносаб баҳоланмоқда. Ҳусусан, дунёдаги нуфузли нашрлардан бири – «Экономист» журнали Ўзбекистонни 2019 йилда ислоҳотларни энг жадал амалга оширган давлат – «Йил мамлакати» деб эътироф этди. Бундай баҳо барчамизга чексиз ғурур, ифтихор ва куч бағишлайди, янги марраларга рухлантиради.<sup>3</sup>

---

<sup>1</sup> «Халқ сўзи», 2019 йил 7 декабрь.

<sup>2</sup> «Халқ сўзи», 2018 йил 28 декабрь.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалини сари. 4-жилт. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. 9-б.

Халқаро мөхнат ташкилотининг «Мажбурий мөхнат тўғрисида»ги Конвенцияси ратификация қилинди. Бу бизнинг мажбурий мөхнатга қарши курашиш борасидаги катъий ва ўзгармас позициямизни ифода этади.

Сўнгги йилларда жиноят содир этган шахсларни афв этиш бўйича 8 та фармон қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойларидан озод қилинди.

2019 йили Жаслик қўрғонидаги жазони ижро этиши колонияси ёпилгани ҳам ана шундай инсонпарварлик сиёсатининг амалий намунаси бўлди. Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий сугурта тўлаш тартиби биринчи марта амалиётта киритилди. Натижада, манзил колонияларда жазони ўтаётган пенсия ёшидаги 709 нафар маҳкумга пенсия пуллари тўлаб берилмоқда. Биз аввал йўл қўйган хатомизни тузатиб, ушбу тоифадаги фуқароларнинг Конституциямизда белгиланган пенсия олиш хукукини таъминлаш йўлида дастлабки кадамни қўйдик.

2019 йилда «Мехр-1» ва «Мехр-2» инсонпарварлик тадбирлари муваффакиятли амалга оширилди. Ана шу тадбирлар доирасида яқин Шарқдаги куролли мажаролар майдонидан, Афғонистондан 261 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар юртимизга қайтариб олиб келинди. Уларга зарур тиббий ва моддий ёрдам қўрсастилди.<sup>1</sup>

Умуман, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев илк бор ўз она тили – буюк Навоий, Соҳибқирон Темур, Бобур, Жалолиддин Мангубердининг тилида 2020 йил 23 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида нутқ сўзлаши, албатта, тарихий воқеа. Одатда, БМТ иш тартибида 6 та тилдан фойдаланаарди. Бироқ орадан 30 йил ўтган бўлса-да давлат бошқарув механизми, иш юритиши давлат ва жамият ҳаётида сунъий – гибрид қадриятни шакллантирди. БМТ Бош Ассамблеяси тарихида бундай янги форматда – коронавирус пандемияси туфайли онлайн мулоқот кузатилмаган эди.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида гендер тенглик ва хотин-қизларга эътибор масаласи

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Мислий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. 116-б.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида илгари сурған ташаббуслари**

1. БМТ шафелигига Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш
2. Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида БМТ конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-куватлаш
3. Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги БМТ Бош Ассамблеясининг маҳсус резолюциясини қабул қилиш
4. БМТ шафелигига Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш
5. 2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида «Марказий Осиё: жаҳон цивилизациялари чорраҳасида» мавзууда халқаро форумни ўтказиш
6. БМТ хузурида ағфон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган кўмита ташкил этиш
7. Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар худуди, деб эълон қилиш ҳақида БМТ Бош Ассамблеясининг маҳсус резолюциясини қабул қилиш. Ушбу муҳим ҳужжат тасдиқланган санани эса Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиш ва тиклаш куни сифатида нишонлаш
9. Қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашишни БМТ Бош Ассамблеяси навбатдаги сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилаш ҳамда ушбу масалаларга бағишлиланган глобал саммитни ўтказиш

**2.4-расм.**

алоҳида тилга олинди. Охирги 3–4 йил ичидаги мамлакатимизда гендер тенглик сиёсати устувор масалага айланди. Аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар БМТ баркарор тараққиёт дастурининг энг асосий тамойилларига мос равишда олиб борилмоқда. Кейинги 4 йилда хотин-кизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни ва салоҳиятига катта ишонч билдирилди. Умуман олганда, малакатимизда аёллар масаласи бўйича олиб борилаётган ислоҳотларнинг халқаро майдонда баралла айтилиши, ўзбек аёлининг эркин, ҳуқуқлар кафолатланган, ҳимояланган давлатда яшаётганини яна бир бор тасдиқлади.

### 2.3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ёшлар хуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббуси

Мамлакатимиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Республикаизда ҳар бир йигит-қизнинг жамиятда муносаб ўрин эгаллаши ва ўз салоҳиятини намоён этиш учун улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Шавкат Мирзиёев

Ўзбекистонда Ёшлар парламентлари, Ёшлар ишлари агентлиги фаолият кўрсатмоқда. 2020 йил август ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафеллигида ёшлар хукукларига бағишидан Самарқанд ҳалқаро форуми муввафакиятли ўтказилди.<sup>1</sup> Ўзбекистон раҳбари ушбу анжуманда яна бир бор Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ёшлар хуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-куватлашга чақириди. Шуни таъкидлаш жоизки, 2020 йил 12–13 август кунлари ёшлар хукукларини тарғиб қилишнинг долзарб масалаларига бағишилаб ўтказилган Инсон хукуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми нафакат мамлакатимиз ва минтақамиз, балки бутун сайёрамиз ёшларининг ҳаётини яхшилаш учун глобал ҳамкорликнинг муҳимлигини алоҳида таъкидлашга қаратилгани билан ғоятда аҳамиятлидир.

Ҳалқаро анжуманда «Ёшлар-2020: глобал бирдамлик, барқарор тараккιёт ва инсон хукуклари» номли Самарқанд резолюцияси қабул қилинди. Ҳужжатда, жумладан, ёшлар хукуклари ҳар ким фойдаланиши зарур бўлган, аммо айримлари ёшининг кичикилиги туфайли бундай имкониятдан маҳрум этилган хукуклар экани қайд этилди. 2020 йилда Самарқанд резолюцияси БМТ Бош Ассамблеяси 74-сессиясининг расмий ҳужжати сифатида тақдим этилди. Шунингдек, у ЕХХТ Доимий Конғаши ва Ислом ҳамкорлик ташкилотининг расмий ҳужжати сифатида тарқатилгани бежиз эмас. Чунки Самарқанд резолюцияси ҳозирги замон давлатларининг ривожланиши билан боғлиқ барча жараёнларда ёшларни янада кенг жалб этиш зарурлигини ҳар томонлама тасдиқлашга хизмат қилади.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи // «Халқ сўзи», 2020 йил 24 сентябрь.

<sup>2</sup> «Янги Ўзбекистон», 2020 йил 15 октябрь.

Ёшларимиз Ватан равнақига хизмат қилишга, «Ўзбекистон-2035» стратегиясини рўёбга чиқаришга қодир, деган давлатимиз раҳбарининг тоғасига кўра, бу дастуриламал хужжат Ўзбекистоннинг дунёдаги энг илгор давлатлар сафига киришдек улуғвор мақсаддага этиши бўйича вазифалар белгилаб берилди. Илк қадам сифатида экспортни ошириш ҳамда инвестицияларга жуда катта эътибор бериляпти». Дадил айта оламан, бугун биз «ўзбек мўъжизаси»нинг остонасида турибмиз. Бу нафакат орзу, балки исбот талаб қилмайдиган воқелик – аксиомадир<sup>1</sup>. Бугунги кунда бу фикрлар аксиомага айланди. «Агар кимдир бизнинг ислоҳотларимизга шубҳа қиласиган бўлса, Мўйноққа келиб кўрсинг». Президентимизининг 2018 йилги ташрифи давомида берилган кўрсатмалар асосида ҳукуматнинг Мўйнок туманини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастури кабул килинди. Унда 2019–2021 йилларда жами 1 трилион 485 миллиард сўмлик курилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиши белгиланди.<sup>2</sup> Мўъжиза бу шундай каашфиёт – воқеликки, унинг макон ва замонда пайдо бўлиши жамият тараққиётига қандай таъсир кўрсатиши, ҳатто уни янги ўзанга солиб юбориши, инқилобий ўзгаришлар килишга қодир куч-кудратдир. Ўзбекистонда олиб борилаётган чуқур ислоҳотлар халқаро эксперталар томонидан «шиддатли мўъжизавий ҳолат» дея баҳоланмоқда. Ўзбек халқининг азалий орзуси мустакиллик эди – бунга эришилди: бу – илк, аммо бош мўъжиза! Талабчан ва новатор, зийрак ва зукко Шавкат Мирзиёев 2016 йил 8 сентябрдан шундай истиқболли ва стратегетик феномен – ўзбек мўъжизасини «Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз», – деган ўта оригинал ва узокни кўзлаган тарихий-хукукий жараёнларни бошлаб берди. 2016 йил сентябрдан то 2021 йилнинг бугунги кунигача ўнлаб, юзлаб инновацион лойиҳалар амалга оширилиб, инвестициялар киритилди, булар янгиланаётган Ўзбекистоннинг Президенти томонидан киритилган ташаббуслар маҳсулидир. Расмий маълумотларда 40 та

<sup>1</sup> «Халқ сўзи», 2019 йил 26 февраль.

<sup>2</sup> Норматов К. Янги Ўзбекистон месъмори (Талабчан Президентнинг «ўзбек мўъжизаси» фаолиятига доир айрим чизгилар). Сиёсий эссе. – Т.: 2020. 25–26-бетлар.

**Президентнинг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илтари сурган бешта муҳим ташаббуси амалда кўлланмоқда. Булар:**

1. Ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишиларини оширишга, истеъодони юзага чиқаришга хизмат қўлиувчи
2. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилувчи
3. Аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва Интернет-дан самарали фойдаланишини ташкил этишга қаратилган
4. Ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятларини намоён қилишлари учун зарур шарт-шароитлар яратишга йўналтирилувчи
5. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутувчи

#### **2.5-расм.**

ташаббус, биттаси Бўқадан бошланиб, ривожланишнинг айниқса ёшлар қатламига оид эканлиги таъкидланди.

Республика Маънавият ва маърифат марказида бадний ижод ва журналистика соҳасида қалам тебратгаётган, маънавий-маърифий йўналишларда фаолият олиб бораётган ёшлар билан «Янги авлод – янги ташабbusлар» мавзусида мулокот ташкил этилди. «Президентнинг ёшлар масалалари бўйича илгари сурган ташабbusларини амалга ошириш, уларниг ижодий изланишларини қўллаб-куватлаш, муаммоларини ҳал этишга барчамиз бирдек масъулмиз, – дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минхажиддин Ҳожиматов. – Мулокотни ташкил қилаётганимизда ёшларнинг фикри билан қизиқдим. Уларнинг ўзлари тадбирiga «Янги авлод – янги ташабbusлар» дея ном қўйишиди. Бугун ёшларимизнинг ютуғи билан ҳар қанча фахрлансан арзийди. Чет элдаги ҳалқаро танловларда голиб бўлиб, юртимиз шаънини кўтараётганилар ана шундай иқтидорли ёшлардир»<sup>1</sup>.

Мамлакатимизда диний эркинлик борасида ҳам вазият кескин яхшиланди. Миллатлараро тутувлик ва диний бағрикентлик яна-да мустаҳкамланмоқда.

<sup>1</sup> «Хуррият», 2019 йил 30 декабрь.

Ёшларимиз, опа-сингилларимиз, умуман, юрт ахлига қаратилган мамлакатимиз Президентининг бешта ташаббуси ўзининг оқилона самарасини бермоқда. Бу ташаббуслар шунчаки шиор эмас, балки амалиётга айланди.

*Инсон манфаатлари ва  
хуқуқларини таъминлантириш  
демократик жамият  
асосидир.*

**Шавкат Мирзиёев**

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуслари ислом оламида катта кувонч ва гуур ҳамда ифтихор уйготди. Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан мамлакатимизда ислом илм-фани ҳамда маданияти ривожига бемисл хисса кўшган буюк аллома аждодларимизнинг ижод намуналарини чукур ўрганиш, уларнинг ибратли ҳаёт йўли ҳамда инсон маънавий оламини бойитувчи, маърифат ва заковатга чорловчи бебаҳо меросини халкимизга етказиш, ўсиб келаётган ёшларимизни улуғ боболари ва момолари изидан бораётган муносаб авлод сифатида тарбиялаш улкан эзгу ишлар сисиласига киради. Юртимизнинг қайси ҳудудини олманг, у Самарқанд ёки Бухоро бўладими, Фарғона водийси, Кашқадарё ёки Тошкентми, ушбу табаррук Ўзбекистонда туғилиб, унинг номини дунёга танитган аждодларимизнинг хоки ётган манзиллар обод бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 2019 йил 19 сентябрда 72-сессиясида сўзлаган нутқида ёшлар муаммолари билан боғлиқ куйидаги таклифни илгари сурган эди: «Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёsatни шакллантириши ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқаро хуқуқий ҳужжат – БМТнинг Ёшлар хуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқишини таклиф этади».

Бу ғоя 2020 йил 23 сентябрда Ўзбекистон раҳбари томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ҳам яна бир бор таъкидлаб ўтилди, яъни Ёшлар хуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-кувватлаш таклиф этилди. Бу ҳолат куйидаги жараёслар билан асослаб берилди. *Биринчидан*, экстремистик фаолият ва зўравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар

томонидан содир этилмоқда. *Иккинчидан*, бугунги дунё ёшлари - сон жиҳатдан бутун инсоният тарихидаги энг йирик авлоддир, чунки улар 2 миллиард кишини ташкил этмоқда. *Учинчидан*, эртаниң күн фаровонлиги ёшларнинг кандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлик. *Тўртнчидан*, ёшлар ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик гояси «вируси» тарқалишининг олдини олиш билан боғлик. *Бешинчидан*, бунинг учун ёш авлодни ижтимоий қўллаб-куватлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюция қабул қилиш ташабbusи билан чиққани жаҳон ҳамжамиятининг диққатини тортган эди. Мазкур ҳужжат барчанинг таълим олиш хукукини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашиш, энг муҳими, бағрикенглик ва ўзаро хурматни қарор тоғтириш, диний эркинликни таъминлашга қаратилгани билан ўтиборга моликдир.

Мазкур глобал ташабbus 2018 йил 12 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи сессиясида БМТга аъзо 193 та давлат томонидан бир овоздан қўллаб-куватланди. Наинки қўллаб-куватлауди, балки қитъанинг 50 дан зиёд мамлакатлари билан ҳаммуалифликда қабул қилинди. Бу ҳалиқаро ҳамжамият томонидан давлатимиз раҳбари ташабbusлари долзарблиги ва ўз вақтида илгари сурилган таклиф экани юксак эътироф этилганидан далолатдир.<sup>1</sup>

Тан олиш керак, Ўзбекистон қарийб тўрт йилда мутлок тўғри, айни пайтда, янгилаётган стратегик йўлдан бораётганини исботлади. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев, айниқса, ёшларга катта ишонч билдириб: «Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича биз бошлаган улкан ишларни янги боскичга кўтаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган асосий куч айнан ёшларимиздир», деб фарзандларимизни катта ишларга руҳлантириди.

Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 27 декабрдаги ёшлар билан учрашуви самимий, дўстона руҳда ўтли. Давлатимиз раҳбари ёшларга қаратилган нутқида адолат, фидойилик ва тарбия сўзларини кўп қўллади. Бу бежиз эмас, албатта. Мамлакатимизнинг

<sup>1</sup> «Халқ сўзи». 2918 йил 13 декабрь.

эртанги келажаги айнан ана шу омилларга кўп жиҳатдан боғлик. Президентимиз «Бизнинг бош мақсадимиз – янги Ўзбекистонни барпо этишдан иборат. Аммо уни ёшларсиз қуриб бўлмаслигини яхши тушунамиз»<sup>1</sup>, деб айтган фикрлари ёшларда яна бир бор шу юрт келажаги ва тақдирига бўлган дахлдорликни оширди. Ёшлар юртимизнинг чинакам таянчи ва сунячи бўлиши учун эса барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилимоқда. Чунончи, сўнгги йилларда юртимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, умумий ўрта ва олий таълимни ислоҳ қилиш борасида сезиларли қадамлар ташланди. Мактабгача таълим, ўрта ва олий таълимни 2030 йилгача ривожлантириш бўйича концепциялар тасдиқланди.

2018 йилда мамлакатимизда буюк аллома Мухаммад Хоразмий номидаги Ёш математиклар халкаро олимпиадаси муваффакиятли ўтказилди. Давлатимиз раҳбари ушбу тажриба асосида физика бўйича Ахмад Фарғоний, кимё фани бўйича Абу Али ибн Сино, астрономия бўйича Мирзо Улугбек номидаги халкаро фан олимпиадаларини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Бу олимпиадаларнинг ташкил этилиши ўзбек ёшларини нафақат маданият, санъат ёки спортда, балки илм-фан соҳасида ҳам дунё ёшлари билан рақобатга кириша оладиган мутахассислар килиб тарбиялашда мухим аҳамият касб этади. Шунингдек, ўсиб келаётган авлод аудиториясига йўналтирилган телевизиони радиоканаллар, босма нашрларни бирлаштириб, «Ёшлар медиа холдинги» ташкил этиши таклифи ҳам бугунги замон талаблари, ёшлар эҳтиёжларига монанд экани билан хурсанд киласди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган мазкур ташаббуслар, шубҳасиз, ёшларга канот бўлиб, иқтидорли ёш қадрларни кашф этиш, уларнинг хоҳиши-истакларини рўёбга чикариш, салоҳиятини Ватанимиз равиқи йўлида сафарбар этиш учун яна бир мухим қадам бўлди.<sup>2</sup>

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакат ёшлари билан бўлган учрашувда жойларда 16 қаватли IT парклар қуриш таклифини илгари сурган эди. Шунга кўра, Тошкент шаҳрида юкори даражада жиҳозланган илк IT парк барпо этилди. Навбатда-

<sup>1</sup> «Халқ сўзи», 2019 йил 28 декабрь.

<sup>2</sup> Ўша манба.

гиси Андикон шаҳрида ҳам ишга туширилди. Бу каби IT парклар юртимизнинг бошқа худудларида ҳам фойдаланишга топширилиши белгиланди.

#### **2.4. Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентнинг ролини ошириш**

Ўзбекистон Президенти БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сесиясидаги нутқида Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш тўғрисидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббуси билан чиқди. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича дунё парламентарийларининг ўрнини ошириш зарурлиги табиий ҳолат. Бу жараёнда жамиятда инсон ҳуқуқларини, адолатни таъминлаш бўйича конун ижодкорлиги йўналишида парламент аъзолари учун ўзаро тажриба алмашиш имконияти яратилади. Албатта, Президентимиз бошчилигида ислоҳотлар натижаси ўлароқ мамлакатимиз парламентида ҳам инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликни такомиллаштириши бўйича яхшигина тажриба шаклланганини қайд этиш жоиз. Ўтган тўрт йиллик вакт мобайнида депутатларимиз томонидан мазкур йўналишда 100 дан ортиқ қонунлар қабул килинди. Айни шу жиҳат ҳам давлатимиз сиёсатининг асосий йўналиши нимадан иборат эканлигини намоён этади. Шу муносабат билан Президентимиз депутатларимизга мурожаат қилиб куйидагиларни таъкидлади:

1. Сайловолди учрашувларида аҳоли томонидан кўтарилиган долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича аниқ дастур ва «йўл ҳаритаси»ни ишлаб чиқиш ҳамда уларни мутасадди идоралар билан ҳамкорликда тўлиқ амалга ошириш зарур. Бошқача қилиб айтганда, асосий вазифа – Ўзбекистонда яшаётган кўпмиллатли халқимиз ҳаётини юксалтиришдан иборат.

2. Бошқарув тизимини оширишда «Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқка хизмат килиши керак» деган асосий тамойилли амалда тўлиқ таъминлаш бўйича қўп иш қилиш зарур.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Мирзиёев П.М. Миллый тикшенишдан – миллый юксалиш сари. 4-жилд. Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. 10-б.

3. Биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга факат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. Шарқ донишмандлари айтганидек, «энг катта бойлик, бу – ақл заковат ва илм, энг катта мерос, бу – яхши тарбия, энг катта қашшоқлик, бу – билимсизлик-дир!». Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак. Шу боисдан хам Президентимиз 2020 йилга «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб ном беришни таклиф этди. Бу борада «Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастури ишлаб чиқилди.

Парламент илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳукумат, тармоқ ва ҳудудлар раҳбарларининг ҳисоботини муутазам эшлитиб бориши лозим.

Энди «Янги Ўзбекистон – янги сайловлар – янги парламент» деган устувор ғоя долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилмоқда. Ҳозирги кунда – Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида олдимизда ўта долзарб ва мураккаб вазифалар турибди. Уларни муваффакиятли ҳал этиш учун, аввало, қонун ижодкорлиги соҳасида ишни бутунлай янгича ташкил этиш кераклиги уқтириб ўтилди. Шу боисдан хам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 20 январда «Парламент ҳалқ идорасининг ҳақиқий кўзгуси бўлиши зарур» деб номланган нутқида Олий Мажлис ва Қонунчилик палатаси олдидағи қўйидаги долзарб вазифаларни белгилаб берди:

*Биринчидан*, қуйи палата ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича холис баҳс-мунозара ва тортишувлар мақонига, турли ижтимоий манфаатлар ўртасидаги кураш майдонига, чинакам «демократия мактаби»га айланиши зарур. Ўтган беш йил давомида палата фаолияти сезиларли даражада жонланиб, 540 та қонун ёки 2010–2014 йилларга нисбатан икки баробар кўп қонун лойиҳаси кўриб

*Янги Парламент ва ҳукуматнинг келгуси 5 йилдаги фаолиятиниг тирорд мақсади – Ўзбекистонда яшाइтган кўпмиллатли ҳалқимиз ҳаётини юксалтиришидан иборат бўлиши шарт.*

**Шавкат Мирзиёев**

чиқилди. Агар 2015 йилда қабул қилинган қонунларнинг борйүги 11 тасини яхлит ва яиги қонупулар ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич З баробар ошибб, 35 тага етди.<sup>1</sup>

*Иккинчидан*, депутатлар муҳокамага киритилган ҳар бир қонун лойиҳаси бўйича ўзининг мустаҳкам позициясини кўрсатган тақдирдагина, сайловчилар ишончини оқлай олади. Чунки қонунлар кучли бўлған жойда халқ ҳам кучлиdir.

*Учинчидан*, куйи налага депутатлари ташабbusи асосида ишлаб чиқиладиган қонунларнинг салмоғини ошириш лозим.

*Тўртинчидан*, халқ вакиллари қонунларни қабул қилипда уларнинг келгусида ишлашини таъминлайдиган чора-тадбирларни ҳам кўриши лозим.

Куйи налага парламент назоратини амалга оширипда ҳам ўз ечимини кутаётган қатор вазифалар мавжуд.

1. Яиги депутатлар таъсирchan парламент назоратини олиб бориш оркали халқ ишончини оқлами зарур.

2. Палатанинг кўмиталари ва бошқа таркибий тузилмалари назорат-таҳлил ишларини кучайтириши лозим.

3. Парламент ва депутат сўровининг таъсирchanligини ошириш чораларини кўриш керак.

4. Сайловчи ва депутатнинг ўзаро муносабатларига ахборот технологияларини кенг жорий этадиган вақт келди. Жумладан, парламент ва депутат сўровларини шакллантириш механизмини такомиллаштириш зарур.

5. Парламент фаолиятига аҳолини кенг жалб этиши мақсадида «Менинг фикрим» веб-портали ишни такомиллаштириш даркор.

Сенатининг самарадорлигини ошириш максадида яқин ва узок истиқболда қуйидаги муҳим вазифаларни амалга ошириш зарур, деди давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисидаги нутқида (2020 йил 20 январь):

*Биринчидан*, аҳолини кийнаётган муаммоларни ҳал этишининг самарали тизимини яратишимиш лозим. Жойларда хали жуда кўп муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Масалан, йўл қурилиши соҳасида жами 184 минг километр бўлған автомобиль йўллари-

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тикшенишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. 10-б.

нинг 70 минг километри ёки 38 фойизи қайта қуришга мухтож. Бундай ҳолат коммунал хизмат соҳасида, ичимлик суви билан таъминлаш, шаҳарсозлик соҳасида, умумтаълим мактабларида ва бошқа соҳаларда мавжуд.

*Иккинчидан*, ислоҳотларимизнинг бугунги босқичи Ҳукумат, барча вазирлик ва идоралар ҳамда ҳокимликлар олдига кескин талаблар кўймокда. Бу талаблар қонунларда, Президент фармонлари ва карорларида, турли давлат ва ҳудудий дастурларда ўз ифодасини топган.

*Учинчидан*, ёшлиар ва таълим масалалари Сенатнинг доимий эътиборида бўлиши керак. Абдулла Авлошининг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган сўзларини доимо ёдда тутиш керак. Нега деганда, бу фикр бугунги кунда ҳар качонгидан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

*Тўртинчидан*, Сенат ҳудудий вакиллик палатаси сифатида Давлат бюджети лойихасини кўриб чиқиши ва унинг ижроси устидан парламент назоратини ўрнатиши зарур.

*Бешинчидан*, жамият хаётининг турли соҳаларидағи долзарб масалаларни хал этишда парламент сўрови институтидан самарали фойдаланиш лозим. Сенатор сўровига беписандлик, бу – ҳалққа бўлган беписандлик, деб ҳисобланиши керак.

*Олтинчидан*, Сенатнинг маҳаллий кепгашилар билан ҳамкорлигини, улар фаолиятига амалий ва услубий кўмак кўрсатиш борасидаги фаолиятини янада кучайтириш лозим.

*Еттингчидан*, коррупцияга қарши кескин курашибиши мухитини яратишида Сенатнинг ролини кучайтириш зарур.

*Саккизинчидан*, жиноятчиликка қарши курашибиши ва ҳукукбузарликнинг барвакт олдини олии масаласи Сенатнинг доимий эътиборида бўлиши керак.

*Тўққизинчидан*, Сенат давлат идораларининг жамиятда хотинқизлар ролини ошириш борасидаги фаолияти устидан назоратни кучайтириши лозим.

Судларнинг чинакам мустақиллиги ва қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган кенг қамровли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.

**Шавкат Мирзиёев**

Ўнинчидан, Сенат фаолиятининг очиқлигини таъминлаш борасида қилинаётган ишларни янада кучайтириш зарур.

2020 йил 23 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ижтимоий ислоҳотлар соҳасидаги қўйидаги вазифалар белгилаб берилди:

1. Аҳоли фаровонлигини ошириш ва унинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш – биз учун бош вазифалардан бири бўлиб қолади. Бизда ҳам кам таъминланган аҳоли қатламлари мавжуд. Турли хисоб-китобларга кўра, улар тахминан 12–15 фоизни ташкил этади. Гап ахолимизнинг 4–5 миллионлик вакиллари ҳақида бормоқда. Биз янги иш ўринларини яратадиган тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаймиз, уларни елкамизда кўтаришимиз керак.

2. Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича ислоҳотларимизни ҳам қағъият билан давом эттирамиз.

*Коррупцияга қарши муросасиз қураш янги босқичга кўтарилиди. Бу борада муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, мустақил тузилма – Коррупцияга қарши қурашиш агентлиги ташкил этилди.*

**Шавкат Мирзиёев**

3. 2020 йилда хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб-кувватлаш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш вазифаси турибди. Ёшлар иттифоқи «Ўзбекистон ёшлари – 2025» концепциясини ишлаб чиқиши, унда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказишнинг амалий чора-тадбирлари белгиланиши зарур. Шу боис «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сарис» деган дастурий тоя асосида ёшларни она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик фазилатларини шакллантириш – ўта шарафли вазифадир.

4. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш керак.

5. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни яхшилашга эътиборни кучайтириш зарур.

6. Маданият ва санъат муассасаларига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриш лозим.

### **Долзарб масалалар:**

*Биринчидан*, жойларда ижро ва вакијллик органларининг давлат бошқарувидаги роли ва масъулиятини янада ошириш зарур.

*Иккинчидан*, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бугунги кунда ахолини ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратиб, ўзларининг асосланган таклифларини бериб боришлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланниш мақсадларини бажаришда парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтларининг амалий ҳамкорлигини йўлга қўйиш, бу масала бўйича мунтазам равишда парламент ва жамоатчилик эшитувларини ташкил этиш лозим.

### **Қонун устуворлиги ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги асосий вазифалар:**

*Биринчидан*, суд мустақиллигини тўлиқ таъминлаш – энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши зарур. Ўтган 3 йилда 1 минг 989 нафар, 2019 йилнинг ўзида 859 нафар фуқарога нисбатан оқлов ҳукмлари чиқарилгани – энг катта ютуғимиз. Энди суд орқали инсонларнинг ҳуқуқи тикланганини эътироф этиши билан чекланиб қолмасдан, нима сабабдан судгача бўлган тергов жараёнида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган, деган савонни кўндаланг қўядиган, тазииклар учун жавоб берадиган вақт келди.

*Судларнинг мустақиллиги Президентнинг қаттиқ назоратида бўлади. Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм суроётганига тўла шионч ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда, буюук немис файласуфи Иммануил Кант айтганидек, «Адолат йўқолган пайтда ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа ҳеч нарса қолмайди».*

*Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унумласлигимиз зарур. Ўзбекистонда судьялар қонунларнинг толмас ҳимоячилари, адолатнинг мустақил устуnlари бўлиши лозим.*

*Иккинчидан*, суд-ҳуқуқ соҳасига доир асосий қонун ва кодекслар бундан деярли 20–25 йил олдин қабул қилинган бўлиб, ҳозирги давр талабларига жавоб бермайди. Шу сабабли парламент яқин йилларда Фуқаролик, Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижро, Мамму-

рий жавобгарлик түғрисидаги кодексларни янгидан қабул қилиши мақсадға мувофиқдир. Қонунларни янгилашдан мақсад – фақат қонун қабул қилиш әмас, аксинча, янги қонунлар әртага одамларға қандай амалий наф бериши, уларнинг ҳаётини қандай енгиллаштириши ҳакида бош қотиришдан иборат бўлмоғи лозим.

Учинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш соҳасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтариш зарур.

*Тўртингчидан*, афсуски, жамиятимизда коррупция иллати ўзининг турли кўринишлари билан тараққиётимизга ғов бўлмоқда. **Коррупцияга қарши курашишда** аҳолининг барча қатламлари, энг яхши мутахассислар жалб қилинмас экан, жамиятимизнинг барча аъзолари, таъбир жоиз бўлса, «ҳалоллик вакцинаси» билан эмланмас экан, ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларга эриша олмаймиз. Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак.

*Бешинчидан*, фуқаролик масалаларига оид қонунчиликни тақомиллаштириш оркали инсон ҳуқуқларини таъминлані борасида навбатдаги муҳим қадам қўйиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

1995 йилгача мамлакатимизда яшаб келган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги автоматик тарзда берилиши даркор. Шу тариқа 50 мингга яқин юртдошларимиз фуқаролик мақомига эга бўлди.

БМТ Баркарор ривожланиш мақсадларини бажарин бўйича Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистоннинг «йўл харитаси»га айланди ва у беш босқичда амалга оширилмоқда. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясининг қабул қилиниши билан инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, уларга амал қилиш масалалари давлат сиёсати ва халқаро шериклик билан ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўлиб қолади. Демак, юртимизда инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тўғрисида конунчилик тизими амал килмоқда. Ҳозирги кунга қадар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тартибга соладиган 12 та конституциявий қонун, 16 та кодекс ҳамда 700 дан ортик қонуности хужжатлари қабул қилинган.

Парламентнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти ҳакида гапирав эканмиз, депутатларнинг ўз электорати, сайловчи-

лари билан жойларда мунтазам иш олиб бораётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 27 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимидағи маъруzasида: «Ҳар бир давлат ўз истиклол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Конституцияси – Асосий қонунида мустаҳкамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу пиятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгилаган юксак маралардан ҳеч қачон оғиши масдан, доимо олдинга қараб боради» деб, Конституциянинг мамлакат тараққиётидаги аҳамиятини кўрсатиб берди.

Мамлакатимиз тараққистининг янги босқичида қуйидаги принципиал муҳим фикрларни баён қилди:

**«Биз бугун ўз олдимизга катта-катта мақсадлар қўйиб, маррани баланд олдик.**

**Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар муқаррар тус олди ва ҳеч ким, ҳеч қандай куч бизни ўз танлаган йўлимиздан қайтара олмайди.**

**Бу – бугунги ҳаёт, бугунги замон талаби.**

**Бу – кўп миллатли, бағрикенг, меҳнаткаш ва олижсаноб ҳалқимизнинг хоҳиш-истаги»<sup>1</sup>.**

БМТ томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг 2020 йилги натижаларига кўра, Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) глобал рейтингида Ўзбекистон 71,02 фоиз натижа билан 190 дан ортиқ мамлакат орасида 66-ўринни эгаллади.

**Таянч иборалар:** идентификация, дифференциация, гендер муносабатлари, жинс, аёллар, тенг ҳуқуқлилик, адолатлилик, қонунийлик, никоҳнинг ихтиёрийлиги, мажбурияятлар тенглиги, оналик, оталик ва болалик ҳимояси, оила, меҳнат муносабатлари, тенг қийматли меҳнат, инсон ҳуқуқлари,

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миолий юксалиш сари. 4-жилд. Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2020. 10-б.

мажбuriй ва болалар меҳнати, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия, тазиқ ва зўравонлик, бола ҳуқуқлари. миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, инсонпарварлик таъмойили, ёшлар ҳуқуқлари, глобал бирдамлик, барқарор таракқиёт, бешта муҳим ташаббус, терроризм, экстремизм, парламентаризм, қонун ижодкорлиги.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевинг 2020 йил 23 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сесиясида сўзлаган нутқининг мазмун-моҳияти ҳақида маълумот беринг.
2. Пандемия даврида давлатлараро ўзаро ёрдам нималарда намоён бўлади?
3. БМТнинг умумжсаҳон миқёсидаги қарор қабул қилиши ва уларнинг ижеросини таъминлаш механизmlари ҳақида нималарни биласиз?
4. Нима сабабдан камбагаликка қарши курашии глобал вазифага айланмоқда?
5. Ўзбекистоннинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти (ИҲТ) билан ҳамкорлик алоқалари ҳақида нималарни биласиз?
6. Ўзбекистоннинг нуфузли ҳалқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ ва унинг ихтисослашган тузилмалари билан самарали ҳамкорлиги пандемия даврида қандай кечмоқда?
7. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўйитаси билан Ўзбекистон Республикасининг ҳамкорлиги борасида нималарни биласиз?
8. «Бир макон – бир йўл» кенг кўламли лойиҳаси доирасида Ипак йўлини тиклашда Ўзбекистоннинг иштироки ҳақида нималарни биласиз?
9. «Мехр-шафқат ва саломатлик» жамгармаси фаолияти ҳақида маълумот беринг?
10. БМТ шафелигида пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги ҳалқаро кодексни ишлаб чиқши ва уни амалиётга татбиқ этиши қандай ижебий натижалар беради, деб ўйлайсиз?



## ТЕСТ

**1. «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияси ким томонидан ва қачон қабул қилинди?**

- А) БМТ БА томонидан 2018 йил 12 декабрда;
- Б) ЕХХТ томонидан 2019 йил 1 сентябрда;
- В) ШХТ томонидан 2019 йил 5 январда;
- Г) БМТ БА томонидан 2020 йил 23 сентябрда.

**2. Гендер сўзи ўзбек тилига қайси тилдан кириб келган ва унинг лугавий маъноси қандай?**

- А) Инглиз тилидан олинган бўлиб, «уруғ» деган маънони англатади. Инсоннинг ижтимоий-маданий ва маънавий жиҳатини ифода этувчи тушунча;
- Б) Лотин тилидан, «жинс» деган маънони англатади. Эркак ва аёлларнинг тенг хуқуқлилиги маъносини билдирувчи тушунча;
- В) Немис тилидан, «ижтимоий табақаланиш» маъносини англатади. Инсоннинг ирқи, миллати, синфи, гурухи сингари маъноларни билдирувчи тушунча;
- Г) Швед тилидан, «муайян жинсга мансуб шахс» маъносини англатади. Жинсий тафовутларнинг ижтимоий мазмуни, деган маънони билдиради.

**3. Гендер идентификацияси маъно-мазмуни қайси жавобда тўғри берилган?**

- А) Муайян жинсга мансуб шахсга хос хулқ шакллари;
- Б) Жамиятда гендерга хос фарқларни асослаб берадиган ғоялар;
- В) Табиий деб топилган жинсий тафовутларнинг ижтимоий мазмун караб этиши;
- Г) Эркак ва аёлларнинг агрессивлиги, лидерликка интилиши ва меҳрибонлик, жозибадорликка асосланган хулқ-атвор.

**4. Ўзбекистонда Ички ишлар вазирлиги тизимида, хокимлик ва элчи лавозимларида қанча аёл раҳбарлик вазифаларида фаолият олиб бормоқда?**

- А) 16 нафар аёл ички ишлар вазирлигига, 6 нафар аёл ҳокимлик ва 1 нафар элчи лавозимларида раҳбардир;
- Б) 14 нафар аёл ички ишлар вазирлигига, 8 нафар аёл ҳокимлик ва 2 нафар элчи лавозимларида раҳбардир;
- В) 18 нафар аёл ички ишлар вазирлигига, 10 нафар аёл ҳокимлик ва 3 нафар элчи лавозимларида раҳбардир;
- Г) 20 нафар аёл ички ишлар вазирлигига, 9 нафар аёл ҳокимлик ва 2 нафар элчи лавозимларида раҳбардир.

**5. БМТ Бош Ассамблеясининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига Ўзбекистон қачон аъзо бўлди ва ундаги аъзолар сони қанча?**

- А) 2020 йил 13 октябрда, 15 та;
- Б) 2020 йил 23 январда, 20 та;
- В) 2020 йил 23 сентябрда, 10 та;
- Г) 2017 йил 19 сентябрда, 15 та.

**6. Халкаро анжуманда «Ёшлар – 2020: глобал бирдамлик, барқарор таракқиёт ва инсон ҳуқуқлари» номли Самарқанд резолюцияси қачон кабул қилинди?**

- А) 2020 йил 12–13 августда;
- Б) 2020 йил 23–24 сентябрда;
- В) 2020 йил 1–2 октябрда;
- Г) 2020 йил 15–16 июня.

**7. Президентимизнинг ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурган бешта муҳим ташаббуснинг тўртинчиси қайси?**

- А) Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонлини кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган;
- Б) Ахоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самараали фойдаланишини ташкил этишга қарагилган;
- В) Ёшларнинг мусика, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишлигини оширишга, истеъодини юзага чиқаришга хизмат қиласи;
- Г) Ёшларни жисмоний чинкитириш, уларнинг спорт соҳасида кобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга, хотин-кизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутади.

## ТЕСТ

---

**8. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ БАНИНГ қайси сессиясидаги нуткида Баркарор тараккىёт максадларига эришиш ва инсон хукукларини таъминлашда парламентлар ролини ошириш түғрисида резолюция қабул килиш ташаббуси билан чикди?**

- А) БМТ БАНИНГ 75-сессиясида;
- Б) БМТ БАНИНГ 72-сессиясида;
- В) БМТ БАНИНГ 73-сессиясида;
- Г) БМТ БАНИНГ 74-сессиясида.

**9. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 20 январда Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисидаги нуткида сенаторлар олдига нечта энг муҳим устувор вазифани қўйди?**

- А) 10 та устувор вазифани;
- Б) 8 та устувор вазифани;
- В) 7 та устувор вазифани;
- Г) 5 та устувор вазифани.

**10. Суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сурәтганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Акс холда, буюк немис файласуфи Иммануэл Кант айтганидек, «Адолат йўқолган пайтда ҳаётнинг қадрини белгилайдиган бошқа хеч нарса қолмайди» деган ибора қачон баён этилди?**

- А) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида;
- Б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ БАНИНГ 2020 йил 23 сентябрдаги 75-сессиясидаги нуткида;
- В) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 20 январдаги биринчи йигилишида;
- Г) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатасининг 2020 йил 20 январдаги биринчи мажлисидаги шуткида.





### III. Б о б

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК – ЎЗАРО ИШОНЧ МУҲИТИНИ ЯРАТИШГА АСОСДИР

### 3.1. Марказий Осиё давлатлари ўртасида транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Президент лавозими-даги фаолиятининг илк кунлариданоқ Марказий Осиёни ягона минтақа сифатида ривожлантиришнинг аҳамияти ва долзарблигини эътиборга олган ҳолда, фаол минтақавий сиёсат юритиш, Марказий Осиёда қулай сиёсий муҳит яратиш, минтақадаги мамлакатлар билан барча йўналишларда, жумладан, Ўзбекистон ташки сиёсатининг устувор тармоқларидан бўлган транспорт соҳаси бўйича конструктив ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйиш каби вазифаларни белгилаб берган эди.

Мамлакатимизда транспорт инфрагузилмасини янада ривожлантириш ва транзит юқ ташиш ҳажмини ошириш масалаларига алоҳида эътибор каратилмоқда.

Хозирги кунда Ўзбекистонда 2015–2019 йилларда мухандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфрагузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури амалга оширилди. Дастур миллий транспорт тармоғини ривожлантириш соҳасида ҳалқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган яхлит комплекс стратегияни ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг маҳсулотларини ҳудудий ва жаҳон бозорига олиб чиқишини ҳисобга олган ҳолда ушбу стратегияни ҳалқаро транспорт тизимига кенг интеграциялашни таъминлашни кўзда тутади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда транспорт-транзит салоҳиятини янада ривожлантириш учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. Транспорт тизимининг ўтказувчанлик кобилиятини ошириш, Ўзбекистон ҳудудидан ўтиш учун мавжуд тўсикларни бартараф этиш ишлари амалга оширилмоқда, бу эса

Марказий Осиёда халқаро транспорт йўлакларини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Минтакани ривожлантиришга қаратилган муҳим лойиҳаларни амалга ошириш максадида ўтган йил ноябрь ойида Самаркандда «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, баркарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзууда халқаро конференция ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев ушбу тадбирдаги нутқида ҳозирги кунда минтақавий ҳамкорликнинг барча муҳим соҳалар бўйича ривожлантириш тенденциялари ҳақида сўзлади ва Марказий Осиё бўйича катор ташабbusларни илгари сурди.

Давлатимиз раҳбарининг асосий ташабbusларидан бири – Марказий Осиё бўйича БМТ резолюциясини қабул қилиш тақлифи халқаро ҳамжамият томонидан кенг кўллаб-куватланди, жорий йил июнь ойида БМТ Бош Ассамблеяси «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва баркарор ижтимоий-иктисодий тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорлик» резолюциясини қабуя қилди. Резолюцияда транспорт инфратузилмаси ва транзит йўлакларини ривожлантириш, янги автомобиль ва темир йўллар, авиақатновларни очиш орқали барча транспорт турларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Йирик халқаро бозорларни ўзаро бирлаштирувчи энг қисқа йўналишлар минтақамиз орқали ўтади. Ҳудудимизнинг транспорт-транзит салоҳияти унинг тарихан Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасида кўприк вазифасини ўтаган Буюк ипак йўлиниң марказидаги геостратегик жойлашуви билан белгиланади. Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил март ойида Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат учрашувидаги нутқида минтақани йирик денгиз портлари ва дунё бозорлари билан боғлаш имконини берадиган транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш устувор вазифа эканини таъкидлади.

Марказий Осиёда мавжуд транспорт йўлакларини такомиллаштириш ва янгиларини шакллантириш долзарблигини эътироф этган ҳолда, давлатимиз раҳбари Самаркандда бўлиб ўтган тадбирда Тошкент шаҳрида транспорт йўлаклари бўйича халқаро конференцияни ташкил этиш ташабbusи билан чиқди.

Мамлакатимиз транспорт-транзит салоҳиятини ривожлантириш, уни ҳалқаро транспорт хабига айлантириш, Марказий Осиё орқали ўтадиган ҳалқаро транспорт йўлакларининг транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чикиш зарур. Жумладан:

*биринчидан*, хорижий инвестицияларни жалб этиш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ҳалқаро ташкилотлар, энг аввало, ҳалқаро молиявий тузилмалар билан ҳамкорликка қаратилган;

*иккинчидан*, Марказий Осиё мамлакатларининг транспорт-транзит салоҳиятини янада тacomиллаштириш бўйича қўшима саъи-харакатларни ишлаб чикишга йўналтириш зарур.

Марказий Осиёда қўшимча юқ ташиш оқимларини жалб этиш имконини берадиган янги транспорт ва транзит йўлакларини шакллантириш, транспорт ва логистика соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича хорижий тажрибани ўрганиб, ҳалқаро логистика марказлари тармогини яратиш, минтақа транспорт-логистика салоҳиятини ривожлантириш учун хорижий мамлакатларнинг портларидан самарали фойдаланиш услубларини шакллантириш, Марказий Осиёда Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё, Европа, Якин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини бирлаштирувчи муҳим транзит йўл бўлиб хизмат кирадиган ягона интеграциялашган хабни яратиш масалалари минтақамиз учун долзарб аҳамият касб этади.

Бундан асосий мақсад – минтақа транзит салоҳиятини биргалиқда ривожлантириш, ҳалқаро транспорт йўлакларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ҳалқаро ташуввлар жараёнидаги турли тўсикларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқип, меъёрий-хуқукий база ва тариф сиёсатини тacomиллаштириш ҳисобланади.

Марказий Осиё мамлакатлари транспорт-транзит салоҳиятининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, темир йўл транспортини ривожлантиришнинг ҳалқаро ва минтақавий тенденциялари, автомобиль ташуввларини тacomиллаштириш бўйича ҳалқаро ҳамкорлик: хорижий тажриба ва миллий амалиёт, Марказий Осиёда ҳаво транспортини ривожлантиришнинг долзарб масалалари каби мавзулар алоҳида ўрин тутди.

Статистик маълумотларга кўра, Марказий Осиё мамлакатлари темир йўлларининг узунлиги 22 минг километрга тенг. Қозоғистон

энг йирик ва энг кўп фойдаланиладиган темир йўллар тизимиға эга, унинг хиссасига минтақадаги темир йўлларнинг 66 фоизи ва барча юқ ташишларнинг 84 фоизи тўғри келади. Минтақадаги темир йўлларнинг қарийб 18 фоизи Ўзбекистон ҳудудидан ўтади ва барча ташишларнинг карийб 11 фоизи мамлакатимиз хиссасига тўғри келади. Туркманистон таҳминаи 12 фоиз минтақавий темир йўлларга эгалик қиласи ва барча ташишларнинг 4 фоизини таъминлайди.<sup>1</sup>

1993 йилда Бельгия пойтахтида Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон иштирокида Брюссель декларацияси кабул килинган эди. Мазкур ҳужжат Европадан Қора дengiz, Кавказ, Каспий денгизи орқали ўтиб, Марказий Осиё мамлакатларига чиқиш бўйича транспорт йўлагини ривожлантириш мақсадида ЕИ томонидан молиялаштириладиган ТРАСЕКА техник кўмак бўйича минтақаларро дастурининг амалга оширилишини бошлаб берди.

1996 йилда Марказий Осиё мамлакатларидан Эрон ва Туркия ҳудудлари орқали дунё бозорига чиқиш имконини берадиган янги Трансосиё йўлаги – Тажик – Сарахс – Машҳад темир йўли очилди.

Хозирги кунда Марказий Осиёда ўзаро ишонч ва дўстона мухит шароитида транспорт лойиҳаларини рўёбга чиқариш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистонни хорижий мамлакатлар, хусусан, Франкфурт, Милан, Брюссель, Вена, Сарагоса, Осло, Базель, Дубай, Техрон, Шанхай каби йирик логистика марказлари билан боғлайдиган «Навоий» халқаро интермодаль логистика маркази фаолияти жадал ривожланмоқда.

2016 йил 22 июнь куни Ангрен – Поп темир йўли очилди. Ушбу йўналиш Хитой – Марказий Осиё – Европа темир йўлининг мухим бўғини сифатида Хитойдан Марказий Осиё ва Жанубий Осиё мамлакатларига энг қисқа йўл орқали чиқишини таъминлайди ва Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга хизмат қиласи.

Тошкент ва Душанбе ўртасида 1992 йилда тўхтатилган авиақатновлар 2017 йил февраль ойида кайта тикланди.

Шу йилнинг март ойида Тошкент – Олмаота йўналиши бўйлаб теззорар поездлар харакати, миллий авиатапнувчиларнинг кўшимча парвозлари йўлга кўйилди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика вазирлигига ахборотномаси, 2019 йил.

2017 йил сентябрь ойида Ўзбекистон – Қирғизистон чегарасидаги «Дўстлик» назорат-ўтказиш пункти фаолияти тиклангани Ўзбекистон ва Қирғизистон тарихида муҳим воеа бўлди. Бу икки мамлакат ўртасидаги азалий ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат килади.

2017 йилда Амударё орқали ўтадиган Туркманобод – Форобянги темир йўл ва автомобиль кўприклари очилди. Бу юк ташиш ҳажмини 2,5 баробар ошириш имконини берди. Амударё орқали ўтадиган кўприклар юк оқимларини Осиё ва Тинч океани минтакаси, Жанубий Осиё давлатларидан Каспий денгизи, ундан кейин Қора денгиз ва Ўрта Ер денгизи минтақаси, Европа, Кавказорти, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига тўғридан-тўғри олиб чиқиш имконини беради. Шунингдек, ушбу кўприклар Ўзбекистон – Туркманистон – Эрон – Ўмон транспорт-транзит йўналишининг муҳим бўғини ҳисобланади.

Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой темир йўли қурилиши хам фаоллашди. Мазкур лойиҳа Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти мамлакатлари учун долзарб аҳамиятга эга. Унинг амалга оширилиши лойиҳа иштирокчилари хамда Марказий Осиёнинг бошқа барча давлатлари ва Хитой ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш имконини беради. Ушбу темир йўли Хитойдан Қирғизистон ва Ўзбекистон орқали Шарқий Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларига юк ташиш имконияти яратилиши туфайли Хитой юкларини Европа мамлакатларига етказадиган энг қиска йўллардан бирига айланади ва бутун Марказий Осиё транспорт-логистика инфраузилмасини ривожлантиришга хизмат қилади.

Жорий йил февраль ойида Марказий Осиёдан илк бор тўғридан-тўғри Хитойга чиқадиган Тошкент – Андижон – Ўш – Эргаштот – Қашқар автомобиль йўлаги бўйича қатнов йўлга қўйилди.

Март ойида Ўзбекистон ва Тожикистон чегарасида Самарқанд ва Панжикентни бирлаширувчи «Жартия» назорат-ўтказиш пункти ишга тушди. Саккизта автомобиль ва битта «Амузанг» темир йўл ўтказиш маскани фаолияти тикланди. Ғалаба – Амузанг – Хушади темир йўл линиясининг ишга туширилиши транзит ташишларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди, Туркманистон ва Афғонистонга чиқиш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Марказий Осиёнинг стратегик келажаги ва истиқболлари минтақанинг ажралмас қисми ҳисобланган Афғонистондаги худудий

жараёнларда фаол иштирок этишга бевосита боғлиқ. Афғонистон Президенти Ашраф Ғанининг 2017 йилда Ўзбекистонга ташрифи доирасида «Сурхон – Пули Ҳумри» электр узатиш линиясини қуриш лойихасини амалга ошириш тўғрисида келишувга эришилди. Янги линия Ўзбекистондан Афғонистонга электр энергияси етказиб беришни 70 фоизга ошириш, яъни йилига 6 миллиард кВт/соатга етказиш имконини беради.

2017 йилда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида авиакатновлар йўлга қўйилгани муҳим воқеа бўлди. Бу Тошкент аэропортидан Афғонистон самолётларида Германия, Буюк Британия ва Европанинг бошқа мамлакатларига амалга оширилаётган парвозлар учун авиаҳаб сифатида фойдаланиш имконини беради.

Афғонистон билан транспорт соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда трансаффон йўлаги доирасида янги темир йўлларини барпо этиш истиқболда Марказий Осиёнинг энг қисқа йўллар орқали Ҳинд океани ва Форс кўрфазидаги бандаргоҳларга чикишини таъминлайди, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёни Европа ва Хитой бозорлари билан боғлайди.

Кейинги пайтларда минтақамиз мамлакатлари халқаро транспорт борасидаги имкониятларини кенгайтиришга доир саъиҳаракатларини фаоллаштирияпти. Бугунги кунда Марказий Осиё орқали қатор халқаро транспорт йўлаклари ташкил этилмоқда.

2018-2023 йилларда Хитой ва Фарбий Европани боғлайдиган «Евроосиё» транспорт йўлагини қуриш ва фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Ушбу магистрал Пекиндан бошлаб Остона, Москва ва Минск орқали Берлинга қадар давом этади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 2050 йилга бориб ушбу йўлак орқали йилига 37 миллион йўловчи ташилади.

Яна бир лойиха – «Фарбий Европа – Фарбий Хитой». Унинг Хитой – Қозогистон қисми 2016 йилда иш бошлаган бўлиб, Европага элтувчи энг қисқа автомобиль йўли ҳисобланади, бу ерда юк ташиши муддати 10–12 кунни ташкил этади. Лойиха 2030 йилга қадар тўлиқ ишга туширилиши кутилмоқда. Йўлак Санкт-Петербург – Москва – Оренбург – Октўба – Олмаота – Қорғас орқали ўтади.

2017 йилда Афғонистон, Туркманистон, Озарбайжон, Грузия ва Туркия вакиллари «Ложувард» транспорт йўлагини яратиш тўғрисидаги келишувни имзолади. Унга мувофиқ, темир ва авто-

мобилъ йўллари орқали Торкунди шаҳри (Афғонистон) Ашхобод билан ва Каспий денгизидаги Туркманбоши бандаргоҳи билан бўлганади. Сўнг йўлак Каспий орқали Бокуга, кейинчалик Тбилиси орқали Анқарага, йўл-йўлакай Поти ва Багуми портларида тармокланиб, Анқарадан Истанбул ва Қарсга элтади, шу тариқа Европанинг транспорт тизимига уланади.

Қозогистон – Туркменистон – Эрон йўлагига келсак, 2018 йил май ойида Хитойдан ушбу йўналишда контейнерли поезд юрди. Ушбу масофани босиб ўтишга 2 ҳафтага якин вақт кетди, бу дengiz йўлига қараганда ўртacha икки баробар тез дегани. 2022 йилга бориб темир йўл орқали юк ташиш хажми йилига 15 миллион тоннани ташкил этиши куттилмоқда.

«Шарқ – Фарб» лойиҳаси Хитой ва Европа ўртасида транспорт алоқасини йўлга кўйишга қаратилган. Боку – Тбилиси – Қарс темир йўли ушбу транснорт йўлагининг муҳим бўғинидир. Мазкур лойиҳа Туркия ва Европадан Марказий Осиё мамлакатлари, Хитой ва Эронга мунтазам юк ташишни йўлга кўйишда муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон ҳам ушбу лойиҳада иштирок этишдан манфаатдор. Президентимизпинг «2018–2022 йилларда транспорт инфраструктузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан Боку – Тбилиси – Ахалкалаки – Қарс темир йўли орқали ташқи савдо юкларининг дастлабки транзит ташувларини амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

«Шимол – Жануб» лойиҳасининг очилиши, маълумотларга қараганда, 2020 йилга мўлжалланган. Ушбу транспорт йўлаги Санкт-Петербург бандаргоҳини Эроннинг Бандар Аббос ва Чо баҳор бандаргоҳлари билан боғлайди, шу тарзда дengiz йўли Ҳиндистондаги Мумбай бандаргоҳига қадар узайтирилади.

Ушбу транспорт йўлаги Эрон орқали Форс кўрфази мамлакатларига юк ташиш жараёнини соддалаштириши туфайли Марказий Осиё учун долзарб ахамиятга эга. Ҳар йили йўлак орқали 3–5 миллион тонна юкни транзит килиш имконияти пайдо бўлади.

Мазкур транспорт йўлаги Ўзбекистон учун ҳам муҳим. Президент Шавкат Мирзиёев 2018 йил июнь ойида Циндао шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ саммитида Ўзбекистон Мозори Шариф – Ҳирот,

Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўл линияларини куриш, шунингдек, Марказий Осиё – Форс кўрфази, «Шимол – Жануб» ва «Шарқ – Ғарб» трансмintaқавий йўлакларни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.<sup>1</sup>

Ҳозирги кунда жаҳон эксперталар ҳамжамиятида Хитой томонидан илгари сурилган «Бир макон – бир йўл» ташаббусининг транспортга доир қисми хусусида кўп сўз юритилмоқда.

Фикримизча, Ўзбекистон «Бир макон – бир йўл» ташаббусини кўллаб-кувватлаши ва унда янада фаол иштирок этишдан манфаатдорлигига қаратиши лозим. «Бир макон – бир йўл» ташаббуси, аввало, савдо-иктисодий муносабатларни ривожлантиришга, Хитойни жаҳон ахолисининг 60 фоизи ва ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи тўғри келадиган 65 дан ортиқ мамлакат билан боғлайдиган янги транспорт йўлларини шакллантиришига қаратилган.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблейсининг 75-сессиясидаги нуткидаги асосий йўналиш Марказий Осиё мамлакатларини жаҳон иктисадий, транспорт ва транзит коридорларига чукур интеграциялашуви мақсадида БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларни ривожлантириш минтақавий марказини ташкил этишга қаратилди.<sup>2</sup>

Шу мақсадда Ўзбекистон транспорт саноатини ривожлантиришга стратегик аҳамият бериб, миллий ва минтақавий даражаларда транспорт инфратузилмасини ривожлантиришига қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга оширмоқда, шунингдек, уни халқаро транспорт тизимига қўшиш бўйича ишлар изчил олиб борилмоқда.

Мамлакатимизнинг транспорт-логистика салоҳиятини ошириш мақсадида ушбу соҳанинг институционал базаси ва меъёрий-хукукий асослари мустаҳкамланмоқда. Жумладан: темир йўл, ҳаво, дарё транспорти, метро ва йўл иншоатларини ривожлантириш бўйича ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича хукumat органи сифатида Транспорт вазирлигини ташкил

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил Циндао шаҳрида бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитидаги маъруzasи.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблейсининг 75-сессиясидаги нутки / Янги Ўзбекистон, 2020 йил 24 сентябрь.

етиш тўғрисида 2019 йил 1 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони кабул қилинди.

Фармонга кўра, «2018–2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юкларни ташиш бўйича ташки савдо йўналишларини диверсификация қилишнинг комплекс дастури» кабул қилинди.

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг транспорт тизимини 2035 йилгача ривожлантириш стратегияси» ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги кунда деярли барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда транспорт ва логистикага оид рақамли хизматлар жадал ривожланмоқда.

Ушбу тенденцияни ҳисобга олган ҳолда Марказий Осиё мамлакатларининг автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти тизимларида ахборот технологиялари, рақамли маркетинг хизматларини жорий этиш билан боғлик масалаларни мухокама қилиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий транспорт-коммуникация тизимини шакллантириш, транспорт ва логистика соҳаларида янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишга доир саъй-харакатларни фаоллаштириш юзасидан узок муддатли ва кўп томонлама ҳамкорлик учун қулай шароитлар яратишга катта ҳисса қўшади.

Хорижий давлатларнинг бандаргоҳларига чиқиш мақсадида Марказий Осиёнинг транспорт-транзит имкониятларини кенгайтириш бўйича янги келишилган қарорларни ишлаб чиқиш минтақа учун мухим ва долзарбdir.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор тармокларидан бўлган транспорт соҳаси бўйича конструктив ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга қўйиш каби вазифаларни, Марказий Осиё мамлакатлари транспорт-транзит салоҳиятининг бугунги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари, темир йўл транспортини ривожлантиришнинг ҳалқаро ва минтақавий тенденциялари, автомобиль ташувларини такомиллаштириш бўйича ҳалқаро ҳамкорлик, Марказий Осиёда ҳаво транспортини ривожлантириш ва ҳаво йўлларидан фойдаланишда пандемияни ҳисобга олган ҳолда авиақатновларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.

### 3.2. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш механизмларини яратиш

XX асрнинг охирги ўн йиллигига дунёда шу қадар улкан ўзгаришлар содир бўлдики, у халқаро ҳамжамиятнинг сиёсий, иктиносидий, ижтимоий ва маънавий асосларини кескин ўзгартириб юборди. Ер юзи халқларининг яшаш тарзи, услуби ва ижтимоий мўлжалларида янгиланиш содир бўлди. Миллионлаб одамлар онги, оламнинг моҳияти ҳақидаги қарашларида чукур ўзгаришлар юз бериш жараёни бошлади.<sup>1</sup> Шунингдек, янги давлатлар жаҳон сиёсати майдонига кириб келди ва улар халқаро муносабатларда иштирок эта бошлади. Маълумки, Марказий Осиё ҳамиша кудратли давлатларнинг қизиқиши доирасига кирган. Ўтмишда буюк саркардалар ва империялар Марказий Осиё ҳудудини муҳим стратегик минтақа сифатида эътироф этгандар. Бугунги кунга келиб эса, яъни собиқ шўролар тузумининг емирилиши билан Марказий Осиё минтақасига бўлган ташқи қизиқишлиар кўлами янада ортди ва шуларнинг оқибати ўлароқ минтақа етакчи хорижий давлатлар манфаатлари тўқнашаётган геосиёсий маконга айланди. Ҳозирги кунда Марказий Осиё минтақаси жуда катта сиёсий трансформация (ўзгаришлар) жараёнини бошидан кечирмоқда. Геосиёсат нуктаи назаридан, минтақа жаҳон сиёсий харитасининг периферия (чекка) ҳудуди сифатида эмас, балки стратегик муҳим минтақа сифатида ўзини намоён этмоқда. Бу, бир томондан, минтақанинг географик жиҳатдан Евросиё қитъасининг марказида жойлашганлиги, геосиёсий жиҳатдан табиий ресурсларга бойлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан, Марказий Осиё минтақаси орқали дунёнинг бошқа муҳим минтақалари ва давлатлари – Яқин Шарқ, Жануби-Шарқий Осиё, Кавказ ва шунингдек, Россия ва Хитойга сиёсий ва иктиносидий таъсир ўтказиш мумкин ёки, аксинча, улардан келаётган таъсирларни қайтариш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, асримиз бошиданоқ энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёж ошиб бормоқда. Жаҳоннинг буюк давлатлари томонидан бундай ресурсларга бойерларни ўз геосиёсий манфаатларига хизмат қилдиришга бўлган интилиш тобора кучайиб бораётганлиги кузатилаётган бир шароит-

<sup>1</sup> Гильман М. (2018) Различия экономических результатов и изменение альянсов в деглобализирующемся мире // Вестник международных организаций. Т. 13, №2, С. 7–16 (на русском и английском языках). DOI: 10.17323/1996-7845-2018-02-01.

да, экспертларнинг фикрича, XX аср углеводород ресурслари учун курашлар, асосан Яқин Шарқ миңтакаси билан алоқадор бўлган бўлса, янги асрда бундай курашлар Марказий Осиё миңтакасида амалга ошиди. Демак, Марказий Осиё давлатлари жойлашган худуд нафакат миңтақавий, балки жаҳон геосиёсатидаги стратегик муҳим худуд сифатида шаклланди.

Дунё бўйлаб ва, хусусан, алоҳида миңтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш миллатларнинг бу умумий мақсадларини рўёбга чиқариш учун биргаликда ҳаракат қилишларини тақозо этади. БМТ низоми барча давлатларни «Келажак авлодларни уруш талафотларидан ҳалос этишга», «яхши кўшничилик муносабатлари» асосида яшашга чорлаб, ҳалқаро тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-куvvatлашга, миллатлараро дўстона муносабатларни ҳал этиш мақсадида ҳалқаро ҳамкорликни йўлга қўйишга ундайди.<sup>1</sup> Ҳалқаро ва миңтақавий хавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳамкорликнинг йўлга қўйилишининг мазмун-моҳияти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти максадининг мазмуни билан ҳамоҳанг бўлган тинч-тотув яшаш тамоилининг амалда қўлланишини англатади. Чунки, давлатларнинг тинч-тотув яшashi – куч ишлатили ёки куч билан таҳдид қилишдан воз кечишини англатибгина колмай, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйишни ҳам назарда тутади. Ҳамкорлик давлатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва ишончни тиклашга, яхши кўшничилик муносабатлари ва ҳалқаро тинчликни таъминлашга хизмат қилиши лозим.

Ҳалқаро тинчлик ва хавфсизлик бутун дунё давлатларининг ҳамкорлигини тақозо этса, миңтақавий хавфсизликни таъминлаш шу миңтақада жойлашган давлатларнинг ҳамкорлигини, мавжуд муаммоларнинг уйғунликда ҳал этилишини талаб қиласди.

Бинобарин, бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатлари ҳалқаро муносабатларнинг янгича тизими таркиб топиши жараёнига нафакат жадал кириб боряпти, айни пайтда, бу жараёнларга ўз таъсирини ҳам ўтказяпти. Бунда икки муҳим омил: геостратегик шароит ва табиий ресурслар миңтақага айrim геосиёсий кучларнинг жиддий эътибор билан қарашига сабаб бўлмоқда. Шу жумладан, танг вазиятларнинг юзага келишида ва сақланиб

<sup>1</sup> <https://www.un.org/ru/charter-united-nations/>

туришида асосий сабаб бўлувчи ички ва ташқи омилларни ҳам эътиборга олиш лозим.

Ички омиллар сирасига чегаравий келишмовчиликлар, сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги масалалар, экологик ва демографик муаммоларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, ҳозирги даврда Марказий Осиё минтақавий хавфсизлигига хавф колаётган таҳдидларни асосан тўрт гурухга ажратиш мумкин:

*Биринчи гурух* – диний ва сиёсий экстремизм, ҳалқаро терроризм ва наркобизнес каби таҳдидлар.

*Иккинчи гурух* – давлатлараро қарама-қаршиликлар, зиддиятларни киритиш мумкин. Булар, биринчи навбатда, минтақа давлатлари ўртасидаги чегараолди дарё сувларидан самарали фойдаланиш муаммолари, чегараларни делимитация қилиш билан боғлиқ ҳудудий масалалар ва этник зиддиятлар, экологик, иқтисодий муаммолар ва бошқалар.

*Учинчи гурух* – глобаллашув оқибатида минтақа давлатлари жадал ривожланаётган технологик тараккиётдан ортда қолиб кетишларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

*Тўртинчи гурух* – таҳдидлар бевосита геосиёсат билан боғланади, чунки Марказий Осиё минтақаси инсоният ривожланишида, ҳалқаро кучлар мувозанатида доимо муҳим роль ўйнаб келган.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, Марказий Осиё хавфсизлигига раҳна солиши мумкин бўлган ички минтақавий омиллар чегаравий келишмовчиликлар, сув ресурсларидан фойдаланиш борасидаги масалалар, экологик, этномаданий ва демографик муаммолар билан боғлиқ. XX аср сўнгига жаҳон сиёсий харитасида юз берган серқирра жараёнлар Марказий Осиёда ҳам кескин ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Минтақада рўй бераётган гоявий-сиёсий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар ана шу ўзгаришлар билан узвий боғлиқdir.

Маълумки, бугунги кунда Марказий Осиё минтақаси ҳалқаро муносабатлар тизимида геосиёсий ва иқтисодий жиҳатдан янада муҳим аҳамият қасб эта бошлади. Бу омил, бир томондан, Марказий Осиё давлатларининг ривожланишлари учун кенг имкониятлар яратса, иккинчи томондан, бир катор муаммоларни юзага келтиради. Шу нуқтаи назардан, минтақа хавфсизлигини таъминлаш бугунги куннинг энг муҳим муаммоларидан бири хисобланади.

Ҳозирги вақтда глобаллашув жараёнларининг ривожланиб борини Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлаш муаммоларини янада мураккаблаштирумокда. Бунинг асосий сабаби, минтақада янги кўринишдаги хавф ва таҳдидлар юзага келмоқда ва улар ўзининг кўлами жиҳатидан трансчегаравий аҳамият касб этмоқда. Бир сўз билан айтганда, Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига нисбатан бошқа давлатлар томонидан бўладиган анъанавий ҳарбий таҳдидлар ўз аҳамиятини йўкотиб бормоқда ва унинг ўрнига трансчегаравий таҳдидлар юзага келмоқда. Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш бугунги куннинг энг мухим муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки хавфсизликни таъминланиши ҳар бир мамлакат таракқиётининг асосий шарти ҳисобланади.<sup>1</sup>

Ўзбекистон ички ва ташки сиёсатида тинчлиқпарварлик, манфаатли ва ишонч руҳидаги шериклик тамойиллари устувор ҳисобланади. Шавкат Мирзиёев Президент лавозимиға киришган илк кунларданоқ ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш асосида хорижий давлатлар, энг аввало, кўшни мамлакатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга алоҳида аҳамият қаратилишини қайд этди.

Бу каби мақсадлар 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ўз ифодасини топгани мамлакатимизнинг очик, дўстона ва прагматик сиёсатдаги қатъий позицияга содиқлигига яна бир далилдир. Унда хавфсизлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташки сиёсий фаолият юритиш, аҳил қўшничилик мухитини шакллантириш каби масалалар устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Ўтган кисқа вақтда минтақа давлатлари ўртасида ишонч даражаси сезиларли равишда ошди. Қўшни мамлакатларга сафарлар, Қозогистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Афғонистон Президентларининг мамлакатимизга ташрифлари натижасида минтақада савдо алоқалари фаоллашди, ҳудудлараро ҳамкорлик бўйича манфаатли ечимлар топилиб, транспорт коммуникациялари

<sup>1</sup> <https://caa-network.org/archives/19553>

имкониятларини мувофиқлаштириш, давлат чегараларини демаркация ва делимитация килиш бўйича мулокотлар фаоллашди.

Самарканда 2017 йилнинг ноябрь ойида ўтказилган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, баркарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги юқори даражадаги халқаро анжуман натижасида 2018 йилнинг 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, баркарорлик ва изчил тараккиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» резолюцияси қабул қилинди. Бу Марказий Осиё давлатларининг хавфсизликни таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашда яқдил карашларга эга эканини яна бир бор тасдиқлайди.<sup>1</sup>

Марказий Осиё энергия ва минерал ресурсларга бой, маданий-гуманитар ва улкан инсон капиталига эга. Шу билан бирга, минтақа учун халқаро терроризм, экстремизм ва гиёҳванд моддалар савдоси таҳдиди мавжуд. Кўп йиллардан бўён Афғонистонда давом этаётган можаролар давримизнинг мураккаб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Афғонистонда тинчликка эришиш эса Марказий Осиёда баркарор ривожланишни таъминлашнинг муҳим шарти-дир.

«Марказий Осиёда ўзаро муштараклик: таҳдидлар ва янги имкониятлар» мавзусида ўтган халқаро конференция шу борадаги долзарб масалаларни мухокама килиш, умумий ёндашувлар ишлаб чиқиш ва истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган мазкур конференция минтақа ва дунёнинг қатор давлатлари, халқаро ташкилотлар томонидан кўллаб-куватланди.

Дунёда очлик ёки тўйиб овқатланмасликдан азият чекаётган одамлар сони ўсишда давом этаётган бир пайтда COVID-19 пандемиясига дуч келдик. БМТнинг сўнгги маълумотларига кўра, 2020 йилда пандемия оқибатида юзага келган иктиносидий таназзул натижасида дунёдаги очликдан азият чекаётган одамлар сони камида 83 миллионга, ҳатто кагта эҳтимол билан 132 миллион нафарга ҳам етиши мумкин экан. БМТнинг сўнгги ҳисоб-китобларига кўра,

---

<sup>1</sup> <https://uz.a.uz/uz/posts/bmt-bosh-assambleyasining-markaziy-osiye-minta-asida-tinchli-23-06-2018>

деярли 690 миллион киши 2019 йилда очликдан азият чеккан, бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 10 миллион кишига, беш йил олдингига қараганда 60 миллиондан ошикроқдир. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг юқорилиги ва молиявий имкониятларнинг чекланганлиги натижасида миллиардлаб инсонлар сайёрамизда тўйимли ва соғлом овқатланиш имкониятига эга эмаслар.

БМТ ҳисоботида келтирилишича, 2020 йил охиригача COVID-19 пандемияси натижасида сурункали очликдан азият чекаётгандар сони 132 миллион кишига кўпайиши мумкин. Шу билан бир каторда, Озиқ-овқат инқирозлари бўйича глобал маърузада таъкидланишича, 2019 йилнинг якунига келиб, дунёнинг 55 мамлакати ва худудларида истиқомат қилувчи 135 миллион киши ўткир озиқ-овқат танқислиги шароитида кун кечиришган. Бундан ташқари, 2019 йилда дунёда 75 миллион бола ўсишдан орта қолган бўлса, 17 миллион бола эса тўйиб овқатланмаслик туфайли ҳолсизлик ва камқонликдан азият чекаётгандиги халқаро эксперталар томонидан айтилмоқда.

Жаҳон банкининг берган маълумотларига кўра, пандемиянинг иқтисодий оқибатлари натижасида 100 миллионга яқин киши каашоқлик домига тушиб қолиши мумкин. Ишсизликнинг мутасиил ўсиши, даромад манбаларининг йўқотилиши ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ўсиши ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ҳам истеъмолчиларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашни хавф остига қўяди ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида жиддий хатарларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, пандемия миллий иқтисодиётларни чукур рецессияга олиб келиши боис, дунё мамлакатлари пандемиянинг озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тизимларига салбий таъсирини юмшатиш борасида жиддий чора-тадбирларни амалга оширишлари талаб этилади. Марказий Осиё давлатлари хукуматлари инфратузилмани яхшилаш, қишлоқ хўжалиги негизида иқтисодий кластерларни яратиш, инновацион технологияларни жорий этиш ҳамда қишлоқ туманларида иқтисодиётни диверсификациялаш орқали уларни ривожлантиришга фаол харакат қилмоқда.

Марказий Осиё мамлакатлари учун 2019 йил ва келгуси йилларда мумкин бўлган глобал ва минтакавий хавфларни қайд

этиш мумкин. Глобал даражадаги хавфлар – жаҳон бозорларида хомашё товарлари нархларининг кескин пасайипти ҳамда асосий ҳамкор мамлакатларда иқтисодий сиёсат ёки вазиятниңг ўзгаришидир.

Минтақавий даражадаги хавфларга ислоҳотлар йўлидан чалғиши ёки ғаразли мағфаатлар каби хавфлар киради. Бу ноаникликлар нафақат иқтисодий ўсиш, балки минтақада озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда аҳолининг тўлақонли ва баланслашган овқатланиши учун ҳам хавфларни келтириб чиқарали.

Марказий Осиёда, айникса, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сонининг юқори даражада ўсиши кузатилмоқда. Бирок уларнинг анча қисми ишсиз ёки меҳнат мигрантлари саналади. Ушбу факторларни хисобга олган ҳолда, минтақа мамлакатлари ислоҳотларни жадаллаштириш ва институционал тузилмаларни такомиллантириш орқали иқтисодиётда хусусий секторнинг ролини кучайтиришлари, минтақавий интеграция учун имкониятларни излати ва кенгайтиришлари лозим. Бу, айникса, кишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу соҳада ердан фойдаланишини либераллаштириш ва ресурсларни жамоавий бошқариш учун куяй шароитлар яратиш мақсадида ислоҳотларни давом эттириш зарур. Бундан ташқари, мазкур ислоҳотлар иқлим ўзгаришининг сув ресурсларига ва курғоқчилик каби экстремал табиий ҳодисаларга бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатиши хисобга олиниши лозим.

Минтақа мамлакатлари иқтисодиётida хотин-қизларнинг иштироки анча наст эканини хисобга олганда, Марказий Осиё мамлакатлари хукуматлари хотин-қизларнинг ишга жойлашишида уларнинг тенг хукуклигини таъминлашлари лозим.

Прогнозларга кўра, Хитойнишг «Бир макон – бир йўл» глобал лойиҳасининг амалга оширилиши Марказий Осиё мамлакатларининг ташки савдоси учун юк етказиб бериш вақти ва савдо харажатларини анча қисқартиради. Масалан, «Хитой – Марказий Осиё – Фарбий Осиё» иқтисодий камари бўйича юк ташиш вақти 25 фоиздан кўпроққа қисқариши, савдо харажатлари 21 фоиздан зиёд пасайиши мумкин. Операцион харажатларнинг кутилаётган камайиши халқаро ва минтақавий савдо ҳажмини оширишга,

иктисодий ўсишни рағбатлантиришга ва минтақада қўшимча иш ўринларини яратишга хизмат қиласди.<sup>1</sup>

Ушбу ташабbusлар минтақада сезиларли даражадаги ижтимоий-иктисодий тараққиётга умид бағишлиайди. Агарда Марказий Осиё мамлакатлари хукуматлари минтакавий интеграция, ўзаро савдо ва хусусий секторни ривожлантириш учун шароитлар яратадилса, минтақада иктисодий ривожланиш билан бирга, маҳаллий аҳолининг янада ракобатбардош ва соғлом бўлиш, тўлақонли (баланслашган) овқатланиш имконияти ҳам ошади.

Ўзбекистон Марказий Осиёнинг марказида жойлашган бўлиб, минтақадаги барча давлатлар ўртасидаги мухим бўғин хисобланади ва минтақавий ҳамкорликнинг асосий катализатори хисобланади. Сўнгги З йил мобайнида олиб борилган мулоқот натижасида Марказий Осиёда мутлақо янги ишонч мухити яратилди, дўстлик ва яхши қўшничиликка асосланган муносабатлар мустаҳкамланмоқда. 2017 йилдан буён мамлакатимиз ўзаро манфаатли ҳамкорлик килиш ва минтақада хавфсизликни таъминлаш мақсадида барча йўналишларда очиқ ташки сиёsat олиб бормоқда.

Минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ўзаро ишончни кучайтириш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этишнинг мухим механизми сифатида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил ноябрь ойида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг доимий маслаҳатлашув учрашувларини ташкил этишни таклиф қилди ва бу ташабbus минтақа мамлакатлари томонидан қўллаб-куватланди. Жумладан, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи маслаҳат учрашуви 2018 йил 15 март куни Остонада (ҳозирги Нурсултон) бўлиб ўтди. Саммитда сиёсий, савдо-иктисодий ва гуманитар ҳамкорликии кенгайтириш, терроризм, экстремизм, наркотрафик ва қурол-яроғ контрабандасига қарши биргаликда курашиш, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари мухокама қилинди. Марказий Осиё нафакат географик ва геосиёсий, балки ягона маданий ва цивилизация маконидир, дея эътироф этилди.

2018 йил 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеяси Президент Шавкат Мирзиёев ташабbusи билан ишлаб чиқилган «Марказий

---

<sup>1</sup> <https://uznews.uz/ru/article/10484>

Осиё минтакасида тинчлик, барқарорлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида минтақавий ва халқаро ҳамкорликни кучайтириш» резолюциясини қабул қилди. Ёвропа, Америка, Осиё ва Африканинг 55 мамлакати ҳужжатга ҳаммуаллифлик қилди ва резолюция БМТга аъзо барча давлатлар томонидан бир овоздан кўллаб-куватланди.

Резолюция Марказий Осиё мамлакатларининг минтақада тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлашдаги, шунингдек, минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги муҳим ролини эътироф этади.

Ҳужжатда Бош Ассамблея Марказий Осиё давлатларининг минтақада барқарорлик ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари ва ташаббусларини кўллаб-куватлаши таъкидланган.

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг доимий маслаҳатлашув учрашувларини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусларини мамнуният билан қайд этган ҳолда, резолюция минтақанинг долзарб муаммоларини биргаликда ҳал этиш учун бундай маслаҳат майдонидан самарали фойдаланишга чакиради.

Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун Ўзбекистон қўшни Афғонистондаги мажарони ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда. Ушбу мамлакат билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик тўғрисида муҳим шартномалар имзоланди, янги иқтисодий лойиҳалар бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Тинч Афғонистон Марказий Осиё мамлакатларига Ҳинд океани ва Форс кўрфази портларига чиқиш имкониятини беради ҳамда Марказий ва Жанубий Осиёни Европа бозорлари билан бирмунча арzon ва кулагай йўл билан боғлади.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш учун Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2018 йил 27 март куни «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида юқори даражадаги Тошкент халқаро анжумани бўлиб ўтди. Унда Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Мухаммад Ашраф Гани, БМТнинг Афғонистондаги маҳсус вакили Тадамити Ямамото, шунингдек, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Туркия, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амир-

ликлари ташқи ишлар вазирликлари раҳбарлари, 25 та давлат ва халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди.

Анжуман яқунлари бўйича Тошкент декларацияси имзоланди. Ушбу хужжат мінтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, барча соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, яхши қўшничилик муносабатларини янада кенгайтириш каби эзгу мақсадларни ўзида мужассам этди.

Ўзбекистон Афғонистон билан муносабатларни ривожлантиришни давом эттиради, ушбу мамлакатда вазиятни тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган халқаро саъй-ҳаракатларда бундан буён ҳам фаол иштирок этади. Ўзбекистон томони Афғонистон иктисодиётини тиклаш, унинг транспорт, ишлаб чиқариш, энергетика ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришни қўллаб-кувватлади. Чунки, барқарор ва гуллаб-яшнаётган Афғонистон Марказий Осиёда мінтақавий хавфсизлик ва барқарорликнинг муҳим омилидир.<sup>1</sup>

Шу билан бирга, глобал тусга эга бўлган экстремизм, сепаратизм, гиёхвандлик ва қурол-яроғ контрабандаси муаммолари билан чамбарчас боғлиқ бўлган халқаро терроризмга қарши кураш ҳозирги давримизнинг энг долзарб муаммоси бўлиб қолмокда. Таъқидлаш жоизки, ушбу йўналишда ШХТ доирасида яқин ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

Мінтақанинг барча мамлакатларида бевосита денгизга чиқиш йўллари йўқлиги сабабли куруқлик транспортини ривожлантириш ва транзит салоҳиятни ошириш муҳим аҳамиятта эга. Ўзбекистоннинг экспорт географиясини ва қўшни давлатлар билан транспорт йўлаклари инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Президентимиз 2018 йилда Тошкент шаҳрида «Марказий Осиё халқаро транспорт йўлаклари тизимида стратегик истикболлар ва фойдаланилмагац имкониятлар» мавзусида халқаро анжуман ўтказиш таклифини билдириди. Унда дунёнинг 37 мамлакатидан ва 27 халқаро ташкилотдан 500 нафардан ортиқ хорижий мутахассис иштирок этди.

Мінтақада янги транспорт иншоотларининг ишга туширилиши мазкур соҳада белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оши-

<sup>1</sup> <https://uz.sputniknews.ru/politics/20200401/13822094/Uzbekistan-prodolzhit-podderzhivat-protsess-ustanovleniya-mira-v-Afghanistane--MID.html>

рилаётганидан далолат беради. Жумладан, муҳандислик хусусиятлари ва геостратегик ахамиятига кўра ноёб ҳисобланган Туркманибод – Фороб кўпригининг ишга туширилиши нафакат Ўзбекистон ва Туркманистон, балки бутун Марказий Осиё ҳаётинда мухим ўрин тутади.

Кўп йиллар давомида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўргасидаги назорат пунктларининг аксарияти фуқаролар учун ёник эди. Шунингдек, давлат чегараларини делимитация ва демаркация килиш борасида қатор жиддий муаммолар мавжуд эди. Ўзбекистон Президентининг Қирғизистонга давлат ташрифи давомида 2017 йил 5 сентябрь куни Ўзбекистон ва Қирғизистон ўргасида давлат чегараси тўғрисидаги шартнома имзоланди. Шунингдек, 2018 йил 9 март куни Ўзбекистон Тожикистон билан чегараларни делимитация ва демаркация килиш борасидаги шартномани имзолади.

Ушибу мухим хужжатларнинг амалга татбиқ этилиши натижасида қўшни мамлакатлар билан чегара пунктларида барча чекловлар олиб ташланди. Қирғизистон ва Тожикистон билан имзоланган чегараларни делимитация ва демаркация қилиш шартномалари мамлакатимизга иқтисодий ҳамкорликни ва трансчегаравий савdonи ривожлантириш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва, энг мухими, чегара ҳудудларида истиқомат қилувчи фуқароларнинг харакатланиши учун қулай шарт-шароитларни яратади. Жумладан, агар беш йил олдин Ўзбекистон – Қирғизистон давлат чегарасини кунига 200–300 киши кесиб ўтган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 30 мингдан ошди. Тожикистон билан шартнома имзоланганидан сўнг, илгари ёник бўлган барча 17 та чегара-ўтказиш пункти тўлиқ ишлай бошлади. Бугунги кунда Ўзбекистон – Тожикистон чегарасини кунига 20 минг фуқаро кесиб ўтмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон ва Тожикистон фуқаролари учун 30 кунгача визасиз режим ўрнатилгани икки мамлакат ўргасидаги ҳамкорлик очиқлик ва дўстона қўшничилик алоқаларига таянишидан далолат беради.

Ўзбекистон Президентининг очиқ ва конструктив сиёсати туфайли Ўзбекистон, Қозогистон ва Туркманистон ўргасидаги давлат чегараларини бир-бирига туташ ҳудуди масаласида муросага эришилди. Тегишли шартнома 2017 йил ноябрь ойида Самарқандда Марказий Осиё бўйича юқори даражадаги ҳалқаро анжуман доирасида имзоланди.

Минтақавий ҳамкорликнинг яна бир стратегик муҳим йўналиши – савдо-иктисодий алоқаларни ривожлантиришdir. Ўзбекистон ташабbusи билан 2018 йил 15 март куни пойтахтиизда минтақа мамлакатлари Бош вазирлари ўринbosарлари иштирокида Марказий Осиё иктисодий форуми бўлиб ўтди. Форумда 200 дан ортиқ давлат идоралари, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди. Форум иштирокчилари инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий савдони рағбатлантириш, шунингдек, сайёхлик жозибадорлигини ошириш, транспорт ва транзит салоҳиятини ошириш муаммоларини муҳокама килдилар. Учрашувлар давомида Марказий Осиё мамлакатлари ўргасидаги товар айрбошлаш ҳажми 2017 йилга нисбатан 35 фоиздан кўпроққа ўсгани ва 12,2 миллиард долларни ташкил қилгани, аммо мамлакатларнинг минтақадаги иктисодий салоҳиятидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётганлиги таъкидланди.

Инвестицион муҳитни яхшилаш ва хорижий инвесторларни кенг жалб килиш мақсадида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев минтақа давлат раҳбарларининг Иккинчи маслаҳат учрашувида Марказий Осиё мамлакатлари учун инвестиция форумини ташкил этиши ташабbusини илгари сурди.

Шу билан бирга, Президентнинг ҳар йилги Мурожаатномасида экологик хавфсизликни таъминлаш, сув ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, Орол муаммоси ва экологик муҳит бузилишининг оқибатлари алоҳида таъкидланади. Мазкур муаммоларни ҳал этиш ва Орол денгизи бўйидаги ахоли турмуш тарзига салбий оқибатларнинг олдини олиш мақсадида Молия вазирлиги хузурида Оролбўйи минтақасини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди, унга 200 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар ҳисобидан Қорақалийғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ахолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, турмуш шароитини яхшилаш масалалари ҳал этилмоқда.

Ўзбекистон Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурган ташабbusининг амалий татбики сифатида Оролбўйи минтақасида инсон хавфсизлиги бўйича БМТнинг кўп томонлама шериклий Траст жамғармаси ташкил этилди.

Мазкур жамғарманинг тақдимоти 2018 йил 27 ноябрь куни Нью-Йорк шаҳрида БМТ бош қароргоҳида бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йил 24 январь куни Олий Мажлис депутатлари олдида сўзлаган нутқида фонд фаолиятиниңга нақадар муҳим эканини яна бир бор таъкидлади. 2019 йил октябрь ойида Орол муаммоларини ҳал этишга бағинилаб Нукус шаҳрида ўтказилган халқаро анжуманди Президентимиз томонидан Орол-бўйини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш ва БМТ Бон Ассамблеясининг маҳсус резолюциясини қабул қилиш ҳақидаги ташаббуси илгари сурилди. Ҳозирги вактда ушбу ташаббусни амалга ошириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Маданий ва гуманитар ҳамкорлик Марказий Осиё давлатлари ўргасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришида кайта аҳамиятга эга. Минтақа мамлакатлари умумий тарих ва муштарак маданиятга эга. Уларнинг бир-бирига улашиб кетган ўхшашиб урф-одатлари, қадриятлари ва ягона дини бор. Шу боис Ўзбекистон маданий ва яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурмоқда. Жумладан, минтақа давлат раҳбарларининг Иккинчи маслаҳат учрашувида Шавкат Мирзиёев университет форумлари ва минтақавий спорт ўйинларини ўтказиш, шунингдек, фан, маданият ва санъат соҳасидаги улкан ютуқлари учун Марказий Осиё мукофотини таъсис этишни таълиф қилди. «Биз ҳар йили Наврӯз арафасида ҳар бир мамлакатда навбатма-навбат Марказий Осиё маданияти кунларини ташкил этишни муҳим, деб хисоблаймиз. Буларнинг барчаси қардош халқларимизни янада яқинлаштиришга имкон беради», деб таъкидлади Президентимиз.

Ушбу ташаббуснинг амалий татбиқи сифатида 2018 йил Қозғистонда Ўзбекистон йили ўтказилди. Унинг доирасида 80 дан ортиқ маданий ва спорт тадбири, кино кунлари ва турли фестиваллар бўлиб ўтди. 2019 йил эса Ўзбекистонда Қозғистон йили бўлди ва унинг доирасида кўплаб маданий тадбирлар ташкил этилди. Бу эса мамлакатлар ўргасидаги маданий мулокотнинг юқори даражада эканини кўрсатади.

Минтақа давлат раҳбарларининг Иккинчи маслаҳат учрашуви-даги музокарадар давомида Ўзбекистон раҳбари халқаро сайёҳлик

конференциясини ўтказиш ва Марказий Осиёда ягона сайёхлик брендини яратиш ташаббусини ҳам илгари сурди.

Минтақанинг сайёхлик салоҳиятини ошириш учун Марказий Осиё мамлакатларида Silk Road (Ипак ўйли) виза тартибини жорий этиш режалаштирилган. Ушбу режим умумий визалин назарда туради ва чет эл фуқароларига бир вақтнинг ўзида Марказий Осиёнинг бир нечта мамлакатларига тўсикларсиз боришига имкон беради. Ушбу ташаббус сайёхларнинг Марказий Осиё мамлакатларига саёҳат қилишини енгиллаштириш учун илгари сурилган. Лойихада Марказий Осиё мамлакатларидан ташкири Туркия ва Озарбайжон ҳам қатнашиши режалаштирилган.

Президентимизнинг бу борадаги ташабbusлари нафақат минтақада, балки ҳалқаро миқёсда ҳам кенг қўллаб-кувватланмоқда. Жумладан, 2019 йил декабрь ойида БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси билан «Марказий Осиёда барқарор ривожланиш ва барқарор туризм» деб номланган маҳсус резолюцияни қабул қилди.

Хулоса килиб, шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси ўз ташабbusлари билан нафақат мамлакатни, балки бутун минтақани ривожлантириш борасида изчил саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек: «Бизнинг бош мақсадимиз – умумий саъй-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иктисадий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдан иборат».

Бугунги дунёнинг сиёсий, иктисадий, ижтимоий, ҳарбий ва экологик хавфсизлик ҳолати хавфсизликка бўлған замонавий ёндашувларни ишлаб чиқишига, миллий, минтақавий ва ҳалқаро хавфсизликка доир концептуал карашларни ривожлантиришга унламоқда. Марказий Осиё минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик муаммолари бутун ҳолда ўрганилиши керак ҳамда уларда кечётган туб ўзгаришлар, жумладан, ижтимоий-иктисадий формацияларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини хисобга олиш муҳимdir. Чунки, юкорида таъкидлаб ўтилганидек «хавфсизлик» тушунчаси бугунги кун нуқтаи назардан ҳар томонлама ва кўп томонлама ёндашувни талаб қиласи. Ҳозирги вақтда қатор олимлар томонидан хавфсизликнинг ижтимоий модель обьекти сифатида тизимли таҳлил этилиши, хавфсизлик ҳолатининг ҳар томонлама баҳоланиши учун катта имкониятлар мавжуд.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш мумкинки, бугунги глобаллашув шароитидан келиб чиқсан ҳолда «хавфсизлик» тушунчасини ҳарбий ва ҳарбий сиёсий муносабатлар доирасидан кенгрок маънода, иқтисодий, ижтимоий, экологик, технологик, ахборот, маданий ва бошқа соҳалардаги ривожланиши жараёнлари билан ҳамоҳанглиқда талқин этини тақозо этилмоқда. Минтақавий, глобал ва миллӣ хавфсизликни ўрганишга бағишиланган кўплаб илмий тадқикотлар амалга оширилган бўлса-да, «хавфсизлик» тушунчаси турли назарияларда турлича изоҳланган ва бу борада ягона таъриф йўқ.

### **3.3. Марказий Осиё маданий меросининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни**

Бизгача етиб келган тарихий ёдгорликлар ва ёзма манбалар диёримизда узок мозийда, айниқса, ўрта асрларда илм-фан, маданият гуллаб-яшнаганидан дарак беради. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудида 7000 дан ортиқ маданий мерос дурдоналари, минглаб археологик объектлар ва топилмалар борлиги бунинг тасдиғидир. Улар қадим тарихимиздаги маданий ҳаёт, аждодиаримиз турмуш тарзини ўрганишда бекиёс аҳамиятга эга. Бинобарин, истиқоллиниң дастлабки йилларидан бошлаб юртимизда ана шу ёдгорликларни қайта тиклаш, таъмиrlаш, реставрация қилиш, археологик изланишлар олиб бориш ишларини кўллаб-кувватлаш, янги музейлар барнио этишга катта эътибор қаратиб келинянти.

Бунинг учун зарур ташкилий-хукукий пойдевор яратилди. Энг аввало, Конституциямизнинг 49-моддасида фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлашга мажбурилиги, маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасида экани белгилаб қўйилди.

«Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тӯғрисида»ги Қонун асосида мамлакатимизда кўплаб маданий мерос объектлари давлат муҳофазасига олинди. Жаҳон цивилизациясида кагта ўрин тутган меъморий обидалар, археологик объектлар, тарихий шаҳристонлар, монументал санъат ёдгорликларини ўрганиш, ҳисобга олиш, асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга етказишга йўналтирилган ишлар белгиланди.

Тарихий, маданий ва маънавий меросимизни ўрганиш, илмий хуносалар бериш бўйича бугунги кунда нафақат Ўзбекистон олимлари шуғуланаётгани, балки бунга хорижлик экспертлар катта қизиқиш билдираётгани ҳам диққатга сазовордир. Жумладан, улар ташкил қилинаётган кўплаб илмий экспедицияларда иштирок этишмоқда.

Халқаро ташкилотлар томонидан тарихий обидаларни сақлаб қолишга оид қатор норматив-хукукий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари ва республика-мизнинг бошқа ҳудудларидағи бир қанча маданий мерос объектлари ЮНЕСКО ташкилоти томонидан рўйхатга олинниб, муҳофаза қилиб келиняпти. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган Наврӯз байрами, Сурхондарё вилоятидаги Бойсун номоддий маданий мероси ушбу нуфузли ташкилотнинг Репрезентатив рўйхатидан ўрин олган. Сир эмас, буюк аждодларимизнинг қашфиётлари бугунги кунда юксак технологияларни яратишида асос бўлиб хизмат қилаёттир. Буларнинг барчаси юртдошларимиз қалбида чексиз ғуур, ифтихор ва ҳайрат туйғуларини уйғотади.

Бой маданий меросимизни асраб-авайлаш билан бирга, уларга дунё ҳамжамияти эътиборини қаратиш, тарихимизни дунёга намоён этиш ва биз буюк аждодларнинг ворислари эканимизни тарапнум этиш ҳамда уларга муносиб фарзандларни тарбиялаш олдимизда турган мухим вазифадир.

Албатта, Шарқ мутафаккирларининг дунё тамаддунига қўшган салмоқли ҳиссасининг жаҳон миқёсида тан олиниши кўп нарсани англатади.

Қадимий Буюк ипак йўлида жойлашган, Шарқ ва Ғарбни мустаҳкам боғлаб турган, бетакрор юртимиз замини азал-азалдан таниқли илм-фан намояндалари билан довруғ қозонганд. Уларнинг тарих, адабиёт, санъат, фалсафа, тиббиёт, математика, кимё, астрономия, меъморлик, дехқончилик, педагогика каби соҳалардаги асарлари нафақат ҳалқимиз, балки бутун инсониятнинг бебаҳо бойлигидир.

Илм-фанга алгоритм ва алгебра тушунчаларини киритган Муҳаммад Хоразмий, Ғарбда «Ал-Фраганус» номи билан танилган Аҳмад Фарғоний, қомусий тафаккур соҳиби – Абу Райхон Беруний, тиббий фанлар асосчиси – Абу Али ибн Сино, араб тили грамматикасини мукаммал тарзда ишлаб чиқкан Маҳмуд Замахшарий, юлдузлар жойлашуви бўйича ҳарита ва астрономик жадваллар

яратган Мирзо Улуғбек каби юксак эҳтиромга сазовор бўлган муборак номлар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин.

Юртимизда шаклланган ана шундай илмий анъаналарга уйғун ҳолда барқарор ривожланиши таъминлашга, жумладан, илм-фан, маданият, таълимни равнақ топтиришга қаратилган давлат сиёсати ўзининг ижобий самараларини бермоқда.

Мамлакатимизда маданий таракқиётнинг муҳим шарти бўлган миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга муҳим эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида бу борада шундай дейилади: «Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содик бўлиб, бу йўлдан ҳеч качон оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфесиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилиди. Бу – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир».

Алоҳида қайд этиш лозимки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ялпи мажлиси томонидан муҳим бир ҳужжат – «Маърифат ва диний бағрикенглик» резолюцияси қабул қилинди ва Юртбошимиз мазкур резолюцияни қабул қилиш ташаббусини 2017 йил сентябрь ойида Бош Ассамблеянинг 72-сессиясида илгари сурган эди. Ушбу ташаббуснинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 193 та давлат кенг қўллаб-қувватлагани жаҳон ҳамжамияти томонидан Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатларига берилган юксак баҳо ва эътирофдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ЮНЕСКО билан ҳамкорликда 2021 йилда Хива шаҳрида «Марказий Осиё дунё цивилизациялари чорраҳасида»<sup>1</sup> халқаро форумини ўтказишни таклиф этди.

Марказий Осиёнинг дунё цивилизацияси, маданияти ва илм-фани ривожига қўшган улкан ҳиссасини тарғиб этишда Ўзбекистон алоҳида ўрин тутади:

– ЮНЕСКО ҳомийлигида Самарқанд шаҳрида тинчлик, бағрикенглик ва эстремизмнинг олдини олиш маданиятини шакл-

<sup>1</sup> Президент Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи / «Янги Ўзбекистон», 2020 йил 24 сентябрь.

лантириш бўйича Мирзо Улуғбек номидаги ҳалқаро институтни ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

– ЮНЕСКО билан ҳамкорликда Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Фарғоний, Имом Бухорий, Камолиддин Беҳзод каби алломаларнинг, қадимий Бухоро, Хива, Термиз, Шахрисабз, Қарши, Самарқанд, Марғило ва Тошкент шахарлари, «Алпомиши», «Авесто» этник ва адабий ёдгорликлари, шунингдек, Хоразм Маъмун академиясининг юбилей саналари муносаби тарзда нишонланди.

– Бухоро шаҳри «Тинчлик учун – шаҳарлар» ташкилотининг мукофотига сазовор бўлди.

– Усмон мусҳафи ва Шарқшунослик институтининг кўлёзмалар тўплами ЮНЕСКОнинг Жаҳон хотираси реестрига киритилган.

– Хивадаги Иchanқалъа мажмуаси, Самарқанд, Бухоро ва Шахрисабзнинг тарихий марказлари, шунингдек, Чотқол биосфераси ЮНЕСКОнинг Жаҳон рўйхатига киритилган.

– Инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига «Шашмақом», Бойсун маданий майдони, катта ашула, асқия, палов, Наврӯз, атлас ва адрес ишлаб чиқариш технологиялари киритилди.

– ЮНЕСКО шафелигида ҳар икки йилда бир марта Самарқандда «Шарқ тароналари» ҳалқаро фестивали, Шахрисабзда эса мақом санъати ҳалқаро форуми ўтказиб келинмоқда.

– 2019 йил август ойида Самарқандда ЮНЕСКО Бош директори иштирокида Моддий ва номоддий маданий меросни сақлаш бўйича ҳалқаро конференция ўтказилди.

– 2018 йил октябрь ойида Шавкат Мирзиёев ва Одри Азуле хоним Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантиришга қаратилган 2021 йилгача ҳамкорлик дастурини имзоладилар.

Дини, ирқи, дунёкарашидан қатъи назар, ҳеч бир шахс, ҳалқ, миллат дунёда якка яшамайди, ёлғиз ривожланмайди, айни пайтда, улар ўз эҳтиёжларига хос манфаатларга эгадир. Эллар ва миллатлар айнан шулар таъсирида доимо ўзаро турли муносабатда бўлади ҳамда тарихий тараккиёт жараёнида ижтимоий мухит ва ҳалқларнинг моддий жихатдан таъминлангани борасида шу даврга мос онг ҳамда бағрикенглик йўналишлари шаклланиб, ўзгариб боради. Натижада, улар бағрикенглик йўналишларига мос холда бир-бирларига таъсир ўтказиб, ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам маънавий жихатдан бойитиб боради. Лекин ҳеч качон, ҳеч бир

халқ ўзлигидан, миллый онгидан бутқул воз кечиб, бошқа халқ маънавияти хисобидан ўзини бойита олган эмас. Бинобарин, ҳар бир халқ ўзлигидан тўла-тўқис кечиб, ўзга халқ маънавий дунёсини қабул қиласа, демак, ундан халқ йўқ бўлиб, ўз қиёфасини йўқотган миллат ҳисобланади. Мамлакатимизда турли миллатлараро ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга, бағрикенгликни шакллантиришга шу заминда истикомат қилаётган ҳар бир инсон хайриҳоҳдир. Боси, бой тарихий тажрибага эга бўлган халқимиз ўзаро ижтимоий, иктисолий, сиёсий ва маданий муносабатларга миллатлар ўртасидаги фаол ва ҳамжиҳатликдаги ҳамкорликсиз бир маконда юксак натижаларга, мақсадларга эришиб бўлмаслигини яхши англайди. Мамлакатимизда турли миллат ва элатларнинг тинч-тотув яшаб келаётгани халқимизнинг бағрикенглигини кўрсатади, бу жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Ўзбекистондаги миллатлараро дўстона ҳамкорликка асосланган манфаатлар уйғунлиги уларда бағрикенглик туйғуларини фаоллаштириб, Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлашга хизмат килади. Юрг ҳаётининг ҳар бир хонадон ҳаёти, тартиб-интизом қоидалари, ҳар бир инсон манфаатларига мослаштирилгани бағрикенгликнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Ўзбекистонда яшовчи турли миллат вакиллари умуммиллий маданияти билан бир қаторда, ўз миллый онгига хос маданиятлар мазмун-моҳиятини ривожлантириб бориш имкониятига эга экан, буларнинг ҳаммаси миллый манфаатларнинг турли-туманлиги ва уларнинг мазмунан уйғунлигига намоён бўладиган бағрикенгликнинг ўринини белгилаб беради, ҳар кандай бағрикенглик Ўзбекистонда мамлакатнинг тинч-осойишта ривожланишига асос бўлиб хизмат қилади.

«Ватан» деган сўзнинг мазмун-моҳиятини англаб олган ҳолда фаолият юритиш бағрикенглик йўналиши сифатида она юртни севиш, халқ манфаатларини кўзлаб хизмат қилиш, ижтимоий манфаатлар уйғунлигини таъминлашни назарда тутади. Ватан турли халқлар, элатлар умумлашган диёр сифатида бу ерда яшовчи ҳар бир шахснинг, ҳар бир миллатнинг қон-қонига сингиб кетган туйғу бўлиб, уни севишга эҳтиёж уйғотади. Ҳар бир шахснинг ўз манфаатларини халқи, Ватани манфаатлари билан уйғунлаштиришга қаратилган бағрикенглик йўналишлари кенгайиб, умумлашиб боради. Бугунги кунда она сайёрамиз дунёдаги барча халқлар учун

ягона Ватан бўлиб, уни пок саклаш, бойликларини асраб-авайлаш инсоният олдидаги муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Маълумотларга кўра, бундан юз йил аввал республикамиз ҳудудида 70 га яқин миллат вакиллари истиқомат қилган. 1926 йилда эса республикамизда 90 та миллат ва элат яшаган бўлса, 1959 йилда уларнинг сони – 113 тага, 1979 йилда – 123 тага, 1989 йилда эса 130 тага етган. Ҳозирги вақтга келиб юртимизда 130 дан зиёд миллат вакиллари истиқомат қилмоқда. Миллатлараро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш борасида Ўзбекистон ўзига хос тажриба ортирган. Бунда факат миллий ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғусини тарбиялаш, миллатларнинг тили, маданияти, урф-одатларини асраб-авайлаш билан чекланмаслик, балки мамлакатдаги барча миллатларнинг умумий бирдамлигига эришишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда республикамизда фаол «халқ дипломатияси» асосида фукаролар тотувлиги, турли миллатлар вакиллари ўтрасидаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, ватандошларимиз онгига кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга доир ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, 2017 йил 19 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони эълон қилинди.<sup>1</sup>

Ушбу фармон асосида соҳага оид амалга оширилаётган ишлар ва чора-тадбирларни самарали мувофиқлаштиришга йўналтирилган давлат сиёсатини босқичма-босқич рўёбга чиқариш мақсадида Республика Байналмиал маданият маркази ва Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаги негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди.

<sup>1</sup> «Халқ сўзи» газетаси. 2017 йил 20 май.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Бизнинг қадимий ва саҳоватли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва злат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Мехмондўстлик, эзгулик, қалб саҳовати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил этади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожида янги босқич бошланди. ... Юртимизда ҳукм сурайтган дўстлик ва бирдамлик муҳити – тинчлик ва баркарорлик, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг энг муҳим омилидир»<sup>1</sup>.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши – ҳавфсизлик, миллатлараро тутувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташки сиёsat соҳасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.<sup>2</sup> Мамлакатда турли миллатга мансуб фуқароларнинг ижтимоий-иктисодий, сиёсий-хукуқий, маънавий-маърифий ҳаётдаги фаол иштироқини таъминлаш, уларнинг миллий ўзлигини англаши ҳамда этник қадриятларини саклаб қолишилари учун кенг имкониятлар яратилди.

**Таянч иборалар:** транзит, транзит иқтисодий тизим, транспорт ва транзит салоҳияти, минтақавий иқтисодиёт, минтақавий транспорт тизими, интеграция, минтақавий интеграция жараёнлари, транспорт-коммуникация тизими, маданий мерос, жаҳон цивилизацияси, ЮНЕСКО, Марказий Осиё мамлакатлари интеграцияси, минтақавий ҳавфсизлик, туризм, иқтисодий ҳавфсизлик, делимитация, демаркация, минтақавий шериклик, гуманитар ҳамкорлик, иқтисодий ҳамкорлик, трансчегаравий ҳамкорлик.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. М. Миллий тараккиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. 295–296-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Фармони. – Т.: «Адолат», 2017. 27-б.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Мамлакатимиздаги транспорт-транзит салоҳиятини қандай баҳолайсиз?
2. Транспорт тизимининг ўтказувчалик қобилиягини яхшилаш учун қандай чора-тадбирларни амалга ошириш мүҳим?
3. Минтақани ривожлантиришига қаратилган мүҳим лойиҳаларнинг асосийларини қайсилар ташкил қиласди?
4. Марказий Осиё мамлакатлари темир йўлларининг узунлиги аввалги йилларга қараганда қандай ўзгарди?
5. Халқаро ташкилотлар томонидан тарихий обидаларга бўлган муносабат охиригина йилларда қандай ўзгарган?
6. 2021 йилда «Марказий Осиё дунё цивилизациялари чорраҳасида» деб номланган халқаро форумини қайси шаҳарда ўтказиш режалаштирилган?
7. Халқаро ташкилотлар томонидан тарихий обидаларни сақлаб қолишига оид қатор норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинишдан асосий мақсад нима?
8. Қадим тарихдаги маданий ҳаёт, ажододларимиз турмуши тарзи ни ўрганишида бекиёс аҳамиятга эга бўлган янги музейлар барпо этишига қандай аҳамият бериляпти?
9. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлган транспорт соҳаси бўйича конструктив ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга кўйини вазифаси нималарга чамбарчас бөглиқ?
10. Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида сўзлаган нутқидаги асосий йўналиши Марказий Осиё мамлакатларини жаҳон иқтисодий, транспорт ва транзит коридорларига чуқур интеграциялашуви мақсадида қандай вазифаларни амалга оширишига қаратилди?
11. БМТ шафелигида Транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириши минтақавий марказини ташкил этиши Ўзбекистон учун қандай имкониятларни очади?
12. Логистика соҳасида кадрлар тайёрлаши бўйича хорижий тажрибалар ҳақида гапириб беринг.



## ТЕСТ

**1. «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги хамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда илгари сурилган ташаббуслардан бири, бу – ...**

- А) Марказий Осиё бўйича БМТ резолюциясини қабул килиш;
- Б) мамлакатимизда транспорт-транзит салоҳиятини янада ривожлантириш;
- В) транспорт тизимининг ўтказувчанлик кобилиятини ошириш;
- Г) Марказий Осиёда халқаро транспорт йўллакларини ривожлантиришда муҳим лойиҳаларни амалга ошириш.

**2. Ҳудудимизнинг транспорт-транзит салоҳияти, унинг тарихан Шарқ ва Фарб, Шимол ва Жануб ўртасида қўприк вазифасини ўтаган йўл, бу – ...**

- А) Буюқ ипак йўли;
- Б) Шарқ ва Фарб йўли;
- В) Шимол ва Жануб йўли;
- Г) Шарқ ва Шимол йўли.

**3. Марказий Осиё мамлакатлари темир йўлларининг узунлиги неча минг километр?**

- А) Марказий Осиё мамлакатлари темир йўлларининг узунлиги 22 минг километрга тенг;
- Б) Марказий Осиё мамлакатлари темир йўлларининг узунлиги 32 минг километрга тенг;
- В) Марказий Осиё мамлакатлари темир йўлларининг узунлиги 42 минг километрга тенг;
- Г) Марказий Осиё мамлакатлари темир йўлларининг узунлиги 52 минг километрга тенг.

**4. Минтақадаги темир йўлларнинг неча фоизи Ўзбекистон худудига тўғри келади?**

- А) 18 фоизи;
- Б) 20 фоизи;
- В) 28 фоизи;
- Г) 22 фоизи.

**5. Ўзбекистон худудидан ўтадиган барча ташувларнинг неча фоизи мамлакатимиз ҳиссасига тўғри келади?**

- |                    |                    |
|--------------------|--------------------|
| А) кариб 11 фоизи; | В) кариб 10 фоизи; |
| Б) қариб 15 фоизи; | Г) кариб 20 фоизи. |

**6. Ўзбекистонни хорижий мамлакатлар логистика марказлари билан боғлайдиган интермодаль логистика маркази, бу – ...**

- А) «Навоий» ҳалқаро интермодаль логистика маркази;
- Б) «Жиззах» ҳалқаро интермодаль логистика маркази;
- В) «Ангрен» ҳалқаро интермодаль логистика маркази;
- Г) «Хоразм» ҳалқаро интермодаль логистика маркази.

**7. Ўзбекистонда 2016 йил 22 июнь куни қандай темир йўл йўналиши очилди?**

- А) Ангрен – Поп;
- Б) Хитой – Марказий Осиё – Европа;
- В) Андижон – Ўш;
- Г) Самарқанд – Шахрисабз.

**8. Ўзбекистонда 2017 йил февраль ойида қандай авиакатновлар кайта тикланди?**

- А) Тошкент ва Душанбе ўртасида 1992 йилда тўхтатилган авиакатновлар кайта тикланди;
- Б) Тошкент ва Бишкек ўртасида 1992 йилда тўхтатилган авиакатновлар кайта тикланди;
- В) Тошкент ва Турикманистон ўртасида 1992 йилда тўхтатилган авиакатновлар қайта тикланди;
- Г) Тошкент ва Қозоғистон ўртасида 1992 йилда тўхтатилган авиакатновлар қайта тикланди.

**9. 2018–2023 йилларда Хитой ва Гарбий Европани боғлайдиган қандай транспорт йўлагини қуриш режалаштирилган?**

- А) «Евроосиё» транспорт йўлагини қуриш ва фойдаланишга топшириш режалаштирилган.
- Б) «Марказий Осиё» транспорт йўлагини қуриш ва фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

- В) Хитой – Ўзбекистон транспорт йўлагини куриш ва фойдаланишига топшириш режалаштирилган;
- Г) «Гарбий Европа – Гарбий Хитой» транспорт йўлагини куриш ва фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

**10. 2018–2023 йилларда Хитой ва Ғарбий Европани боғлайдиган транспорт йўлаги орқали 2050 йилга бориб йилига неча миллион йўловчи ташиш кўзда тутилган?**

- А) йилига 37 миллион йўловчи;
- Б) йилига 47 миллион йўловчи;
- В) йилига 27 миллион йўловчи;
- Г) йилига 25 миллион йўловчи.





## IV. Б о б

### **АФГОНИСТОН – МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ ВА МИНТАҚАДА ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИ КУЧАЙТИРИШ АСОСИ СИФАТИДА**

#### **4.1. Афғонистоннинг Марказий Осиё минтақасида тутган ўрни ҳамда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш кафолатлари**

Афғонистон (Афғонистон Ислом Республикаси) – Жануби-Гарбий Осиёнинг энг чекка шарқий қисмида жойлашган мамлакат. Географик ўрнига биноан Ўрта Шарқ мамлакатлари каторига ҳам киритилади. Майдони – 652,9 минг километр квадрат. Аҳолиси – 32 миллион 226 минг киши (2019). Пойтахти – Кобул шаҳри.

Афғонистон маъмурӣ-худудий тузилишига кўра, 31 та вилоятга бўлинади. Эрон, Покистон, Хитой, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон билан чегарадош. Афғонистон билан Ўзбекистон ўртасидаги чегаранинг узунлиги – 137 километр.

Афғонистон худудининг бешдан тўрт қисмини тоғлар ва ясси тоғликлар эгаллаган. Шимоли-гарбида Паропамиз, Сафедкӯҳ, Банди Туркистон, шимоли-шарқида Ҳиндикуш тоги тизмалари асосан кенглик бўйлаб йўналган. Марказининг асосий қисмини Ҳазоражат ва Фазни-Қандаҳор ясси тоғликлари эгаллаган бўлиб, уларга гарбий ва жанубий томонлардан бошқа тоғликларнинг тизмалари кўшилиб кетган (Банди Баён, Чихилбадалон, Занг тизмаси, Кўхи Хурд, Мозор ва бошқалар). Мамлакат худудининг жанубий ва жануби-гарбий қисмлари баланд текисликлардан иборат бўлиб, уларда қумли ҳамда тош ва гилли Даشتӣ Морғо чўяллари жойлашган. Ботиқларда кўллар ва шўрҳоқликлар мавжуд (Сабари, Пузак, Гауди Зира ва бошқалар).

Афғонистоннинг жануби-шарқий чегараси бўйлаб Сулаймон тоғларининг гарбий тизмалари чўзилган. Афғонистонда фойдали казилмалар кам ўрганилганига қарамай, у ерда тошкўмир (Иш пушта, Кар-кар, Дараи Сўф, Каруҳ ва бошқа конлар), табиий газ (Хўжа гутуртак), темир рудаси (Палангсор), хром рудаси (Шадал

кеткай), олтин (Аргандаб, Санглеч, Нураба), бериллий (Дараи Печ, Дараи Нур), кўрғошин-рух (Фаринжол, Мирзака), мис рудаси (Жигдалай), ош тузлари, олтингугурт ҳамда қимматбаҳо тош конлари мавжуд. Ҳирот ва Бомиён вилоятларида маъданли сув булоқлари очилган.

**Иқлими ва табиати.** Афғонистон ҳудудининг катта кисми қуруқ субтропик иқлим минтақасида жойлашган бўлиб, иқлими континентал. Ёзи – иссик ва қуруқ (июннинг ўртача ҳарорати текисликларда 32–35 °C, тоғларда 10–14 °C), қиши – илиқ, тоғларда совук (январнинг ўртача ҳарорати текисликларда 0°C дан 8 °C гача; –30 °C совуклар ҳам кузатилади, тоғларда 0°C дан паст, аёзли қунлар кўп бўлади). Йиллик ёғин миқдори шимолий ҳудудларда 170–280 мм, чўл ҳудудларида 40–50 мм, тоғ ён бағирларида 800 мм гача боради.

**Йирик дарёлари** – Амударё ва унинг ирмоғи – Панҷ ҳамда Хилманд, Фарроҳруд, Ҳерируд, Мурғоб ва Кобул дарёси Ҳинд океани ҳавzasига куйилади. Дарёларнинг сувларидан сунъий суғоришда ҳамда элекстр энергияси ҳосил қилинча фойдаланилади. Мамлакатнинг суғорма деҳқончилик ҳудудларида бўз ва тўқ бўз тупроқ ҳамда сур-кўнғир тупроклар тарқалган. Катта қисмини кумли тупроқ эгалаган. Асосан чўл ва дашт ўсимликлари ўсади.

Шимоли-шарқий ва шарқий қисмларидаги тоғларда кенг баргли (2000–2400 метр баландликда) ҳамда игиабаргли (3300–3400 метрғача бўлган баландликда) ўрмонлар мавжуд. Афғонистонда ёввойи ҳайвонлардан бўри, сиртлон, тулки, қоплон, айик, жайрон ва бошқалар учрайди.

Афғонистон асрлар давомида мамлакатимизнинг энг якин қўшниларидан бири, дўстлик ва яхши қўшничилик ришиналари, диний эътиқод, урф-одатлар боғлаб турадиган ўлка бўлиб келган. Ўзбек ва афғон халқлари ўзаро биродардир ҳамда бу узоқ тарихдан бўён ўз исботини топиб келмоқда.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил октябрь ойида ўрнатилган. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан сиёсатини прагматик йўлга ўзгартирди. Пировардида, Ўзбекистон – Афғонистон алоқалари мамлакатимиз ташки сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди ва улар янгича мазмун ва изчиллик касб этди.

Очиқлик, ўзаро ишонч, ҳамкорликнинг иқтисодий жиҳатига устувор эътибор бугунги юқори даражадаги муносабатларнинг асосини ташкил килмоқда. Айтиш жоизки, бундай даража шу пайтгача ҳеч қачон кузатилмаган эди.

Икки давлат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Ашраф Ганининг сиёсий иродаси туфайли амалий натижаларга эришиляпти. Президентларнинг кенг кўламли саъй-ҳаракатлари ва очиклик руҳидаги шахсий муроқотлари бундай оламшумул мавқега етишга имконият яратди.

Минтақавий сиёсатда яна фаоллашган Ўзбекистон жанубий кўшниси – Афғонистонга алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу муносабат билан ўтказилган Тошкент конференцияси, Афғонистон раҳбарияти билан яқин муносабатлар, ўзаро сафарлар шундан далолатдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, 2017 йилдан бўён икки давлат раҳбарларининг самимийлик ва тўлиқ ишонч руҳидаги олтига учрашуви бўлиб ўтди.

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ганининг 2017 йил 4–6 декабрь кунлари Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи Ўзбекистон – Афғонистон алоқаларининг янада мустаҳкамланишида муҳим босқичлардан бири бўлди. Мулоқотлар якунида хавфсизлик, энергетика ва транспорт соҳаларига оид 20 та қўшма хужжат, қиймати 500 миллион доллардан зиёд 40 та тижорат шартномаси имзоланди.

Ўзбекистон ва Афғонистон Президентлари ташаббуси билан 2018 йил март ойида Тошкентда Афғонистон бўйича ўтказилган халқаро конференция афғон давлатчилигининг замонавий тарихидаги йирик воқеа бўлди.

Анжуман якунида қабул қилинган Тошкент декларацияси Афғонистон хукумати ва «Толибон» ҳаракати ўртасида тўғридан-тўғри тинчликпарвар музокараларни зудлик билан бошлиш зарурлиги бўйича минтақавий ва глобал даражадаги ягона позицияни намойиш этди.

Ўзбекистон тинчлик ўрнатиш бўйича сиёсий музокаралар афғон можаросининг барча иштирокчиси, мамлакатнинг ҳамма партия ва ҳаракатлари, этник гурухларни камраб олиши кераклиги бўйича катъий позиция тарафдоридир. Айнан Тошкент конференциясидан сўнг бу йўналишдаги халқаро саъй-ҳаракатлар сезиларли тарзда фаоллашди.

Афғонистон муаммоси БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ҳамдиққат марказидадир. Афғонистон бўйича тузилган «Кобул жараёни», «Осиё юраги», «Истанбул жараёни», «Москва формати», «Халқаро мулокот гурухи» ва «ШХТ – Афғонистон мулокот гурухи» каби бошқа кўп томонлама тузилмалар фаолияти ҳам янгидан изчиллик касб этди.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни тезкор барқарорлаштириш бўйича саъй-ҳаракатлари мамлакатимизнинг афғонлараро музокараларни тӯғридан-тӯғри йўлга кўйиш бўйича сиёсий жараённинг ажралмас қисмига айланишига олиб келди.

Ўзбекистон ушбу мамлакатда тинчликка эришиш юзасидан куйидаги асосий тамойилнинг тарафдори бўлиб қолмоқда – мамлакатда мустаҳкам тинчлик бўйича сиёсий жараён факат афғонларнинг ўзлари ва Афғонистон халқи етакчилигига амалга оширилиши шарт. Ўзбекистон Республикасининг бугун афғон можаросининг барча тарафлари томонидан тан олинган мазкур принципиал ва узок муддатли позицияси халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Хавфсизлик бўйича ва икки мамлакат ташқи сиёsat маҳкамалари йўналишидаги алоқалар ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишидир.

2018 йил февраль ва 2019 йил март ойларида Тошкент ва Кобулда Ўзбекистон ва Афғонистон хавфсизлик кенгашлари раҳбарлари даражасида хавфсизлик масалалари бўйича Ўзбекистон – Афғонистон кўшма комиссиясининг йиғилишлари бўлиб ўтди.

2017 йил январь ойида Тошкентда Ўзбекистон ва Афғонистон Ташқи ищлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг биринчи босқичи ташкил этилди.

2018 йил октябрь ойида Термиз шаҳрида Афғонистон Ислом Республикасининг Бош консулхонаси очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича маҳсус вакилининг тайинланиши Ўзбекистон раҳбарияти томонидан Афғонистон билан алоқаларни босқичма-босқич ва мақсадли ривожлантаришга каратилаётган катта эътиборнинг яна бир тасдиғидир. Ўзбекистон Афғонистонни Марказий Осиёning ажралмас қисми, деб ҳисоблайди ва мамлакатни минтақавий интеграцион жараёнларга кенг жалб килишга интилмоқда.

2020 йил январь ойида Самарқанд шаҳрида минтақадаги барча давлатлар кўмагидаги Афғонистоннинг «Ҳиндистон – Марказий Осиё» мулокотига қўшилишидек эътиборли воеа содир бўлди.

Табиийки, Афғонистондаги ижтимоий-иктисодий инфратузилмани қайта тиклаш ушбу мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

2017 йил ноябрь ойида 30 йиллик танаффусдан сўнг Тошкент – Кобул – Тошкент авиақатновининг очилиши кўп қиррали алоқаларимизни янада ривожлантиришнинг яна бир муҳим босқичи бўлди.

Минтақавий ҳамкорликнинг концептуал йўналишларини белгилайдиган муҳим кўрсатмалардан бири БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 18 июндаги 72-сессиясида кабул қилинган «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва барқарор ривожланишни таъминлаш учун минтақавий ва ҳалқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш» маҳсус резолюцияси ёди.

Таъкидлаш жоизки, ҳужжатни ишлаб чиқиши жараёни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йил сентябрь ойида БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон билан хеч қандай воситачиларсиз тўғридан-тўғри савдо амалиётини бажариш ва ўзбек озиқ-овқат маҳсулотларини ушбу мамлакатга пасайтирилган нархларда етказиб бериши бўйича карори бу йўналишдаги муҳим қадамлардан бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 23 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги ўз нутқида айтиб ўтганидек, «Афғонистон – Марказий Осиёнинг ажралмас қисми. Фақат биргаликда ва яқин ҳамкорлик орқали биз афғон ҳалқининг эзгу орзуумидларини рўёбга чиқаришимиз мумкин. Бу борада «Бекарор ва вайронкор вазиятдан – тинчлик ва бунёдкорлик сари» деган таомийл асосида иш олиб бориш муҳимдир. Шу боисдан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хузурида афғон ҳалқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган қўмита ташкил этиш лозим. Ушбу қўмитанинг асосий вазифаси Афғонистоннинг

иктисодий ва ижтимоий ривожланишига кўмак беришдан иборат бўлиши зарур»<sup>1</sup>.

Икки томонлама муносабатларнинг замонавий тарихида биринчи марта амалга оширилган Ўзбекистон Бош вазирининг Афғонистонга сафари мухим воеа бўлди. Мазкур тадбир ўзаро савдо-иктисодий ҳамкорликни янада кенгайтиришда янги истиқболли йўналишларни очди.

Таъкидлаш лозимки, 2019 йил 17 июль куни Тошкентда савдо-иктисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссиянинг биринчи ийғилиши бўлиб ўтди. Унинг арафасида Ўзбекистон – Афғонистон бизнес форуми, икки мамлакат ишлаб чиқарувчилари кўргазмаси ҳамда ҳукумат ва ишбилармон доиралар вакиллари мулоқоти шаклидаги мажлис ташкил этилди.

Бугун Ўзбекистонда афғон капитали иштирокида 300 дан ортик корхоналар фаолият юритмоқда, улардан 20 таси 100 фоиз хориж маблағлари хисобидан ташкил этилган. Бундан ташкари, Термиз шаҳрида «Термиз карго» логистика маркази ва «Термиз» эркин иктиносий зонаси, Кобул ва Мозори Шариф шаҳарларида Ўзбекистон савдо уйлари очилган.

Самарали ҳамкорликни амалга оширишда маданий-гуманитар соҳа ҳам мухим роль ўйнайди. Халқларимиз ўртасидаги асрларга тагийдиган алокалар маданиятлараро ришталарда ҳам ўз ифодасини топган. Афғонистон ҳудудида бугун ўзбек миллатига мансуб 4 миллиондан кўпроқ аҳоли истиқомат қилаётгани ўзаро ҳамкорликка ижобий таъсир ўтказмоқда. Улар ўз меҳнати билан нафақат афғон давлатчилиги асосларини мустаҳкамлашга, балки Ўзбекистон – Афғонистон алокаларини ҳар томонлама такомиллаштиришга салмоқли хисса кўшмоқда.

Таълим соҳаси ўзаро ҳамкорликнинг устувор жиҳатидан бўлиб қолмоқда. 2018 йил январь ойида Термиз шаҳрида афғон фуқароларини ўқитишга ихтисослаштирилган таълим марказининг очилиши бунинг ёркин ифодасидир. У Афғонистон учун ўзбек тилини ўқитиш ва темир йўл соҳаларида мутахассислар тайёрлаш бўйича ўзига хос масканга айланди.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблейсининг 75-сессиясидаги нутки. <https://www.gazeta.uz/2020/09/23/bml/>

Икки мамлакат маданият ва илм-фан вакиллари делегациялари билан алмашув фаоллашмоқда. Афғонистон делегацияси 2018 йил сентябрь ойида Шаҳрисабзда мақом санъати ҳалқаро фестивалида катнашди, ўзбек олимлари делегацияси Кобулда Абу Райхон Беруний ҳаёти ва фаолиятига бағишиланган ҳалқаро симпозиумда иштирок этди.

Буидан ташкари, 2018 йил декабрь ойида Тошкентда темурйилар сулоласининг атокли вакили Гавҳаршодбегим ҳаёти ва ижодига бағишиланган ҳалқаро симпозиум ўтказилди.

2019 йил июль ойида Тошкентда «Афғонистон XX ва XXI асрлар чорраҳасида: тарихий, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий жиҳатлар, Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик масалалари» мавзусида ҳалқаро конференция ташкил этилди.

Афғонистондаги ички сиёсий вазият барқарорликдан анча узокда, бироқ бу заминда 32 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Мамлакат аҳолиси кундалик ҳаётида зарур неъматлардан ушбу муҳитда яшаб баҳраманд бўлишга кўнишиб қолган, деса ҳам бўлади. Афғонистонда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар номенклатураси у қадар катта эмас, аксарият қисмини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил этади. Мамлакат иқтисодиёти кўп йиллардан буён давом этиб келаётган ҳарбий низо туфайли импортга бутунлай қарам бўлиб қолган деярли. Афғонистон ҳар йили четдан қарийб 7,5 миллиард долларга тенг маҳсулот харид киласи, мамлакатнинг экспорт ҳажми эса, унинг импортидан 9 баробар кам – йилига атиги 800–900 миллион долларни ташкил этади.

2019 йил май ойининг охирида Ўзбекистон – Афғонистон чегарасида маҳсус чегара савдо зонаси фаолият юрита бошлади. Савдо зонаси бир пайтнинг ўзида 300 тагача юқ машиналарини кабул килиш имконига эга бўлган «Termiz kargo» экспорт марказида ташкил этилди. Бу Ўзбекистон томонидан афғон бозорига етказиб бериладиган маҳсулот номенклатурасини ҳамда ҳажмини ошириш учун кўйилган навбатдаги қадамдир.

Оммавий ахборот воситаларида Афғонистондаги сиёсий низоларга чек кўйишга қаратилган музокаралар, шунингдек, инфратузилма ва ижтимоий лойиҳалар ҳақидаги ахборотлар мунтазам бериб борилмоқда. Бироқ, ушбу мамлакат иқтисодиёти ва ташки савдосига оид маълумотлар жуда кам.

Қайси давлатлар Афғонистоннинг асосий савдо ҳамкорлари хисобланади ва улар афғон бозорига қандай маҳсулотларни етказиб беради? Афғонистон ташқи бозорларга нимани экспорт қиласи? Ушбу мамлакат ташқи савдосида Марказий Осиё давлатларининг роли қандай?

Кўмир ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга асосланган иқтисодиёт. Ушбу мамлакатнинг ички сиёсий ва ижтиёмий вазиятини «барқарор шаклга эга бўлган бекарорлик» деб тавсифлаш мумкин. Бироқ, шунга карамай, Афғонистон иқтисодиётида ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Кўмир қазиб олиш, қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотлари мамлакат иқтисодиётининг асосий драйверларидири. Осиё тараққиёт банки (ОТБ)нинг хисботига кўра, иқтисодий ўсиш суръатлари 2018 йилги 2,2 фоизга нисбатан 2019 йилда 2,5 фоизни ташкил этади. Банк таҳлилчиларининг фикрича, бунга сабаб – мамлакатдаги об-ҳаво ўзгаришлари туфайли қишлоқ хўжалигидаги ҳолатнинг яхшиланишидир. Осиё тараққиёт банки (ОТБ)нинг прогнозларига кўра, инфляция даражаси 2019 йилда 3 фоизгacha, 2020 йилда 4,5 фоизгacha ошади. Шундай бўлса-да, қишлоқ хўжалигининг ривожланиши сабабли озик-овқат маҳсулотлари нархлари олдингидек қолиши кутилмоқда.<sup>1</sup>

Афғонистоннинг ташқи савдоси учта асосий хусусиятга эга. *Биринчидан*, импорт ва экспорт ҳажми ўртасидаги жуда катта фарқ мавжуд. 2018 йилда ташқи савдо балансининг салбий сальдоси 6,5 миллиард долларни, савдо айланмаси эса 8,3 миллиард долларни ташкил этди. Бонгача айтганда, мамлакат ташқи савдосининг 78 фоизини импорт ташкил этади.

*Иккинчи* хусусият шундан иборатки, Афғонистонга қўшни ва географик жиҳатдан яқин давлатлар ушбу мамлакатнинг асосий савдо ҳамкорлари саналади. Умумий импорт ҳажмининг 75 фоизи олтига қўшни мамлакат (Эрон, Покистон, Хитой, Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркманистон) ҳамда нисбатан яқин бўлган Қозоғистон ва Ҳиндистон улушкига тўғри келади. Мамлакат экспортини оладиган бўлсак, афғон товарларининг 90 фоизи тўртта мамлакат – Покистон, Эрон, Хитой ва Ҳиндистонга юборилади.

Учинчидан, экспортнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва кўмир ишлаб чиқаришга ихтисослашгани. Умумий экспорт

---

<sup>1</sup> <https://urzalytics.com> веб-саҳифаси маълумотлари

ҳажмининг 77 фоизини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, 10,2 фоизини кўмир ташкил қилади.

Албаттага, юкорида кўрсатилган барча омилларга ижтимоий ва иқтисодий инфратузилманинг паст ривожлангани ҳамда мамлакат ҳудудида қирқ йилдан бўён давом этиб келаётган ҳарбий низолар асосий сабабдир.

Осиё тараққиёт банки ҳисботи муаллифларининг қайд этишларича, Афғонистон ҳукумати иқтисодиётни ривожлантириш учун икки муаммони ҳал этиши зарур. Булар: кадрлар этишмовчилиги ва инфратузилма лойихалари учун инвестицияларни рағбатлантиришдир.

**Афғон бозори учун кураш.** Покистон 2016 йилдан 2018 йилгача афғон бозоридаги ярмидан кўпроқ улушкини йўкотди. Бу вақтда Афғонистонга амалга оширилган экспорт ҳажми 2,7 миллиард доллардан 1,1 миллиард долларгача камайди. Покистон – Афғонистон савдо палатаси раиси Зубайр Мотиваланинг маълум қизишича, Покистон экспортининг пасайиши афғон бозорида Ҳиндистон ва Хитой ролининг кенгайиши билан боғлик.<sup>1</sup>

Покистоннинг афғон бозоридаги улушкининг қисқариши ҳаттоқи ун, гўшт ва кийим-кечак экспорти сингари соҳаларга ҳам катта таъсир кўрсатган. Савдо палатаси раисининг қайд этишича, Афғонистонда Ҳиндистон ва Хитойдан келадиган анча арzon маҳсулотлар бунга асосий сабаб. Бундан ташқари, афғонлар илгари даволанини учун Пешоварга (Покистоннинг Афғонистон билан чегарасига яқин шаҳар) борган бўлсалар, энди улар Ҳиндистонни афзал билишмоқда. Афғонистонга экспорт ҳажмининг анча қисқариши сабабли Пешовардаги 200 та ун заводининг қарийб ярми ёпилгани статистик маълумотларда кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Афғонистон иқтисодиётини тиклаш ва ривожлантиришга, афғон халқининг турмушини яхшилашга катта ҳисса кўшмоқда.

Афғонистон билан савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик нафақат минтақа мамлакатлари, балки бутун жаҳон ҳамжамияти учун ҳам манбаатлидир. Минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш учун катта истиқболга эга бўлган мазкур йўналишда

<sup>1</sup> <https://uzanalytics.com> веб-саҳифаси маълумотлари.

узок муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликни кучайтириш биз учун устувор аҳамиятга эга.

Кўшни давлатлар билан конструктив ва ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, жумладан, Афғонистон билан кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон ҳар доим Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни тезрок қарор толтириш тарафдори бўлиб, ўзаро савдо айирбошлиш ҳажмини кўпайтириш ҳамда йирик инфратузилмавий ва гуманингар лойихаларни амалга ошириш орқали Афғонистон иқтисодиётини тиклаш ва ривожлантиришга, афғон ҳалқининг турмушини яхшилашга катта ҳисса кўшмоқда. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик катта истиқболларга эга ва сўнгти уч йил ичида жадал ривожланиб бормоқда.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти этиб сайланганидан сўнг бу икки кўшни ва кардош мамлакатларнинг ўзаро муносабатларида янги саҳифа очилди. 2017 йилнинг январида Ўзбекистоннинг ҳукумат делегацияси Афғонистонда бўлиб қайтди. Шу даврда Афғонистон Президенти расмий ва ишчи ташрифлар билан Тошкентга икки марта ташриф буюрди. Бундан ташқари, икки давлат раҳбарлари мунтазам равишда телефон орқали мулоқотлар олиб боради, охириги шундай сухбат 2020 йилнинг 2 августида бўлиб ўтди, унда Афғонистоннинг барқарор ривожланишига кўмаклашиш ва уни минтақавий иқтисодий жараёнларга фаол жалб қилиш максадида устувор инфратузилма ва инвестиция лойихаларини илгари суриш бўйича ишларни кучайтиришга катта эътибор қаратилди.

Эпидемиологик вазиятнинг оғирлашиши кўплаб мамлакатларда, жумладан, Афғонистонда ҳам кузатилди. Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан жорий йилнинг апрель ойида Афғонистонга 600 тонналик инсонпарварлик ёрдами, хусусан, ҳимоя комбинезонлари, патрий гипохлорид, респираторлар, қўлқоплар, пиromетрлар, болалар учун кийим-кечак, ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари жўнатилилди. Таъкидлаш жоизки, бу биринчи гуманингар ёрдам эмас, 2018 йилнинг январь ойида Афғонистонга Ўзбекистон Президенти номидан 25 та автобус ва қишлоқ ҳўжалиги техникаси беғараз

юборилган эди. Июнь ойида эса кургоқчилик оқибатида Афғонистонда экинлар зиён қўргани муносабати билан ушбу мамлакатга гуманитар ёрдам сифатида З минг тонна озиқ-овқат юборилди.

**Афғон ёшлари учун Термиз шаҳридаги ўқув маркази.** Афғонистонда талаб юқори бўлган кадрларни тайёрлашга кўмаклашиш мақсадида Термиз шаҳрида «Ўзбек-афғон» таълим маркази ташкил этилиб, унда ўзбек филологияси, темир йўл транспорти, қишлоқ хўжалиги ва бошқа мутахассисликлар бўйича 200 нафарга якин афғон ёшлари таҳсил олмоқда. Шу билан бирга, таълим харажатларининг ярмини афғон томони тўлайди, колган қисмини Ўзбекистон томони қоплади.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Европа Иттифоқи ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таракқиёт дастури (БМТ ТД)нинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ўқитиш учун таълим грантларини оладиган афғон аёлларининг иқтисодий имкониятларини кўллаб-куватлашга қарагилган трансчегаравий ташаббусни эълон қилишди. Европа Иттифоқи ушбу ташаббусни молиялаштириш учун 2 миллион евро миқдорида грант ажратди. Ушбу грант 2025 йилгача БМТ ТД томонидан амалга оширилади. Мазкур грант доирасида афғонистонлик ёш аёллар Тошкент аграр университети кўмагида қишлоқ хўжалиги соҳасида билим олишади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Президенти Афғонистонда маҳсус Xалқаро таълимни кўллаб-куватлаш жамғармасини ташкил этиши ташаббуси билан чиқди. Жамғарманинг асосий мақсади ёшларни зарур бўлган мутахассисликлар бўйича ўқитиш, иқтидорли талabalар ва ёш олимларга стипендия ва грантлар беришdir.

**Иккى томонлама ҳамкорлик истиқболлари.** Ўзбекистон ва Афғонистон савдо-иктисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтиришдан ўзаро манфаатдор ва нафақат савдо соҳасида, балки сармоявий соҳада ҳам иқтисодий ҳамкорликнинг янги йўналишларини излашга интилмоқда.

Транспорт ва энергетика ҳамкорликнинг стратегик йўналишлари бўлиб қолмоқда. Ўзбекистонлик мутахассислар ва инвестициялар иштирокида Афғонистондаги 5 та тўқимачилик ва 3 та ёғ-мой корхонасини тиклаш бўйича ишлар давом эттирилади. Ҳамкорликнинг истиқболли йўналиши сифатида Ўзбекистон корхоналари Афғонистон Ислом Республикаси худудида йўллар-

ни реконструкция қилиш ва сув иншоотларини қуриш бўйича амалга оширилаётган лойиҳаларда иштирок этиши ҳам мумкин.

Бундан ташқари, «Термиз карго» логистика марказининг вазифаларини, масалан, унинг базасида зарур инфратузилмага эга бўлган улгуржи-тарқатиш марказини, шу жумладан, омборхоналар ташкил этиш, шунингдек, у ерда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари учун солиқ ва божхона преференцияларини тақдим этиш орқали такомиллаштириш ва кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Афғонистон билан чегарадош худудда қўшма корхоналар (ун, нон маҳсулотлари, ўсимлик мойи, қурилиш материаллари, тўкимачилик, пойабзал ва бошқа маҳсулотлар) яратиш бўйича четара савдосини ривожлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун шароитларни яхшилашни давом эттириш зарур. Шунингдек, Афғонистон мармарини қайта ишлаш ва бошқа мамлакатларга тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш учун турли хил яримтайёр маҳсулотларни Ўзбекистонга етказиб бериш масаласи ўрганилмокда.

Кишлоқ хўжалиги ҳам ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан биридир. Афғонистон кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг йирик ишлаб чиқарувчиси бўлиб, кўплаб товар турлари бўйича бу соҳа биздагига ўхшаши. Ўзбекистонда кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш йўлга кўйилганини ҳисобга олсан, бу кооперация алоқалари, қўшма корхоналар ва ишлаб чиқариш занжирларини шакллантириш учун имкониятлар очади. Ўз навбатида, аффон мутахассислари Сурхондарё вилоятида доривор ўтлар (15 гектар) ва дўлана (йилига 100 тонна) этиштириш бўйича лойиҳаларга сармоя киритишга қизиқиш билдиришган.

Афғонистон билан савдо-иктисодий алоқаларнинг хозирги ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда, савдо-иктисодий алоқаларни тартибга солувчи меъёрий-ҳукукий базани кенгайтириш максадга мувофиқдир. Ҳусусан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қўшни давлат бозорига экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш ва турларини кенгайтириш учун Афғонистон билан имтиёзли савдо тўғрисида шартнома тузиш имкониятларини ўрганиш максадга мувофиқдир. Бундан ташқари, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини рўйхатдан ўтказиш натижаларини Афғонистонда тан олиш тўғрисида

келишувларга эришиш Афғонистонга маҳаллий фармацевтика маҳсулотларини етказиб бериш имкониятларини кенгайтиради, унга бўлган талаб коронавирус пандемияси шароитида фақат ошиб боради.

Ўзбекистоннинг Афғонистон билан ҳамкорлиги нафақат икки томонлама, балки «Бир макон – бир йўл», «CASA-1000» электр узатиш линияси, Туркманистон – Афғонистон – Покистон – Ҳиндистон (ТАПИ) магистрал газ қувури каби халқаро лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиш доирасида ҳам ривожланиши мумкин.

Хуроса килиб айтганди, Афғонистон билан савдо-иктисодий ва сармоявий ҳамкорлик нафақат минтақа мамлакатлари, балки бутун жаҳон ҳамжамияти учун катта истиқболга эга ва мазкур йўналишда узоқ муддатли ўзаро манбаатли ҳамкорликни ошириш биз учун муҳимдир.

Маълумки, 2020 йилнинг 13 сентябрь куни Доҳада (Қатар) Афғонистонда тинчлик ва баркарорликни ўрнатиш бўйича узок кутилган аффонлараро музокаралар бошланди. Кобул ҳукумат делегациясининг «Толибон» ҳаракати билан учрашуви Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун тарихий имконият сифатида баҳоланмоқда.

Афғонистонда тинчликка эришиш хақида сўз борар экан, Афғонистон вакиллари, шунингдек, ушбу юртда баркарорлик ўрнатиш жараёнларига жалб этилган мамлакатлар сиёsatчи ва эксперtlари бунда Тошкентнинг роли ҳам муҳим эканини алоҳида эътироф этишди. Бундан ташқари, айнан Ўзбекистон Президентининг Афғонистондаги вазиятни баркарорлаштириш бўйича ташаббуслари аффон музокаралари жараёнини қайта тиклашга ва ташқи иштирокчиларнинг вазиятга бўлган муносабатини тубдан ўзгартиришига ёрдам бергани сир эмас.

Американинг «The Diplomat» нашри шархловчиси Жеймс Дюрсов Ўзбекистоннинг Афғонистондаги тинчликка қўшган хисса-сига бағишилаб ёзган сўнгги маколосида «Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йилда хокимият тепасига келиши минтақанинг Афғонистонга нисбатан қарашларини ўзгартириди ва бу мамлакатнинг Марказий Осиёning бир қисми сифатида тан олинишига хисса қўшди. Марказий Осиёдаги мамлакатларнинг Афғонистонни минтақа иқтисодиётига қўшилишига ёрдам бериши

бу ерда хукуматни мустаҳкамлаб, фукаролар урушининг олдини олишга имкон бериши мумкин», дея қайд этди.<sup>1</sup>

Ўзбекистон раҳбарининг ушбу мамлакатни фақат таҳдид манбаи сифатида қабул килишни тўхтатиш ва Афғонистонга имкониятлар нуқтаи назаридан қарашни бошлашга қаратилган чакириги халқаро миқёсла кенг кўллаб-кувватланди. Ҳозирги кунда Афғонистонни минтақавий иқтисодий жараёнларга жалб килиш зарурлиги тўғрисида умумий тушунча мавжуд.

Унбу ғоя Тошкент конференцияси, шунингдек, 2017 йил ноябрь ойида Ашхободда бўлиб ўтган Афғонистон бўйича минтақавий иқтисодий ҳамкорликнинг еттинчи конференцияси ва 2018 йил май ойида Душанбеда бўлиб ўтган терроризм ва зўравон экстремизмга қарши кураш бўйича халқаро конференция иштирокчilари томонидан кўллаб-кувватланди.

Бундан ташқари, иқтисодий ривожланиш дастурлари Афғонистонда миллий ярашувга эришиш учун бирлаштирувчи тамойил бўлиб хизмат қилиши ва Афғонистондаги вазиятни сиёсий жихатдан тартибга солиш жараённинг ижтимоий-иктисодий асосини ташкил этиши мумкин, деган тушунча шаклланиб бормоқда.

Хусусан, Марказий Осиё бўйича етакчи немис мутаҳассиси Гюнтер Кнабенинг таъкидлашича, «Ўзбекистоннинг Афғонистон бўйича стратегияси иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ҳал қилиш учун асос бўлиши мумкин ва урушлардан узок вақт азият чекаётган мамлакатда можарони тугатишга ёрдам беради»<sup>2</sup>.

Шу боис айтиш мумкинки, бугунги кунда пайдо бўлаётган вазиятдан фойдаланиб, тинчлик жараённинг давомийлиги ва тараккиётини таъминлаш, зиддиятли томонларни яраштиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар билан бир каторда, Афғонистоннинг иқтисодий келажагига сармоя киритишни бошлаш, мамлакат ичидаги қарама-қаршиликнинг барча иштирокчиларига тинч ижо-

<sup>1</sup> [https://dunyo.info/cyrl/site/inner/mutahassis\\_fikri\\_afgoniston\\_boyicha\\_toshkent\\_halqaro\\_konferentsiyasi\\_afgonlararo\\_tinchlik\\_zharaionining\\_boshlash\\_nuqtasi\\_boldi-XEt](https://dunyo.info/cyrl/site/inner/mutahassis_fikri_afgoniston_boyicha_toshkent_halqaro_konferentsiyasi_afgonlararo_tinchlik_zharaionining_boshlash_nuqtasi_boldi-XEt) – Стратегик ва минтақалараро тадқикотлар институти эксперти: Афғонистон бўйича Тошкент халқаро конференцияси – афғонлараро тинчлик жараённинг бошланиш пунктаси бўлди. 13 сентябрь 2020 йил.

<sup>2</sup> <https://dunyo.info> – Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигининг «Дунё» ахборот агентлиги расмий веб-саҳифаси.

дий меҳнат ва миңтақавий ҳамкорликнинг ҳақиқий самараларини кўрсатиш жуда муҳимдир.

Хуллас, олдинда ҳали мураккаб иш турибди. Кўплаб қийин, нозик муаммолар сақланиб қолмоқда. Аслини олганда, АҚШ ва толиблар ўртасидаги битим тинчликка олиб борувчи йўлнинг ниҳояси эмас, балки фақат бошланишидир. Афғонистонни тинч йўллар билан қайта тиклашга қаратилган барча масалалари бўйича конструктив мулоқотни давом эттириш жуда муҳимдир. Бу жараён ҳар қандай ташқи аралашувдан холи бўлиши керак. Бошқача айтганда, Афғонистон такдири афғонларнинг ўз қўлидадир. Афғонистонда тинчликни таъминлаш, бу – фақатгина хавфсизлик муаммоларини ҳал қилишдангина иборат эмас. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «тинчликка интилишнинг асосий шарти, бу – Афғонистон учун миңтақавий ва ҳалқаро миқёсда келишилган, яхлит ва кенг қамровли тинчлик дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир».

Иқтисодиётни тикламасдан, аҳолининг мураккаб ижтимоий муаммоларини ҳал қилмай туриб, Афғонистонда тинчликка эришиб бўлмайди. Мамлакатнинг иқтисодий келажагига сармоя киритишини давом эттириш муҳим. Бу жараённи умуман тўхтатиб бўлмайди. Инсонпарварлик дастурлари ва лойиҳаларини молиялаштиришни қисқартиришга йўл қўймаслик керак. Марказий Осиёнинг тинчлиги, хавфсизлиги, барқарорлиги, фаровонлиги Афғонистондаги вазиятнинг барқарорлашиши билан бевосита боғлиқ. Ўзбекистон Президенти бир неча бор, жумладан, БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида таъкидлаганидек, «Афғонистон муаммосини ҳал этмасдан туриб, тинч ва гуллаб-яшнаётган Марказий Осиё ҳақида гапириш мумкин эмас». Бир ёдга олайлик, айнан тинчлик мақсадида Тошкент конференциясида Ўзбекистон ташаббуси билан «Толибон»ни тинчлик музокаралари жараёнига жалб этиш учун туртки берилди. Бундан ташқари, ҳалқаро ҳамжамият тинчлик жараёнини факат Афғонистонга кўшни бўлган давлатларнинг фаол иштирокида амалга ошириш мумкинлигини англаб етди. Биз юқорида таъкидлаб ўтган Тошкент конференцияси турили позицияга эга давлатлар – Покистон ва Ҳиндистон, Эрон ва Саудия Арабистони, Қатар ва Бирлашган Араб Амириклари, дунёдаги энг катта ўйинчилар – Вашингтон, Мос-

ква ва Пекиннинг мавқеини сезиларли даражада бир-бирига яқинлаштириди.

Афғонлараро тинчлик келишуви иш беріб, ушбу мамлакатда якуний тинчликка эришилса, тиңч Афғонистон Марказий Осиё учун әнг қисқа йўл орқали дengiz kommunikatsiyalariidan foydallaniш, транспорт йўлакларимизни диверсификация қилиш ва шу билан маҳаллий маҳсулотларни экспорт қилиш учун кенг бозорларни очиш, икки овора қуруқлик билан ўралган мамлакатимиз маҳсулотларининг рақобатбардошлигигини ошириш имкониятини яратади.

Хулоса қилиб айтганда, буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг Афғонистон Ислом Республикаси билан иқтисодий ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

#### **4.2. Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда Марказий Осиё давлатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларининг ўрнатилиши**

Биз Афғонистонни Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида қабул қиласиз. 2018 йил март ойида ўтказилган Афғонистон бўйича олий даражадаги Тошкент конференцияси афғон муаммолини ечиш учун халкаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини сафарбар этишда янги босқич бўлди.

Минтақада иқтисодий интеграция жараёнларига Афғонистонни кенг жалб этиш мақсадида «Сурхон – Пули Хумри» электр узатиш тармогини, Мозори Шарифдан Ҳинд океани портларига чиқадиган темир йўл курилиши каби йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга киришдик.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Афғонистонда тинчлик ва баркарорлик ўрнатиш масалалари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг доимий эътибор марказида бўлиб қолиши зарур.

Факат биргаликда ва яқин ҳамкорлик орқали биз афғон халқининг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқаришимиз мумкин. Бу борада «Бекарор ва вайронкор вазиятдан – тинчлик ва бунёдкорлик сари» деган тамойил асосида иш олиб бориш муҳимдир. Шу боисдан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида афғон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган

кўмита ташкил этиш лозим. Ушбу қўмитанинг асосий вазифаси Афғонистонинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига кўмак беришдан иборат бўлиши зарур.

Геосиёсий нуқтаи назардан ўта мухим нуқтада жойлашган Афғонистон азалий рақобатдаги Шарқу Ғарб манфаатлари тўкнашадиган асосий нуқтага айланди. Буюк давлатчилик шовинизми, суверен давлатларнинг ички ишларига сурбетларча аралашиш сингари турли сиёсий найранг ва ўйинлар қурбони бўлди. Иккинчидан, маҳаллийчилик, миллатчилик ва бошка иллатлар. Афғон этносининг асоси ҳисобланган пуштунлар мамлакат ахолисининг 40 фоизини, ҳазарийлар 9 фоизини, ўзбеклар 9 фоизини, тоҷиклар 27 фоизини ташкил этади. Яна бир қанча миллат ва элатлар улар билан бирга умргузаронлик қилмоқда. Бироқ умумий манфаатлар атрофида бирлашиб, аклий салоҳиятни тараққиётга хизмат қилдириш, тор маҳаллийчилик иллатларига барҳам бериб, хиссийётларни жиловлаб, аклга суюниб яшаш фазилати кейинги пайтда кўзга ташланмаяти. Миллатлараро тутувлик ва бағрикенглик сингари умуминсоний қадрият ўз моҳиятини йўқотган. Натижада, ана шундай қийин, ўзаро низолар авж олган ўта мураккаб ижтимоий вазият мамлакат тараққиётини издан чиқарди. Бугунги кунда Афғонистон жаҳон ҳамжамиятида геосиёсий, иқтисодий ва маданий нуқтаи назардан кенг имкониятларини сақлаб қолмоқда. Жумладан, у собиқ советлар маконини Хитой ва Ҳинд океанига қадар бўлған улкан ҳудуд билан туташтириб турувчи ҳалқаро транзит ва иқтисодий ҳамкорлик ролини бажаришда мухим таянч вазифасини бажаради. Бир катор хорижий давлатлар Афғонистонда йирик лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор эканликларини билдиришмоқда. Жумладан, Туркманистон – Афғонистон – Покистон – Ҳиндистон газ кувурини ўтказиш ҳозирги замоннинг энг катта лойиҳаларидан бири ҳисобланади. Ушбу лойиҳа амалга оширилса, бу табиий газ экспортидаги энг самарали трасса, Туркманистон газини ўтказувчи ҳозиргача мавжуд бўлған Россия ва Хитой ҳудудидан ўтган трассага иисбатан анча кам чиқимли ва самарадор лойиҳа бўлиб қолади. Бундан ташқари, Афғонистонда Марказий Осиё мамлакатлари ва Покистонни боғлаб турадиган темир йўл, улкан кувватга эга бўлған электр энергияси тармоғи қурилиши ушбу улкан ҳудуднинг истикболдаги тараққиётини белгилаб беради.

диган лойихадир. Айни пайтда Ўзбекистон томонидан қурилаётган темир йўл Эрон лойиҳаси асосида амалга оширилаётган иншоот билан уланиб, Ҳиротгача бўлган маҳобатли замонавий Ипак йўлини тиклашга ҳизмат қилади. Ушбу ташабbusларининг ҳаммаси аниқ ҳисоб-китобларга ва натижага асосланган.

Афғонистон табиий ресурсларни ташиб билангина кифояланмайди, у улкан ишлаб чиқариш имкониятларига ҳам эга. Ўлкада жуда катта нефть ва газ захиралари, мис, кимматбаҳо топилар, урап ва бошқа конлар ҳам топилган. Бошқача айтганда, ушбу мамлакатда Менделеев жадвалидаги барча элементларни топиш мумкин. Ана шу улкан табиий бойликларни, еrostи ва срусти манбаларини фойдаланишга топтиришда баҳтга қарши бу ердаги хавфсизликнинг кафолатланмагани, турли қуролли тўқнашувлар ва жангу жадалларнинг мавжудлиги монелик килмоқда. Айни пайтда, мамлакатда ишсизлик даражаси жуда юқори. Ахолининг 35 фойзи фойдали меҳнат билан шуғулланмайди. Тоза ичимлик сувининг етишмаслиги, ёқилғи-энергетика танқислиги, таълим ва тиббий ҳизмат даражасининг коникарсизлиги, хавфсизликнинг кафолатланмагани жамиятда иқтисодий, ижтимоий ва маънавий-рухий инқирозни тобора чукурлантирумокда.

Ўзбекистон – Афғонистон ҳамкорлиги узоқ тарихга эга. Бизнинг қадимий маданиятимиз, яқин қўшичилик муносабатларимиз, турмуш тарзимиздаги ўҳишашликларининг мавжудлиги, урфодатлар, анъаналаримизнинг уйғулиги шундан далолат беради. Бирок, тарихий тақдир маълум чегаралар туфайли бизни ажратиб турибди. Биз бир-биримизга бефарқ эмаслигимизни, бир-бири мизнинг ютуқларимиздан манфаатдор эканимизни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Буни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев кўп марта тарьидламоқда. Ҳалиқимизда «Қўшни танланмайди, қўшни Худо беради», «Қўшнинг тинч – сен тинч» деган пурхикмат мақоллар бор. Бу ҳаётий хақиқат асрлар мобайнида исботини топган. Бугун эса яна ҳам долзарблик касб этмоқда. Ҳозирги замон цивилизацияси талаблари нуқтаи назаридан қараганда, Ўзбекистон ташки сиёсий фаолияти қўшни мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш сингари соф тинчликсевар сиёсатга асосланади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг сиёсий қарашларида бу масала алоҳида мавке касб этади. Жумладан, Президент томонидан ишлаб чиқилган

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига бўйича Ҳаракатлар стратегиясида бу масала алоҳида қайд этилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ташки иқтисодий фаолиятини ҳамда хорижий давлатлар билан икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда савдо соҳасида ҳамкорликни йўлга кўйиш истиқболли йўналишлардан саналади. Ўзбекистоннинг Афғонистон Ислом Республикаси билан ўзаро савдо-иктисодий алоқалари тизимини ҳар томонлама такомиллаштириш мухим аҳамият қасб этади. Чунки, Ўзбекистон ва Афғонистоннинг иқтисодий манфаатлари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, бу энергетика, транспорт алоқалари, табиий бойликлар, сув масалалари ва бошқа соҳаларда ўз аксини топади. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Афғонистон билан очиқ иқтисодий алоқани йўлга кўйиш бўйича бир қатор ислохотларни амалга оширмоқда.

Икки томонлама савдо-иктисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш максадида Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ганининг 2017 йил 4–6 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикасига амалга оширган давлат ташрифи мобайнида 20 та битим ва 40 шартнома имзоланди.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг Афғонистондаги савдо фаолиятини ривожлантиришнинг долзарблиги қўйидаги жиҳатларда намоён бўлишини таъкидлаш лозим:

*Биринчидан*, Афғонистон Ўзбекистон ташки сиёсий-иктисодий фаолиятида асосий устувор йўналиш этиб белгиланган.

*Иккинчидан*, экспорт таркибини ва географиясини диверсификация қилиш, давлатлааро савдо-иктисодий ҳамкорлик 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.2-бандида белгилаб берилган.

*Учинчидан*, Ўзбекистон ва Афғонистоннинг ўзаро савдо-иктисодий ҳамкорлигини ривожлантиришда ишга солинмаган имкониятлар мавжуд. Ҳозирги кунда янги йўналиш бўлиб ҳисобланаётган Ўзбекистоннинг Афғонистон билан савдо ҳамкорлиги, географик ва транспорт инфратузилмасидан самарали фойдаланиш орқали Афғонистон иқтисодиётида ижобий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон учун экспорт диверсификациясини кенгайтириши мумкин.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги иқтисодий муносабатлар иккى мамлакат раҳбарларининг сиёсий иродаси натижасида янги босқичда ривожланмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистон билан амалий, ўзаро манбаатли ва яхши қўшничилик муносабатларини шакллантириш, минтақада хавфсизликни таъминлашни ташқи сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида белгилади.

Шунингдек, 2017 йил 4–6 декабрь кунлари Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ганининг Ўзбекистонга расмий ташрифи иккى мамлакат ўртасида савдо-иктисодий ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Музокаралар якунида хавфсизлик, энергетика ва транспорт масалалари бўйича 20 та қўшма хужжат, шунингдек, Афғонистонга курилиш материаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари, буғдор, майший техника, транспорт воситалари ва бошқаларни етказиб бериш учун 500 миллион АҚШ долларилик 40 та шартнома имзоланди.

Бундан ташқари, иккى мамлакат раҳбарлари ўртасида тузилган шартномалар вазирлик ва идоралар раҳбарлари даражасида ги алокаларни кучайтирди. 2017–2018 йилларда Ўзбекистонга Афғонистондан 20 дан ортиқ делегациялар ташрифи давомида савдо-иктисодий муносабатларни янада ривожлантиришга оид 50 дан зиёд келишувларга эришилди.

Ўзбекистон ва Афғонистоннинг савдо алокаларида товар айрбошлиш кўрсаткичи охирги йилларда барқарор ўсиш тенденциясига эга эмас, лекин ўзаро ташки савдо айланмасини ошириш ва таркибини кенгайтириш учун иқтисодий ҳамкорлик ривожлантирилмоқда. Хусусан, иккى давлат ўртасидаги 2014 йилда ташки савдо айланмаси 601,7 миллион долларни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда 445,1 миллион АҚШ доллари ва 2016 йилда 519,7 миллион АҚШ долларига тушиб кетди. 2017 йилда 617,1 миллион АҚШ долларига кўтарилди, лекин 2018 йилга келиб 600,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шу жумладан, Афғонистон умумий импортида Ўзбекистоннинг улуши 2014–2018 йилларда 5 фоиздан 10 фоизгacha бўлган даражани ташкил қилмоқда. 2018 йилда Ўзбекистондан импорт 598,5 миллион АҚШ долларини ёки Афғонистоннинг умумий импортида 7,5 фоизни ташкил этди. Афғонистоннинг Ўзбекистонга экспорти 2016–2018 йилларда

ўртача 2 милион АҚШ долларидан ортиқроқ улушни ташкил этиб, бу Афғонистон умумий экспортгиде 1 фоизни ҳам ташкил этмайди (4. I-жадвал).

#### 4.1 - жадвал

#### **2014–2018 йилларда Ўзбекистон-Афғонистон ўртасидаги ташкил савдо айланмаси (миллион АҚШ долларлари)**

Кўрсаткичлар	Ўлчов	2014 йил	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил
Ўзбекистон: умумий импорт	млн. долл.	13 984,3	12 416,6	12 137,6	13 055,4	19 557,4
Ўзбекистон: умумий экспорт	млн. долл.	13 545,7	12 507,6	12 094,6	13 927,8	14 257,9
Ўзбекистон: умумий импорт	млн. долл.	0,8	0,6	2,4	2,2	2,0
Афғонистон: умумий импорт	млн. долл.	7 729,2	7 722,9	6 534,1	7 792,0	7 885,0
Афғонистон: умумий экспорт	млн. долл.	570,5	571,4	596,4	831,9	954,7
Афғонистон: Ўзбекистондан импорт	млн. долл.	601,0	444,4	517,3	614,9	598,5
Ўзбекистондан импортнинг Афғонистоннинг умумий импортидаги улуши	%	7,7	5,7	7,9	7,8	7,5
Афғонистондан импортнинг Ўзбекистоннинг умумий импортидаги улуши	%	0,005	0,004	0,019	0,016	0,010
Ўзбекистоннинг умумий экспортида Афғонистонга экспортнинг улуши	%	4,436	3,553	4,277	4,419	4,197
Афғонистоннинг умумий экспортида Ўзбекистонга экспортнинг улуши	%	0,140	0,105	0,402	0,264	0,20

Шунингдек, 2017 йилда Ўзбекистоннинг экспорти, асосан, электр энергияси – 23,6 фоиз, кора металл – 17,6 фоиз, истеъмол товарлари ва мева-сабзавотлар – 17,5 фоиз, транспорт хизматлари – 17,4 фоиз, буѓой – 8,4 фоиз, минерал ўғитлар – 5,6 фоиз, нефть маҳсулотлари – 4,5 фоиз каби маҳсулотлардан, импорт эса, асосан, вагон таъмирлаш – 33,6 фоиз, транспорт хизматлари – 43,3 фоиз, тери ва жун хомашёси – 7,9 фоиз сингарилардан иборат бўлди.

Бундан ташқари, 2018 йил мобайнида Афғонистон 7 885 милион АҚШ долларлилик 331 турдаги товарларни импорт қилган, шундан Ўзбекистон 598,5 милион АҚШ долларлилик 51 турдаги

махсулот экспорт қылған. Ушбу күрсаткыч Афғонистон умумий импортининг 7,5 фоизини ташкил қилағы. Бундан аник бўладики, Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги савдо имкониятларидан тўлиқ фоддаланилмаяпти. Шу сабабли бу мамлакат билан савдо алоқаларири фойдали ҳисобланади.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда вазирлик ва ташкилотлар томонидан 2018 йилда товар айланмасини яқин йилларда 1 миллиард АҚШ долларигача етказиш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқиш бўйича ташаббусларни инобатга олған ҳолда, «йўл харитаси» шакллантирилди. Шунингдек, уни мақсадни амалга ошириш учун 2018 йил 20 июнда Ўзбекистон ва Афғонистон хусусий секторлари ўртасидаги мулоқотнинг биринчи боскичи бўлиб ўтди. Лекин 2018 йилда икки давлат товар айланмаси 600,6 миллион АҚШ долларини ташкил этиб, Ўзбекистон экспорти – 598,5 миллион АҚШ доллари, импорти – 2 миллион АҚШ долларидан иборат бўлди. Шуни айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг корхона ва ташкилотлари томонидан махсулотларни экспорт қилишда Афғонистон бозорининг таркибий жиҳатлари ўрганилмаяпти. Натижада, икки давлат ўртасида савдо ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган «йўл харитаси»га киритилган мажбуриятлар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаяпти.

Ўзбекистон ва хориж давлатларининг Афғонистонга нисбатан олиб бораётган божхона сиёсати ҳамда амалга ошираётган лойихалари Ўзбекистон ва Афғонистоннинг савдо-иктисодий муносабатларига ташки ижобий омил бўлиб таъсир қилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон «Хайратон» кўприги орқали олиб ўтиладиган ҳар бир вагон юқ (ёки 40 тонналик контейнер) учун 180 АҚШ доллари, 20 тонналик контейнерлар учун эса 90 АҚШ доллар микдорида транзит тўлови белгилаган. Бу эса Ўзбекистон худуди орқали Афғонистонга товарлар экспорт-импорт ҳажмини оширади. (Киёслани учун: шу турдаги юклар учун Тожикистон 240 ва 120 АҚШ доллари микдорида нарх белгилаган).

Шунингдек, 2017 йилгача Афғонистон аҳолисининг 700 минг тонна буғдойга бўлған талабишинг 80 фоизини Қозогистон тадбиркорлари қондириб келаётган ёди. Лекин, 2017 йилга келиб Ўзбекистонда Қозогистон буғдойининг импорти ва уни ишлаб чиқарувчилар учун божхона ва солик имтиёzlари кўлланана бошланди. Шу сабабли Қозогистон корхоналари Афғонистон бозорига ун

экспорт қилишда Ўзбекистон компанияларига нисбатан тоннасига 22 АҚШ доллари миқдорида кам фойда олмокда ҳамда Афғонистон ун бозорининг 50 фоизини йўқотди. Бу Ўзбекистон ун ишлаб чиқарувчилари Афғонистон бозорида Қозогистон тадбиркорлари билан рақобатта киришганидан далолат беради.

Шу билан бирга, 2018 йил 1 марта бошлаб Покистон Афғонистон товарларидан Европа Йттифоқи стандартларини талаб қилмоқда ҳамда 120 турдаги афғон товарларига нисбатан бож ставкаларини кўтарди. Оқибатда, Покистон афғон бозорида ўзининг 50 фоиз улушкини йўқотди.

Бундан ташкири, 2008 йилда узунлиги 191 км га тенг бўлган Хаф (Эрон) ва Ҳирот (Афғонистон) темир йўли қурилиши бошланган эди. Бугунги кунга келиб Эрон ҳудудида бу лойиха бўйича барча қурилишлар битказилди ва жами бўлиб Эрон томонидан 200 миллион АҚШ доллари сарфланди. Ушбу лойиха «Термиз – Кобул» темир йўлининг давоми сифатида Ўзбекистоннинг Афғонистон орқали Эрон портларига боғланиш имкониятларини оширади.

Ўзбекистоннинг Афғонистон ҳудудида амалга ошираётган транспорт-логистика, бож ва нарх сиёсатига бошқа давлатларнинг муқобил кўллаётган лойихалари ҳамда Амударё ҳавзасида режалаштирилаётган дастурлари ташки салбий омил сифатида икки давлатнинг савдо-иктисодий муносабатларига таъсир қилмоқда. Ҳусусан, 2017 йил 24 ноябрда Ашхобод шаҳрида Афғонистон ва Туркманистон темир йўллари вазирликлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик бўйича меморандум имзоланди. Меморандум доирасида Туркманистоннинг Серхатобод станциясини Афғонистоннинг Тургунди станцияси билан бирлаштириш ҳамда Акина (Туркманистон) – Маймана (Афғонистон) темир йўли орқали икки давлат ўртасидаги товар айланмасини 2 баробарга ошириш режалаштирилган.

Шунингдек, 2018 йил 1 майдан Туркманистон Афғонистон товарлари учун импорт божи бўйича 50 фоиз имтиёз берди. Бу имтиёзлар Покистоннинг Афғонистон бозорларига нисбатан қўллаган санкцияси ҳамда Афғонистон товарларининг транзити учун божларни Ўзбекистон томони пасайтирганидан (хар бир контейнер учун олинадиган 2 500 АҚШ доллари 1 250 АҚШ долларига туширилди) сўнг жорий этилди. Бу шундан далолат берадики, Афго-

нистон товарларининг импорт-экспорти ва транзити учун Туркманистон Ўзбекистонга асосий ракобатчи сифатида афғон бозорига кириб келмоқда.

Бундан ташқари, Хитойнинг CNPC компанияси 2012 йилнинг февраль ойида расмий Кобул билан келишув имзолаган бўлиб, унга кўра, Афғонистоннинг «Watan Oil & Gas» компанияси билан биргалиқда Афғонистон шимолидаги Амударё ҳавзасида жойлашган Сарипул ва Фарёб вилоятларидаги 3 та нефть конида қазиш ишларини бошлади.

Пандемия даври бўлишига қарамай, ўзаро товар айирбошлиш ҳажми сезиларли равишда кўпайди, бизнес алоқалари фаоллашди. Икки мамлакат тадбиркорлари учун ноёб имкониятларга эга бўлган «Термиз» халқаро савдо маркази ташкил этилди.

Савдо ҳажмини икки баробар кўпайтириш учун ҳуқукий базани такомиллаштириш, савдо уйлари тармоғини кенгайтириш ва яиги кооперация лойиҳалари тўпламини шакллантириш масалалари ўрганилмоқда.

Гуманитар соҳада қатор мухим кўшма тадбирлар муваффакиятли ўтказилди. Ҳусусан, 2020 йил октябрь ойида Афғонистонда илк бор Ўзбек тили байрами давлат даражасида нишонланди. Бундан ташқари, Термиз шаҳридаги Таълим маркази негизида афғонистонлик мутахассисларни тайёрлаш давом этмоқда, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида салмоқли дастурлар амалга ошириляпти.

Минтақада ўзаро боғлиқликни янада мустаҳкамлаш, Афғонистонни халқаро савдо-иқтисодий алоқаларга интеграция қилишга қаратилган устувор лойиҳаларни илгари суриш мухимлиги қайд этилди.

Трансафғон темир йўл йўлагини барпо этиш лойиҳасини амалга оширишни кўллаб-куватлаш мақсадида етакчи мамлакатлар ва халқаро молиявий институтларга кўшма мурожаат йўллантига келишиб олинди. «Сурхон – Пули Ҳумри» йўналишида электр узатиш линиясини куриш лойиҳасини жадаллаштириш масалалари мувофиқлаштирилди.

Шу билан бир қаторда, икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги **«Афғонистон Ислом Республикаси билан иқтисодий ҳамкорликни янада кен-**

*гайтириши ва мустаҳкамлаши чора-тадбирлари тұғрисида» ПҚ-4892 сонли Қарори қабул қылғанды.* Мазкур хүжжатта кўра, икки мамлакат ўртасида товарлар ва хизматларни эркин айирбонлашни таъминлашга қаратилған қулагай шароитлар яратиш; Афғонистон Ислом Республикаси билан ўзаро йиллик савдо ҳажмини 2023 йилгача 2 миллиард АҚШ долларига етказиш мақсадида берилған ваколатлари доирасида тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган ва тегишли йўл ҳаритаси ишлаб чиқилған. Йўл ҳаритасида қўйидаги чора-тадбирлар белгилаб берилган:

- Ўзбекистон Республикаси ва Афғонистон Ислом Республикасининг тадбиркорлик субъектлари ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш, инвестициявий лойиха таклифларини ишлаб чиқиши, савдо ва инвестиция шартномаларини тузишда кўмаклашиш;
- Сурхондарё вилоятининг чегараолди худудида Афғонистон фукаролари учун тиббиёт, ўкув ва бошқа хизматлар инфраструктулмасини ташкил этиши;
- Афғонистоннинг Кобул ва Мозори Шариф шаҳарларида Ўзбекистоннинг тармоқ хўжалик бирлашмаларининг кинлок хўжалиги ва саноат маҳсулотларини етказиб берувчи марказлашган савдо уйларини ташкил этиш чораларини кўриш;
- Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида автомобилда халқаро юк ташувларни янада ривожлантириш ва бу борада ўзаро мақбул ҳукукий шароит яратиш;
- Ўзбекистон ва Афғонистон чегарасидан товарларни олиб ўтишда божхона расмийлаштирувини янада соддалаштириш;
- Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар маркировкасига ўзбек, дарий, пуштун ва инглиз тилларида маҳсулот таркиби, хусусиятлари ва болика маълумотларни киритиш;
- Афғонистондан Ўзбекистон Республикасига пул ўтказиш ва бошқа молиявий хизматларни ривожлантириш;
- Афғонистон харидорлари учун Ўзбекистонда ишлаб чиқарилған маҳсулотлар памуналари билан танишиш шароитини яратиш;
- Ўзбекистонда ишлаб чиқарилған маҳсулотлар билан масофадан туриб танишиш ва савдо қилиш имкониятини яратиш;

- Афғонистон билан ўзаро савдо ҳажмини 2023 йилгача 2 миллиард АҚШ доллариға етказиши;
- Афғонистондан мева-сабзавот ва ёнғок каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва учламчи давлатларга резэкспорт қилиш мақсадида олиб киришни ташкил этиш имкониятларини ўрганиш;
- Покистон денгиз портларига чиқиш имкониятини берадиган «Мозори Шариф-Кобул» темир йўлини куриш лойиҳасининг барча жиҳатларини муҳокама қилиш ва амалга ошириш;
- Ўзбекистон ва Афғонистон олий таълим вазирликлари ўргасида таълим соҳасида хамкорлик қилиш.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, икки мамлакат ўргасида савдо-иктисодий алоқаларни янада кенгайтириш ўзаро муносабатларни ривожлантиришида савдо соҳасидаги хамкорликни йўлга қўйиш истиқболли йўналишлардан саналади. Ўзбекистоннинг Афғонистон Ислом Республикаси билан ўзаро савдо-иктисодий алоқалари тизимини ҳар томонлама такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, Ўзбекистон ва Афғонистоннинг иктисодий манфаатлари бир-бири билан узвий боғлиқдир.

### **4.3. Марказий Осиёда иқтисодий интеграцияни кучайтиришда Афғонистоннинг иштирокини таъминлаш**

Шиддат билан ўзгараётган глобаллашув жараёнлари натижасида жаҳон бозорида рақобат кескинлашмоқда ҳамда, бунинг оқибатида, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида жорий ҳисоб баланси дефицити катталашиб бормоқда. Жаҳон тажрибаси эса, бу вазиятдан чиқишнинг асосий йўлларидан бири деб, ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий интеграцияга бирлашишларини кўрсатади. Марказий Осиёда иқтисодий интеграцияни шакллантириш масаласи ҳақида гап кетганда, аввало, интеграцияни худудий бирлик, коммуникациялар, иқтисодиётнинг асосий ва етакчи тармоқлари муштараклиги, сув хўжалиги ва энергетика объектларини биргалашиб ишлатиш, энергия захиралари билан таъминлаш эҳтиёжи тақозо этган объектив зарурат, деб хисоблаш мумкин.

**Мамлакатлар ўртасида иқтисодий интеграциянинг барпо бўлишида, аввало, корхоналараро иқтисодий интеграция юз беради ва уларнинг бирлашмаси вуждуга келади, сўнгра иқтисодий интеграция тармоқлараро миқёсда юз бераб, йирик ишлаб чиқариш мажмуулари пайдо бўлади. Бир тармоқ доирасида горизонтал интеграция, тармоқлараро эса вертикал иқтисодий интеграция юз беради. Вертикал иқтисодий интеграцияга агросаноат мажмуу мисол бўлади, у қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати ва бошқаларни ўз ичига олади. Мөҳнат тақсимоти халқаро миқёсда амалга ошиши билан хўжалик ҳаётни байналмиллашади, моддий маҳсулот яратишда турли мамлакатларда корхона ва тармоқлар қатнаша боради, бинобарин, мамлакатлараро иқтисодий интеграция юзага келади, бунинг натижасида, давлатлар иқтисодиётидан ихтинослаши юз беради ва мамлакатлар бир-бirlарига маҳсулотлар ва хизматлар етказиб беради. Шу сабабли ҳозирги даерда халқаро иқтисодий интеграция энг юқори даражадаги ва етакчи интеграциянинг кўриниши ҳисобланади.**

**Халқаро иқтисодий интеграция** эса узок давом этадиган, кўп босқичли жараён бўлиб, турли шаклларда юз беради.

**Биринчи босқичда** турли мамлакатлар ўртасида эркин савдо-сотиқ олиб бориладиган, божхона тўлоёлари, экспорт квоталари бекор қилинган эркин савдо зоналари ташкил этилади. Натижада, давлатлараро товар айирбошлишада интеграциялашув юз беради.

**Иккинчи босқичда** эркин иқтисодий зоналар шаклланаб, бу ерда ҳам бир неча мамлакатлар бирлашади. Бу босқичда интеграцион алоқалар савдо-сотиқ билан чекланмасдан, саноат, банк, сугурта иши ва технология соҳасида ҳам юз беради. Бу зоналар очик иқтисодий худудлар ҳисобланади, иқтисодий алоқалар эркин ва кўп қиррали бўлиб, барча иқтисодиёт субъектлари имтиёзларга эга бўлади.

**Учинчи босқичда** умумий бозор шаклланади. Умумий бозорни ташкил этган мамлакатларнинг миллий бозорлари бир-бiri учун очик бўлади, амалда миллий бозорлар бирлашиб, мамлакатлараро умумий бозор вуждуга келади. Бу бозорда барча товарлар эркин, ҳеч бир чекловларсиз кўчиб юради. Иш кучи, капитал ва товарлар бир мамлакатдан бошқасига ўтади, қайси мамлакатдан ресурсни ишлатиш қулай бўлса, у шу ерга бориб жойлаша олади.

**Тўртинчи босқичда иқтисодий ва валюта иттифоқи доирасида интеграция юз беради. Интеграцион алоқалар савдо-сотиқ ва ишлаб чиқариши билан чекланмай, молия, пул муомаласи ва банк тизимида ҳам кириб боради.**

Марказий Осиё этник, тарихий, диний ва маданий илдизлари тарихан туташиб кетган Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Туркманистон сингари мамлакатларни ўз ичига оладиган худуд ҳисобланади. Ушбу худуд сўнгги йилларда Россия ва Марказий Осиё олимлари орасида муҳокамага асос бўлмоқда.

Бунга асосий сабаб ҳудуддаги мамлакатлар орасыда иқтисодий интеграциялашувнинг секин одимлаётганидир.

Марказий Осиё иқтисодий интеграциясини ташкил этиш түркисидаги келишувлар 1994 йилда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги ўзаро савдо келишувларидан бошланган эди. Кейинчалик бу келишувуга Тожикистон ва Қирғизистон хам ўз розилигини билдирган. Аммо, Россиянинг ушбу келишувуга жалб қилиниши бу интеграциялашувнинг бошқача тус олиши, яъни Евросиё иқтисодий ҳамжамиятияга айлантирилиши билан яқун топди.

Анъанавий геосиёсий тушунчага кўра, Марказий Осиё мамлакатлари доимий тарзда Россия таъсир доирасидаги мінтақа сифатида кўрилган эди. Бироқ, мазкур тушунча анча эскиргани ва мінтақадаги глобал кучлар ракобатини классик «кatta ўйин» концепцияси орқали изоҳлаш мінтақа учун геосиёсий тузоқдан бошқа ҳеч нарса эмаслигини мінтақа давлатлари раҳбарлари яхши англайди. Шу боис сўнгги вактларда мінтақа расмийлари орасыда Марказий Осиё концепциясини қайта кўриб чиқиш ва унга Афғонистонни ҳам кўшиш борасида қарашлар шаклланди. 2019 йил март ойида Брюсселда «Евросиёни бирлаштириб – Атлантикадан Тинч океанингача» биринчи мулоқотининг эксперталар учрашуvida Марказий Осиёдаги интеграция жараёнларига бевосита Афғонистонни ҳам кўшиш кераклиги Ўзбекистон томонидан илгари сурилди. Бунга кўшимча тарзда 2018 йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган Афғонистонда тинчлик ўрнатишга бағишиланган халқаро конференцияда Афғонистон президенти Ашраф Гани мамлакатни Марказий Осиё давлати сифатида кўришини айтиб ўтганди. Ушбу ғояни амалга ошириш учун йирик энергия ва транспорт инфратузилма (CASA-1000 энергия тизими, Лапис Лазули транспорт коридори) лойихалари амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг Термиздан Мозори Шарифгacha бўлган темир йўл линиясини Ҳиротгача давом эттириш борасидаги режалари мавжуд. Афғонистоннинг Марказий Осиёга интеграциялашуви мінтақа тараққиётига тўсиқ бўлган кўпгина географик ва инфратузилмавий муаммоларнинг ечилишига ёрдам беради. Чунки, расмий Кобул мамлакатнинг Жанубий ва Марказий Осиё ўртасида боғловчи кўприк бўлиш истаги мавжудлигини ва бу борада ҳамкорликка тайёрлигини билдирган. Ўз навбатида, Афғонистондаги баркарорлик Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон

учун Европа бозорига чиқиш учун ягона Россия йўналиши монополиясига барҳам берилишига олиб келади. Бу эса, минтаканинг Россияга инфратузилмавий қарамлигининг анча камайишини ва бу борада муқобил тузилмаларга эга бўлишини таъминлаган бўларди. Бунга кўшимча тарзда Ўзбекистоннинг Афғонистондаги урушдан сўнг мамлакатнинг тикланишида иқтисодий, сиёсий, маданий-гуманитар соҳалардаги алоқалари жуда мухим аҳамият касб этади. Албатта, буларнинг барчаси Афғонистондаги вазиятта, анирги, АҚШ ва «Талибан» билан эришилган типчлик келишувининг расмий Кобул ва афғон халқи томонидан қандай кабул қилинишига узвий боғлиқ.

Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқига кузатувчи сифатида аъзо бўлиб киришидан унинг Афғонистон билан ҳар томонлама алоқалари эҳтимолий оқибатини ҳам назардан четда колдирмаслик керак. Ўзбекистон ва Афғонистон халқларини кўп асрлик тарихий муштараклик анъанавий равишда бирбирига боғлаб туради. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ўзбеклар ва афғонлар ўртасида ҳеч қачон ғанимлик бўлмаган – Амударё неча юз йиллар давомида бизни фақат бирлаштириб турган. Бу алоҳида мавзу бўлса-да баъзи мулоҳазаларни билдириш жоиз.

*Биринчидан,* Ўзбекистоннинг Афғонистон билан боғлиқ лойиҳаларининг келажаги борасидаги хавотирларни юзага келтиради. ЕОИИ тобора ёпиқ блок сифатида ривожланаётгани билан боғлиқ тенденция бундай хавотир асосли эканини исботлайди. 2020 йил 19 майда Евроосиё Олий иқтисодий қенгаши йигилишида таклиф қилинган Евроосиё иқтисодий интеграцияси ривожланиши стратегияси лойиҳасидаги баъзи пунктлар, хусусан, аъзо давлатларнинг учинчи мамлакат билан савдо келишувларида Евроосиё иқтисодий комиссияси вакили иштироки масаласи миллий ҳукуматларнинг суверенитети чекланишига олиб келишига шубҳа колдирмаган бўлса, шунингдек, комиссия ваколатларига соглиқни сақлаш, таълим ва фан соҳаларини қамраб олиш таклифи Иттифоқнинг асл максадларидан чалғиб кетаётганини кўрсатди. Ўзбекистоннинг ҳозирча кузатувчи мақомида эканини эътиборга олсак, келажакда тўлиқ аъзоликнинг қандай оқибатларни келтириб чиқаришини тасаввур қилиш кийин эмас.

*Иккинчидан, АҚШнинг Марказий Осиё бўйича ўз стратегик карашларини ифода этувчи янги стратегиясидаги Афғонистоннинг Марказий Осиё билан интеграцияси борасидаги ташаббусини савол остида қолдиради. Агар Россия ЕОИИ орқали Ўзбекистонинг Афғонистон борасидаги режаларини чеклаб кўядиган бўлса, унда минтақанинг Афғонистон орқали жаҳон бозорига чиқиши ҳақидаги орзузи барҳам топади. Минтақа аввалгидек Афғонистондан сунъий тарзда ажralиб колади ва бу унинг бутунлай Россия таъсирига тушишига олиб кслади. Бу на АҚШ, на минтақа давлатларининг манфаатларига тўғри келади.<sup>1</sup>*

Афғонистон муаммосини тезроқ ҳал этиш минтақавий ҳамкорликни йўлга кўйиш учун, биринчи навбатда, Марказий Осиёни қўшни ҳудудлар ва мамлакатлар билан боғлайдиган транспорт коммуникацияларига доир узок муддатга мўлжалланган лойихаларни амалга оширишга зарур шарт-шароит яратиш ишига чинакам туртки берган бўлар эди.

Марказий Осиёнинг стратегик келажаги ва истикболлари минтақанинг ажralмас кисми ҳисобланган Афғонистондаги ҳудудий жараёнларда фаол иштирок этишга бевосита боғлиқ.

Биринчи газдаги вазифалардан бири – Афғонистоннинг минтақавий иқтисодий жараёнларга қўшилишига хар томонлама кўмаклашишдан иборат. Бу дунё ҳамжамиятининг Афғонистонда тинч тараққиётни таъминлашга қаратилган саъй-харакатларига фоят муҳим ҳисса бўлиб кўшилади. Шунингдек, тинч Афғонистон Марказий Осиё давлатларининг Ҳинд океани ва Форс кўрфази портларига энг қиска йўлни таъминлаши, Ҳиндустан, Эрон ва Покистонни Европа ва Яқин Шарқ бозорлари билан боғлаши мумкин.

2018 йилнинг 26–27 март кунлари «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида Афғонистон бўйича юкори даражадаги Тошкент халкаро конференциясида «Марказий Осиё + Афғонистон» (С5+1) янги шаклдаги ҳамкорликнинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу формат Афғонистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо-иқтисодий ва инфратузилмавий алоқалари тизимиға мувваффакиятли интеграцияси, умуммintaқавий миқёсдаги аниқ лойиха ва дастурларининг самарали амалга оширилишига хизмат қилади.

<sup>1</sup> Санжар Абдурахмонов. <https://uzanalytics.com/xalqaromunosabat/7620/>.

Минтақада барқарор ривожланиш истиқболлари құшни Афғонистонда тинчликка әришиш билан бевосита боғлиқлигини инобаттга олғанда, Марказий Осиё давлатлари құшни мамлакатни минтақавий савдо-иктисодий ва инфратузилма лойиҳаларига жалб қилиш бүйіча ҳар томонлама ҳаракат қылмоқда. Шунингдек, Афғонистонни құшни мамлакатлар билан савдо-иктисодий, транспорт-коммуникация ва маданий-гуманитар алоқаларга интеграциялаш Афғонистондаги вазиятни нормаллаштиришга катта хисса қўпиади, Евроосиё континентидаги барча давлатлар учун янги имкониятлар эшигини очади.

Айниқса, Ўзбекистон томонидан Афғонистонда транспорт, энергетика ва таълим соҳаларида амалга оширилаётган лойиҳалар дунё олимлари ва сиёсатчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу бүйіча Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги жамғармаси-нинг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси минтақавий вакили Ронни Ҳайнे Афғонистондаги вазиятни тартибга солишда минтақавий даражадаги ўзаро келишув ва консенсусга әришиш мухим роль ўйнашини қайд этди. Шу боис германиялик эксперт Ўзбекистон юритаётган минтақавий сиёсати туфайли Марказий Осиё мамлакатлари ўргасидаги, жумладан, Афғонистон йўналиши бўйича муносабатларининг фаоллашуви кузатилаётганини таъкидлаб ўтди.

Афғонистонни сиёсий тартибга солиш билан бирга, Марказий Осиё давлатлари билан савдо алоқаларини ривожлантириш Афғонистон Ислом Республикасидаги вазиятни баркарорлаштиришда мухим омил хисобланади. Экспертларнинг қайд этишича, Ўзбекистон Республикаси ўзининг Афғонистон сиёсатида иқтисодий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишни устувор йўналишлардан деб белгилади. Яъни, «Мозори Шариф – Кобул – Пешовар» темир йўли ҳамда «Сурхон – Пули Ҳумри» электр узатиш линияси лойиҳаларининг амалга оширилиши Афғонистон иқтисодиётини тиклаш ва ривожлантиришга катта хисса кўшиши мумкин. Шунинг баробарида лойиҳалардан Афғонистон билан құшни бўлган деярли барча давлатлар иқтисодий фойда олади. «Мозори Шариф – Кобул – Пешовар» темир йўлининг ишга тушиши натижасида Марказий Осиё давлатлари Покистоннинг Гвадар портига, Покистон – Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатларига чиқиш, Хитой эса Европа ва Яқин Шарқ мамлакатлари билан транспорт ҳаракатла-

ниш узунлигини қисқартириш имконига зға бўлади. Келгусида Ҳиндистон ҳам бу лойихага қўшилиши мумкин.

Ўз павбатида, «Сурхон – Пули Хумри» электр узатиш линияси Кобулни Марказий Осиёдаги ягона энергетика тизимига улаш имконини беради, бу минтақа мамлакатлари, энг аввало, Тожикистон ва Қирғизистонга электр энергиясини CASA-1000 лойихаси доирасида Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистонга етказиш имкониятини тақдим этади.

Энг асосийси, иқтисодий ривожланиш бўйича трансмінтақавий дастурлар Марказий ва Жанубий Осиёда ўзаро боғлиқлик ва баркарор ривожланишни кучайтиришда муҳим омил бўлади.

**Афғонистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо алоқалари.** Марказий Осиёнинг барча мамлакатлари афғон бозорида ўз ўрнини эгаллашга интилишади. Афғонистон билан савдо-сотиқ қилишда Қозоғистон ва Ўзбекистон минтакадаги етакчи давлатлардан саналади. Ушбу икки мамлакат афғон бозоридаги импорт қилувчи давлатлар орасида 4- ва 5-ўринни эгаллашади. Афғонистон умумий импорт ҳажмида Тожикистоннинг улуши 1,3 фоиз, Қирғистонники эса, 1 фоизни ташкил этади.

Афғон бозорига амалга оширилаётган экспортнинг қарийб 85–95 фоизини нефть ва нефть маҳсулотлари, электр энергияси, суюлтирилган газ, металл прокати, ўғитлар, цемент, ун, буғдой ва бир неча номдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ташкил этади. Юқори кўшимча қийматта зға бўлган товарларининг улуши эса (масалан, кийим-кечак, тўқимачилик маҳсулотлари, электр техникаси товарлари, машиналар ва х.) жуда кам.

Марказий Осиё мамлакатлари 2018 йилда Афғонистонга жами 763 миллион долларлик ун ва буғдой, 233 миллион долларлик электр энергияси, 226 миллион долларлик нефть ва нефть маҳсулотлари, 141 миллион долларлик суюлтирилган газ ва 71 миллион долларлик ўғит экспорт қилган (4.2-жадвал).

2018 йилда Марказий Осиё мамлакатлари ва Афғонистон ўртасида савдо айланмасида экспортнинг улуши умумий хисобда 15,4 миллион АҚШ долларини ташкил қилган. Афғонистоннинг энг кўп товар экспорти Тожикистон мамлакатига йўналтирилган бўлиб, 7,39 миллион АҚШ долларини ташкил этган. Ўзбекистонга эса, 2,32 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилган. Туркманистон ва Қирғизистоннинг бу борадаги

## 4.2 - жаҳаллар

**2018 йилда Афғонистоннинг Марказий Осиё мамлакатларига экспорт ва импорти ҳажми (миллион АҚШ доллари ҳисобида)**

№	Мамлакатлар	Экспорт	Импорт
1.	Ўзбекистон	2,32	553,9
2.	Тоҷикистон	7,39	95,6
3.	Қозогистон	4,45	790,7
4.	Туркманистон	0,98	385,4
5.	Қирғизистон	0,26	482,9
	ЖАМИ	15,4	2308,5

кўрсақчиchlari настроқ. Шунингдек, мамлакатининг импорт борасидаги энг йирик ҳамкорлари Қозогистон, Ўзбекистон, Туркманистон ва Қирғизистон бўлиб қолмоқда. Ушбу тўрт мамлакатни Афғонистонга нисбатан тўлақонли экспортчилар деб атаса бўлади. Бошкacha айтганда, мазкур мамлакатлар афғон бозорига факат экспортни амалга оширади, Афғонистондан импорт ҳажми эса, ниҳоятда кам. Ушбу мамлакатдан Марказий Осиё давлатларига импорт қилинадиган маҳсулотлар орасида афғон майизи энг кўп ҳажмда сотиб олинади. 2018 йилда ушбу минтақа мамлакатлари жами 6,3 миллион доллар микдорида Афғонистондан майиз харид қилган.

Шу ўринда, Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги ўзаро савдо кўрсақчиchlariга алоҳида тўхталиб ўтишимиз жоиз. Афғонистон ташки савдосида Ўзбекистоннинг улуши 7,4 фоизни, умумий Афғонистон импортида эса 8,3 фоизни ташкил этди. Ўз навбатида, Афғонистоннинг Ўзбекистон ташки савдосидаги улуши 1,5 фоизни, экспортнинг умумий ҳажмидаги эса 3,4 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Афғонистон билан савдо-сотикда сезиларли ижобий балансга эга ва сўнгги уч йил ичида ушбу мамлакаттага экспорт деярли 20 фоизга ўсади.

2020 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ва Афғонистон ўргасидаги ўзаро товар айирбошлиш ҳажми 24,1 фоизга ўсади ва 332,9 миллион долларни ташкил этди, шу жумладан, экспорт – 331,7 миллион доллар, импорт – 1,22 миллион доллар. 2019 йил якупнларига кўра, ўзаро савдо ҳажми 2,2 фоизга ўсади ва 617,6 миллион долларни ташкил этди, шу жумладан, экспорт – 614,7 миллион доллар, импорт – 2,9 миллион доллар.

## 4.3 - жадвал

**Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги товар айирбошлаш динамикаси (миллион АҚШ доллари ҳисобида)**

Кўрсаткичлар	2013 й.	2014 й.	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.
Савдо айланниси	673,7	601,8	445,1	519,7	617,1	604,6	617,6
Экспорт	669,3	601,0	444,4	517,3	614,9	602,5	614,7
Импорт	4,4	0,8	0,6	2,4	2,2	2,0	2,9
Баланс	664,9	600,2	443,8	514,9	612,7	600,4	611,7

Ма н б а: Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг маълумотлари

Афғонистонга экспорт килинадиган асосий маҳсулотларга кўйидагилар киради: дон ва ун маҳсулотлари, асосан буғдой уни – умумий ҳажмнинг 19,1 фоизи; электр энергияси – 16,3 фоиз; нефть ва нефть маҳсулотлари, табиий газ – 10,1 фоиз; озик-овқат маҳсулотлари, асосан дуккаклилар ва сабзавотлар – 11,0 фоиз; кора метал ва ундан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар – 7,0 фоиз, транспорт воситалари ва улар учун эҳтиёт қисмлар – 1,5 фоиз, шунингдек, хизматлар, асосан транспорт хизматлари – 26,0 фоиз.

Афғонистондан кўйидаги маҳсулотлар импорт килинади: озик-овқат маҳсулотлари (асосан, сахароза, минерал сувлар) – умумий импортнинг 21,5 фоизи; тирик ўсимликлар (уларнинг илдизларини ҳисобга олган холда) – 11,4 фоиз; ускуналар ва меканик қурилмалар – 8,8 фоиз; хайвонлар (эчки ва қўйлар) – 6,7 фоиз, шунингдек, транспорт хизматлари – 29,9 фоиз.

**Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик.** Афғонистон электр энергиясининг танқислиги билан яққол ажralиб туради, чунки ўзининг ишлаб чиқариш қувватлари электр энергиясига бўлган талабни тўлиқ қоплай олмайди ва электр энергиясини импорт килиш ҳажми ташқи томондан ажратиладиган молиявий ёрдам микдорига боғлиқ. 2018 йилда Афғонистон 1,1 миллиард кВт/соат электр энергиясини ишлаб чиқарган бўлса, 4,6 миллиард кВт/соатни импорт килган, яъни, бу – ўзи ишлаб чиқарган ҳажмдан 4 маротаба кўп дегани.

Ишлаб чиқариш ва импорт ҳажмининг етарли эмаслиги, электр узатиш линиялари тармоғининг кенг даражада мавжуд эмаслиги иқтисодиёт тармоқлари ва ахолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондиришга имкон бермайди. Афғонистонда ахолининг атиги 30 фоизигина электр тармоғига уланган. Афғонистон

умумий аҳолисининг 75 фоизини ташкил этадиган қишлоқ аҳолисининг аксарияти электрсиз колмоқда. Афғонистондаги энергетика соҳасидаги муаммоларни ҳал килиш учун 2032 йилгача энергетикани ривожлантиришнинг бош режасини ўз ичига олган Миллий энергия таъминоти дастури ишлаб чиқилган бўлиб, унда аҳоли ва мамлакат иқтисодиётини электр энергияси билан таъминлашни 30 фоиздан 83 фоизгacha, қишлоқ аҳолисини 28 фоиздан 65 фоизга ва шаҳарлардаги ни 100 фоизга оциришни назарда тутилган.

Сурхондарё вилоятидан Афғонистоннинг Боғлон вилоятининг Пули Хумри шахригача 260 километр узунликдаги «Сурхон – Пули Хумри» электр узатиш линиясини қуриш лойиҳасини амалга ошириш хам Афғонистоннинг энергия таъминотини ривожлантиришнинг узоқ муддатли режаларига мос ва у ерда саноатни ривожлантириш учун шароит яратади. Бундан ташқари, ушбу электр узатиш линияси Афғонистон энергетика тизимини Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг ягона энергия тизимига улаш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон 2002 йилдан бўён Афғонистонга электр энергиясини мунтазам етказиб бермоқда. Афғонистон электр энергиясининг 52 фоизи – Ўзбекистон, 18 фоизи – Тожикистон, Эрон ва Туркманистон 15 фоизини етказиб беради. 2002 йилдан 2019 йилгача Ўзбекистондан Афғонистонга электр энергияси етказиб бериш ҳажми 62 миллион кВт/соат дан қарийб 2,6 миллиард кВт/соат гача, яъни 40 мартаға ошди. 2018 йилда Афғонистонга 166 миллион доллар эвазига 2,5 миллиард кВт/соат электр энергияси етказиб берилди, етказиб берилётган электр энергиясининг нархи эса 35 фоизга пасайтирилди.

Электр энергиясини етказиб бериш бўйича шартномалар харйили тузилишини хисобга олсак, 2019 йил охирида Афғонистон энергетика компаниялари билан улар учун мақбул бўлган шартларда, 4,2 миллиард долларлик 10 йиллик шартнома имзоланди.

**Транспорт соҳасидаги ҳамкорлик.** Мозори Шариф – Ҳирот темир йўл линиясини қуриш бўйича қўшма лойиҳа Хайратон – Мозори Шариф темир йўл линиясининг кенгайтирилган қисми бўлиб, янги трансафгон транспорт коридорини ташкил этади. Бундан ташқари, Мозори Шариф – Пешовар темир йўли линиясини қуриш масалалари хам кўриб чиқилмоқда. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш нафақат ўзаро савдо учун қулай шарт-шароитлар,

балки хар икки давлатнинг транзит салоҳиятини оширишга, Марказий ва Жанубий Осиё минтақаларини бир-бирига боғлашга ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари учун Покистоннинг Гвадар ва Караби портларига кириш имкониятини очишга ёрдам беради.

Транспорт соҳасидаги фаол ҳамкорликнинг бошланиши билан 2017 йилда Афғонистоннинг Ўзбекистон ҳудуди орқали олиб ўтилган юклари ҳажми 2016 йилга нисбатан 70 фоизга ўсиди. 2019 йилда Афғонистонга қараб ва ундан биз томонга ҳалқаро темир йўл юк ташиш ҳажми 5,15 миллион тоннани ташкил этди. Худди шу йили «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ томонидан Коғозистондан Афғонистонга дон ва унни ташишда 20 фоиз чегирма белгиланди, шунингдек, Афғонистондан экспорт қилинадиган тижорат товарлари учун қўшимча тўловлар бекор қилинди. Бу эса икки мамлакат учун ҳам темир йўл транспорти орқали юк ташиш ҳажмининг ошишига ўз хиссасини қўшиди.

2020 йилда Афғонистон учун темир йўл юкларини ташиш бўйича бир қатор имтиёз ва преференциялар ўрнатилди. Хусусан, Ўзбекистондан Афғонистонга ун олиб ўтишда олдиндан белгиланган тарифларга нисбатан 45 фоиздан 65 фоизгача чегирмалар жорий этилди. Бундан ташкари, ун ва нефть маҳсулотларини транзит орқали ташишда 20 фоиздан 50 фоизгача чегирмалар мавжуд. Афғонистондан экспорт қилинадиган товарлар учун хужжатларни расмийлаштириш тўловларидан ташкари барча қўшимча тўловлар бекор қилинди. Барча турдаги товарларни расмийлаштириш учун 50 фоиз чегирма жорий этилди.

Коронавирус пандемияси даврида ҳам Афғонистон йўналиши бўйича юк ташиш динамикаси барқарор ўсиш суръатларини на-мойиш этмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида Афғонистондан темир йўл орқали юк ташиш ҳажми 2,2 миллион тоннани ташкил этди, бу 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 50,7 фоизга қўлдир.

Икки мамлакат ўртасида экспорт-импорт ва транзит юк оқимларини енгиллаштириш максадида Термиз божхона терминалida «Термиз Карго» ҳалқаро логистика маркази ташкил этилди. Мазкур логистика маркази Афғонистондан учинчи мамлакатларга мева ва сабзавотларни олиб ўтиб, қайта ишлаш ва экспорт қилиш учун янги саралаш ва қадоқлаш линиялари билан жихозланиши режалаштирилган. Ҳозирги вақтда терминал бир вақтнинг ўзида

300 тагача юк машинасини қабул килиш қувватига эга, шунингдек, темир йўл йўлаклари ва контейнерларни сақлаш учун омборлар ташкил қилинган.

Хозирги кунда Ўзбекистонда афғон капитали иштирокидаги 658 та корхона, шу жумладан, 195 та қўшма корхона ва 100 фоиз хорижий капитал иштирокидаги 463 та корхона фаолият юритмоқда. Шу жумладан, Сурхондарё вилояти ҳудудида афғон капитали иштирокидаги 234 та корхона ташкил этилди.

Бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш ва ҳажмини ошириш мақсадида 2020 йил 12 ноябрда Афғонистон ва Ўзбекистон ўртасида ўзаро савдо айланмаси ҳажмини кўпайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни, иктиносидёт соҳасида ҳамкорлик килиш ва қўшма лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутивчи «Афғонистон Ислом Республикаси билан иктиносидой ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори қабул қилингани хам Ўзбекистоннинг афғон бозоридаги иштирокини янада кенгайтиришга хизмат қиласди. Алоҳида таъкидлаш лозимки, ушбу қарор доирасида икки мамлакат ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги битим лойиҳасини ишлаб чиқиши ва келишиш ҳам назарда тутилган. Ушбу қадам учламчи мамлакатлар бозорларига экспорт қилиш истиқболларига ва юқори қўшимча қийматга эга бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган саноат кооперациясининг қўшма лойиҳаларини амалга ошириш учун кулагай шароит яратади.

Афғонистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантиришдан манфаатдорлигини инобатга олган ҳолда, минтақа давлатлари томонидан Афғонистонда ижтимоий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишда ягона ёндашувини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир.

Айниқса, Афғонистоннинг Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан иктиносидой интеграцияси борасида ҳали амалга оширилмаган катта салоҳият борлигига эътиборни қаратиш лозим. Яъни, минтақадаги мамлакатларда, энг аввало, чегарадош Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистонда мавжуд бўлган ресурслар

<sup>1</sup> <https://lex.uz/docs/5100020>

Афғонистондаги күнлаб иқтисодий муаммоларни ҳал этишга ёрдам бериши мумкин.

Шу ўринда, Афғонистоннинг миллий ривожланиш стратегияси учун ҳам Марказий Осиё минтақавий интеграцияси муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаш ўринли. Афғонистон учун Марказий Осиё билан минтақавий ҳамкорлик масаласининг асосий мақсади минтақавий барқарорлик ва фаровонликка ҳисса қўшиш ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё, шунингдек, Якин ва Узок Шарқ ўртасидаги қуруқлик кўприги сифатидаги марказий ролни яна қайта тиклаш орқали савдо ва экспорт имкониятларидан фойда олиш имкониятини оширишдан иборат. Ушбу имкониятларни куйидаги йўналишлар орқали изоҳлаш мумкин:

- ресурсларга бой бўлган Марказий Осиёни Жанубий Осиё билан боғлашдаги стратегик аҳамияти;
- мамлакатнинг икки томон ўртасидаги транзит ролидан фойда кўриши;
- эркин бозорларни яратиш учун савдо тўсиқларининг камайиши;
- энергетика ва инфратузилма бўйича трансчегаравий ташаббусларни қўллаб-куватлашнинг уйғунлашуви;
- жиноятчиликка қарши курашишда биргаликда ҳаракат қилиш имкониятипинг ортиши;
- мамлакатда аёлларнинг иқтисодий ва сиёсий жараёнларда иштирокининг ортиши.

Афғонистон ва Марказий Осиё мамлакатлари тўғридан-тўғри денгиз транспортига чиқиш имконияти мавжуд бўлмаган географик жойлашуви билан боғлиқ умумий муаммоларга эга ва шу сабабли бу мамлакатлар катта иқтисодий диверсификацияга эҳтиёж сезмоқда (4.1-расм).

Минтақа йирик иқтисодий марказлардан узокда, ахолиси ва бозор хажми иисбатан кам, инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаган ва инсон тараққиёти учун хавф тутдирадиган сиёсий ва хавфсизлик муаммоларига эга.

Афғонистоннинг тариф ставкалари дунёнинг исталган худудида қўлланадиган энг паст ставкалар қаторига киради. Шу билан бирга, Афғонистоннинг пахта, мева-сабзавотлар ва гилам каби экспорт маҳсулотлари Марказий Осиёда ўртачадан юқори



**4.1-расм. Афғонистоннинг Марказий Осиё билан иқтисодий интеграциясига түсиқ бўлувчи омиллар.<sup>1</sup>**

тарифларга дуч келмоқда. Бундай юқори тарифлар Турманистон, Қозоғистон ва Ўзбекистонга тўғри келади.

Нотариф түсиқлар савдо-сотиқка таъсир қилувчи кенг кўламли сиёsat, қоида ва стандартларни ўз ичига олади. Минтақавий иқтисодиёт бўйича тўлиқ маълумотларнинг етишмаслиги шароитида нотариф түсиқларни аниклаш ва ўлчаш қийинроқ. Афғонистон қишилк хўжалиги маҳсулотлари Марказий Осиё мамлакатларининг стандартларига тўлиқ мос келмаслиги бу борадаги муаммоларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Бу экспортга йўналтирилган қишилк хўжалиги саноатининг ўз маҳсулотлари ни минтақага етказиб бериш имкониятларини пасайтиради.

Корхоналар ва савдо вакиллари ўртасидаги алоқалар расмий сиёsat билан бир қаторда савдони енгиллаштиришда муҳим роль ўйнайди. 90-йиллардан бошлаб Афғонистон ва Марказий Осиё ўртасида жуда кам савдо тармоқлари мавжуд бўлган ва улар асосан Марказий Осиёдан ташқарида ишлаб чиқарилган товарларни етказиб бериш билан шуғулланишган. Афғонистон импортини ўй хўжаликларининг муҳим тармоқлари (фармацевтика, ёғ, туз, болалар овқатлари ва бензин) бўйича Марказий Осиё билан савдо тармоқларининг етишмаслигини кўрсатди. Шунинг учун асосий импорт Жанубий Осиёдан олинмоқда. Минтақавий сав-

<sup>1</sup> Strengthening trade and economic ties between Afghanistan and neighboring countries in central Asia. Report by UN ESCAP.

до тармоғиниң қайта тиклаш учун Марказий Осиё, Россия ва Афғонистон ўртасида савдо ярмаркаларини доимий ташкил этиб туриш зарур. Афғонистон ва Марказий Осиё давлатлари ишбильармонларининг ҳудудлар бўйлаб эркин ҳаракатидаги чекловлар савдо муносабатларининг ривожланишига тўсиқ бўлиб қолмоқда.

Ушбу йўналишдаги муаммолардан яна биро бизнес мухитининг ривожланганлик ҳолати билан изоҳланади. Мамлакатларнинг бизнес юритиш эркинлиги борасидаги кўрсаткичлари ўртасидаги катта фарқ бу мамлакатлар ўртасида бизнес ҳамкорликнинг ривожланишидаги асосий тўсиқ бўлиб қолмоқда.

#### 4.4 - жадвал

##### **Жаҳон банки «Doing Business» гурухининг Марказий Осиё мамлакатлари ва Афғонистон бўйича бизнес юритиш эркинлиги рейтинги.<sup>1</sup>**

Мамлакатлар	2006 й.	2012 й.	2018 й.	2020 й.
Ўзбекистон	138	166	74	69
Қозоғистон	86	47	36	25
Кирғизистон	84	70	77	80
Тоҷикистон	133	147	123	106
Туркманистон	—	—	—	—
Афғонистон	122	160	183	173

Афғонистон ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида мавжуд бўлган савдо алокалари суст бўлишига қарамай, аммо бир қатор соҳаларда, хусусан, энергетика, транзит савдо ва норасмий чегара савдосида янада ривожланиш учун салоҳият мавжуд.

Хозирги кунда бир қатор йирик минтақавий дастурлар Афғонистон ва Марказий Осиё ўртасидаги минтақавий ҳамкорликни кўллаб-куватламоқда. Бунга қўйидагилар киради: **SPECA** (БМТ-нинг Марказий Осиё иқтисодиёти учун маҳсус дастури); **RECCA** (Афғонистон бўйича минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси) ва **CAREC** (Марказий Осиё минтақавий иқтисодий ҳамкорлик дастури).

SPECA Марказий Осиёдаги давлатлар ўртасида субрегионал ҳамкорликни кучайтириш ва субрегионнинг жаҳон иқтисодиётига

<sup>1</sup> Doing Business-2020. Comparing business regulation in 190 Economies 2020. The World Bank.

қўшилиши мақсадида 1998 йилда таникли этилган. SPECA нинг хозирги аъзолари: Афғонистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон. SPECA субминтақаининг Европа ва Осиё ўртасидаги транспорт ва уланиш маркази сифатида муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда, UNECE ва ESCAP томонидан қўллаб-куватланади. SPECA нинг кучли томонлари, айниқса, минтақада чегараларни кесиб ўтиш тартибларини такомиллаштириш ва транспорт маълумотларини мувофиқлаштириша намоён бўлади.

RECCA Афғонистон билан боғлик иктиносий фаолиятни мувофиқлаштирувчи орган бўлиб хизмат қиласди. Биринчи RECCA 2005 йилда Кобулда бўлиб ўтган ва ўшандан бери яна тўртга конференция ўтказилган. RECCA нинг мақсади умумий иктиносий манфаатларни илгари суриш бўйича минтақавий ҳамкорликка эришиш, шунингдек, минтақадаги сиёсий ва хавфсизликка оид ташаббусларни яхшироқ мувофиқлаштиришдан иборат. RECCA доирасида Афғонистон Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари билан бир қатор ривожланиш лойиҳаларини амалга оширди. Ўзининг мақсадларида RECCA Афғонистонни Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон билан боғлайдиган төмир йўл тармоқларини, иктиносий йўлакларни ва электр узатиш линияларини кенгайтиришга ёрдам беради. RECCA В, 2012 йилда бўлиб ўтган сўнгти конференция, «трансформация ўн йиллиги» (2015-2024) учун асос яратди.

CAREC 1997 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг асосчилари Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон бўлиб, шу вақтдан бошлаб ўз таркибига Афғонистон, Озарбайжон, Мўгуристон, Покистон, Тожикистон ва Туркманистонни қўшадиган 10 та мамлакат таркибига кирди. CARECни олти кўп томонлама ривожланиш институтлари (ADB, EBRD, IMF, IDB, UNDP ва WB) қўшимча равишда қўллаб-куватлайди. Ушибу ташаббуснинг мақсади – Марказий Осиёда иктиносий фаолият соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришdir. Ҳозирга кадар транспорт, савдо-сотиқни содлаштириш, савдо сиёсати ва энергетика соҳаларида CAREC билан боғлик 146 та лойиҳа амалга оширилиб, умумий бюджет 22,4 миллиард доллардир. Афғонистон 2005 йилда CARECга қўшилганидан бери савдо, транспорт ва энергетика соҳаларида 25 та лойиҳага

#### **4.4. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯНГИ ИПАК ЙЎЛИНИНГ НУФУЗИНИ ОШИРИШ**

2,6 миллиард доллар сармоя киритди, шу билан бирга, 17 та CAREC лойиҳалари давом этмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистоннинг Афғонистондаги тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ташки сиёсатидаги ислохотлар Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигини кучайтиришнинг муҳим кўрсаткичига асос бўлмоқда. Минтақа тобора таркоқликдан ҳамкорлик сари интилмоқда. Истиқболда биз янада туб бунёдкорлик жараёнларига гувоҳ бўлишиимиз мумкин. Бинобарин, минтақани умумий қадриятлар, маданият, дин ва тарих бирлаштириб туради. Марказий Осиё ҳудудида иқтисодий интеграциянинг ташкил этилиши ҳамда Афғонистоннинг иштирокини таъмилаш минтақадаги иқтисодий, ижтимоий, географик-экологик, сиёсий муаммоларнинг ижобий ҳал этилишида муҳим роль ўйнайди.

#### **4.4. Марказий Осиёда янги Ипак йўлининг нуфузини ошириш**

Қадимги халқларнинг ҳар томонлама ривожланишида савдо ва транзит йўлларининг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Милоддан аввалги III минг йилликка келиб, Ўрта Осиёнинг кўнгина ҳудудлари қадимги аҳоли томонидан ўзлаштириб бўлинганди. Чўл ва дашт ҳудудлардаги кўчманчи чорвадор аҳоли воҳалардаги ўтрок аҳоли билан ўзаро алоқаларни бронза даврига келиб янада ривожлантиради.

Тарихий адабиётлардан маълум бўлинича, Буюк Ипак йўли ташкил топмасдан анча илгариёқ Қадимги Шарқ ва Ўрта Осиё ҳудудларида ўзаро алмашинув йўллари мавжуд эди. Бронза давридаги (милоддан аввалги III-II минг йилликлар) ана шундай йўллардан бири «*Ложувард йўли*» деб аталиб, унинг бир тармоғи Бадахшон, Бактрия ва Марғиёна ҳудудларини Хоразм, Сўғд, Марказий Қозоғистон ва Урал билан боғлаган. Яна бир тармоғи эса, Бактрия ва Марғиёнани Месопотамия билан боғлаган. Бу йўл Помир тоғларидан бошланиб, Эрон, Олд Осиё, Миср орқали ўтган. Бадахшон ложувардининг Ҳинд водийси, Месопотамия ва Мисрдан топилиши бу қимматбаҳо тошнинг Қадимги Шарқда ниҳоятда қадрланганидан далолат беради.

Қадимги йўллардан яна бири Эрон ахмонийларининг йўли бўлиб, бу йўлнинг бир тармоғи милоддан аввалги VI-IV асрларда

кичик Осиё шаҳарларини ҳамда Ўрта Ер дengизи бўйидаги Эфес, Сарди шаҳарларини Эроннинг марказларидан бири Суза билан боғлаган бўлса, яна бир тармоғи Эрон-Бактрия орқали Сўғдиёна, Тошкент воҳаси ва Қозогистон ҳудудларидан ўтиб, Олтойгача борган. Тарихий адабиётларда бу йўл «шоҳ йўли» деб аталган.

Милоддан аввалги 138 йилда Хитой императори томонидан Уди Чжан Цянни Ўрта Осиё ерларига элчи сифатида жўнатади. *Милоддан аввлги II–I асрларга келиб, Уди Чжсан Цян юрган йўлларда Хитойни Ўрта ва гарбий Осиё билан боғлайдиган карvon йўли пайдо бўлади.* Бу йўл «Буюк Ипак йўли» деб аталиб, умумий узунлиги 12 000 километрдан иборат эди. Илк ўрта асрларга келиб, Ипак йўлининг янада ривожланганини қузатиш мумкин. Ўз даврида ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлган бу йўлнинг дастлабки тармоғи Хитойнинг Сиань шаҳридан бошланиб, Шаркий Туркистон, Ўрта Осиё, Эрон, Месопотамия орқали Ўрта Ер дengизигача чўзилган.

Хитойнинг Аноси шаҳрига келиб, Ипак йўли бир неча тармоқларга бўлиниб кетган. Хусусан, бир тармоқ Аноси – Хами – Кошғар орқали Кўконга, ундан эса Тошкентга ўтган. Бу ердан Жizzах ва Самарқанд орқали Бухорога келган йўл Урганч орқали Гурьевга, у ердан Оқсарой орқали Қора дengиз бўйларига чиқкан. Яна бир тармоқ эса Дунхуан орқали Хўтанга, ундан Лохурга ўтиб кетган. Ундан ташқари, Бухорога келиб, бу тармоқ иккига бўлинган. Жанубий йўналиш Бухоро – Қарши – Термиз орқали Нишопурга ўтган ва Ҳирот орқали Ҳиндистонга ўтиб кетган. Нишопурдаги тармоқлардан бири Техрон – Қазвин – Ҳамадон – Боғдод – Палмира йўналиши бўйлаб Ўрта Ер дengизи бўйидаги Тир шаҳригача чўзилган. Умуман олганда, Ипак йўлининг жанубий тармоғи Ўзган орқали Ўшга ўтиб, Кува – Марғилон – Кўкон орқали Хўжанд, Самарқанд, Бухорога ўтган. Шимолий йўналиши эса, Ҳазар хоқонлиги ва Булғор давлати орқали Киев Руси ва Европа мамлакатларига бориб, бу тармоқ VI асрдан бошлаб ривожлана бошлаган. Ипак йўлининг асосий карvon йўлларидан ташқари ички савдо йўллари ҳам мавжуд эди.

Ўрта Осиё ҳудудларида антик даврдан бошлаб ривожланиш жараёнлари Буюк Ипак йўли билан узвий боғлиқдир. Хусусан, милоддан аввалги II асрдан бошлаб Хитой ва Ўрта Осиё тарихий-маданий вилоятлари билан савдо ва маданий алоқалар ривожланиб

борди. Фарғона, Сўғд ва Бактрияга ипакчилик кириб келди. Карвон йўли ривожланиб боргани сари савдо-сотиқ ва маданий алоқалар ривожланиб борди.

Милоднинг бошларида қадимги дунёning илғор маданиятли давлатлари асосан тўртта: Рим, Парфия, Хитой ва Кушон давлатлари эди. Фарбда Британ оролларидан Шарқда Тинч океани соҳилларигача чўзилган бу забардаст салтанатлар инсоният тарихида биринчи бўлиб Буюк Ипак йўли деб номланувчи йўл билан боғланди. Ипак йўли ривожланиб боргани сари савдо-сотиқ мисли кўрилмаган даражада ривожланди.

Буюк Ипак йўли бўйлаб кўплаб карvonсаройлар, шаҳарлар барпо этилди. Бу йўлдан бораётган савдогарлар кўпинча йўлнинг охиригача бормас эдилар. Ўрта Осиё вилоятлари бу йўлнинг ўртасида жойлашгани сабабли савдогарлар Хоразм, Самарқанд, Термиз ва бошка худудларда ўз молларини сотиб, маҳаллий маҳсулотларни харид қиласар эдилар. Ўрта асрлар Ўрга Осиё бозорларида четдан келтирилган кўплаб маҳсулотлар мавжуд эди. Ҳозирги кунда Ипак йўли устидаги кўхна шаҳар ва манзилгоҳлардаги археологик қазишмалар натижасида топилаётган топилмалар фикримизнинг далилидир.

Милоддан аввалги II асрда пайдо бўлиб, милоднинг XVI асрига қадар фаолият кўрсатган Буюк Ипак йўли шу давр ичida Шарқ ва Гарб халқарининг кенг миёсдаги ўзаро маданий ва иктисолий алоқалари тарихида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу йўл орқали алоқалар килган қадимги халқарининг ўзаро ҳамкорлик, алмашинув ва маданиятларининг бойиб бориши тинчлик ва тараққиёт учун асос бўлиб хизмат килди. Ўзбекистон худудлари бу йўлнинг чорраҳасида жойлашган бўлиб, бу ерга турли мамлакатлардан савдогарлар, хунармандлар, олимлар ва меъморлар ташриф буюрганлар.

ЮНЕСКО томонидан «Буюк Ипак йўли – мулоқот йўли» дастурининг ишлаб чиқилиши Евроосиёдаги 30 дан ортиқ етакчи давлатларнинг илмий-маданий фаолияти учун йўналиш бўлди. Бунинг натижасида кўпгина тарихий-маданий обидалар ўрганилди, қадимги йўллар ва йўналишлар аниқланди, миллий ва маънавий бойлигимиз ҳамда анъаналаримиз ўрганилди.

«Буюк Ипак йўли – мулоқот йўли» дастурининг асосий вазифаси Шарқ ва Гарб халқлари ўртасида иктисолий ва маданий алоқаларни ўрнатган ҳамда ривожлантирган бу йўлни халқларининг

биродарлик, ўзаро ҳамкорлик ва самимий мулокот йўлига айлантиришдан иборатdir.

Милоддан юз йил аввал Чин юртидан йўлга отланган илк савдо карвони довону даралар, белоён сахролар оша Фарғона водийсига ипак ва бронза кўзгулар келтирган. Шу тариқа дунё цивилизацияси ривожида муҳим ўрин туттган Буюк Ипак йўлига асос солинган. Мана, орадан асрлар ўтиб, узундан-узун карвонлар ўрнини замонавий авиаляйнерлар, автомобиль ва тезюарар поездлар эгаллаган бўлса-да, Шарқ ва Ғарбни боғловчи ана шу қадимий йўл ҳанузгача ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Эътиборлиси, мамлакатимизнинг бир қатор тарихий шаҳарлари унинг қоқ марказила жойлашган.

Пекин шаҳрида Буюк Ипак йўли бўйлаб иқтисодий коридор ташкил этишда 11 мамлакат – Ўзбекистон, Хитой, Россия, Туркменистон, Қозоғистон, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Туркия, Қирғизистон, Тожикистон давлатлари иштирок этгани Буюк Ипак йўлининг нуфузини янада оширишга олиб келади.

Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўли ривожида туттган ўрни ҳам бекиёсdir. Чунончи, қадимий Самарқанд шаҳрини Буюк Ипак йўлининг индустриал ва инновацион марқази сифатида қайд этиш мумкин. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрини эса транспорт-коммуникация, ишлаб чиқариш ва илм-фан соҳаларидағи юксак салоҳиятига кўра мазкур тармокнинг юраги, дея эътироф этиш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, бу Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мизиёев ва Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпин ўртасидаги икки томонлама муносабатлар Буюк Ипак йўлидаги бунёдкорлик рухига мос равишда янги мазмун билан бойиб, ўзаро манфаатли алоқалар янада мустаҳкамланаётганида ҳам кўзга яққол ташланади. Кейинги шайтда икки давлат раҳбарларининг бевосита саъй-харакатлари билан ўзаро алоқалар стратегик ҳамкорлик тусини олди. Буюк Ипак йўлини тиклашда Ўзбекистон муҳим ўрин тутади ва бу давлатлар бир-бирини ўзаро тўлдиради, деб ҳисоблаймиз.

Хитой томони Ўзбекистон билан турли соҳаларда, айниқса, энергетика, савдо ва инфратузилмани такомиллаштиришини ҳамкорлик доирасида амалга ошириши муҳим аҳамият касб этади.

Билим ва тажриба алмашиш борасида ҳам кенг имкониятлар мавжудлигини эътироф этиш лозим.

Шунингдек, Ўзбекистондан кўплаб соҳаларда, хусусан, давлат ва жамият бошқаруви жабҳасида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотларни ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Ҳақикатан ҳам, Ўзбекистон билан Хитой ўргасидаги алоқалар янги боскичга кўтарилиди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокидаги 466 та корхона, жумладан, ушбу мамлакатнинг 71 та компанияси фаолият юритмоқда.

Буюк Ипак йўлида замонавий транспорт коридорини ривожлантириш ва мустахкамлашнинг аҳамияти алоҳида ўрин тутади. Маълумки, мазкур йўналишда мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Давлатларимиз ўргасида энг қиска темир йўл тармоғини барпо этиш ўзаро иктисодий ҳамкорликнинг долзарб стратегик йўналишларидандир. Бу Марказий Осиё, ундан кейин Жанубий Осиё мамлакатларига чиқишни таъминлайди. Мазкур йўналиш «Ангрен – Поп» темир йўли қурилиши лойихасини ўз ичига олган. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ва Хитойнинг «China Railway Tunnel Group» компанияси ўргасида Қамчик довонидан туннель орқали ўтадиган «Ангрен – Поп» темир йўлини куриш бўйича умумий қиймати 455 миллион долларлик лойиха бажарилган. Ҳозирги кунда во-дий аҳолиси муаммосини бартараф этиб «Ангрен – Поп» темир йўлидан фойдаланиб келинмоқда.

Умуман, Буюк Ипак йўлидаги давлатларда тахминан 3 миллиард аҳоли яшашини инобатга олсан, минтақа мамлакатлари бозорига чиқиш учун транспорт коридорини тўлиқ таъминлаш бугунги куннинг энг долзарб мавзусидир. Бундай глобал майдон кўлами ва иктиносидий салоҳиятининг баҳоси накадар бебаҳо эканлигини таъкидлаш жоиз. Хитойнинг саноат ва бизнес тузилмаларининг Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорлигида ёқилғи-энергетика соҳасидаги муносабатларни тараққий эттириш мухим хисобланади.

Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси Ўзбекистондаги истиқболли углеводород конларини ўрганиш ва уларни ўзлаштириш билан шуғулланмоқда. Бундан ташқари, табиий газни чукур қайта ишлаш лойихаси амалга оширилмоқда. Буюк Ипак йўлининг ёқилғи-энергетика соҳасидаги Марказий Осиё – XXR газ тармоғининг

Ўзбекистон худуди орқали ўтиши ўзаро ишончли ва манфаатли муносабатларимизнинг ёркин далилидир.

Буюк Ипак йўли нафакат савдо йўли, айни пайтда халқлар ўртасида маданий-маърифий, фан ва техника, туризм соҳаларидағи ҳамкорликни янада ривожлантиришда ҳам устувор аҳамиятга эга. Шанхай шаҳрида Хитойда биринчи марта Шанхай университети хузуридаги ШХТ Жамоат дипломатияси илмий тадқиқот институти негизида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашувлари маркази очилди. Тошкент ва Шанхай, Самарқанд ва Сиан, Навоий ва Чжучжоу шаҳарлари, Тошкент вилояти ва Хунан вилояти, Самарқанд вилояти ва Шаньси вилояти ўртасида биродарлик алоқалари ўрнатилган. Худудда транспорт, савдо ва логистика инфратузилмаси ривожининг ҳал килувчи йўналиши Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон билан бевосита боғлиқ.

*Хитой янги «Ипак йўли» лойиҳасини амалга ошириш учун янада очиқ бўлишга ҳамда XXI асрнинг энг юксак мақсадли ташаббусини фаол тарзда молиявий қўллаб-куватланини давом эттиришга тайёр.*

Пекин шаҳрида 2019 йилда бўлиб ўтган «Бир макон – бир йўл» иккинчи халқаро форуми 150 мамлакат вакиллари, жумладан, 37 мамлакат раҳбарларини тўплади.

*Хитой Халқ Республикаси Президенти Си Цзиньпин Президентимиз Ш.М.Мирзиёевни «Бир макон – бир йўл» ташаббусининг асосчиларидан бири сифатида эътироф этди. Ўзбекистоннинг форумга эътибори ва ундаги иштироки мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожисидан далолат беради.*

Хитой раҳбари Си Цзиньпин Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг бутунги ҳолатини юксак қадрлаши ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги хар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қатъий интилишини таъкидлади.

Форумда Хитой Халқ Республикаси раҳбарининг мулоҳазаларидан куйидаги хулосаларни қилиш мумкин. Биринчиси, Хитой – очиқлик сиёсати, соғлом ракобат тамоиллари, бизнеснинг барча иштирокчилари учун тенг шароитлар яратиш ва қулай бозор мухитини шакллантириш тарафдори. Иккинчиси, Хитой хукумати турли мамлакатлар иштирокида «Бир макон – бир йўл» ташаббусини кредитлар ва мақсадли фондлардан маблағ ажратиш ҳамда

облигациялар чиқариш орқали молиявий қўллаб-қувватлашни максад қилган. Учинчидан, Ўзбекистон – Хитой муносабатларининг истиқболи порлок ва ҳар томонлама стратегик шерикликни янги боскичга олиб чиқади.

«Бир макон – бир йўл» форумини ўтказиш жараёнида жами 283 та амалий натижалар, хусусан ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо келишувларга эришилди. Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда умумий миқдори 64 млрд. АҚШ долларидан зиёд бўлган қийматдаги битимлар имзоланганинги ўзи Буюк Ипак йўли нуфузининг ошишидан далолат беради.

*«Бир макон – бир йўл» жаҳон транспорт ва инвестиция инфратузилмасини тузилиш ташабbusи иккита лойиҳани бирлаштиради: «Ипак йўлининг иқтисодий камари» ва «XXI асрнинг Денгиз Ипак йўли».*

«Ипак йўлининг иқтисодий камари» лойиҳасини яратиш Хитой раҳбарининг Қозогистонга сафари вактида таклиф этилган эди. Лойиҳага кўра, учта иқтисодий ва транспорт йўлагини шакллантириш кўзда тутилган:

- 1) Хитой – Марказий Осиё – Россия – Европа;
- 2) Хитой – Марказий ва Ғарбий Осиё – Форс кўрфази ва Ўрта Ер денгизи;
- 3) Хитой – Жануби-Шарқий Осиё – Жанубий Осиё – Хинд океани.

Ҳозирги кунда Хитойдан Европага контейнер юклари денгиз йўллари орқали 45–60 кунда етказилмоқда. Бу йўлаклар мазкур муддатни 10 кунгача қисқартириш имконини беради.

«XXI аср – Денгиз Ипак йўли» концепцияси илгари сурилди. У куйидаги икки йўналишни ўз ичига олади:

- 1) Хитой денгиз портларидан Жанубий Хитой денгизи орқали Хинд океани ва ундан кейин Европагача;
- 2) Хитой портларидан Жанубий Хитой денгизи орқали Тинч океанининг жанубий акваториясига.

2015 йилда ҳар икки ташабbus «Бир макон – бир йўл» номи билан битта умумий концепцияга бирлаштирилди. «Бир макон – бир йўл» ташабbusи доирасидаги лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида иккита молиявий «гигант»: 100 миллиард АҚШ долларлилик капиталга эга Осиё инфратузилма инвестициялари банки

ва устав капитали 40 миллиард АҚШ доллари бўлган Ипак йўли жамғармаси тузиљди.

Хитой молиявий институтларининг кредитлар ажратиши Иктиносидий камар ва Денгиз Ипак йўли лойиҳаларини амалга оширишининг асосий молиявий механизмидир. Бунда Хитой ускуналари, товарлари, хизматлари ва иш кучидан фойдаланиш асосий шартлардан бири ҳисобланади.

2017 йил май ойида Пекинда бўлиб ўтган дастлабки «Бир макон – бир йўл» халқаро форумида Хитойнинг ушбу лойиҳага киритадиган сармояси ҳажми якин йиллар ичida 150 миллиард АҚШ долларигача ошиши маълум қилинган эди.

Фикримизча, «Ипак йўлининг иктиносидий камари» лойиҳасига Ер шари аҳолисининг 63 фоизини ташкил этадиган 67 та мамлакат қўшилиши мумкин. Бошкacha айтганда, бу ерда гап аҳолиси Ер шарининг ярмидан кўпроғини ташкил этадиган мамлакатлар иктиносидётларини бир-бири билан боғлайдиган иктиносидий камар яратиш ғояси ҳақида бормокда. Хитой ташаббуси муваффакиятли амалга ошадиган бўлса, XXI асрда барча йўллар энди Римга эмас, Пекинга олиб боради деб хулоса қилиш мумкин бўлади.

Албатта, Хитой, авваламбор, ички иктиносидий сиёсатидан келиб чиккан ҳолда «Бир макон – бир йўл» ташаббусини илгари сурди. Хитойда сўнгги 10 йилда кузатилган иктиносидий ўсиш суръатларининг барқарор секинлашиши мамлакат ҳукуматини айнан шу ташаббусга ун dagan кўринади. Мазкур глобал лойиҳанинг амалга оширилиши бир томондан, Хитойниң яхши ривожланмаган гарбий провинциялари ривожланишига олиб келади. Бу эса, мамлакат ҳудудлари иктиносидётини тенглаштиришга ёрдам беради. Жадал модернизациялаш йилларида ғарбий провинциялар, бошқа ҳудудларга қараганда, кам ривожланди. Бошқа томондан эса, бу ички истеъмол ўсишини кучайтиради ва Хитой иктиносидётидаги ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари муаммони ҳал этади. «Бир макон – бир йўл» доирасидаги лойиҳаларни амалга оширишда Хитойнинг ускуналар, товарлар, хизматлар ва иш кучи етказиб берувчи асосий таъминотчи бўлиш шарти юкоридаги фикрларимизни тасдиқлайди.

Иктиносидий нуқтаи назардан қараганда, ушбу ташаббусни Хитойнинг «иктиносидий мўъжизаси»ни қўшни ҳудудларга экспорт қилиш модели сифатида баҳолаи мумкин. Бунда асосий эътибор

## 4.4. МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯНГИ ИПАК ЙУЛИНИНГ НУФУЗИНИ ОШИРИШ



4.2-расм. «Бир макон – бир йўл» ташаббусининг йирик транспорт-логистика лойиҳалари.<sup>1</sup>

Хитойниг ривожланмаган ҳулудларини қўшни давлатлар билан боғлаш орқали ривожлантиришга қаратилмоқда. Бироқ келажакда мазкур иқтисодий лойиҳа Хитойнинг мукаммал геосиёсий стратегиясига айланиши хам мумкин.

«Бир макон – бир йўл» глобал лойиҳаси инфратузилма логистикаси ва савдо имкониятлари туфайли нафақат Хитой иқтисодиёти, балки, шунингдек, янги Ипак йўли бўйидаги мамлакатлар иқтисодиётини ривожлантиришга ҳам янги имкониятлар яратади.

Марказий Осиё мамлакатларига инфратузилма лойиҳалари, жумладан, янги кўприк ва йўллар, йирик логистика марказлари қурилиши учун улкан инвестициялар зарур. Ана шу мақсадларда «Ипак йўли иқтисодий камари» доирасида Хитой сармоясидан фойдаланиш мазкур лойиҳалар учун хорижий инвестициялар етишмовчилиги муаммосини хал қиласди. Шунингдек, Пекин таклиф этаётган интеграция модели иқтисодий камар лойиҳасига аъзо мамлакатларнинг ўзаро иқтисодий манфаатларигагина асос-

<sup>1</sup> «Вести экономика» тармоқ нашри (Westifinance.ru).

ланганлиги ҳам мазкур ташаббуснинг устун жиҳатидир. Бу лойиҳа муваффақиятли амалга оширилса, Хитой ушбу минтақада бошқа давлатларнинг геосиёсий таъсири билан мусобақалашадими, ёки йўқми, деган савол очиқлигича қолмоқда. Эҳтимол, шу сабабларга кўра, Марказий Осиё учун иқтисодий интеграцияга оид барча моделлар ичida айнан Хитойнинг мазкур ташабbusи истиқболли кўринади. Мазкур минтақа мамлакатлари учун «Ипак йўлининг иқтисодий камар» лойихаси инфратузилма тараққиёти ва янги савдо имкониятлари жараёнларини сиёсийлаштирмасдан туриб, уларга эга бўлиш имкониятидир.

Хитой салобатли иқтисодиёти ва географик жиҳатдан қўшичилиги туфайли минтақадаги деярли барча мамлакатларнинг асосий савдо ҳамкорлари учталигига киради ҳамда йирик сармоядорлардан бири ҳисобланади. Хитойнинг 1992 йилдан 2020 йилгача Марказий Осиёнинг бешта мамлакати (Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон) билан йиллик товар айланмаси ҳажми 65 марта ўсади.

Бугунги кунда Хитой Марказий Осиёдан нафакат газ ва нефть, балки металларни ҳам фаол равишда импорт қилмоқда. Бундан ташкари, Қозоғистон Хитойга уран ҳам экспорт қилади ва XXRнинг уранга бўлган эҳтиёжининг кариб 75 фоизини қоплади.

Марказий Осиё мамлакатлари орасида Қозоғистон Хитой компаниялари сармояси асосий «истеъмолчиси» ҳисобланади. Хитой айнан ушбу мамлакатга фаол сармоя киритмоқда ва уларнинг ҳажмига қараганда, Қозоғистонни энг муҳим минтақавий ҳамкор давлат сифатида кўради. XXRнинг Марказий Осиёдаги умумий инвестицияси ҳажмининг ярмидан кўпроғи Қозоғистон улушкига тўғри келади. «Бир макон – бир йўл» лойихаси бопланганидан кейинги 5 йил ичida Қозоғистоннинг улули 62 фоизгacha ошган. Туркманистон ва Тожикистонда эса вазият умуман тескари томонга ўзгарди. Ҳозирги кунда таҳлилларимизга кўра, Хитой компанияларининг Туркманистон иқтисодиётига киритган сармояси 10 барабарга, Тожикистонга эса хатто нолгача қискарди.

«Бира макон – бир йўл» концепцияси қабул қилинганидан сўнг Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиётига кириتاётган сармояси таркибида ўзгаришлар кузатилмоқда. Концепция қабул қилингунга қадар Хитой компанияларининг барча

инвестициялари ва улар билан тузилган шартномаларнинг 86,5 фоизи энергетика секторига тўғри келган бўлса, лойиха расман ишга туширилгандан сўнг ушбу тармоқдаги инвестициялар улуши 33 фоизга камайди.

Марказий Осиё минтақасининг транспорт инфратузилмасига киритилган инвестициялар суръати ўсмоқда. Ушбу соҳага киритилган сармоя ҳажми 4 марта кўпайди ҳамда умумий ҳажмда мазкур тармокнинг улуши энергетика сектори билан деярли тенглашди.

Иқтисодий интеграция халқларнинг маданий яқинлашуви учун табиий драйверларни яратади. Бунинг учун эса, умумий мулоқот тили зарур. Бугунги кунда Марказий Осиёнинг кўпчилик ахолиси инглиз тили каторида хитой тилини ҳам ўрганишмоқда. Мана, кўп йилдирки, Хитой Марказий Осиё мамлакатлари талабалари учун квоталар ажратиб келмоқда, бироқ бу квоталар Россия квоталарига нисбатан қарийб икки баробар камдир. Марказий Осиёда рус тили давлатлараро даражадаги миллатлараро мулоқот тили саналади. Қандай бўлмасин, ё Марказий Осиёнинг маҳаллий ахолиси ёки хитойликлар, вақти келиб, ўзаро мулоқот тилини ўрганишлари керак бўлади, бироқ бунинг учун вакт зарур.

«Бир макон – бир йўл» иккинчи халқаро форуми 2019 йил 27 апрель куни «Яньцзи» халқаро конференциялар марказида делегация раҳбарларининг давра суҳбатида мухтарам юртбошимиз Шавкат Мирзиёев «Халқаро ва минтақавий ўзаро боғлиқлик масалалари Марказий Осиё, жумладан, дengiz портларига бевосита олиб чикувчи йўлга эга бўлмаган мамлакатимиз учун долзарб бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Ўзбекистон мамлакатларимизнинг барқарор тараққиётида мухим омил бўладиган «Бир макон – бир йўл» ташаббусини аввалбошданоқ қўллаб-қувватлаган» деб таъкидлаб ўтдилар.

Шу билан бирга, бу минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, умумий мақсадларга эришиш, иқтисодий ўсишнинг янги манбаларини кашф этиш, натижада, халқларимиз турмуш даражаси ошишига хизмат қилишини эътироф этиш лозим.

Марказий Осиёнинг транспорт ва логистика имкониятларини ошириш, «яшил иқтисодиёт» орқали озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш, туризмни ривожлантириш, экологик муаммоларни биргаликда бартараф этиш ва бошқа долзарб масалалар бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди.

Марказий Осиё миңтақасининг транзит салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда Хитой – Марказий Осиё – Фарбий Осиё иктисадий йўлagini шакллантириши долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди. Тошкент – Андижон – Ўз – Эргаштом – Кошғар автомобиль йўлаги, Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой ва Мозори Шариф – Кобул – Пешовар темир йўллари лойиҳалари бу борада катта истиқболлар очиши қайд этилди. Шунингдек, Сарик дengиз портлари – Марказий Осиё – Европа йўналини бўйлаб темир йўлда юк ташишга бир хил тариф ўрнатиш ҳам иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ.

Буюк Ипак йўлининг нуфузини оширишда «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш учун кишлоқ хўжалигига замонавий технологиялар ва илғор ечимларни жорий этиш масалаларига эътибор қаратиш ҳам алоҳида ўрин тутади.

XXI асрда Орол дengизи қуриши оқибатида юзага келган экологик вазиятни бартараф этиш умумий вазифа эканини инобатга олсак, БМТнинг Оролбўйи миңтақаси учун Траст фонди ҳамда Оролбўйи худудида экологик инновациялар ва технологиялар зонаси фаолиятида иштирок этишлари мақсадга мувофиқ.

Ҳозирги кунда туризм соҳасида алмашинувларни ривожлантириш, бунинг учун «Ипак йўли» бренди остида қўшма дастур ва маҳсулотларни илгари суриш бўйича долзарб таклифлар билдирилди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Афғонистон масаласига ҳам эътибор қаратиб, ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши Марказий ва Жанубий Осиёда янги тараққиёт манбалари яратишини таъкидлади. Бу борадаги долзарб масалалар жорий йилининг кузидаги Тошкентда бўлиб ўтадиган Афғонистон бўйича Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси (RECCA)да муҳокама қилинишини маълум қилди.

Тарихий ва маданий меросимиз, олдимизда турган мақсад ва вазифаларининг ўхшашлиги ҳамда интилишларимиз муштарақлиги келажакка катта ишонч билан қарашга имкон беради. Халқларимиз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизнинг ижобий натижаларини албатта сезишлари керак.

Хулоса ўринида айтиш жойизки, «Бир макон – бир йўл» форумидан куйидаги хулосаларни қилишимиз мумкин.

Буюк Ипак йўлининг нуфузини оширишда «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш учун

қишлоқ хўжалигига замонавий технологиялар ва илғор ечимларни жорий этиш.

Шу билан бирга, очиқлик сиёсати, соғлом рақобат тамойиллари, бизнеснинг барча иштирокчилари учун тенг шароитлар яратиш ва куляй бозор мухитини шакллантириш. «Бир макон – бир йўл» ташаббусини кредитлар ва мақсадли фондлардан маблағ ажратиш ҳамда облигациялар чиқариш орқали молиявий қўллаб-қувватлашни мақсад қилган. Ўзбекистон – Хитой муносабатларининг истиқболи порлок ва ҳар томонлама стратегик шерикликни янги босқичга олиб чиқади.

**Таянч иборалар:** тинчлик, барқарорлик, шовинизм, трансафгон, транспорт-логистика, бож, нарх, ипак йўли, хавфсизлик, наркотик моддалар, инвестиция, ҳалқаро савдо, концепция, камар, денгиз, иқтисодий интеграция, ташки савдо, иқтисодиётни тиклаш, инфратузилма лойиҳа, трансминтақавий дастур, экспорт, импорт, товар айр-бошлиш, энергетика, транспорт.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон ва Афғонистон Ислом Республикаси иқтисодий алоқаларининг ҳозирги ҳолатини изоҳланг.
2. Афғонистон Ислом Республикаси билан Ўзбекистон ўзаро ишларлик савдо ҳажмини 2023 йилгача қанчага етказилиш режалаштирилмоқда?
3. Афғонистон аҳолисининг неча фоизи фойдали меҳнат билан шугулланмайди?
4. Афғонистонда жами аҳолининг неча фоизини ўзбеклар ташкил этади?
5. Ўзбекистон ва Афғонистон Ислом Республикаси билан иқтисодий алоқаларининг ривожланиши ўзбекистон иқтисодиётига фойдали экиятларини санаб ўтинг.
6. Буюк Ипак йўли ташкил топмасдан илгари Қадимги Шарқ ва Ўрта Осиё ҳудудларида ўзаро алмашинув йўлларини изоҳланг.
7. Милоднинг бошларида қадимги дунёнинг илгор маданиятли давлатлар ривожланишида Буюк Ипак йўлининг ўрни қандай бўлган?
8. Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўли ривожида тутган ўрни қандай?
9. «Бир макон – бир йўл» ташаббусининг асосчи ва уни ривожланишида илгари суриган гоянтарини айтинг.
10. «Ипак йўлининг иқтисодий камари» лойиҳасини ёритиб беринг.



## ТЕСТ

**1. Халқаро иқтисодий интеграциянинг учинчи босқичининг ўзига хос ҳусусияти қайси каторда кўрсатилган?**

- А) Эркин савдо зоналари ташкил этилади;
- Б) Умумий бозор шаклланади;
- В) Интеграция саноат, банк, сугурта иши ва технология соҳасида ҳам юз беради;
- Г) Иқтисодий ва валюта иттифоки доирасида интеграция юз беради.

**2. Марказий Осиё иқтисодий интеграцияси қайси мамлакатлар ўргасидаги келишувлардан бошланган?**

- А) Ўзбекистон ва Қирғизистон;
- Б) Қирғизистон ва Тоҷикистон;
- В) Ўзбекистон ва Қозогистон;
- Г) Қозогистон ва Туркманистон.

**3. Жануби-Ғарбий Осиёнинг энг чекка шарқий қисмида жойлашган мамлакат, бу – ...**

- А) Афғонистон Ислом Республикаси;
- Б) Афғонистон Демократик Республикаси;
- В) Афғонистон Халқ Республикаси;
- Г) Афғонистон Социалистик давлати.

**4. Афғонистон Ислом Республикаси ер майдони қанчани ташкил этади?**

- А) 652,9 минг км<sup>2</sup>;
- Б) 651,9 минг км<sup>2</sup>;
- В) 650,9 минг км<sup>2</sup>;
- Г) 653,9 минг км<sup>2</sup>.

**5. Афғонистон Ислом Республикаси аҳолиси 2019 йилда неча кишини ташкил этди?**

- А) 32 миллион 226 минг киши;
- Б) 30 миллион 225 минг киши;
- В) 31 миллион 224 минг киши;
- Г) 29 миллион 223 минг киши.

## ТЕСТ

---

**6. Афғонистон маъмурий-худудий тузилишига кўра ... вилоятга бўлинади.**

- А) 31;                    Б) 32;                    В) 33;                    Г) 34.

**7. Афғонистон билан Ўзбекистон ўртасидаги чегаранинг узуилиги – ... километр.**

- А) 137;                    Б) 138;                    В) 139;                    Г) 136.

**8. Афғонистон билан чегарадош мамлакатлар қаторини белгиланг.**

- А) Эроң, Покистон, Хитой, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон;  
Б) Ироқ, Покистон, Хитой, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон;  
В) Эрон, Хиндистон, Хитой, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон;  
Г) Эрон, Покистон, Хитой, Тожикистон, Туркманистон, Қозогистон.

**9. Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг қайси ойида ўрнатилган?**

- А) октябрь ;                    Б) ноябрь;                    В) декабрь;                    Г) сентябрь.

**10. Тошкент – Кобул – Тошкент авиакатнови қачон йўлга кўйилди?**

- А) 2017 йил ноябрь                    В) 2018 йил ноябрь  
Б) 2019 йил ноябрь                    Г) 2016 йил ноябрь

**11. Кобул хукумат делегациясининг «Толибон» ҳаракати билан учрашуви қачон ва қаерда бўлиб ўтди?**

- А) 2020 йил 13 сентябрь куни Доҳада (Қатар);  
Б) 2020 йил 13 октябрь куни Мускатда (Ўмон);  
В) 2020 йил 13 август куни Тошкентда (Ўзбекистон)  
Г) 2020 йил 13 сентябрь куни Абу Дабида (БАА)

**12. Термиз шаҳрида Афғонистон Ислом Республикасининг Бош консулхонаси қачон очилди?**

- А) 2018 йил октябрь ойида;                    В) 2019 йил октябрь ойида;  
Б) 2017 йил октябрь ойида;                    Г) 2020 йил октябрь ойида.

**13. Афғонистонда жами аҳолининг ичча фоизини ўзбеклар ташкил этади?**

- А) 9 фоизини;  
Б) 11 фоизини;  
В) 8 фоизини;  
Г) 12 фоизини.

**14. Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ганининг 2017 йил 4-6 декабрь кунлари Ўзбекистон Республикасига амалга оширган давлат ташрифи мобайнида ичта шартнома имзоланди?**

- А) 20 та битим ва 40 шартнома  
Б) 25 та битим ва 30 шартнома  
В) 40 та битим ва 20 шартнома  
Г) 30 та битим ва 50 шартнома

**15. 2018 йил 1 майдан Туркманистон Афғонистон товарлари учун импорт божхона боки бўйича ичча фоизли имтиёз берди?**

- А) 50 фоиз;      Б) 60 фоиз;      В) 40 фоиз;      Г) 30 фоиз.

**16. Афғонистон Ислом Республикаси билан Ўзбекистоннинг ўзаро ҳиллик савдо хажмини 2023 йилгача қанчага етказиш режалаштирилмоқда?**

- А) 2 миллиард доллар;      В) 5 миллиард доллар;  
Б) 3 миллиард доллар;      Г) 1 миллиард доллар.

**17. «Бир макон – бир йўл» ташаббусини илгари сурган мамлакат, бу ...**

- А) Хитой;      В) Россия;  
Б) Ўзбекистон;      Г) Қозогистон.





## V. Б о б

### МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИГА ГЛОБАЛ ИҶЛИМ ЎЗГАРИШИ ВА ОРОЛБҮЙИ МИНТАҚАСИ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИНИНГ ТАЪСИРИ

#### 5.1. Глобал иҷлим ўзгаришлари ва унинг Марказий Осиё тараққиётига таъсири ҳамда хавф-хатарлар

Табиат инсоннинг барча ҳаёттый эҳтиёжларини кондирувчи ноёб ва бетакрор манбадир. Инсоният ва табиат ўргасидаги мавжуд мувозанат эса шу кадар нозик, ўзаро боғлик, ўзаро тобс ва шунчалар заифки, гоҳида у ёки бу инкироз, фалокат ёки ҳалокатнинг ибтидосини илнгаш жуда мушкулдир.

Баъзи хисоб-китобларга кўра, 2050 йилга келиб, сайёрамиз ахолиси 9,9 миллиардга етади. Мавжуд ноэкологик технологиялар шароитида бу атроф-муҳит сифатининг кескин ёмонлашуви, сув ва ҳаво ҳавзаларининг кескин ифлосланиши, табиий ресурсларининг камайиши, кўшлаб мураккаб иқтисодий, энергетик, озиқ-овқат ҳамда ижтимоий-сиёсий муаммоларга олиб келишини тушуниш қийин эмас, ҳатто ҳозирда кунда бу каби оқибатларнинг шоҳиди бўлмоқдамиз.

XXI аср чегарасида юзага келган вазиятдан чиқиш йўлларини излаб топиш учун замонавий муаммоларни ҳал қилиш ва келгусида уларнинг олдини олишга йўналтирилган барқарор тараққиёт концепцияси ишлаб чиқилди. «Барқарор тараққиёт» атамаси (Sustainable Development) инглиз тилидан келиб чиккан бўлиб, уни тургун, қўллаб-қувватланаётган, авайлананаётган, давомли, узлуксиз ривожланиш деб таржима қилиш мумкин. Адабиётда ушбу тушунчанинг юздан ортиқ ифодаларини учратиш мумкин. Унинг кўп ишлатиладиган ифодаси 1987 йилда эълон қилинган «Биз-

*Давримизнинг ўткир муаммоларидан яна бири – глобал иҷлим ўзгаришларидир. Бугунги кунда ҳар бир мамлакат бу жсарайнинг салбий таъсирини хис этмоқда. Минг афусуки, бундай ўзгаришлар Марказий Осиё тараққиётига ҳам катта хавф тутдирмоқда.*

**Шавкат Мирзиёев**

нинг умумий келажагимиз» мавзусидаги маърузада көлтирилган. Унга кўра, «Барқарор тараққиёт» деганда, ҳозирги авлод ҳайтий эҳтиёжларини келгуси авлодлар эҳтиёжларини қондиришга зарар етказмасдан амалга ошириладиган ривожланиш тушунилади.<sup>1</sup>

Ҳозирги кунда бутун дунёда кенг миқёсда тан олинган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор тараққиёт концепцияси 1992 йилда Рио-де-Жанейрода ташкил қилинган, дунё мамлакатлари раҳбарларининг энг йирик учрапувларидан бири санаалган йигилишда тасдиқланган.

Мазкур форумда иштирок этган 179 мамлакатнинг сиёсий ва диний раҳбарлари, юқори лавозимдаги вакиллари ўзларига истикболда жаҳон тараққиётини барқарорлаштириш мажбуриятини олдилар ва бу иқтисодий ўсишни тўхтатиб қўйишини эмас, балки келгуси авлодларнинг катта миқдордаги эҳтиёжларини кўзда тутади.

Агар инсониятнинг барча тарихий тамаддуни давомида бутун табиат ва унинг ресурслари чексиз ва битмас-туғанмасдек кўрининган бўлса, саноат тараққиёти даври, яъни, охирги икки аср бундай тасаввурнинг бутунлай хато эканини исботлаб бергани тобора аниқ ва равшан бўлиб бормоқда.

Маълумки, иклимининг ўзгариб бориши ва унинг атроф-муҳитга таъсири XXI асрнинг энг асосий муаммоларидан бири бўлиб, инсоният олдида турган жилдий муаммолардан ҳисобланади. Бунда антропоген ҳолатнинг фаол таъсири остида тупрок қатлами ва биологик хилма-хилликни саклаб қолиш муҳим аҳамиятга эга.

Ер иклими ҳам табиий равиша, ҳам антропоген омиллар таъсирида ўзгаради. Иклиний системанинг ҳар бир ташкил этувчиси турлича вакт шкаласи оралиғида ўзгаради.

*Бирлашган Миллатлар  
Ташкилоти 2030 йилга бориб,  
глобал иссиш туфайли жсаҳон  
иқтисодиётига ўилига 2 трил-  
лион АҚШ доллари миқдорида  
зарар етиси мумкинligини  
маълум қилиди.*

Табиий иқлим ўзгаришлари ни билиш инсон фаолияти туғайли кечадиган иқлим ўзгариши жараёнларини чуқур англаб этишга имкон беради. Глобал ҳарорат ҳақидаги систематик кузатиш маълумотлари 1860 йил билан чегараланади. Улар

<sup>1</sup> World Commission on Environment and Development. Our common future. Oxford University Press, Oxford, 1987.

куруқлик юзасида ҳаво ҳароратини ўлчаш натижасида ҳамда денгиз юзаси ҳароратини ўлчаш асосида олинган маълумотларни камраб олади. Қадимги иқлимий шароитларни тиклаш иқлимий моделлар асосида тузилган прогнозлар учун солиштириш мезони сифатида хизмат қилиши мумкин. Музлик даври иқлимини моделлаштириш асосида «олдиндан айтиш»ни палеоклиматологик маълумотлар билан солиштириш келажакдаги иқлим ўзгаришларига тааллукли бўлган ва моделлар асосида тузилган жараёнларни маълум даражада текширишга имкон беради.

Ҳозирги кунда юқорида кўриб чиқилган иқлимий омиллар асосида кузатилаётган иқлимий ўзгаришлар сабабларини тушунишиб берувчи қатор пазариялар мавжуд. Ерниң геологик тарихи давомида бутун Ер табиати билан биргаликда атмосфера таркиби, унинг массаси ўзгарган, шу билан бирга материкларнинг шакллари тоб системаларининг конфигурацияси ва баландликлари куруқлик ва океанлар майдонлари ҳам ўзгариб турган. Күш ёритувчанлиги, Ер орбитаси эксцентриситетининг тебранишлари ва эклиптика текислигига нисбатан Ерниң айланиш ўқи қиялигининг ўзгаришлари кузатилган. Шу билан бирга, Ерниң айланиш тезлиги ҳам секинлашган. Оқибатда, бу холат, иссиқлик алмашинуви, намлик алмашинуви ва атмосфера циркуляцияси ҳамда иқлимининг географик омилларининг ўзгаришига олиб келган. Буларнинг барчаси Ерда иқлимининг кўп карра ўзгаришига сабаб бўлган.

Кўплаб тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, инсоният цивилизациясининг гуллаган вақтидан буён глобал ҳарорат  $1^{\circ}\text{C}$  дан камроқ қийматга ўзгарган. Охирги юз минг йиллик давомида экстремал ва баъзан тез рўй берган иқлимий тебранишларга нисбатан бизнинг иқлимини осоишта деб атаси мумкин.

Иқлимий ўзгаришларнинг мумкин бўлган сабабларининг вақт микёси жуда каттадир. Ер орбитасининг эксцентриситети, прецессия ва орбита текислигига нисбатан Ерниң айланиш ўқи қиялигининг ўзгариши каби орбитал параметрларнинг вариациялари мос равишда 10 000, 23 000 ва 41 000 йилни ташкил этади. Ер иўсти харакатининг вақт масштаби эса 105–109 йилга тенг. Вулканларнинг отилиши натижасида стратосферада аэрозолнинг хосил бўлиши жуда катта – 100 дан 108 йилгача бўлган вақт ора-

лиғидаги иқлимий ўзгаришларга олиб келиши мүмкін. Иккінчи томондан, иқлимий системаның ички ўзгарувчанлиги системаны ташкил этувчилари орасидаги тұғри ва тескари боғланишлар-нинг турлықта механизмлари билан аниқланады.

Атмосфера, океанлар, криосфера, қуруқлик юзаси ва биосфера орасидаги боғлиқликнинг вакт масштаби 100–109 йилларға тенг бўлиши мүмкін. Масалан, атмосфера ва океаннинг ўзаро таъсирлашуви 100–102 йилни ташкил этади. Шундай қилиб, юкорида баён этилганлардан кўришиб турибдики, иқлим ўзгариши исталған геологик даврда рўй бериши мүмкін.

Иссикхона эфекти хосил килувчи газлар концентрациясининг ўсиши табиий иссиқхона эффектининг кучайишига ва Ер юзасининг исишига олиб келди. Агар тегишли чора кўрилмаса, келгуси юз йилликнинг ҳар ўн йиллигига харорат  $0,3^{\circ}\text{C}$  га ортади. Исиш, ўз навбатида, кутблардаги музликларнинг эришига ва Дунё океани сатҳининг кўтарилишига олиб келади: 2030 йилга бориб, дунё океани сатҳи ўртача 20 сантиметрга, XXI аср охирида эса 65 сантиметрга кўтарилади.

Башортларга кўра, бутун дунёда ёғин миқдорининг ортиши кутилади, лекин шунга ўхшаш тенденцияларнинг маҳаллий миқёсдаги ишончлилиги анча паст. Эҳтимол, XXI асрнинг иккинчи ярмида шимолий яримшарнинг ўрта ва юқори кенгликларида ҳамда Антарктида қишки ёғинлар миқдори ортади. Тропикларда эса, ишлаб чиқилған моделларга кўра, айrim ҳудудларда ёғин миқдори ортса, бошқа жойларда камаяди. Австралия, Марказий Америка ва Африканинг жанубий қисмida эса қишки ёғинларнинг камайишида барқарор тенденция кузатилади.

Юқори кенгликларда йилнинг қиши вақтида ёмғир ва қорининг кўп ёғиши тупроқнинг юқори даражада намланишига олиб келади. Лекин, ёзда хароратнинг юқори бўлиши тупроқ намлигининг йўқотилишига сабаб бўлади. Тупроқ намлигининг маҳаллий ўзгаришлари, албатта, қишлоқ хўжалиги учун жуда муҳимдир, лекин иқлимий моделлар ёрдамида уларни прогноз қилиш бугунги кунда ҳам анча мураккаб ҳисобланади. Ҳатто тупроқ намлигининг ёз даврларидағи глобал ўзгаришининг ишораси – ортиши ёки камайиши ҳам ноаник бўлиб қолмоқда.

Эҳтимол, экстремал об-ҳаво ҳодисаларининг тақрорлапиши ва жадаллиги ҳам ўзгараради. Кутилаётганидек, ўргача глобал

хароратнинг кўтарилиши билан иссиқ кунлар ва иссиқ тўлқинлар ортади ҳамда совуқ кунлар сони ва совуқ давр камаяди. Иқлимий моделлар ҳам, бир-бирига мос равишда кўрсатмоқдаки, кўпчилик минтақаларда экстремал об-хаво ҳодисалари тез-тез тақрорлапади. Бу эса континентал минтақаларда ёз мавсуми давомида курғоқчилик хавфининг ортишига олиб келади.

Яна шундай фактлар ҳам мавжудки, улардан маълум бўлишича, айрим минтақаларда кучли шамол ва жала ёмғирлар билан биргаликда кечадиган қаттиқ бўронлар ва довуллар тез-тез қайтарилади. Иқлиминг тез ва тўсатдан ўзгаришини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Лекин, денгиз сатхининг катастрофик қўтарилишига олиб келадиган, Фарбий Антарктика муз қалқонининг парчаланишига ўхшаш жуда кескин ўзгаришларнинг XXI аср давомида бўлиш эҳтимоли жуда кичикдир.

Худудий миқёсда иқлимга сезиларли таъсири кўрсагадиган океан циркуляцияларининг ўзгариши (масалан, Европани иситадиган Гольфстримнинг сусайиши) бир неча ўн йилликлардан кейин рўй бериши мумкинлиги ҳақидаги фактлар ҳам мавжуд. Лекин, шунга ўхшаш ўзгаришларнинг иссиқхона эффекти хосил қилувчи газлар таъсиридаги исиш сабабли рўй бериши мумкинлиги ҳозирча но-маълум. Гольфстримнинг кучсизланишини кўрсатадиган иқлимий моделлар ҳам келажакда бутун Европа миқёсида исиш бўлишидан дарак бермоқда.

Ер иқлими ҳозирнинг ўзидаёк ўтмишдаги иссиқхона эффекти хосил қилувчи газлар чиқиндиларига «мослашмоқда». Иқлимий тизим глобал энергетик балансни саклаш учун ҳам иссиқхона эффекти хосил қилувчи газлар концентрациясига «кўникини» лозим. Бу иқлим ўзгармоқда ва бу жараён иссиқхона эффекти хосил қилувчи газлар микдорининг ўсиши мобайнида давом этаверади деганидир. Бугунги кунда олимлар доимий равишда бойиб бораётган маълумотлар базасининг глобал исишнинг умумий кўринишларини тасдиқлаётганлигига ҳамда иқлимий системадаги бошқа ўзгаришларга ишонч хосил қилганлар.

Улчашлар натижасида олинган маълумотлар ўртача ҳаво хароратининг XIX аср охиридан бўён  $0,6 \pm 0,2$  °C га кўтарилганини қайд этмоқда. Бу кузатишлиар иқлиминг ҳозирги кунгача бўлган исиш даражасини прогнозлашда фойдаланиладиган моделлар асосида тузилган прогнозлар билан мос тушади.

Таъкидлаш лозимки, аэрозолларнинг совитувчи таъсири хисобга олингандан мослик янада ортади. Асосий исиш 1910-1940 йилларда кузатилган ҳамда 1976 йилдан шу кунгача давом этмоқда. Эҳтимол, шимолий яримшарда (тсигишли таҳтилни амалга оширишга имкон берадиган маълумотлар мавжуд бўлган минтақада) XX асрдаги исиш суръатлари ва давомийлиги охириги минг йилдаги ҳар қандай даврга нисбатан катта бўлди. Бундан ташқари, 1990 йиллар минг йилликнинг энг иссиқ ўн йиллиги, 1998 йил эса энг иссиқ йил бўлганга ўхшайди.

Бу даврда денгиз сатҳи ўртacha 10–20 сантиметрга кўтарилди. Чунки, океанлар юкори қатламларининг исиши билан сув кенгаяди, денгиз сатҳи эса кўтарилади. Моделлар асосида тахмин килиш мумкинки, ҳароратнинг бугунги кунгача  $0,6^{\circ}\text{C}$  исишининг ўзи денгиз сатхининг ҳозирги кундаги кўтарилишига олиб келиши керак эди. Лекин, бошқа, яъни прогнозлаш учун алча мураккаб бўлган ўзгаришлар, айниқса, кучли кор ёғиши, Гринландия ҳамда Антарктигадаги музларнинг эриши, шимолий материкларнинг кўп асрлик музликлардан аста-секин «халос» бўла бориши ҳам реал ва тасаввур қилинаётган денгиз сатҳига таъсир кўрсатади.

1960 йилларнинг охиридан бўён кор қоплами қалинлиги шимолий яримшарнинг ўрта ва юкори кенгликларида 10 фоизга камайган. XX аср давомида кўллар ва дарёларда йиллик музлаш даври тахминан икки ҳафтага қисқарганлиги эҳтимолдан холи эмас. Мана шу вақт мобайнида, кутбдан ташқари, кўпчилик минтақалардаги машҳур тоғ музликларининг деярли барчаси чекинди.

Охириги ўн йилликда Арктикада баҳор ва ёз вақтларида муз қопламининг давомийлиги 10–15 фоизга, музнинг қалинлиги эса ёзининг охири ва кузнинг бошида 40 фоизга камайди. Дунёнинг кўплаб минтақаларида ёғинлар миқдорининг ортиши кузатилмоқда. Ҳар ўн йилликда шимолий яримшарнинг ўрта ва юкори кенгликларида кўплаб минтақаларида ёғин миқдорининг  $0,5\text{--}1,0$  фоизга ортиши кузатилмоқда. Бу ҳолат булут қопламининг 2 фоизга ортиши шароитида рўй бермоқда. Курукликтарнинг тропик минтақаларида,  $10^{\circ}$  шимолий кенглик ва  $10^{\circ}$  жанубий кенгликлар оралиғида ҳам, айтиш мумкинки, атмосфера ёғинлари миқдори ҳар ўн йиллик давомида  $0,2\text{--}0,3$  фоизга кўпаймоқда.

Иккинчи томондан, XX аср давомида шимолий яримшарнинг субтропик миintaқаларида, яъни ўнинчи ва ўттизинчи шимолий параллеллар орасида ёғин миқдорининг ҳар ўн йиллик давомида 0,3 фоизга камайиши қайд этилди. Юқоридагилар билан бир қаторда Африка ва Осиёнинг айрим қисмларида кургоқчилик нинг такрорланиши ва жадаллиги ортди.

XX аср давомидаги икlim ўзгариши иссиикхона эфекти ҳосил қилувчи газлар ва аэрозоллар концентрациясининг ортиши билан боғлиқ холда кутилган оқибатлар билан мос тушади. Исишнинг маконда кузатилаётган қонуниятлари моделлар асосида тузилган прогнозларга мос келмоқда.

Масалан, Ер юзасидаги ўлчашлар ҳамда метеорологик зондлар ва сунъий йўлдошлар ёрдамида бажарилган ўлчашлар ҳам Ер юзасининг исиётганлигини, стратосферанинг эса совиётганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, Ер атмосфераси океанлар устида материклар устидагига қараганда секин исиди. Бу жараёнлар сувнинг юза қатламларининг қуий катламлари билан тез алмашинадиган ва иссиқликни океаннинг чукур қатламларига тарқатувчи миintaқаларда, айникса, сезиларли бўлади. Аэрозоллар таъсирига учраган миintaқаларда исиш суръатлари камаяди.

Глобал икlim ўзгаришининг энг нокулай оқибатлари сифатида қуидагиларни қайд этиш мумкин:

- кўпгина тропик ва субтропик миintaқаларда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ялпи камайиши кузатилади;
- мўътадил кентгликлардаги кўплаб миintaқаларда ҳосилдорликнинг ялпи камайиши маълум тебранишлар билан кузатилади, бунинг асосий сабаби, ўртача йиллик ҳароратнинг бир неча даражага кўтарилишидир;
- уй моллари ва ёввойи хайвонларга иссиқлик тазики ортади;
- тупроқ эрозияси ва шўрланиши кучаяди;
- сув етишмайдиган кўплаб миintaқаларда, айникса, субтропикларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган сув миқдори янада камаяди;
- сув ресурсларининг сифати ва миқдори камаяди;
- кучли ёғинлар ва дентиз сатхининг кўтарилиши тошқин хавфини оширади, бу эса ўн миллионлаб одамларни ҳалокатга олиб келади;

- тошқинлар ва қурғоқчилик миқёснинг ҳамда уларнинг Осиёнинг мўътадил ва тропик иклимли минтақаларига келтирадиган зиёни ортади;
- тошқинлар, тоғ кўчкилари, кор сурилмалари ва сел тошқинлари натижасида келадиган зиёни ортади;
- ўрмон ёнғинлари хавфи ортади;
- қирғоқбўйи эрозияси ва ундан қирғоқ бўйидаги иморатлар ва инфраструктурага бўладиган зиёни ортади;
- қирғоқбўйи экосистемасига, жумладан, маржон ороулари ва улардаги ранг-баранг жонзотларга катта зиёни етади;
- қурғоқчиликка учраган минтақаларнинг гидроэнергетик потенциали камаяди;
- ёзги ҳароратнинг кўтарилиши ҳавони совитиш мақсадида ишлатиладиган Энергияга бўлган талабни ортиради;
- туристик йўналишлар ўзгаради.

Таъкидлаш лозимки, иклим ўзгаришининг дунё бўйича қуидаги фойдали имкониятлари ҳам мавжуд:

- ўрта кенгликларнинг айрим минтақаларида ҳароратнинг бир неча даражага кўтарилиши туфайли қишлоқ хўжалиги экинлари хосилдорлиги ортади;
- ўрмончилик бўйича яхши тажрибага эга бўлган минтақаларнинг жаҳон бозорига таклиф этадиган ёғоч материаллари микдори ортади;
- айрим минтақалarda, масалан, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида сув кўпаяди;
- ўрта ва юқори кенгликлардаги аҳоли орасида қиши даврдаги ўлим камаяди;
- кинки ҳароратнинг кўтарилиши уй-жойларни иситишга сарфланадиган Энергияни камайтиради.

Бугунги кунда Ер юзасида аҳоли сонининг кескин ортиши, инсоният ўртасида табиий ресурсларга бўлган талаб ва эҳтиёжнинг тўхтовсиз ўсиши, фан ва техниканинг жадал ривожланиши, инсоннинг табиатта таъсир кучининг ортиб бориши бевосита Ер шари иклимининг ўзгаришига олиб келди ҳамда бу жараён шиддат билан давом этиб келмоқда. Бу каби жараёнларни қуидаги далиллар билан асослаб бериш мумкин:

- Ер сайдерасида атмосферанинг кимёвий, физик таркибига инсон фаолият таъсирининг ортиб бораётгани, озон қатла-

мини емирувчи турли ис газларини ҳамда карбонат ангидрид ва бошқа иссиқхона эффиқти ҳосил қилувчи газларни ва аэрозолларни чиқариш, турли органик ёқилғиларни ёкиш ва энергия сарфлаш орқали атмосфера ҳароратига кўрсатиляётган таъсирнинг ортиб бориши;

- табиий ресурсларнинг тез суръатлар билан ўзлаштирилиши (ер, сув, ўрмон, тоғ-кон) туфайли Ер сирти альбедосининг ўзгариши;
- дунё океани сув сатҳининг кўтарилиши ва сув таркибининг ифлюсланиши, бузилиши туфайли атмосфера – океан – қуруқлик тизимида кечадиган модда, энергия ва газ алмашинувига салбий таъсир кўрсатиши;
- Ер шарида бўлаётган турли этник низолар, давлатлараро келишмовчиликлар, урушлар, халқаро терроризм, майший ва саноат чиқиндиларининг табиатга тартибсиз катта миқдорда чиқарилиши;
- инсон омили таъсири туфайли Ер юзида модда, энергия алмашинуви туфайли, табиий, иқтисодий, ижтимоий жараёнлар шиддатининг ортиши;
- инсоният томонидан ўзга сайёralарни ўзлаштириш мақсадида ракеталарнинг космосга чиқарилиши натижасида озон қатламига етказилаётган зарар ва бошқалар таъсир қилмоқда.

*«2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиши соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида»* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сонли Қарорининг «Иклим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши кураш бўйича тезкор чораларни қабул қилиш» (13-мақсад) ҳамда «Қуруқлик экотизимларини химоялаш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш, ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг емирилишини тўхтатиш ва ортга қайтариш, биохилма-хилликнинг йўқолиб кетиши жараёнини тўхтатиш» (15-мақсад) тегишли бандларида бевосита иқлим ўзгаришини ва унинг таъсирини бартараф этиш ва унга қарши курашиш масалалари ўз ифодасини топган.

**Ўзбекистон ва унга туташ худудларда иқлим ўзгаришининг оқибатлари.** Ўзбекистон ва унга туташ худудлардаги иқлим ўзга-

риининг оқибатларига, биринчи навбатда, агроиклиний ва сув ресурслари ўзгаришларини киритиш мумкин. Улардаги ўзгаришлар республикамизда тарқалган тупроқлар хосса-хусусиятларининг ёмонлашувида, етиштирилаётган кишлок хўжалиги экинлари ўсib-ривожланишининг сустлашишида ҳамда Оролбўйи экологик ҳолатида ва, хусусан, Орол дengизида юзага келаётган салбий кўринишларда акс этади.

Ўзбекистон шимолидаги чўл минтақаларида куз даври бир муинча исийди ва унинг давомийлиги ортади. Асосий исин эса Кизилкўм округининг жанубий кисмига Чирчик-Охангарон, Ўрта Сирдарё, Фарғона ва Қашқадарё округлари (1–4, 9–11, 20–26, 30, 31)га тегишилдири. Умуман, мамлакатнинг чўл ва чалачўл минтақаларида энг юқори даражадаги ҳарорат ўзгаришлари киш-баҳор даврларига, сугориладиган худудларда эса ёзги-кузги даврга тўғри келади.

Қоракалпоғистонда барча мавсумларда ҳаво ҳароратининг сезиларли даражада кўтарилиши кузатилади. Натижада, худуднинг термик ресурслари ортади. Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида баҳор – 0,5–2,0 °C, ёз – 1,5–2,5 °C, куз – 0,5–2,0 °C, киш эса 1,5–3,5 °C га исийди. Бошка вилоятлarda ҳаво ҳароратининг баҳорги-ёзги-кузги давлардаги ўзгариши 1,5 °C дан ортмайди.

Исиш натижасида қурук тропиклар билан мўътадил иклим минтақалари орасидаги чегара шимолга томон 150–200 км га сурилади, баландлик иклим минтақаларида эса 150–200 метрга кўтарилади.

Агроиклиний ресурсларнинг ўзгариши ва унинг кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таъсирини баҳолашда базавий иклимий сценариялар сифатида юкорида кўриб чиқилган минтақавий иклимий сценариялар танлаб олинган. Улар 2030 йилгача бўлган ўзгаришларни баҳолашга имкон беради. Умумий сценариявий қийматлар Ўзбекистон худудининг реал иклимий хилма-хиллигига мослаштирилган ва шундан кейин улар агроиклиний округлар ва минтақалар гурухларига боғланган. Агроиклиний округлар ва минтақалар бўйича келажакдаги 2015–2030 йиллар давомида ўртача мавсумий ҳароратнинг ўзгариши 5,1-жадвалда кўрсатилган.

## 5.1 - жадвал

**Агроиклимий окружлар ва минтақалар бўйича ўртача  
мавсумий ҳаво ҳароратининг ўзгариши  
(1) 2005–2010 йиллар, 2) 2020–2030 йиллар)<sup>1</sup>**

Округлар	Минтақалар	Киш		Баҳор		Ёз		Куз	
		1	2	1	2	1	2	1	2
Устюрт, Шимолий Қорақум	1,4	1,0	2,0	0,5	1,0	0,5	1,2	0,7	1,5
Орол	2,3	1,3	2,8	0,5	0,9	0,8	1,6	0,8	1,3
Қўйи Амударё	5	1,0	2,7	0,2	0,6	0,5	1,0	0,4	0,6
Қизилқум	6–8	1,0	2,5	1,0	1,3	0,4	0,9	0,2	0,5
	9–10	1,0	2,5	0,1	0,2	0,2	0,7	1,6	2,2
Сандиқли	11	1,1	1,9	0,1	0,2	0,1	0,3	0,3	1,4
Чирчик-Оҳангарон	12–14	0,7	1,7	0,2	0,4	0,4	0,8	0,6	1,9
Ўрта Сирдарё	15–17	0,5	0,5	0,1	0,3	0,3	0,7	0,4	1,1
	18–19	0,6	21,2	0,2	0,4	0,1	0,2	0,3	0,7
Фарғона	20–26	0,7	1,6	0,3	0,8	0,6	1,0	0,7	2,0
Зарафшон	27–29	0,4	1,0	0,4	1,0	0,4	1,0	0,6	0,9
Қашқадарё	30–31	0,5	1,2	0,6	1,4	0,3	0,8	0,7	1,6
Сурхондарё	32,33	0,6	1,5	0,1	0,4	0,2	0,2	0,2	0,6

Изоҳ: округлар (минтақалар номери): 1 – Устюрт, 2, 3 – Орол, 4 – Шимолий Қорақум, 5 – Қўйи Амударё, 6–10 – Қизилқум, 11 – Сандиқли, 12–14 – Чирчик-Оҳангарон, 15–19 – Ўрта Сирдарё, 20–26 – Фарғона, 27–29 – Зарафшон, 30–31 – Қашқадарё, 32–33 – Сурхондарё.

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, чўл ва ҷалачўл яловлари, Қўйи Амударёнинг сугориладиган дехқончилик минтақалари ҳамда Чирчик-Оҳангарон агроиклимий минтақалар гурухи учун сезиларли даражадаги кишиги исиши хосдир. Баҳорги исиши эса республика шимолидаги яловларда ва Қизилқум округи минтақалари ҳамда Зарафшон ва Қашқадарё округининг сугорма дехқончилик минтақаларида намоён бўлади. Ёзги исиши шимолий чўл яловлари, Қўйи Амударёдаги сугориладиган ерлар ва Фарғона, Зарафшон ҳамда Қашқадарё округлари (1–8, 12–14, 30–31)нинг сугориладиган минтақалари учун хосдир.

<sup>1</sup> В.Е. Чуб. «Изменение климата и его влияние на природно-ресурсный потенциал Республики Узбекистан», 2000 й.

Республика агроиклиний ресурсларининг хилма-хиллиги, уларнинг йиллараро ўзгарувчанлиги ва икlimнинг мумкин бўлган ўзгаришлари билан боғлиқ ҳолда ҳаво ҳароратининг тахмин килинаётган ўсиши, уларнинг қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигига ҳар томонлама таъсирини ҳисобга олишни талаб этади.

Атроф-мухитда карбонат ангидрид концентрациясининг ортишидан келиб чиқадиган бевосита эффект кўпгина қишлоқ хўжалиги экинларининг ўсиши ва ҳосилдорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Ўсимликлар вегетациясининг барча кулагай шароитлари билан бир қаторда карбонат ангидрид гази концентрациясининг икки марта кўпайиши жўхори, пахта, тарик, сабзавот экинлари ҳамда буғдой, шоли, ария, сўли ҳосилдорлигини 1% дан 10% гача ошириши кузатилган.

Карбонат ангидрид гази концентрациясининг ўсиши айrim нокулай шароитларда, масалан, нам стишмаслигига ҳам, экинлар маҳсулдорлигига ижобий таъсир кўрсатади. Шу билан бирга, курғочиликка учраган лалмикор дехқончиликда ҳосилдорликнинг йиллараро тебраниши ҳам камайиши мумкин. Лекин, карбонат ангидрид гази концентрациясининг ўсиши шароитида экинларни парваришилаш, тупроқни зарур моддалар билан тўйинтириш ҳосилдорликнинг янада юқори даражада бўлишини таъминлайди. Барча қишлоқ хўжалик экинлари учун ҳосилдорликнинг энг юқори даражада ортиши ўртacha 20–40 фоизга етиши мумкин.

Иқлимий спенаријаларга кўра, ёзги ҳароратнинг ўсиши унча катта эмас, лекин қишлоқ хўжалиги экинларини парваришилашда нокулай ҳисобланган ўта иссик кунлар сони ортиши мумкин.

Ўзгидрометта қарашли Гидрометеорология илмий текшириш институти олими А.Х.Абдулаевнинг маълумотларига кўра, максимал ҳаво ҳароратининг  $40^{\circ}\text{C}$  юқори бўлиши тропик ва мўътадил минтакаларда қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришида, айникса, уларнинг гуллаш даврида нокулайлик келтириб чиқаради. Ҳаво ҳароратининг  $25^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлиши карамга,  $27\text{--}29^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлганда картошкага,  $35\text{--}40^{\circ}\text{C}$  – помидорга,  $39\text{--}40^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлиши эса полиз ва техника экинларига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳаво ҳароратининг  $25^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлган кунлар сонининг 10–30 кундан 50–70 кунларгача ортиши карам ҳосилдорлигини

10–55 фоизга камайтиради. 35–40°C ҳароратли кунлар сонининг 10 дан 50–80 кунгача кўпайиши помидор ҳосилдорлигини 10–50 фоизга камайтиради. Полиз экинлари учун ҳаво ҳароратининг 40°C дан юқори бўлган кунлар сонининг 5 дан 25 гача ортиши, ҳосилдорликни 9–42 фоизга камайтиради.

Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида 30°C дан юқори ҳарорат кузатилган кунлар сонининг меъёрга нисбатан 15 кундан 30 кунгача ортиши, пахта ҳосилдорлигини 9–22 фоизга, қолган пахта етиштирувчи минтакаларда эса 0–8 фоизга камайтиради.

Ўзбекистонда иқлимининг минтақавий ўзгариши экстремал об-ҳаво ҳодисалари сонининг ортишига туртки бўлади, яъни курғокчилик даврлари ва ёзги юқори даражаларнинг ортиб кетиши, сув ресурсларининг шаклланиш режими, ерларнинг деградацияси (бузилиш) ҳолатлари буларга мисолдир. (Иқлимининг ўзгариши тўғрисидаги БМТнинг Ҳадли Конвенцияси бўйича Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Миллий ахбороти, 1999).

Иқлим прогнозлари шуни кўрсатмоқдаки, минтақада: вилоятлар бўйича фарқли 2050 йилга келиб ўртacha бир йиллик 1,9–2,4 °C даражага ошади, энг кўп исини даражаси қишики ва баҳорги давларга тўғри келади; ёғингарчиликнинг ўртacha бир йиллик сони 15–18 фоизга ортади, бу давр кўпроқ ёз пайтига тўғри келади; ҳаво даражасининг ошиши билан боғлиқ бўлган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарилишининг ёмонлашуви ва янада хавфли шарт-шароитлари сабабли қишлоқ хўжалик экинларининг эвалотранспирацияси ошиши вужудга келади; Орол денгизи ҳавзасида прогноз қилинаётган сув етишмовчилигининг босқичма-босқич ўсишига олиб келади. Шунингдек, куйидагилар прогноз қилинмоқда: сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиб бориши натижасида ҳамда Амударё ва Сирдарё дарёларидан сувнинг кафолатли олиб қолиниши ҳажми-пинг қисқариши холатида сувнинг тақчилиги 500 фоиздан ортиб кетиб, 2005 йилдаги 2 км<sup>3</sup> дан 2050 йилга келиб 11–13 км<sup>3</sup> га етади; натижада, айникса, шимолий туманларда вегетация даврининг чўзилиши, бу, ўз навбатида, қишлоқ хўжалик экинларининг янгитдан экилиши учун имкониятлар беришига олиб келади (Иқлимининг ўзгариши тўғрисидаги БМТнинг Ҳадли Конвенцияси бўйича Ўзбекистон Республикасининг Иккинчи Миллий ахбороти, 2008).

Иқлимининг ўзгариши, бу – нафақат истиқболнинг, балки бугунги куннинг ҳам муаммосидир. Замонавий дехқончилик стра-

тегияси мазкур стресс ҳолатларининг вужудга келишини ҳисобга олиши керак. Ўзбекистонда тупроқдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, икlim ўзгариши шароитларида табиий ресурсларни муҳофаза қилиш хамда оқилона фойдаланишнинг умумий муаммоларида алоҳида ўрин тутади. Тупроқ ресурслари майдони ва сифати жиҳатидан чегараланган. Уларнинг замонавий ҳолати ҳавотирга солади, чунки охирги 30–50 йилда тупроқ, гумус ва озикланиш элементлари билан бирлашиб кетган, шўрланишга, сув ва шамол эрозиясига учраган, оғир металлар, фоторидлар, агрохимикатлар билан ифлюсланган.

Мамлакатимиз ҳудудларининг 76 фоизи кенглиқ тупроқ-иклим зонаси тизимидағи чўл минтақасига киради, ушбу минтақада сур-қўнғир, тақир тупроқлар ва тақирлар, кумли чўл тупроқлари, шўрҳоклар ва гидроморф тупроқлар тарқалган. Ушбу ҳудудларда қурғоқчилик, чўлланиш ва шўрланиш ҳавфи ортиб боради, кучли иссиқ, қурғоқчилик ва сув етишмовчилиги кузатилади, натижада, экин унумдорлиги пасайиб кетади. Шунингдек, мамлакатимиз ҳудудларининг 23,4 фоизини баландлик минтақалари ташкил этади ва бу ерда – оч тусли, типик ва тўқ тусли бўз тупроқлар, карбонатли, типик ва ишқореизланган тоғ жигарранг, тоғ қўнғир, қўнғир-ўрмон, оч тусли қўнғир, ўтлоки-дашт тупроқлар, шунингдек, баландлик минтақаларининг гидроморф тупроқлари тарқалган.

Мазкур зонада мевали экинлар учун совук уриши ҳавфи, қурғоқчилик ҳавфининг юкорилиги, қор эришининг тезлиги ва ўзгариши даврининг оргиши эрозия ёки сел уриши ҳолатларига олиб келиши мумкин. Шу боис, бу минтақада тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган муҳим вазифалардан бири тупроқ эрозиясига қарни курашиш муаммолари ҳисобланади.

Иклимининг ўзгариши шароитларида кейинги йирик муаммолардан бири бу тупроқнинг шўрланиши муаммолари. 2012 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг суғориладиган ерлари умумий майдонидан шўрланган ерлари майдони 49 фоизни ташкил қилади.

Мазкур муаммога дуч келган энг катта майдонлар Қорақалпогистон Республикасида, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм, Сирдарё, Жиззах ва Фарғона вилоятлариададир. Иклимининг ўзгариши натижасида аэрация зонасида еости сувларининг жадал сарфланиши кутилмоқда, бу эса, ўз навбатида, иккиламчи шўрланишнинг ривожланишига олиб келади. Бир қатор туманларда шўрланиш

кийин сугориладиган гипслашган тупроқларнинг шаклланиши баробарида вужудга келмоқда. Гипслашган тупроқларнинг умумий майдони 301,7 минг гектарни ташкил этади, улар Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларида ҳамда Фарғона водийсида кенг тарқалган.

Шундай экан, иқлим ўзгаришида ердан фойдаланишин мослаштириш учун иккиласмиш шўрланишнинг олдини олиш бўйича ишларни олиб бориши, тупрокнинг деградациясини тўхтатиш имконини берадиган амалий чора-тадбирларни қабул қилиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Бу борада, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш, бузилган ерларни, жумладан, ўтилоқ ерларни қайта тиклаш (рекультивация қилиш), тупрок эрозия ва шўрланишдан, чўлланиш, ифлосланиш, зичланиш, тупрок унумдорлигини ҳамда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишга таъсир кўрсатадиган бошқа салбий оқибатлардан ҳимоя қилиш бўйича тезкор чораларни кўриш лозим.

Юқорида баён этилганларни ҳисобга олган ҳолда, иқлим ўзгаришига агросферанинг мослашуви шароитларида тупроқшунослик соҳасини ривожлантиришда асосий устувор масалалар қуидагилар ҳисобланади:

- унинг биологизация шароитларида, иқлим ўзгаришига дехқончиликнинг мослашуви шароитларида арид (курук) ерга ишлов бериш жараёнларини ўрганиш;
- шўрланиш, эрозия, дегумификация, гипсланганилиги, оғир металлар билан тупрокнинг ифлосланиши, фторидлар ва агрохимикатларга қарши курашиш назарияси асослари ҳамда самарадор усуулларини ишлаб чиқиш;
- тупрокнинг биологик фаоллиги, турли тупроқ-иқлим ва агроценоз шароитларида унинг ҳайвонот оламини ўрганиш ва мақбуллаштириш. Тупроқ унумдорлигини тиклаш ва ошириш биологик усуулларини ишлаб чиқиш;
- тупрок ресурсларидан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилиши соҳасида янги агротехнологиялар, биотехнологияларни, ГИС технологияларни янада ривожлантириш ва кенг жорий этиши;
- ўғитлар ва ташки мухит факторлари самарадорлиги ўртасидаги ўзаро ҳаракатни ўрганиш. Ҳар бир ўсимликнинг аник нави озиқланишини ўрганиш. Дехқончилик тизимининг янги

- мослашувига қўллаш мумкин бўлган минерал ўғитлардан фойдаланишининг янги тизимини ишлаб чиқиш;
- дехкончиликнинг мослашувчан-ландшафт, экологик хавфсиз тизимини ишлаб чиқиш. Алмашлаб экишининг илмий-асосланган схемасини жорий этиш, қишлоқ хўжалик экинларини навбатлаб экиш ва жойлаштириш. Сувни тежаш технологияларидан фойдаланиш:
  - тупроқлар ва агроландшафтлардаги углерод балансини, ҳайдаладиган тупроқлардаги углеродни депозитлаштириши ва эмиссиясини, агроценозларни упумдорликка таъсирини ҳамда мазкур жараёнларни бошқариш имкониятларини ўрганиш;
  - ўрмон ресурслари (тоғ, чўл, тўқайлар)ни саклаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, тупроқни эрозия, шўрланишдан, икlim ўзгаришининг салбий оқибатларидан химоя килиш мақсадида ўрмон мелиорациясини олиб бориш;
  - Орол денгизи ва унга тегишли майдонларнинг куриган тубидан фойдаланиш мақсадида тадқиқотлар ўтказиш;
  - икlim ўзгариши оқибатларини юмшатиш бўйича ҳалқаро ҳамкорлик олиб бориш, мазкур глобал муаммони ҳал этишда келишилиб олинган қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш;
  - агросферага, шунингдек, миintaқанинг тупроқ қатламига икlim ўзгаришининг таъсири бўйича мониторинг тадқиқотларини олиб бориш. Ахборотни йиғиши ва тарқатиш, у билан алмашиш тизимини ривожлантириш, арид (куруқ) миintaқа худудлари учун экологик тоза, ресурсларни тежайдиган технологиялар бўйича ягона маълумотлар базасини яратиш.

Охирги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатлари ўз қонунчилик хужжатларига ва сиёсий қарорларни қабул қилиш жараёнига барқарор ривожланиш тамойилларини киритишга ҳаракат қилмоқдалар. Табиийки, барча мамлакатлар учун бирдай бўлган намунанинг ўзи йўқ. Бироқ, табиий мухит ва атроф-мухитдан фойдаланиши масалаларида аҳоли, эҳтиёжлар ва технологиялар мухим аҳамият касб этиши умумий жиҳатдан тан олинган. Ҳусусан, бир худудда кўп энергия ва хомашё сарфловчи, самарадорлиги паст ва табиатни ифлословчи саноат технологиялари асосий муаммоларни келтириб чиқарсалар, бошқасида эса атроф-мухит

ва инсонларнинг саломатлигига зарап келтирувчи истеъмол одатларидан воз кечиш мاشақатлари бунга сабаб бўлади; учинчι бир турдаги мамлакатларни эса аҳолининг ҳаддан зиёд кўпайиб кетиши ва қашшоқлик муаммолари безовта қилади.

Иқтисодиётлари узоқ муддат собиқ умумиттифоқ халқ хўжалиги мажмуасининг бир қисми бўлган ва Марказга ҳаддан зиёд қарам бўлган Марказий Осиёнинг бу мустақил давлатлари учун баркарор тараккиётнинг зарурлиги кун каби равшан эди. Дархол фойда олишни ўйлаган, хилма-хилликни ҳам, табиат ҳамда ҳудудлар ривожланиши учун салбий оқибатларни ҳам ҳисобга олмаган Собиқ Совет давлатидаги режали иқтисодиётнинг авторитар тамойиллари Марказий Осиёдаги аксарият ҳудудларда экологик таназзулнинг келиб чиқишига асосий сабаб бўлди.<sup>1</sup>

Ягона маънавий-тариҳий, иқтисодий ва экологик асосга эга бўлган Марказий Осиё мамлакатлари умумий сув ҳавзалари орқали ўзаро чамбарчас боғланган бир ҳудудида жойлашганилигидан эса экология тизими тартибицинг ҳатоларига жуда таъсирчан ҳисобланади. Шу тарзда собиқ Иттифоқда Марказқўм раҳбарлиги остида Ўзбекистонда факат пахта яккаҳоқимлиги ўрнатилган ва ўлкада факат пахта экилган. Бунинг оқибатида эса курратли, лекин ўта истрофгар ирригация ва сугориш тизими вужудга келган. Пахта далаларидаги сувдан фойдаланишнинг самараси эса жуда пастилигича қолаверган. Бунинг баробарида, ҳудуднинг экологик ҳолати, маҳаллий олимлар, мутахассисларнинг фикри, аҳолининг минг йиллик анъаналари ҳам ҳисобга олинмаган.

Ҳудуднинг, жумладан, Ўзбекистоннинг сув-ер, меҳнат ва бошқа ресурсларидан нооқилона фойдаланиш натижасида ўплад миллион аҳолининг ҳаёт тарзи ва саломатлигига путур етказган, бутун жамоатчиликни ларзага солган Орол инқизози юзага келган. 1965 йилдан 1990 йилгача бўлган муддатда Орол денгизи ҳавзасидаги сугориладиган ҳудудлар ҳажми икки баробардан кўпроққа ошган ва бунда ҳудуднинг табиати эмас, балки кенг пахтазорларнинг эҳтиёжини қондиришга асосий эътибор қаратилиган. Фоя эса оддий – собиқ СССРнинг улкан ҳарбий ва тўқимачилик

<sup>1</sup> Баркарор тараккиёт ва табиатшунослик асослари. Олий ўқув юртларининг барча таълим йўналишлари учун дарслерик. [А.Эргашев ва бошк.] -- Т.: «Baktria press», 2016. 296-б.

саноати соҳасининг эҳтиёжлари учун имкон қадар кўп, арzon пахта ишлаб чиқариш эди.

Пировардида эса Орол денгизи, унинг ҳавзаси экология тизимиға мўлжалланган сувни тўсиш ва бошқа тарафларга буриш фожиали оқибатларга олиб келди. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб Орол денгизининг кирғоклари 120–150 км га чекиниб, ортидан 5 млн гектардан ортиқ дengиз туби очилди ва бундан у 80 фоиздан кўпроқ сув ҳажми ва 60 фоиз худудидан маҳрум бўлди. Энди эса бу «Оролқум»дан юзлаб миллион тонна туз, кум ва заҳарли қолдиклар шамоллар орқали сайёрамизнинг ҳаво қатламига ёйилиб бормокда.<sup>1</sup>

Янги ерларни ўзлаштириш баробарида, худуднинг трансчегарвий дарёларининг бутун соҳаси бўйлаб ёйилган, юзлаб турдаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ягона яшац, кўпайиш ерлари бўлган тўқай, ўрмонлар ва бошқа яшил ўсимликлар майдони кескин камайиб кетди. Энди эса улар буткул йўқолиб кетиш ҳавфи остида ёки уларнинг лотин тилидаги номлари Қизил китобнинг зарварақларини тўлдиришдан бошқага ярамай қолмокда. Жиддий олиб қарайдиган бўлсак, бу йўқотишларнинг биоценоз ва эволюция учун оқибатини тасаввур килиш жуда ҳам қийин. Уларнинг ҳудуд учун экологик ва иқтисодий жиҳатдан тахминан ҳисоблашнинг ҳам имкони йўқ ҳозирги кунда, аҳамиятини эса гапирмаса ҳам бўлади.

1960 йиллар охиридан бошлаб Орол денгизининг қуриб қолган туби фаол дефляция – тузли қум кўчишининг асосий кенгайиб борувчи ўчоғи сифатида белгиланди. Бу ерда 3,5 млн. гектар майдонда юкори метр қатламида мавжуд туз қатлами 1,5 млрд. тонна атрофида баҳоланади. Орол денгизи қуриб қолшининг салбий оқибатлари нафақат туташ зонада иқлим кўрсаткичлари ўзгариши билан минтака ҳудудининг чўлланиш майдонини иириклиштириб борадиган кўчма қумлар билан дengиз тубининг тўлишида, балки дengизнинг қуриётган тубидан хўжалик фаолияти зонасига тузли қум кўчишининг кучайишида намоён бўлади.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ў.А. Набиев. Иқлим ўзгариши, унинг таъсирини тушуниш ва ҳавфли оқибатларини баҳолаш, Ўзбекистонда иқлим ўзгаришига мослашиш чора-тадбирлари ва кўллаш чоралари: хорижий тажриба. – Т.: 2018. 63-б.

<sup>2</sup> Гафурова Л.А., Абдурахманов Т.А., Жабборов З.А., Саидова М.Э. Тупроклар леградацияси. Ўқув кўлланма. – Т.: 2012. 218-б.

## 5.2. Оролбүйи миңтақасида экологик фожиани бартараф этиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси

1995 йил 18-20 сентябрь кунлари ўтказилган «Орол деңгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш» бўйича БМТ конференцияси давомида бешта Марказий Осиё мамлакатларининг Президентлари томонидан илк бор тарихий Нукус декларацияси имзоланди ва, унга биноап, бу мамлакатлар барқарор ривожлантириш ва «XXI аср учун кунтартиби»га қатъий тарзда тараффор эканликлари ўз тасдиғини топди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, ахоли саломатлигини химоялаш масалаларига эътибор янада кучайиб, мазкур соҳаларда ижобий ўзгаришлар рўй бермокда.

Айниска, миңтақадаги глобал экологик муаммо ҳисобланган Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш ва Оролбўйи миңтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, ҳудуднинг экологик ҳолатини соғломлаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Дарҳақиқат, Орол деңгизи фожиаси натижасида сув ресурслари танқислиги, ер деградацияси, чўлланишнинг кучайиши, биохилма-хилликнинг кескин камайиши ва бошка жиддий икlim ўзгаришлари тобора чуқурлашиб бораётгани нафақат миңтақамиздаги, балки дунёдаги экология ва атроф-мухит муҳофазасига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсонда жиддий ташвиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир катор фармон ва қарорлари хамда ҳукуматнинг қарорлари мазкур экологик муаммони ҳал этиш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини янада оширишга хизмат килмоқда.

Атроф-мухитни  
муҳофаза қилиш ва экологик  
ҳолатни яхшилашга эътибор-  
ни кучайтиришимиз керак.  
Аввало, Орол фожиаси оқи-  
батларини юмшатиш бўйича  
бошлаган мисли кўрилмаган  
ишларимизни давом эттириб,  
деңгизнинг қуриган тубида ўр-  
монзорларни кенгайтиши, Ну-  
кус, Урганч ва Хива шаҳарлари  
атрофида «яшил белбог»лар  
барпо этишимиз лозим.

Шавкат Мирзиёев


Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига 2020 йил 24 январда йўллаган Мурожаатномасида истиқболдаги максадлар қаторида экосферарадаги устувор вазифалар ҳам тилга олинди. Оролбўйи борасида илгари амалга оширилган чора-тадбирларнинг давоми бўладиган қатор лойихалар режалаштирилган. Бу Орол дентгизининг куриган тубида ўрмонлар ҳосил килишга ҳам, шунингдек, экологик оғат худудидаги вазиятни яхшилашта ҳам тегишилди. Бундан ташқари, «яшил белбоғ» яратиш ташаббуси ҳам тилга олинди. Улар Нукус, Урганч ва Хивани қамраб олади.

Орол дентгизи собик ноёб, гўзал ва дунёдаги энг йирик ёпик сув ҳавзаларидан бири эди. Деярли бир авлод умри давомида йўқ бўлиб кетиши ёқасида келиб қолди, мисли кўрилмаган фалокат ва шу ерда яшовчи аҳоли хаётига, экотизим ҳамда биохилма-хилликка тузатиб бўлмас зарар етказди. Инсоннинг ахлоқни ва виждонни ўқотипи, хўжасизлик – экологик фожианинг бош сабабидир.

Ер юзидағи экологик инқирозлар асосини иафақат миллый тараккиёт даражаси ва йўли ёки жамият мафкураси эмас, балки, энг аввало, табиат олдида етарли даражада масъулиятни хис эт-маслик ташкил этади. Ёвузликнинг илдизи шундаки, атроф-муҳит одамларнинг умумий мулки деб эълон қилинди, яъни у мулкнинг жамоавий тури хисобланди.

Аммо, табиат инсониятдан уч ола бошлаганда экологияни асрлаб-авайлаш хакида эслаб қолади. Орол дентгизининг ҳалокатига нима сабаб бўлди, деган саволга тўғридан-тўғри жавоб бор: қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва саноатлаштириш экологик инқирозга олиб келган асосий таъсир омилларидир. Ўз-ўзидан аёнки, мазкур ривожлантириш 1930–1980 йилларда амалга оширилган, Марказий Осиё республикалари раҳбарияти Амударё ва Сирдарёдан сув олиб қўйилса, Орол дентгизи куриб қолишини тушунган ва билган, албагта. Лекин, икки дарёдан улкан миқдордаги сувни олиш 1990 йилларга қадар давом этган, бу эса Орол дентгизининг ҳалокатига сабаб бўлган.


Антрапоген омиллар табиий факторлар билан биргаликда (иқлиминг қуруқ (арид)лиги – юкори ҳаво ҳарорати, кучли буғланиш ва кам ёғингарчиликларнинг қўшилиб келиши) Орол дентгизининг ўлимига олиб келди. Амударё ва Сирдарёдан дентгизга сув қанча кам қўйилса, у шунча саёзлашиб бораверди, ундаги бор



5.1-расм. Қарақалпогистон Республикаси ҳудудидаги мухофаза қилинадиган табий худудлар (минг гектар ҳисобида).<sup>1</sup>

сув ҳам жуда тез исиб, буғланиш осонлашди, бу эса унинг куришини тезлаштириди.

Қарақалпогистон Республикаси ҳудудидаги мухофаза қилинадиган табий худудларга ажратилган ер майдони умумий майдони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2009 йилларда 6,5 минг га майдон мухофаза ҳудуди сифатида ажратилган бўлса, 2019 йил якунларига кўра, 697,2 минг гектарга етди. Айтиш жоизки, ушбу ер майдонининг ортишига асосий сабаб Орол денгизи куриши натижасида денгиз сатҳининг курғоқлашиши оқибатида содир бўлмоқда (5.1-расм).




5.2-расм. Қарақалпогистон Республикаси бўйича аҳоли уйларининг ичимлик суви билан таъминлангани (жами уйларга нисбатан фоизда).<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари.

<sup>2</sup> Ўша манба.

Расмий статистик маълумотларга кўра, Қорақалпоғистон Республикаси худудида истиқомат қилувчи аҳолининг ичимлик суви билан таъминланиш холатига аҳамият қаратадиган бўлса, 2010 йилда 69,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йил якунларига кўра 52,9 фоизни ташкил этган ҳолда, 2010 йилга нисбатан 16,7 фоизга камайган. Айтиш жоизки, ушбу ер майдонининг ортишига асосий сабаб Орол денгизининг қуриши натижасида денгиз сатхининг курғоқлашиши оқибатида содир бўлмоқда (5.2-расм).



**5.3-расм. Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли жон бошига умумий даромадларнинг ўтган йилга нисбатан реал ўсиш суръати (фоизда).<sup>1</sup>**


Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Оролбўйи мунтакасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»<sup>1</sup>ги 2017 йил 18 январь, ПҚ-2731-сон Қарорига мувофиқ Оролбўйи мунтакасида экологик ва ижтимоий-иктисодий вазиятни, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилашга, Орол денгизининг экологик фалокати оқибатларини юмшатиш бўйича инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали рўёбга чиқаришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида белгилаб олинди:

- яиги иш жойларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, мунтакаининг инвестициявий жозибадорлигини яхшилаш борасидағи комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
- сув таъминоти тизимини ривожлантириш ва аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражасини ошириш, ка-

<sup>1</sup> Узбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари.

- нализация, санитария ва майший чиқиндилардан фойдаланиш тизимларини яхшилаш;
- минтақада соғлиқни сақлаш тизимини янада ривожлантириш ва ахоли генофондини асраш тадбирларини амалга ошириш;
  - минтақада яшовчи ахолининг уй-жой шароитларини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишини давом эттириш, кўп квартирали уйларда уй ичи муҳандислик коммуникациялари ва умумфойдаланадиган жойларни таъмирлаш, шунингдек, болалар ва спорт майдончаларини барпо этган холда уйларга туаш худудларни ободонлаштириши;
  - минтақа ахоли пунктларининг транспорт, муҳандислик ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, суғориш ва ташки ёритиш тармокларини такомиллаштириш, Нукус ва Урганч шаҳарларининг замонавий энергия тежайдиган технологияларни жорий этган холда иссиқлик таъминоти тизимларини яхшилаш.<sup>1</sup>

Статистик маълумотларга асосланиб, Қорақалпоғистон Республикасининг ялпи худудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан фоизда).<sup>2</sup>



**5.4-расм.** Қорақалпоғистон Республикасининг ялпи худудий маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан фоизда).<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўрисида»ги ПҚ-2731-сонли Карори. Тошкент, 2017 йил 18 январь.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти маълумотлари.

2010 йилда 113,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йил яқунлари га кўра, 106,8 фоизни ташкил этган ҳолда, 2010 йилга нисбатан 6,6 фоизга камайган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2020–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 11 ноябрь, ПҚ-4889-сонли қарорига кўра Қорақалпоғистон Республикасининг мавжуд ижтимоий-иктисодий, шу жумладан, ишлаб чикириш ва инвестиция салюциятидан самарали фойдаланиш, худудда муҳандислик-коммуникация, ижтимоий ва ишлаб чикириш инфратузилмаларини яхшилаш, иктисодиёт тармокларини баркарор ривожлантириш, шу асосда аҳоли бандлигини тъминлаш ва турмуш даражасини ошириш вазифалари белгилаб олинди.<sup>1</sup>

### **5.3. Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иктисодий вазиятни, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш истиқболлари**

Мамлакатимиз раҳбари 2017 йил февраль ойида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлади. Ҳужжатда глобал иклим ўзгариши ва Орол денгизининг куриши салбий оқибатларини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўришнинг аҳамияти кайд этилган. Шу мақсадда Президент 2017 йил 18 январда «2017–2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорни имзолади. Унда сув таъминоти тизимини ривожлантириш ва аҳолининг тоза ичимлик суви билан таъминланиш даражасини ошириш, канализация, санитария ва майший чиқиндилардан фойдаланиш тизимларини яхшилаш; минтақада яшовчи аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш; минтақа аҳоли пунктларида транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, сугориш тармоғини такомиллаштириш ва замо-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2020–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4889-сонли Қарори. Тошкент ш., 2020 йил 11 ноябрь.

навий энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш назарда тутилади.

2018 йилнинг ноябрь ойида БМТнинг Нью-Йорклаги штаб-квартирасида «Баркарор ривожланишини қўллаб-куватлашда стратегиялар комплекси йўналишида мінтақавий ва халқаро ҳамкорликка кўмаклашиш» юқори даражадаги маҳсус тадбири бўлиб ўтди ва унда БМТ Оролбўйи мінтақаси учун Инсон хавф-сизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида Траст фонди (КТШАТФ) фаолияти расман йўлга қўйилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил 27 ноябрда Тошкентда БМТнинг собиқ Бош котиби Пан Ги Мунни кабул қилди ва у Ўзбекистон раҳбарининг Оролбўйи мінтақаси учун КТШАТФни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Оролбўйи Халқаро инновация марказини ташкил этиш борасидаги ташаббусини қўллаб-куватлади.

Президент Шавкат Мирзиёев билан Тошкентдаги учрашувда биз кенг кўламли масалалар билан бир қаторда, жумладан, Орол денгизидаги табиий оғат оқибатлари билан курашиш учун халқаро допорлар ҳамжамиятининг саъй-харакатлари ва ресурсларини жалб қилишни ҳам муҳокама қилдик, – деди жаноб Пан Ги Мун.

2018 йилнинг декабрь ойида мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Мўйноққа ташриф буюрди ва вазиятни янада яхшилаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар ташабbusи билан чиқди. Ушбу ташриф натижасида Вазирлар Мажкамасининг 2019 йил 16 январда «Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйнок туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори кабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари Мўйноққа ташрифи чоғида Орол денгизининг қуриб қолған тубига ҳимоя-ўрмон ўсимликларини экишни тезлантириш бўйича ҳам кўrsагтмалар берди. 2018 йилнинг декабрь ойида 2019 йил охирига қадар 1 миллиондан зиёд гектар майдонни камраб олиш мақсадидаги ишлар бошлади. 2019 йилнинг 1 апрелига қадар жами ўрмон экиш ишлари режалаштирилган 500 минг гектар майдондан 451,6 гектарига ўсимликлар экилди. Бу чора-тадбирлар ўсимликлар биохилма-хиллигини тиклаш ва чорвачилик учун базани ривожлантириш ҳамда йўқолиб бораётган ноёб фаунани саклаб колиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш имконини бермоқда. Шунингдек, Тикланиш оролидаги собиқ дала тадкиқотлари биола-

**Коракалпогистон Республикасида 2017–2021 йилларда аҳолининг тоза ичимлик сувидан фойдаланиш имкониятини яхшилаш бўйича мақсадли параметрлар (МИНГ КИШИ)**

№	Оқруглар	2016 йилда марказаваштариғлан сув таъминоти орқали етказиб берилган аҳоли, Умумий аҳолига нисбатан улуши, фонди хисобуда киши		2017 йилда марказаваштариғлан сув таъминоти орқали етказиб берилган аҳоли, Умумий аҳолига нисбатан улуши, фонди хисобуда киши		Шу жумлашвон, түйинланган чора-табкорларин амалга ошириш очилиши:	Мубораб минбадарни (зачатар, муассиз, арикдар) шигаргарсан ахоли чиаш таркиби
		50,8	50,9	74,0	234,2	11,5	169,9
1.	Амударё тумани	41,7	22,5	91,9	49,5	26,9	1,8
2.	Беруний тумани	57,8	32,6	106,7	60,2	27,0	0,3
3.	Контиқуп тумани	28,0	58,0	42,5	87,9	7,4	1,1
4.	Караёзак тумани	17,8	35,0	30,9	60,8	6,9	0,7
5.	Кегейли тумани	35,4	40,8	60,9	70,0	13,5	1,1
6.	Кўнчирад тумани	76,6	62,0	92,8	75,1	8,8	0,3
7.	Мўйнок тумани	10,5	34,7	17,9	59,3	3,7	0,8
8.	Нукус тумани	20,0	43,4	34,7	75,3	7,7	0,9
9.	Тахтакүйир тумани	22,5	57,5	32,0	81,8	5,2	0,2
10.	Тўртқуп тумани	76,3	38,2	130,8	65,5	29,8	0,9
11.	Хўжайи тумани	127,7	68,1	167,5	89,4	21,6	0,8
12.	Чимбой тумани	45,8	41,2	80,0	72,0	18,5	0,9
13.	Шуманай тумани	21,4	39,5	37,0	68,2	8,2	0,7
14.	Эллиқкалья тумани	45,6	31,1	95,5	65,1	27,3	0,8
15.	Нукус шаҳри	282,0	92,8	303,8	100,0	21,8	

М.а.н.б.а: Ўзбекистон Республикаси Президентинин «2017–2021 йилларда Ороилий минтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисидаги қарори, 2017 йил 18 январь. <https://lex.uz/docs/3099705>

бораторияси биноларини бузиб ташлаш ва у ерда келгусида «яшил күкаламзор» барпо этиш лойихаси хам тайёрланган.

2020 йилнинг январь ойида яшил майдонларни экиш кайта тикланди. Тадбирда мамлакатимизнинг ёш авлоди ва Коракалпок давлат университети талабалари иштирок этди. Фавқулодда вазиятлар вазири Турсинхон Худойбергенов ёшлар жамоалари билан учрашди, шахсий намуна кўрсатиб, меҳмонларни кўчат ўтқазишида иштирок этишга таклиф қилди. Албатта, ёшлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ободонлаштириш ишларини амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшишмоқда.

Бундан ташқари, 2018 йилнинг август ойида Орол денгизини қутқариш халқаро жамгармасини таъсис этувчи давлатлар раҳбарларининг сўнгти ўн йил ичида илк саммити бўлиб ўтди ва бу Орол денгизи муаммоларини ҳал этишга янги туртки берди. Тадбирда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Оролбўйи минтақасидаги экологик нокулай вазиятни тубдан яхшиловчи қатор муҳим тапабусларни илгари сурди.

**Биринчи ташаббус** – Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар зонаси, деб эълон қилиш. Унинг салбий оқибатларини камайтириш мақсадида нафақат инқирозга зътиборни қаратиш, балки уни бартараф этиш ва минтақани янада ривожлантиришнинг амалий механизмини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Кўпгина омиллар, шунингдек, иқтисодий ўсиш билан биргаликда экотизим барқарорлигини боғлаш амалиётини ўзгартириш вақти келганини кўрсатмоқда. Президентимиз 2018 йил 16 октябрда «Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Оролбўйи халқаро инновация марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарорни имзолади.

**Иккинчи ташаббус** – чўл ва ем-хашак ўсимликларининг кўчватларини этиштиришни илгари суриш. Қайд этилишича, агар бу борадаги ишлар тўғри мувофиқлаштирилса, 10–12 йил ичида денгизнинг бутун қуриган тубини ўрмон ўсимликлари билан қоплаш мумкин. Орол денгизи ва Жанубий Оролбўйи худудларида хали кўчма қумтепаликларини тўхтатиш учун ўсимликлар экса бўладиган икки миллион гектарга яқин майдон мавжуд.

**Учинчи ташаббус** – Оролбўйи минтақасида трансчегаравий химояланган худудларни яратиш. Президентимиз минтақанинг

*Биз Оролбўйи минтақасини экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиши ҳақида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Боши Ассамблеясининг маҳсус резолюциясини қабул қилини тақлиф этамиз. Ушбу муҳим ҳужжат тасдиqlанган санани эса Халқаро экологик тизимларни ҳимоя қилиши ва тиклаши куни сифатида нишонлаши мақсадга мувофиқ бўларди.*

**Шавкат Мирзиёев**

ноёб фаунасини саклаб қолиш учун минтакага кенг ёндашувни топишни таклиф этди. Бугунги кунда саккизта қўриқхона, иккита миллӣ табиат боғи, битта Қўйи Амударё давлат биосфера резервати, «Жайрон» ноёб ҳайвон турларини кўпайтириш миллӣ маркази мавжуд ва еттита табиий ёдгорлик Ўзбекистонда ҳукукий макомга эга. «Марказий Кизилкўм» миллӣ боғини, «Орол денгизи минтақаси қўриқхоналари» табиат комплексини ва «Кулжуқтов»

кўриқхонасини яратиш режалаштирилмоқда.

**Тўртинчи ташаббус** – сувни муҳофаза қилиш ва уйдан оқилона фойдаланиш соҳасидаги минтақавий ҳамкорлик даражасини тубдан ошириш. Шу мақсадда давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича Минтақавий дастур қабул қилини тақлиф этди.

2019 йил 21 августда Нукусда Президентимиз раислигига учрашув ўтказилиб, унда Қорақалпоғистонни янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши белгилаб олинди. *Биринчидан*, саноатни ривожлантириш, барча тармокларда йирик ва кичик ишлаб чиқаришни ташкил этиш. *Иккинчидан*, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш. *Учинчидан*, кишлоқ хўжалигига илғор технологияларни кенг жорий этиш, ишлаб чиқариш хажмини ошириш, ҳосилдорликни ошириш ва маҳсулот турларини кенгайтириш. *Тўртинчидан*, ахоли учун қулай бўлган ишлаб чиқариш ва замонавий иифратузилмани яратиш. *Бешинчидан*, Оролбўйи минтақаси ахолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар қабул қилиш (5.3-жадвал).

Чукур ўйланган, манзилли ва тўғри молиялаштирилган лойиҳаларни амалга ошириш орқали Орол инқирозининг Оролбўйи минтақасида яшовчи миллионлаб одамлар ҳаётига, атроф-муҳитга

**Қарақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларининг  
ўсиш нұқтасы («драйвер» соҳалари)**

T/р	Шаҳар ва туман номи	Ўсиш нұқтасы	Бириктирилган вазирлик ва идора раҳбарлари	Бириктирилган тијорат банклари
1.	Нұкус шаҳри	Қурилиш материаллари саноати, озік-овқат саноати	Ж.Ортиқұжәев – Тошкент шаҳар қохими, Б.Зекиров – қурилиш вазири	«Асака» АТБ
2.	Амударё тумани	Тұқымачилек саноати, бөгдорчилек	А.Хайтров – Фермерлар кенгашы раиси, И.Хайдаров – «Ўзтұқымачилексаноат» уюшмасы раиси	«Агробанк» АТБ
3.	Беруний тумани	Қурилиш материаллари саноати, чорвачилик	М.Азимов – Давлат бөлшебирияның күмітаси раиси	«Қышлоққурилишбанк» АТБ
4.	Бўзатов тумани	Чорвачилик, иссиқхоналар ташкил қилиш	Б.Норқобилов – Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат күмітаси раиси	АТ «Халқ банки»
5.	Кегейли тумани	Мева-сабзавотчилик, қофоз ишлаб чыкаруш	Т.Ишметов – молия вазири	«Асака» АТБ
6.	Қонликүл тумани	Ипакчilik, чорвачилик	М.Абдуллаев – «Ўзбекнефтгаз» АЖ бошқарувы раиси	«Ипотека-банк» АТБ
7.	Қораўзак тумани	Қурилиш материаллари саноати, чорвачилик	Лавозими бўйича – «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмасы раиси	АТ «Алоқабанк»
8.	Қўнғирот тумани	Нефт-кимё саноати, чорвачилик	Ж.Мирзамахмудов – «Ўзкимёсаноат» АЖ бошқарувы раиси	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
9.	Мўйноқ тумани	Балиқчilik, чорвачилик	Н.Йўлдошев – Бош прокурор	«Ипотека-банк» АТБ
10.	Нұкус тумани	Иссиқхоналар ташкил қилиш, мева-сабзавотчилик, балиқчilik	Ж.Ходжаев – қышлоқ хўжалиги вазири	«Ўзмиллийбанк» АЖ
11.	Тахиатош тумани	Озік-овқат саноати, иссиқхоналар ташкил қилиш	А.Воитов – инвестициялар ва ташиқ савдо вазирининг биринчи ўринбосари	«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ
12.	Тахтакўпир тумани	Чорвачилик, балиқчilik	А.Ортиқов – иқтисодий тараққиёт ва	«Агробанк» АТБ

Д а в о м и

T/p	Шаҳар ва туман номи	Ўсиш нуқталари	Биринчилик ва зирлик ва идора раҳбарлари	Биринчилик тийкорат банклари
			камбағалликни кис-қартириш вазирининг биринчи ўринбосари	
13.	Тўрткўл тумани	Шиша ва ойна ишлаб чиқариш, иссиқхоналар ташкил қилиш	Х.Хасилов – «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бошқаруви раиси	«Ўзмиллийбанк» АЖ
14.	Хўжайли тумани	Чорвачилик, мева-сабзавотчилик	Ш.Кудбиеев – Давлат солик кўмитаси раиси	«Микрокредит-банк» АТБ
15.	Чимбой тумани	Дон маҳсулотларини қайта ишлаш, чорвачилик	Н.Хусанов – бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири	«Микрокредит-банк» АТБ
16.	Шуманай тумани	Тўқимачилик саноати, кунжутни қайта ишлаш	А.Султонов – энергетика вазири	«Туронбанк» АТБ
17.	Элликқалъа тумани	Иссиқхоналар ташкил қилиш, туризм	А.Икромов – Савдо-саноат палатаси раиси	АТ «Халқ банки»

М а н ба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2020–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2020 йил 11 ноябрь. <https://lex.uz/docs/5100705>

ҳалокатли таъсирини камайтириш – бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрь куни қабул қилинган «2020–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори жуда катта аҳамиятга эга тарихий ҳужжат бўлди (5.4-жадвал).

Қорақалпоғистон Республикасининг мавжуд ижтимоий-иктисодий, шу жумладан, ишлаб чиқариш ва инвестиция салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ҳудудда мухандислик-коммуникация, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини яхшилаш, иктиносидёт тармоқларини барқарор ривожлантириши, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлати ва турмуш даражасини опириш мақсадида 2020–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

**2020–2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикасида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари динамикаси.**

T/p	Туман шаҳар номи / тармоқ йўналиши	Лойиҳа сони (бирлиқ)	Лойиҳаларнинг умумий қиймати (мли сўм)	шу жумладан, молиялаштириш манбалари:				Иш ўрни (бирлиқ)
				Ташаббускорлар маблаглари (мли сўм)	Банк кредити (мли сўм)	Хорижий кредит (минг долл.)	Хорижий инвестиция (минг долл.)	
	<b>Жами</b>	<b>1359</b>	<b>12292722</b>	<b>3937027</b>	<b>1007283</b>	<b>189223</b>	<b>522832</b>	<b>17572</b>
<b>Худудлар кесимида</b>								
1.	Нукус шаҳри	181	882 624	537 087	131 810	13 248	7 462	1 639
2.	Амударё тумани	77	457 460	141 171	13 810	17 810	11 500	2 616
3.	Беруний тумани	87	1 761 472	379 112	54 963	7 924	120 700	1 333
4.	Бўзатов тумани	68	85 610	34 755	39 910	961	100	564
5.	Қонликўл тумани	60	227 000	144 680	19 781	4 560	1 500	867
6.	Қораўзак тумани	59	726 832	286 386	37 664	39 029	-	1 134
7.	Кегейли тумани	89	347 712	99 648	33 302	3 810	17 000	833
8.	Қўнғирот тумани	90	4 932 426	1 356 562	191 420	7 230	320 720	1 737
9.	Мўйноқ тумани	73	226 353	80 156	85 265	5 804	100	566
10.	Нукус тумани	84	399 234	155 784	116 824	11 170	1 100	936
11.	Тахиатош тумани	58	652 191	220 291	44 330	37 055	500	614
12.	Тахтакўпир тумани	54	73 901	27 027	17 049	2 790	100	359
13.	Тўрткўл тумани	84	652 238	157 007	54 185	12 587	30 150	1 198
14.	Хўжайли тумани	99	259 146	104 203	62 579	1 550	7 400	721
15.	Чимбой тумани	54	216 485	53 691	13 360	11 980	2 500	631
16.	Шуманай тумани	72	149 353	82 447	10 146	3 500	2 000	922
17.	Элликқалъа тумани	70	242 685	77 021	80 885	8 215		902
<b>Тармоқлар кесимида</b>								
1.	Саноат	374	9 298 864	2 424 057	338 170	119 063	514 332	7 777
2.	Қишлоқ хўжалиги	440	1 610 738	547 172	387 164	59 543	6 000	6 225
3.	Хизмат кўрсатиш	545	1 383 120	965 798	281 949	10 618	2 500	3 570

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2020–2023 йилларда Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ижтимоий-иктисодий ривоҷлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2020 йил 11 ноябрь. <https://lex.uz/docs/5100705>

**5.4. Оролбўйи миңтақаси учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шерикликни ривоҷлантириш йўллари**

Оролбўйи миңтақасидаги экологик фалокат оқибатида Қорақалпоғистон инсон ҳаёти билан боғлиқ бўлган гуманитар муаммоларга дуч келмоқда. Оролбўйи миңтақасида кузатилаётган инқирознинг ҳалокатли таъсирини камайтириш мақсадида Ўз-

бекистон ҳукумати, БМТ агентликлари, икки ва кўп томонлама донорлар ва бошқа қатор манфаатдор ташкилотлар бу соҳада ҳабардорликни оширишга, минтақада инсонларга, атроф-муҳитга ва иқтисодий ҳаётта салбий таъсирларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқдалар. Мазкур чора-тадбирлар доирасида, 2012 йилда БМТнинг инсон хавфсизлиги бўйича максадли фонди Қорақалпоғистонда аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, жамият ривожини жадаллаштириш, саломатлик ва атроф-муҳитга бўлган хатарларни камайтиришга қаратилган БМТнинг илк кенг қамровли ва интеграциялашган «Орол фожиасидан зарар кўрган аҳоли турмуш тарзини яхшилаш» қўшима дастурини кўллаб-кувватлади. Дастурда ўзаро узвий боғлиқ бўлган муаммоларни бартараф этиш ва Қорақалпоғистоннинг қишлоқ жойларида истикомат қилувчи аҳолининг барқарорлигини мустаҳкамлашда кўп ўлчовли ёндашувнинг аҳамияти таъкидланади.<sup>1</sup>

БМТнинг илк қўшима дастуридан олинган тажриба ва сабокларга таяниб, БМТнинг Ўзбекистондаги бешта агентлиги, шу жумладан, БМТ ТД, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ЮНФПА ва БМТ кўнгиллилари биргаликда «Оролбўй минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик фондини ташкил қилиш орқали Орол фожиасидан зарар кўрган аҳолининг турмуш шароити салоҳиятини мустаҳкамлаш» бўйича дастурнинг иккинчи босқичини ҳукумат билан ҳамкорликда амалга ошириб келмоқда. Мазкур дастур Оролбўй минтақасидаги экологик муаммоларни бартараф этиш ва минтақадаги зарар кўрган ҳудудларда яшовчи аҳоли турмуш даражасини яхшилашга йўналтирилган Ўзбекистон Ҳукумати сиёсатининг устувор йўналишлари асосида ишлаб чиқилган. Қўшима дастур ўз фаолиятини БМТ агентликлари, Ўзбекистон ҳукумати, Швейцариянинг ривожланиш ва ҳамкорлик агентлиги ва БМТнинг инсон ҳавфсизлиги бўйича максадли фондининг молиявий кўмагида амалга ошириб келмоқда.

Қўшима дастур инсон хавфсизлигига даҳлдор бўлган ўзаро боғлиқ ҳавфларни камайтиришга ва Орол денгизи фожиаси оқибатида зарар кўрган аҳолининг барқарорлигини кучайтиришга йўналтирилган.

<sup>1</sup> Оролбўй минтақасида қиплок ҳойларни барқарор ривожлантиришда аҳолининг имкониятларини кенгайтириш (Қорақалпоғистон). 2019 йил, январь.

Бунда интеграциялашган ва күп боскичли ёндашув қўлланилиб, Оролбўйи миңтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшерилик траст фонди жорий қилинди.

БМТниң қўшма дастури, Орол фожиаси натижасида зарап кўрган шахслар ва жамоалар юз тутиши мумкин бўлган, инсон хавфсизлиги бўйича муаммоларни ҳал этишда самарали бўлган инсон хавфсизлиги концепциясини бирлаштиради. Қўшма дастур таркибий жиҳатдан ўзига хос бўлган, мавжуд маҳаллий активлар ва ресурсларга таянувчи чора-тадбирларни амалга ошириш орқали манбаатдор томонларнинг имкониятларини оширишга мўлжалланган.

Оролбўйи миңтақасидаги фалокатдан зарап кўрган аҳолининг инсон хавфсизлигига бўлган эҳтиёжини қондиришиниң муҳим омилларидан бири, бу – асосий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини қенгайтириш ҳамда қўшимча даромад олиш имкониятларини яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишdir. 2012 йилдан бўён, қишлоқ жойлардаги инфратузилмани ривожлантириш ва даромадларни оширишга қаратилган чора-тадбирлар натижасида кўйидаги кўрсаткичларга эришилди:

- 57 та аҳоли пунктида истиқомат қилувчи 55 мингдан ортиқ қишлоқ аҳолиси (49,5 фоиз аёллар)нинг турмуш даражасини кўтариш мақсадида, ичимлик суви, электр энергияси ва соғлиқни сақлаш, бошлангич ва мактабгача таълим соҳалари каби асосий хизматларни ривожлантиришга қаратилган 50 та кичик инфратузилмавий лойиҳалар амалга оширилди;
- 200 та инклузив бизнес-лойиҳа ва кўргазма участкалари яратилиши кўллаб-куvvatланиб, асаларичилик, тикувчилик ва ҳунармандчилик, озик-овқат ва сутни қайта ишлаш, нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва бошқаларни ўз ичига олган соҳаларда 300 дан ортиқ янги иш ўринлари (46 фоиз аёллар) яратилди. Шимолий туманларда яшовчи аҳоли, мазкур мақсадли лойиҳалардан бевосита ёки билвосита манбаатдордирлар;
- соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг салоҳиятини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиб, маҳаллий аҳоли ўртасида соғлиқни сақлаш масалалари бўйича хабардорликни ошириш даражаси яхшиланди. Шифокорлар, ҳамширалар ва бошқа шу соҳа мутахассислари

аёллар репродуктив саломатлиги, оилани режалаштириш ва сил касаллиги билан оғриган инсонларга нисбатан салбий мұносабатда бўлиш ва уларнинг камситилиши бўйича ҳукуқий муаммоларни ҳал қилиш бўйича салоҳиятларини оширдилар. Жамоатчи кўнгиллилар сил касаллигига қарши тадбирлар ташкиллаштириш ва маҳаллий аҳоли ўргасида касаллик ҳақида хабардорликни ошириш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлдилар. Тадбирлар бешта туманда жойлашган 32 000 хонадонда яшовчи 128 минг аҳолини ўз ичига қамраб олди. Шу билан бирга, маҳаллий аҳоли вакилларидан қўшимча 1000 нафар кўнгилли (95,3 фоиз аёллар) нафас олиш, юрак қон-томир ва ошқозон-ичак касалликларига қарши чоратадбирларни ташкил этиш, хусусан, она ва бола саломатлигини яхшилаш бўйича кўникмаларга эга бўлдилар. Тадбирда, Қорақалпоғистоннинг уч туманида истиқомат қилувчи 9 000 дан ортиқ аҳоли вакиллари қамраб олинди;


- Қорақалпоғистонга инвестиция киритиш бўйича қўлланма чоп этилиб, кенг омма эътиборига тақдим этилди ва минтақада инвестиция киритиш имкониятлари ҳақида тўлик маълумот берилди.<sup>1</sup>

Дастур ва унинг натижалари, турли хилдаги БМТ агентликлари, ҳукумат органлари, ҳалқаро ташкилотлар ва бошқа манбаатдор ташкилотларнинг Оролбўйи минтақаси инқизорининг оқибатларини юмшатиш бўйича турли воситаларни излаш, ишлаб чиқиш ва амалга оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларининг самарасидир.

Ҳукумат органлари томонидан амалга оширилган тадбирлар ва БМТнинг қўшма дастури Орол инқизорининг салбий оқибатларидан зарар кўрган маҳаллий аҳолининг ҳолатини бир мунча яхшилаган бўлса-да, аммо бу оғатнинг кўлами ҳамон жиддий бўлиб қолмоқда.

Шу боис, Ўзбекистон Ҳукуматининг ташаббуси билан Оролбўйи минтақаси учун Инсон ҳавфисизлиги бўйича кўпшериклик траст жамғармаси инновацион ёндашувларни таъминлаш ва инсонларга доимий эътиборни жалб қилиш ҳамда ҳаракатларни янада мувоффиклаштириш ва ҳамжихатликни ошириш мақсадида ташкил этилган.

<sup>1</sup> Оролбўйи минтақасида қишлоқ жойларни баркарор ривожлантиришда аҳолининг имкониятларини кенгайтириш (Қорақалпоғистон). 2019 йил, январь.



5.5-расм. Оролбүйи минтақасининг ўзаро боғпик бўлган муаммолари.<sup>1</sup>

Оролбүйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст жамғармасининг ўзгариш назарияси ўзаро боғлиқ бўлган муаммоларнинг бир қатор кластерини аниқлаб берди (5.5-расм).

Оролбүйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст жамғармаси дунё миқёсида инсон томонидан юзага келган энг йирик экологик оғатлардан бирининг оқибатларини бартараф этиш учун кўп тармоқли ва инсон манфаатларига йўналтирилган чора-тадбирларни кучайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадини ўз ичига олувчи ва, шу билан бирга, мосланувчан, далил ва инсон хукуқларига асосланган жамғарма бўлишни мақсад қилиб қўйган. Оролбүйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик траст жамғармаси баркарор натижаларга эришиш мақсадида, ёрдам оқимларини мувофиқлаштириш ва давлатнинг салоҳиятини оширишга қаратилган изчил стратегия билан таъминлайди.

<sup>1</sup> «Оролбүйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик фондини ташкил қилиш орқали Орол фожиасидан зарар кўрган ахолининг турмуш шароити салоҳиятини мустаҳкамлаш» БМТ кўшма дастури маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

Натижаларнинг устуворлиги, ривожлантириш бўйича шерикларнинг ҳамкорлиги ва қўрсатилаётган кўмакнинг шаффоғлиги бўйича фаол ҳамкорлик бўйича Пусан ҳамкорлик дастури тамоилиларига мувофиқ, Оролбўй минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшерилик траст жамғармасининг вазифаси ривожланиш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш соҳасига ижобий хисса қўшишдан иборатdir.

Оролбўй минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўпшерилик траст жамғармасининг бошқарув тизими самарали ва маҳсулдор қарор қабуз қилиш ва мониторинг тизимини яратишга кўмак бериб, бу, ўз навбатида, тартибли тақсимлаш жараёнлари ва жавобгарликнинг аниқ талабларини таъминлаб берди. Бошқарув тизимлари инклузивлик, шаффоғлик ва жавобгарлик таомойиллари асосида яратилган бўлиб, улар дунё бўйлаб ўз аҳамиятини исботгладилар.

2020 йил 1 декабрь куни БМТнинг Оролбўй минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича Кўпшерикли траст жамғармаси (ИҲҚШТЖ) Маслаҳат кўмитасининг биринчи йигилиши видеоконференция шаклида бўлиб ўтди. Тадбирда хорижий давлатлар, шунингдек, уларнинг Ўзбекистондаги дипломатик миссиялари, БМТ агентликлари, Ўзбекистон Республикасининг вазирлик ва идоралар, ҳалқаро молия институтлари, нодавлат ташкилотлар, шунингдек, 30 дан ортиқ мамлакатлардан фукаролик жамияти институтларининг 120 дан ортиқ вакиллари иштирок этдиilar.

Оролбўй минтақасида кредит ва грант лойиҳаларини амалга оширувчи ёки кўриб чиқувчи барча донор ва манбаатдор томонларни ўз ичига олган Маслаҳат кўмитаси ИҲҚШТЖ бошқарув тузилмасининг расмий қисми ҳисобланади ва самарали стратегик муроқот, биргаликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва Жамғарма фаолиятининг операцион, дастурий ва молиявий жиҳатларини мувофиқлаштириш учун ягона интеграциялашган ҳамкор платформа вазифасини бажаради. Бундан ташқари, Кўмита вазифаларига донорлик маблағларининг самарали тақсимланишини таъминлаш ва синергетик таъсирни таъминлаш орқали «Оролбўй – экологик инновациялар ва технологиялар зонаси» концепциясини амалга ошириш киради.

**Таянч иборалар:** иқлим, ландшафт, орол дөңгизи, оролбүйи минтақаси, арид (құруқ) иқлим, экологик омыллар, антропоген омыллар, экологик мувозанат, глобал мұаммалар, қурғоқчылық, ёғынлар, ижтимоий ҳимоя, сув ресурслари, эрозия, шұрланиш.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Глобал иқлим үзгаришлари Марказий Осиё құдударининг ижтимоий-иктисодий ривожланишига қандай таъсир этмоқда?
2. Оролбүйи құдударининг тұрмуш даражасы ва даромадларини ошириш учун табиий, минерал-хомаше ресурсларидан фойдаланашида қайси омылларға әзтибор қарастылади?
3. Глобал иқлим үзгаришлари ва унинг Марказий Осиё тараққиетига таъсири ва хавф-хатары нимадан иборат?
4. XXI асрнинг эң асосий мұаммоларидан бўлмиш иқлимининг глобал үзгариб бориши ва унинг атроф-мухитга таъсирини қандай баҳолайсиз?
5. Табиий иқлим үзгаришларини билиш инсон фаолиятига қандай таъсир этади?
6. Ўзбекистон ва унга тұташ құдударда иқлим үзгаришининг оқибатларипи қандай баҳолайсиз?
7. Оролбүйи минтақасидаги экологик фажианы бартараф этиши борасыда олиб борылаётган ислоҳотыар нимадан иборат?
8. Оролбүйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иктисодий вазиятни қандай баҳолайсиз?
9. Оролбүйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иктисодий вазиятни ҳамда аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш истиқболлари нималардан иборат?
10. Оролбүйи минтақаси учун Бирлашған Миллатлар Ташикилотининг инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шерикликни ривожлантириш йўллари нималардан иборат?
11. Қорақалпогистон ҳудудида аҳолининг ичимлик сув таъминоти қандай? Изоҳлаб беринг.
12. Оролбүйи ҳудудида яшии ҳудудларни ташкил қилиши қайси меъёрий ҳуҗжатлар билан амалга оширилади?



## ТЕСТ

**1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Баркарор тараккиёт концепцияси қачон ва қаерда қабул қилингандай?**

- А) 1990 йил, Лондон;                  В) 1990 йил, Мадрид;  
Б) 1992 йил, Рио-де-Жанейро;      Г) 1995 йил, Париж.

**2. Иссикхона эфекти ҳосил килувчи газлар концентрациясининг ўсиши, биринчи навбатда, қандай экологик оқибатга олиб келади?**

- А) Тупроқ таркибининг ўзгариши;    В) Ер юзасининг исиши;  
Б) Ҳавонинг ифлосланиши;            Г) Сув ресурсларининг номутаносиблиги.

**3. Тошқинлар ва қурғоқчилик миқёснинг ортиши ҳамда уларнинг Осиёдаги мўътадил ва тропик иклимли минтақаларга салбий таъсири қандай экологик муаммонинг оқибати ҳисобланади?**

- А) Глобал икlim ўзгариши;  
Б) Шўрланиш;  
В) Сув ресурслари таркибининг ўзгариши;  
Г) Тупроқ эрозияси.

**4. «2030 йилгача бўлган даврда баркарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 841-сонли Қарор қайси давлат органи томонидан қабул қилингандай?**

- А) Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси;  
Б) Иктисолий тараккиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги;  
В) Олий Мажли Сенати;  
Г) Вазирлар Маҳкамаси.

**5. Республикаиз ҳудудларининг неча фоизи кенглиқ тупроқ-иклим зонаси тизимидағи чўл минтақасига киради?**

- А) 56 фоизи;                          Б) 65 %;                          В) 76 фоизи;      Г) 48 фоизи.

**6. Оролбўйи миңтақаси маъмурий жиҳатдан қайси давлатлар худудларида жойлашган?**

- А) Ўзбекистон ва Қирғизистон;      В) Ўзбекистон ва Тожикистон;  
Б) Ўзбекистон ва Афғонистон;      Г) Ўзбекистон ва Қозогистон.

**7. Қачондан бошлаб Орол денгизининг қирғоқлари 120–150 километрга чекиниб, ортидан 5 миллион гектардан ортиқ дengiz туби очилди?**

- А) XX асрнинг 70-йилларидан;      В) XX асрнинг 50-йилларидан;  
Б) XX асрнинг 60-йилларидан;      Г) XX асрнинг 80-йилларидан.

**8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Оролбўйи миңтақасини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги Қарори қачон қабул қилинган?**

- А) 2017 йил 18 январь;      В) 2016 йил 20 февраль;  
Б) 2016 йил 25 май;      Г) 2017 йил 19 март.

**9. Орол денгизини қутқариш халқаро жамғармасини таъсис этувчи давлатлар раҳбарлари саммитида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Оролбўйи миңтақасига қандай ном беринш ташаббуси илгари сурилган?**

- А) Экологик инновациялар ва тажрибалар зонаси;  
Б) Экологик технологиялар зонаси;  
В) Экологик инновациялар зонаси;  
Г) Экологик инновациялар ва технологиялар зонаси.

**10. 2020 йил 4 январда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Олий Мажлисга йўлланган Мурожаатномада Орол денгизининг куриган тубида ўрмонзорларни кенгайтириш учун қайси худудлар атрофида «яшил белбоғ»лар барпо этилиши таъкидланган?**

- А) Нукус, Тўрткўл, Урганч ва Хива;  
Б) Нукус, Урганч ва Хива;  
В) Нукус ва Урганч;  
Г) Нукус ва Хива.



## VI. Б о б

### ЖАХОНДА ҚАШШОҚЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ

#### 6.1. Замонавий хатарлар қашшоқлик ва камбағаллик билан боғлиқ глобал муаммоларни кучайтирумокда

Камбағаллик хақида сўз юритилганда, у битта инсон учун тегишли бўлган муаммо эмаслигини англаб етишимиз лозим. Камбағаллик жамият ва иктисодиётда бир қатор салбий жараёнларни юзага келтиради. Камбағаллик бир қатор объектив ва субъектив сабаблар туфайли туғилишнинг кўпайишига сабаб бўлади. Камбағаллар етарлича таълим олиш имкониятига эга бўлмаганиклиари боис, малака ва касбий кўнинмалари паст ходимлар сафини тўлдирадилар. Жамият учун зарур бўлган касб эгалари, хусусан, ўқитувчи ва шифокорлар юқори даромадга эга бўлиш мақсадида ўз иш жойларини ташлаб бошқа фаолият турлари билан шуғуланишга мажбур бўладилар. Камбағаллик жиноятчиликнинг ўсишига олиб келади, чунки тирикчилик қилиш учун инсонлар даромад топишнинг иконуний йўлларидан ҳам фойдаланишга мажбур бўладилар. Камбағаллик жамиятда даромадларнинг кескин табақаланишига ва ижтимоий зиддиятларнинг чукур илдиз отишига сабаб бўлади.

Америкалик иқтисодчи Жеффри Сакс ўзининг «Камбағалликнинг интиҳоси» деб номлаган китобида жамиятнинг камбағаллик чангалидан қутулишига имкон берувчи капиталнинг б та турини ажратиб кўрсатган: инсон капитали, ишбилармонлик капитали, инфратузилма, табиий капитал, ижтимоий ўринатилган капитал ва билимлар капитали.<sup>1</sup>

Бугунги кунда дунёда қашшоқлик ва камбағалликка барҳам бериш ҳамда барқарор ривожланишини таъминлаш муаммолари марказий ўринда турибди. Сони ўсиб бораётган аҳоли учун мос, тўйимли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан фойдалана олиш-

<sup>1</sup> Сакс Джессифри. Концепт бедности. – М.: Издательство Института Гайдара, 2011.

ни таъминлаш деярли барча халқлар тўқнаш келаётган энг мураккаб муаммолардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда дунёнинг ривожланаётган мамлакатларида 30 миллиондан ортиқ болалар ночорликда кун кечирмоқда.<sup>1</sup> Аммо, ҳар бир инсонга ҳар куни зарур бўладиган энг кам миқдордаги таъминот етишмаслиги, бошқача айтганда, камбағаллик жамият хавфсизлиги, барқарорлигини таъминлашдаги энг катта хавфлардандир. Шу ўринда савол туғилади: камбағаллик нима ўзи ва камбағалликни ўлчаб бўладими?

Камбағаллик тушунчасига ягона таъриф мавжуд эмас. Баъзилар камбағаллик деганда инсоннинг бирламчи эҳтиёжларини (озик-овқат, кийим-кечак, уй-жой, таълим ва соғликни сақлаш) кондиришга имкониятнинг мавжуд эмаслигини тушунса, бошқалар – танлов эркинлигининг етарлича эмаслиги ёки кунига 1,90 доллардан кам миқдорга кун кечиришни, учинчи томон эса, инсоннинг жамият ижтимоий-иктисодий ҳаётидаги иштирокига путур етказувчи ижтимоий, таълим ва соғликни сақлаш соҳасидаги тўсикларнинг доимий доирасини тушунишади. Камбағаллик, умуман олганда, нисбий тушунча. Баъзилар бошида бошпанаси ва еярга нони йўқларга нисбатан камбағал дейилади. Камбағаллик муаммоси дунё олимлари томонидан икки асрдан бери ўрганилиб келмоқда. Тан олинган карашларга кўра, камбағаллик уч даража билан белгиланади: мутлақ камбағаллик, нисбий камбағаллик ва субъектив камбағаллик.

Мутлақ камбағалликда кун кечирувчи одамлар биологик тирик қолишни таъминлайдиган минимал эҳтиёжларнинг кондиришлари мумкин.

Мутлақ камбағаллик чегараси маҳсулотларни харид қилиш имконияти бўйича кунига 1 доллар миқдорида белгиланади, камбағаллик чегараси эса кунига 1,9 доллар миқдорида белгиланади. Европа Иттифоқида нисбий камбағал деб, мамлакатдаги ўртacha маошнинг 60 фоизидан кам даромад оладиган инсонларга айтилади. Камбағалликни субъектив баҳолаш инсонлар ўзларининг моддий таъминотларига ўзлари баҳо беришларидир.

Умуман айтганда, камбағаллик муайян мақбул турмуш дараҷасини таъмин эта олмаслик, маълум бир шахс ёки оила зарурий эҳтиёжларнинг имкониятлардан ошиб кетишидир.

---

<sup>1</sup> [http://www.un.org/tu/development/devagenda/pdf/Russian\\_Why\\_it\\_matters\\_Goal\\_1\\_Poverty.pdf](http://www.un.org/tu/development/devagenda/pdf/Russian_Why_it_matters_Goal_1_Poverty.pdf)

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 736 миллион киши (дунё ахолисининг 10 фоизи) ўта қашшоқлик шароитида (кунига 1,9 доллардан кам даромадга эга), дунё ахолисининг деярли ярми – 3,4 млрд. киши – кунига 5,5 доллардан кам даромадга эга. Қашшоқлик даражаси энг юқори қитъа Африка, сайёрадаги энг қашшоқ мамлакатлар – Конго демократик республикаси (ўта қашшоқлик даражаси – 77,1 фоиз) ва Мадагаскар (77,6 фоиз).

Мамлакатимиз аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад кўрсаткичи бўйича ўртacha даромадга эга мамлакатлар каторидан жой олган (киши бошига йилига ўртacha 1533 АҚШ доллари). Киши бошига кунига 3,2 доллар камбагаллик чизигининг ўртacha кўрсаткичидир. Миллий даромади ўртачадан баландроқ мамлакатлар учун кунига киши бошига 5,5 доллар камбағаллик чизигининг ўртacha кўрсаткичидир.

Хозирги кунда камбагал оиласнинг шахсий компьютер билан таъминланганлиги республикадаги ўртacha оиладан 12 баробарга, шахсий машина билан – 11 баробарга, кондиционер билан – 8 баробарга, чангютгич билан – 4 баробарга, кир ювиш машиналари билан – 4 баробарга, музлатгич билан – 2 баробарга, телевизор ва уяли алоқа воситалари билан – 1,5 баробарга камлиги кузатилади.

Ўзбекистонда камбағалликни ўлчашда озиқланишга асосланган усульнинг натижалари камбағаллик даражасини 11,4 фоиз эканлигини кўрсатади. Бошқа томондан ёндашганда эса, кунига 5,5 доллар чегарани олганда кам таъминланганлик даражаси 36,6 фоизни ва 3,6 доллар деб олганда, 9,6 фоизни ташкил этади. Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, камбағалликнинг юқори даражаси Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Андижон вилоятлари ва Қорақалпогистон Республикасида кузатилмоқда. Бундай шароитда иқтисодчилар иқтисодий ўсишнинг самаралари автоматик равишда аҳолининг барча қатламларига таъсир килиши чекланганлиги туфайли давлатнинг қайта тақсимлаш ролини ҳисобга олишга ундейлилар.

Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистонда ярим миллионга яқин киши COVID-19 пандемияси натижасида камбағаллик чегарасидан пастга тушиш эҳтимоли бор. Бундай фавқулодда холат яна давом этган тақдирда вазият ёмонлашса, хавф даражаси юқорилаб боради. Шунинг учун, мамлакатдаги барча муҳтоҷ инсонларни химоялашни таъминлаш учун ҳар қачонгидан

ҳам тезкор ва инклузив ижтимоий ҳимоя тизими зарур бўлади. Ҳисоботда аҳолини қамраб олишнинг асосий бўшлиқлари кўрсатиб ўтилган, деярли ярим аҳоли ва камбағалларнинг учдан бир қисми бирорта ҳам ижтимоий ҳимоя схемасига киритилмаган.

«COVID-19 пандемияси ва яқинда Бухоро ҳамда Сирдарё вилоятларининг минглаб одамлари фаровонлигига таъсир кўрсатган табиий оғатлар, айникса, инқироз оқибатида кўпроқ заарар кўрган, камбағаллик чегараси остида ва камбағаллик чегараси устида турган уй хўжаликлари орасида зудлик билан ижтимоий ҳимояни кенгайтириш хиссини кучайтиради. Умид қиласизки, ўзбекистонлик ҳамкорларимиз миллий ижтимоий ҳимоя тизимини ислоҳ қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларида ҳисбот хулосаларини фойдали деб топадилар. Жаҳон банки, ЮНИСЕФ ҳамда ХМТ турли гуруҳдаги муҳтоҷ инсонларни қўллаб-қувватловчи, тезкор ва самарали, мустаҳкам ва инклузив ижтимоий ҳимоя дастурларини ишлаб чиқишида ҳукуматга ёрдам беришга тайёр», – дея қайд этди Жаҳон банкининг катта иқтисодчиси Маддалена Гонорати.<sup>1</sup>

Шундай қилиб, давлат аралашуви иш билан таъминлани, солиқка тортишнинг прогрессив тури, ижтимоий харажатлар ва энг кам иш ҳақи сиёсатига йўналтирилган таркибий ислоҳотларни рағбатлантириш кабиларни ўз ичига олиши лозим. Ушбу чора-тадбирлар натижасида аста-секинлик билан камбағалликни маълум даражада қискартиришга эришиш мумкинлиги таъкидланмоқда.

Жанубий Осиё ва Африканинг Саҳрои Кабирдан жанубдаги давлатларида истиқомат қилувчи аксарият аҳоли кунига 1,9 АҚШ долларидан кам пул топади. Улар бутун дунёдаги ўта ночор аҳволда кун кечираётган аҳолининг таҳминан 70 фоизини ташкил қиласи. Масалан, Ҳиндистон, Индонезия, Хитой ва Нигерияда ўртачадан ҳам кам маблағ топадиган аҳоли сони ўта ночор аҳволда яшаётган одамларнинг таҳминан ярмини ташкил қиласи.<sup>2</sup> Низолар, терроризм, миграция инқирози кабилар ҳам ночорликни келтириб чиқаради. Ночорлик ва камбағаллик қўйидаги гуруҳларга бирлашган турли-туман ва ўзаро боғлиқ сабабларнинг натижаси ҳисобланади:<sup>3</sup>

---

<sup>1</sup> info@yumh.uz

<sup>2</sup> [http://www.un.org/rule/development/devagenda/pdf/Russian\\_Why\\_it\\_matters\\_Goal\\_1\\_Poverty.pdf](http://www.un.org/rule/development/devagenda/pdf/Russian_Why_it_matters_Goal_1_Poverty.pdf)

<sup>3</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki>

- иқтисодий (ишизлик, ижтимоий тенгсизлик, шу жумладан, ойлик маошнинг, ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлиги, соҳанинг рақобатбардош эмаслиги);
- ижтимоий-тиббий (ногиронлик, кексалик, касалликлар дараҷасининг юқорилиги);
- демографик (тўлиқ бўлмаган оиласлар, оиласда бокимандаларнинг кўплиги, ахоли сонининг ортиб бориши);
- таълимий-малақавий (таълим даражасининг пастлиги, етарлича касбий тайёргарликнинг йўқлиги);
- сиёсий (харбий низолар, мажбурий кўчишлар);
- худудий-географик (худудларнинг нотекис ривожланганиниги);
- диний-фалсафий ва психологияк (аскет турмуш тарзи сифатида, телбалик).

«Оксфам» халқаро инсоцпарварлик ташкилоти эксперталарининг фикрича, 2010 йилдан бошлаб дунёдан камбағаллик ва ижтимоий тенгсизлик қўйидаги сабабларга кўра ортиб бормоқда:

- бадавлат кишиларнинг соликларни тўлашдан бўйин товлаши;
- ишчилар иш ҳақларининг қисқариши;
- мехнатга ҳақ тўлашнинг энг кам ва энг кўп миқдорлари ўртасидаги фарқнинг ортиши, ахолининг катта қисми поишлаб чиқариш соҳасига ишилаши.

Камбағал ахолининг аксарият қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилишини эътиборга оладиган бўлсак, қишлоқ туманларида ахоли бандлигини таъминламай максадга эришиб бўлмаслиги ойдинлашди. Бу эса, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меҳнат самарадорлиги ва даромадларни оширишни, шунингдек, қишлоқ жойларда ахоли бандлитини сезиларли даражада кенгайтиришни талаб қиласди. Кавказ, Марказий Осиё, Болкон ва Шарқий Европанинг аксарият мамлакатларида қишлоқ хўжалиги ахоли бандлигининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Грузия ва Тожикистонда ишли ахолининг катта қисми айнан қишлоқ хўжалигида банд. Албания, Арманистон, Озарбайжон ва Ўзбекистонда иш билан банд ахолининг учдан бир қисмидан кўпроғи қишлоқ хўжалиги тармоқларида меҳнат қиласди. Бу каби мамлакатларда тўлиқ бандликни, муносиб меҳнат шароитларини ва маош борасида тенгликтин таъминлашда кўп нарса қишлоқ хўжалигининг ўзининг

бандлик борасидаги имкониятларини кенгайтириб, банд бўлган ишчи-хизматчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаб бораётган соҳа сифатидаги ривожланишига боғлиқ бўлади.<sup>1</sup>

Мустақилликнинг ilk давридан бошлаб Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар ўйланган ҳолда, босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Иқтисодий сиёсат, асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари ва энергия манбалари соҳасида ўзини ўзи таъминлашга, импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва валюта захирасини тўплашгга қаратилган давлатнинг фаол аралашувига асосланади. 2011 йилда Жаҳон банки Ўзбекистонни даромадлар кўрсаткичи паст давлатлар тоифасидан чиқариб, ўргача даромадли давлатлар рўйхатининг кўйи поғонасига киритгани ҳам республикада камбағаллик муаммоси босқичма-босқич ҳал этилаётганини кўрсатади.

Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг салкам 16 фоизи аҳолиси ночорлиқда кун кечираётган бўлса, уларнинг 75 фоизи қишлоқ жойларга тўғри келади. Мамлакат олдида турган мураккаб муаммолардан бири ишга жойлаштириш имкониятининг етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлиб, қишлоқ ва шаҳар туманлари орасидаги фарқ катталигича қолмоқда. Ишсизлик даражасининг юқорилиги, ойлик маошларнинг пастлиги аҳолининг оммавий равишда Россия, Қозоғистон, Туркия ва Жанубий Кореяга меҳнат миграциясига олиб келмоқда.

Ўзбекистон бир қатор экологик муаммоларга ҳам дуч келган бўлиб, улар мамлакатнинг географияси ва иқлимидан, аҳолиси сони тез суръатларда ошиб бораётганидан ҳамда унинг шусиз ҳам нозик экотизимига зарар етказаётган иқтисодий фаoliyядан келиб чиқиб, янада чукурлашиб бораёттир. Орол дентизи фожиаси оқибатида юзага келган ижтимоий-иқтисодий ва экологик муаммолар ҳамда унинг маҳаллий аҳоли соғлиги ва турмуш тарзига салбий таъсири негизида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш янада долзарблиқ касб этади. Сўнгти ўн йилликда Ўзбекистон кам таъминланганликни камайтириш ҳамда тўлақонли овқатлан-маслик муаммосини ҳал этиш борасида сезиларли ютуқларга эришди. Расмий статистика маълумотларига кўра, мамлакатдаги

<sup>1</sup> Цели в области устойчивого развития и их влияние на развитие сельского хозяйства и сельских районов в регионе Европы и Центральной Азии. <http://www.fao.org/3/a-mp172r.pdf>. май 2016.

кам таъминланганлик даражаси 2001 йилда 28 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 15 фоизга тушди. Ижтимоий барқарорликка даромадларни имкон қадар адолатли таҳсиллаш, асосаи, кишлоқ туманларида иш ўринларини яратишга, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламларига эътибор каратиши хисобига эришилмоқда.

## **6.2. Ўзбекистон Республикасида қашшоқликни тугатиш ва камбағалликни камайтириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида мамлакатимизда камбағалликка қарши курашиши энг устувор вазифа сифатида белгиланган эди. Унда «кашшоқликни камайтириш кенг қамровли иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишни ва бу тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришдан тортиб, то аҳолининг кобилиятлари ва салоҳиятини сафарбар қилиш, янги иш ўринлари яратишни ҳам талаб қиласи» дейилган.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 27 февраль куни тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселектор йиғилишида камбағаллик даражаси чуқурлашиб кетганлигини айтиб, «...биз шу пайтгача аксарият фуқароларимиз ҳақиқатан ҳам камбағал эканини кўриб-кўрмасликка, эшитиб-эшитмаганликка олдик. Бу – нотўғри. Афсуски, дастлабки хисоб-китобларга кўра, халқимизнинг 4-5 фоизи камбағал экани аникланди. Энди яшириш керак эмас, оғир шароитларда яшаётган одамларимизнинг асл муаммоси, вазиятини тушунишимиз, барча тоифадаги раҳбарлар дунёкарашимизни ўзгартиришимиз лозим бўлади. Биздаги маълумотларга кўра, Қашқадарё вилояти камбағаллик муаммоси бўйича энг оғир худуд хисобланади. 700 минг аҳоли камбағал. Бу жами аҳолининг қарийб 21 фоизини ташкил этмоқда. Бу вазиятда Қашқадарёда раҳбарлар бир жойда ўтириши мумкин эмас. Одамларимизни бундай оғир шароитдан қандай чиқариб оламиз, деган саволни ўзига бериши лозим. Шунингдек, Коракалпоғистон Республикасида 500 минг, Сурхондарё вилоятида 500 минг, Наманган вилоятида 400 минг, Жizzах вилоятида 210 минг ва Сирдарё вилоятида 130 минг аҳоли

камбағал. Бу рақамларни маҳаллалар кесимида олсак, янада оғир рақамларга гувоҳ бўламиз. Масалан, Паркент туманининг «Янгиобод» маҳалласида 1039 нафар кам таъминлаган ва камбағаллар бор. Олтинсой тумани «Миршоди» маҳалласида 906 нафар, Бойсун тумани «Тўда» маҳалласида 504 нафар фуқароларимиз оғир ахволда яшаётганини очик-ойдин таъкидлади.<sup>1</sup>

Шу билан бирга, республикамизнинг Жizzах вилоятида камбағалликни кисқартириш бўйича эътиборли ишлар амалга оширилаётганигини таъкидлаш мумкин.

Мамлакатимизда пандемияга қарши кураш билан бир вақтда ушбу касалликни камайтиришга каратилган ишлар ҳам давом эттирилаёттир. Президентимизнинг 2020 йил 26 мартағи «Ўзбекистон Республикаси иқтисодий таракқиёт ва камбағалликни кисқартириш вазирлиги ҳамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этип тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифаларга мувофиқ Олий Мажлис депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар вакилларидан тузилган ишчи гурӯхлар айни худудлардаги мавжуд ахволни ўрганиб чиқиб муҳокамалар ўтказди, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, ишчи гурӯхлар ўрганишлари натижаларига кўра, 1 миллион 383 мингдан зиёдроқ аҳоли яшаётган Жizzах вилоятида эҳтиёжманд фуқаролар 83 минг 893 нафарни ташкил этар экан. Худуддаги мавжуд 231 минг 750 та хонадоннинг 16 минг 485 таси камбағаллар рўйхатига олинган. Ушбу рўйхатта киритилган оиласларнинг 2 минг 440 таси боқувчисини йўқотганлардир.

Эҳтиёжманд фуқароларнинг 393 нафарини ёлғиз қариялар, 4 минг 670 нафарини ногиронлар, 34 минг 431 нафарини вояга етмаганлар, 30 минг 377 нафарини ишсизлар ташкил қилади.

Боқувчисини йўқотганлар, ёлғиз қариялар, вояга етмаганлар жамиятнинг ижтимоий ҳимояга мухтоҷ тоифалари эканлиги маълум. Демак, маълумотда келтирилган 30 минг 377 нафар ишсизнинг бандлиги таъминланса, камбағаллик муаммосини счишда муҳим қадам бўлиши мумкин.

Жizzах вилоятида бўйича 35 миллиард сўм, шу жумладан, пандемия даври учун қўшимча 18 миллиард сўм иш ҳаққи ажра-

<sup>1</sup> Электрон манба: <https://kun.uz/ru/news/2020/02/27/mirziyoyev-sokrashcheniyebednosti-ne-oznachayet-povysheniya-razmerov-zarplaty>

тилиб, жами 39 минг 700 нафар камбағал фуқаро жамоат ишларига жалб этилмоқда. Худудларда 18 та кооперацияга, жами 667 гектар ер майдони ажратилиб, уларга 1 минг 137 нафар фуқаролар аъзо қилинди.

Бандлик жамғармасидан жами 1 миллиард 745 миљлон сўм субсидия ажратилиб, шу ҳисобдан 215 гектар боғ, 200 гектар токзор барпо этилди, 252 гектар майдонда сабзавотчилик йўлга кўйилди ва 1 минг 137 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, 12 та агрокластер, 7 та боғдорчилик, узумчилик кластери ташкил этилиб, 7 минг 491 та иш ўрни яратилди. Амалга оширилаётган бу каби ишлар натижасида Жиззах вилоятида жами 11 минг 565 та янги иш ўринлари яратилди.

Мамлакатимизда камбағалликни қискартириш ва иқтисодиётни ривожлантириш учун тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўялигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларида кичик саноат зоналари ташкил этиш устида ишлар олиб борилаётир. Зарур инфратузилма яратиш учун кичик саноат зоналарини бошқариш дирекциялигига бюджетдан 100 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда. Улардаги ер участкалари тадбиркорларга бозор қийматида эгалик ҳукуқи билан сотилади. Ушбу лойиҳа ўзини оқласа, иккинчи ярим йилликда яна қўшимча 150 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилди ва маҳсус ишчи гуруҳи тузилди.

Бугунги кунда аҳолини камбағалликдан чиқаришда кўрилаётган чораларнинг кўпчилиги муваққатлиги, жумладан, қишлоқ хўялиги ишларининг мавсумийлиги муаммони тўлиқ хал этиш имконини бермайди. Шу боис бандликни таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш бўйича амалга оширилаётган катта-катта лойиҳаларга, кўрилаётган чора-тадбирларга қарамай камбағалликнинг биринчи сабаби бўлган ишсизликка барҳам берилмаётир. Статистик маълумотлар эса ҳар доим ҳақиқий ахволни акс эттиравермайди.

Масалан, Галлаорол тумани иқтисодий, ижтимоий ривожланиш даражаси яхши туманлардан бири ҳисобланади. Туманнинг катта автойўл, темир йўл ўтган марказий қисмида саноат ишлаб чиқариш бирмунча ривожланган. Лалмикор адирликлардан иборат катта ҳудуд, чорвачилик, хусусан, кўй боқишига қулай ҳисобланади.

Шу имкониятлар туфайли бу туманга қўшилар ҳавас қиласи, галлаоролликларнинг ўзлари хам турмушларидан нолимайди.

Бошқа жойларда бўладиган ҳангомаларда «Галлоролда қўйи йўқ одамнинг ўзи йўқ, шунинг учун қорни тўқ», деган гапни тез-тез эшитиш мумкин. «Шукр, нолимаймиз, яйлов ҳам кўп, қўй ҳам кўп, – дейди «Кўкбулоқ» кишлоп фуқаролар йиғини оқсоқолларидан бири, фахрий ўқитувчи Абдумутал Исоқов. – Бундан ўттиз йил бурун собиқ ширкат хўжалигининг 10 минг бош қўйи бокилган яйловда ҳозирги кунда ҳам шунча қўй бокиляпти. Бирок шу даврда аҳоли сони 4–5 баравар ошгани, кишлодда бирорта ишлаб чикариш корхонаси йўклиги, эшигига бир қўйи йўқ оиласлар ҳам анча эканлиги хисобга олинса, бизнинг қишлоғимизда камбағаллар Президентимиз айтиб ўтган Республика кўрсаткичидан анчагина кўпроқ»<sup>1</sup>.

Шу билан бир вақтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 27 мартағи Фармонида<sup>2</sup> камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш бўйича яхлит тизим ва мувофиқлаштирувчи давлат органи, меъёрий-хукуқий база, мезонлар ва баҳолаш услубиятининг мавжуд эмаслиги, шунингдек, ушбу йўналишдаги ижтимоий қўллаб-кувватлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш вазифаларининг аниқ ажратиб олинмаганлиги сабабли тегишли аҳоли гурухлари билан амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги паст даражада қолаётганлиги эътироф этилган.

Шуларни хисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш борасида қатор вазифаларни белгилаб берди. Улар қуида-гилар:

- иқтисодий ўсишнинг инклузивлигини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ҳамда халқаро молия институтлари ва хорижий хукumat молия ташкилотлари билан ҳамкорликда камбағалликни қисқартириш бўйича стратегия ва

<sup>1</sup> Бекназаров Т. Жizzахда камбағалликни қисқартириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда? Электрон манба: <http://jizzax.uz/4406-zhizzahda-kambaallikni-isartirish-byicha-anday-ishlar-amalga-oshirilmada.html>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартағи ПФ-5975-сонли Фармони.

- дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва мувофиқлаштириш;
- камбағалликни кисқартиришнинг аниқ дастак ва механизmlарини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда камбағаллик даражасини аниқлаш мезонлари ва баҳолаш услубиятини, ижтимоий таъминотнинг минимал стандартлари ва меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
  - барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларга эришиш чора-тадбирларини амалга ошириш, яшаш минимуми ва минимал истеъмол саватини хисоблаш методологиясини ишлаб чиқиш, аҳоли даромадлари табакалашувини ўрганиш бўйича тизимли ишларни олиб бориш ҳамда уларнинг давлат мақсадли дастурлари билан ўзаро мувофиқлигини таъминлаш;
  - Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда меҳнат бозори ва унинг таркибини сифат жиҳатдан ривожлантириш, ишчи кучи миграцияси жараёнларини таҳлил килиш, такомиллаштириш ҳамда меҳнат ресурсларини тақсимлаш борасида ўзаро мувофиқликдаги ишларни олиб бориш;
  - Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Маданият вазирлиги билан биргаликда инсон капиталини ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, камбағаллик даражасини кисқартириш борасидаги чора-тадбирларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқизорзга қарши курашиш жамғармаси маблағларидан 2020 йилда Вазирликка 100 миллиард сўм ажратилади.

2020 йил 1 октябрга қадар:

- 2030 йилгача республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш концепцияси;
- 2030 йилгача республика саноатини ривожлантириш стратегияси;
- Камбағалликни камайтириш дастури;

- 2021 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг барча ҳудудларида минимал истеъмол савати ва яшаш минимуми жорий этилиши юзасидан тегишли карор лойиҳаси ишлаб чиқлади.

Ўзбекистондаги камбағаллик ҳолатини ўрганиш аниқ чора-тадбирларни талаб этади. Бунда ривожланган давлатларни тажрибасини ўрганиш ўта мухим масала. Шу билан бирга, биз учун мухим томони, камбағаллик ҳолатини тўлиқ тугатиб бўлмайди, балки уни даражаси ва ҳажмини иложи борича камайтириш мумкин. Бу давлат ва жамият сиёсати ва фаолиятига мутлақо боғлиқ эмас. Бу эса жамият ва давлатга камбағалликни негатив таъсирини камайтириш бўйича чораларни доимий равишда олиб боришни тақазо этади.

Ўзбекистон учун, хусусан, мутлақо камбағаллик концепцияси асосида камбағаллар сони, ҳолатини аниқлашда турли хил фикрлар, қарама-карши ёндашувлар бор. Мисол, расмий манбаларга таяниб, камбағаллар сони умумий аҳолининг 13–15 фойзини ташкил этиши тахмин килинади. Лекин, аҳолини ўзини-ўзи баҳолашидан билиш мумкинки, фактлар аниқ ва шаффоғ эмас. Яъни, айрим аҳоли тоифалари моддий таъмилланганлик жиҳатидан ўзларини камбағал хисобласа, айримлари айни шундай моддий таъмилланганлик жиҳатидан ўзларини камбағал хисобламайдилар. Шунинг учун Ўзбекистондаги камбағаллик ҳолати кўп киррали ҳолат ва уни тарқалиш миқёси турлича қабул килинган. Бу муаммога турли карашлар туфайли аниқ сиёсатни белгилаш ҳамда курашиш механизмининг йўқлигидир.

Шу билан бирга, қашшоқликка қарши самарали курапиш учун одамларнинг кундалик ҳаётида дуч келадиган ва уларнинг турмуш даражасининг пастлиги ёки қашшоқлик сабаблари бўлган муаммоларни яхши билиш керак.

Инсонларнинг фаровонлик билан боғлиқ муаммоларини мустақил ҳал қилиши учун одамлар қандай манбаларга мухтоҷ? Мавжудлик аҳолининг аҳволини яхшилашга ёрдам берадиган (ва йўклиги, мос равишида, олдини олиш) ресурсларнинг асосий турлари куйидагилардан иборат:

1) иктисадий манба, яъни оила ҳаётига алоҳида заарар етказмасдан сотилиши ва нақд пулга айлантирилиши мумкин бўлган мулк, даромаднинг табиати, оиласда камида бир йил яшаши учун етарли маблағларнинг мавжудлиги;

2) таълим ва малака кўрсаткичлари тўплами сифатида ҳисобланган малака манбаси;

3) бирлаштирадиган ижтимоий манба: 1) кундалик алоқалар ва қўллаб-кувватлашнинг кундалик норасмий тармоқларига қўшилиш (дўстлар ва улар билан доимий алокада бўлиш, уларнинг ишончли қўллаб-кувватлашига ишопиш), 2) айниқса, жуда кам маълумотларга киришни таъминлайдиган юқори самарали ижтимоий тармоқларга кириш, фойда ва манбалар («алоқалар»), 3) расмий тармоқларга қўшилиш (клубларга, партияларга аъзолик ва бошқалар);

4) фуқароларнинг бутун корхона ёки унинг бирлиги миқёсида қарорларни қабул қилиш, ҳокимиятдан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш, уларнинг расмий мақоми ва иш жойидаги мавкеига қараб ижтимоий мавкеини ўз-ўзини англаш қобилиятини ҳисобга оладиган манба;

5) маданий манба, бу, бир томондан, фуқароларнинг бўш вактини ўтказиш хусусиятлари ва маданий эҳтиёжларини, иккинчи томондан, болалик ва ўсмирлик даврида уларнинг ижтимоийлашиши шароитларини (мактаб ёшида яшаш жойи ва ота-оналарнинг таълимоти) кўрсаткичларини ўз ичига олиши мумкин;

6) муваффақиятли муносабат мавжудлигини ва молиявий ахволнинг ёмонлашишини, мос келмаслик, эгалик кайфиятининг йўклиги, ташаббускорлик ва бошқаларни олдини олиш учун иш фаолиятини кучайтиришга тайёрлигини ҳисобга олган ҳолда шахсий манба;

7) фуқароларнинг меҳнат бозорида устун мавқега эга бўлиш имкониятларини оширадиган ёки, аксинча, пасайтирадиган хусусиятларни ҳисобга оладиган биологик ресурс – соғлиқ даражаси, жинси ва ёши.

Бундан ташқари, камбағаллар ҳолатининг ўзига хос хусусияти шунчаки улар «озгина пул» борлигидан иборат эмас, балки улар камбағал қатламлардир, улар нафакат кийин вазиятдан чикишга имкон берадиган иқтисодий ёки малака капиталидан маҳрум, балки давлатдан ташқари бирорнинг қўллаб-кувватлашига ишониш имконини берадиган оддий ижтимоий капитал ҳам. Бундан ташқари, агар сиз аҳолининг турли қатламларини бирлаштирилган ресурс таъминоти кўрсаткичларини ҳисоблаб чикишга ҳаракат қиласангиз, камбағалларда бирон-бир ресурс этишмаслиги ман-

зараси янада равшанрок бўлади ва мамлакатнинг иктисадий ҳолатида бирон-бир яхшиланиш камбағаллик ҳолатини автоматик равишда яхшиламаслиги аникроқ бўлади.

Шундай қилиб, «даромадлар камбағаллиги» билан эмас, балки ҳақиқий камбағаллик билан курашиш муаммоси, бир томондан, уларни сарфлаш хусусиятлари ва, бошқа томондан, мавжуд ресурсларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олишdir. Ва бу бир хилликдан узок бўлган ҳамда ижтимоий сиёсатнинг тубдан фарқ қиласидиган оқибатларини келтириб чиқарадиган камбағаллик сабабларини батафсил тушуниш зарурлигини анҷиатади.

Ҳозирги даврда камбағаллик чегараси бир киши учун суткасига 3,2 АҚШ доллари миқдорида белгиланган. Агар бу миқдорни бир киши учун бир ойда 96 АҚШ доллар Марказий банкнинг (МБ) расмий курси бўйича 918 минг сўм ташкил этишини ҳисобга олсак, Ўзбекистон оиласидаги ўртача сони 4,6 кишини ташкил этиши ва бу чегара бир оила учун 441,6 АҚШ (МБ расмий курси бўйича 4 миллион 223 минг сўм) долларини ташкил этиши керак. Айни пайтда, аҳолининг пул даромадлари билан бирга натурал даромадлари ҳам бор. Натурал даромадларни тўлиқ статистик ҳисобга олиш имконияти чекланган. Агарда аҳолининг умумий даромадлари таркибида натурал даромадлари 15–25 фоизни (асосан қишлоқ туманларида) ташкил этишини ҳисобга олсак, ўртача 4,6 кишилик оила учун натурал даромадларни пулга чақиб ҳисобласак, мос равишда (4 223 000–633 450 (15 фоиз)) 3 миллион 598 минг 550 сўм ёки (4 223 000–1 055 750) 3 миллион 167 250 сўмни ташкил этиши керак. Демак, Ўзбекистон камбағаллик даражасини аниқлашда жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда ўзининг миллий камбағаллик чегарасини белгилаб олиши талаб этилади.

**Нима учун давлат камбағалликка барҳам бериш чоралари ни кўриши керак?**

1. **Биринчидан**, камбағаллик жиноятчиликнинг ўсишига таъсир киласи. Шундай қилиб, жиноятчилик аҳолининг кам таъминланган қатламлари орасида кенг тарқалмоқда, улар баъзан «даромад олиш»нинг жинойи шаклларига мурожаат киласидилар.
2. Камбағалликнинг иккинчи энг муҳим салбий оқибати, бу – аҳоли соғлигининг ёмонлашиши. Ҳаётнинг паст даражаси

си ва даражаси паст даромадли гурухларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатмоқда. Баланссиз ва етарли даражада овқатланмаслик, гигиена меъёрлари йўқлиги, кам таъминланган фуқароларга тиббий хизматни ўз вактида олиш ёки самарали дори-дармонларни олишга имкон бермайдиган молиявий ресурсларнинг етишмаслиги, буларнинг барчаси кам таъминланганлар орасида касалликларнинг кўпайишига олиб келади.

- 3. Камбағаллик алкоголизм ва гиёхвандликнинг ўсишига ҳам бевосита таъсир қилади.** Умуман олганда, иш топишни орзу қилган ва яшаш имконияти бўлмаган одамлар ахлокий кўрсатмаларини жуда ўзгартирадилар. Бу, ўз навбатида, турли хил девиант ҳатти-ҳаракатларга олиб келади, уларнинг энг жиддий шаклларидан бири мастилик ва гиёхванд моддаларни истеммол қилишdir. Гиёхвандликнинг кўпайиши ОИТСнинг кўпайишига ёрдам беради, чунки гиёхвандлар орасида ОИТС юқтириш хавфи катта.
- 4. Камбағалликнинг юқори даражаси ҳам жамиятдаги ижтимоий кескинликнинг кучайишига сабабдир.** Бу, энг аввало, ҳукуматга ишончнинг камлиги ва кам даромадли гурухларнинг мавжуд муаммоларини ҳал қилишга қодир эмаслиги билан боғлиқ.
- 5. Камбағалликнинг хавфли оқибатларидан бири,** бу – аҳолининг умумий маълумот даражаси пасайиши. Даромадлари паст бўлган ота-оналар кўпинча ўз фарзандларини ўқиш учун зарур бўлган нарсалар билан тўлиқ таъминлай олмайдилар: ўқув қуроллари, кийим-кечак ва оддий овқатланиш. Оддий ўрта мактабларда кўплаб ўқитувчилар малакасининг пастилиги жиддий муаммо ҳисобланади.
- 6. Жамиятимизда камбағал одамларнинг сони кўп бўлиши** бир қагор ижтимоий-демографик оқибатларга олиб келиши мумкин. Улар орасида, биринчи навбатда, меҳнатга лаёқатли аҳолининг қишлоқ жойлардан шаҳарларга ўз-ўзидан кўчиб кетиши. Ҳозирда ушбу тенденция намоён бўлмоқда. Бундай ички миграциянинг асосий сабабларидан бири қишлоқ жойларида иш ўринларининг етишмаслиги.

Умуман олганда, кўриб чиқилаётган камбағаллик белгилари мълум даражада аниқлик билан аҳолининг кам таъминланган

қатламларини ажратиб олиш ёки табақалаштиришга имкон беради. Камбағаллик муаммоси қишлоқ аҳолиси, шунингдек, асосан саноат муносабатлари соҳасидан ташқарида бўлган ахолининг айрим катламлари, айниқса, қариялар, ногиронлар, ишсизлар. Бундан ташқари, кам таъминланганлик катта оиласларнинг аксарият қисмига жилдий таъсир кўрсатади (6.1-жадвал).

## 6.1 - жадвал

**Ўзбекистонда ўртача ойлик нафақалар ва минимал нафақаларнинг динамикаси: 2016–2019 йиллар**

минг сўм

Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
<i>Ўртача ойлик нафақа</i>				
Сўмда	494,2	556,8	640,5	701,7
АҚШ долларида	164,0	98,1**	78,0	78,7
<i>Минимал нафақа</i>				
Сўмда	292,9	336,9	396,5	436,2
АҚШ долларида	97,1	59,4	48,2	49,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари

\*\* 2017 йил 5 сентябрдан валюта испоҳотлари натижасида доллар курси икки бараварга ошган.

Умуман олганда, қишлоқ жойларида камбағаллик муаммоси шаҳарларга қараганда анча кескин. Аҳоли жон бошига пул даромадлари қишлоқ жойлардаги шаҳарларга нисбатан деярли 2 баравар кам. Қишлоқ жойларидағи ишсизлик муаммоси кисман хусусий уй шароитида иш билан таъминланади, аммо қишлоқ уй хўжаликларининг мавжудлиги нисбатан наст пул даромадларини қоплай олмайди ва шу сабабли қишлоқда камбағаллик муаммосини ҳал кила олмайди.

Жуда кийин вазиятда бўлган нафакаҳўрлар ва ногиронлар ҳам чекланган ижтимоий нафака: пенсия ёки ногиронлик лафақаси бўйича япашади.

Ўзбекистонда камбағалликниг миллий стандартларини белгилашда З та аҳоли тоифасининг камбағаллик даражасидан келиб чиқиб комплекс ёндашиш талаб этилади:

1. *1-тоифа*. Ижтимоий мақомдан келиб чиқиб, доимий камбағаллар (айрим пенсионерлар – якка-ёлғиз, қаровчиси йўқлар,

погиронлиги бўлган шахслар, қаровчисини йўкотган ёки кўн болали оиласлар ва х.).

**2. 2-тоифа.** Камбағалликдан чиқиб кетиш имкониятига эга бўлган тоифалар (балоғат ёшидағилар, аёллар, ишсизлар ва х.).

**3. 3-тоифа.** Камбағалликка юз тутиш хавфи бўлган тоифалар – камдаромадли фаррошлар, коровуллар, оддий ишчилар, касби замон талабларига жавоб бермайдиганлар, ишдан бўшаб қолгандар, фаровонликка интилмайдиганлар ва х.).

Камбағалликнинг Миллий стандартларини яратишда айтиб ўтилган ахоли қатламларини ўрганиб, уларнинг ҳар бирига та- бақалашган тарзда чоралар кўриш талаб этилади.

Масалан, *биринчи тоифадагилар* албатта моддий кўмакка муҳтож, уларга давлатнинг моддий ёрдами керак бўлади. Чунки, ушбу тоифадагилар ўзларининг ижтимоий мақомидан келиб чиқиб, шахсий даромадларини ўстириб бориши имкониятига эга эмас.

*Иккинчи тоифадагиларда* камбағалликдан чиқиб кетиш имкониятлари мавжуд. Уларни касбга ўргатиши, янги касбга қайта тайёрлаши, бандлигини таъминлаш, бизнес билан шугууланишга йўналтириш ва шунга ўхшаш чораларни кўриш орқали даромад топиш имкониятини яратиш зарур бўлади.

*Учинчи тоифадагилар* ўзларининг фаолият доирасини ўзгартиришлари, улар олаётган иш ҳақини ўртача даражага етказиш, кўшимча даромад манбаларини излаб тонишига ундаш, шароит хозирлаш, шахсий томорка хўжалиги имкониятларидан фойдаланишни кенгайтириш ва шунга ўхшаш чораларни кўриш талаб этилади.

Даромад ва истеъмол турушунчаларидан келиб чиқиб, камбағаллик ва ночорлик муаммосига бўлган ёндашишни янада чукур ўрганиш ва аник чораларни белгилаш имконини беради. Камбағаллик нисбий ва субъектив хусусият касб этади. Моддий таъминоти етарлича бўлишига карамай шахс соғлом ва тўлақонли яшашга имконсиз бўлиши мумкин. Бошқа томондан, кишининг билими ва савияси етарли бўлмаслиги, тўғри карор қабул кила олмаслиги, нотўғри ишга кўл уриши, дангасалиги, ялқовлиги, укувсизлиги ва шунга ўхшаш субъектив хислатлар ҳам инсонни фаровон яшашдан маҳрум этади. Булар камбағалликка юз тутишнинг субъектив сабабларицир.

Камбағалликни тамомила йўқотиб бўлмаган тақдирда ҳам қисқартириб бориш зарурияти пайдо бўлади. Бунга асосан 2 йўл билан эришилади:

**биринчиси**, камбағалларда иқтисодий фаолликни уйғотиш. Шарқда бир доно гап бор: «Камбағалликка ялқовлик қўшилса, бунинг давоси йўқдир». Шу сабабли камбағалларни ялқовликдан фориғ этиш талаб қилинади. Муҳими, камбағалларга ишлаб пул топиб, тўқ яшашига шароит ва имконият яратиш керак;

**иккинчиси**, камбағалларга давлатнинг ва корхоналарнинг молдий ёрдам беришини ташкил этиш. Бу восита зарур бўлса-да, бокимандалик кайфиятини туғдириб, фаолликка ундумайди. Шу сабабли бу йўл ўзини ўзи бокишига қодир бўлмаган кишиларга, масалан, ногиронларга ва кўп болали оиласларга нисбатан сайланган ҳолда қўлланади. Ижтимоий ёрдам узок вакт ишсиз колгилар, қасбини йўқотганларга ҳам берилади.

Ихтиёрий равишда камбағаллик танлаб олинипши ҳам бор. Шундайлар ҳам борки, улар тасодифий даромад, ҳомийлар ёрдами ҳисобига яшаб бекор юришини афзал кўрадилар, масалан, бошпанасиз, ишёқмаслар – бомжлар.

Бойлар, ўртаҳоллар ва камбағаллар сони ўзгариб туради. Иқтисодиёт ривожланган сари камбағаллар ўртаҳолларга, ўртаҳоллар бойларга айланиб боради. Иқтисодий инқироз кезларида акси юз беради.

Ахолининг табақаланиши табиий бўлса-да, унинг чегараси бор. Камбағаллик кўпайиб кетса, норозилик кучаяди, тўкнашувлар келиб чиқади, натижада, ижтимоий мувозанат бузилади. Шу сабабли давлат тенгизликтин тартиблаб туриши зарур бўлади.

Хуроса қилиб айтганда, Ўзбекистонда камбағалликка қарши кураш ҳақида гапирганда, турли минтақаларда, шаҳар ёки қишлокларда яшайдиган турли ўшдаги одамлар, эркаклар ва аёллар учун камбағалликнинг сабаблари жула фарқ килишини ҳисобга олишимиз керак. Шу нуткази назардан, қашшоқликка қарши кураш жуда мураккаб ва кўп киррали вазифадир. Шу муносабат билан, муҳтоҷ одамларга тўғридан-тўғри молиявий ёки табиий ёрдам кўрсатиш орқали қашшоқлик муаммосини ҳал килишда жиддий ижобий натижага эришиш мумкин эмаслиги аён бўлади. Албагта, ахолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий

кўллаб-кувватлаш зарур, аммо камбағалликнинг турли хил сабабларини ҳисобга олган ҳолда, унга қарши курашда ҳар қандай муҳим ютукларга одамлар ўзларининг моддий муаммоларини мустақил ҳал эта оладиган ва ўзларини зарур даромадлари билан тъминлайдиган шароитлар яратилгандагина эришиш мумкин.

### **6.3. Камбағалликни қисқартириш бўйича хорижий тажрибалар**

#### ***6.3.1. Камбағалликни қисқартириши бўйича Хитой тажрибаси<sup>1</sup>***

*Камбағалликни қисқартириши соҳасида Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириши вазирлигига Хитойдан маслаҳатчи-эксперт жалб қилиш мўлжалланмоқда.*

2020 йилнинг 26 сентябрь куни Хитой ҳуқумати томонидан БМТ котибиняти билан ҳамкорликда ташкил этилган «Камбағалликни қисқартириш юзасидан ҳамкорликни кенгайтириш» мавзусида юқори даражадаги ҳалқаро видеоконференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириши вазирлиги ахборот хизмати хабарига кўра, конференцияда Хитой ташкил ишлар вазири Ван И, БМТ Бош котибининг биринчи ўринbosари Амина Мухаммад, БМТ Бош котиби ўринbosари Лю Чженмин ҳамда Миср, Қозоғистон, Перу, Филиппин, Жанубий Африка ва бошқа ривожланаётган мамлакатларнинг ташкил ишлар вазирлари иштирок этган.

Хусусан, XXR ташкил ишлар вазири ва БМТ вакиллари глобал пандемия натижасида 70–100 миллионга яқин дунё ахолиси ўта қашшоқлик даражасига тушиб қолиши бўйича таҳдидлар мавжуд эканлигини таъкидладилар. Шу муносабат билан улар камбағалликни қисқартириш, молиявий ва техник ёрдам ролини кучайтириш юзасидан стратегик шериклик муҳимлиги ҳамда пандемия шароитида янада зарур омилга айланганини қайд этдилар.

<sup>1</sup> <https://review.uz/post/globalnaya-borba-s-bednostyu>

Глобал коронавирус пандемиясининг салбий оқибатларини юмшатиш бүйича Ўзбекистонда амалга оширилаётган инкиrozга қарши амалий чоралар, халқаро ташкилотлар ва молия институтлари билан ҳамкорлик, шунингдек, камбағалликни қисқартириш бүйича концепция ва стратегияни ишлаб чиқиши бүйича халқаро эксперталар билан биргаликда олиб борилаётган ишлар ижобий натижага бермоқда.

Иқтисодий барқарор ва инклюзив ўсишни таъминлаш, инсон капиталини ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратишга йўналтирилган ва амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришга қаратилган асосий чора-тадбирлар сифатида тақдим қилинди.

Ўзбекистон томонидан қўйидагилар таклиф қилинди:

- камбағалликни қисқартириш соҳасида Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;
- XXРнинг камбағалликни қисқартириш бүйича тажрибасини ўрганиш мақсадида, вазирликлар ва идоралар ходимлари учун хизмат сафарларини ташкил этиш;
- Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига Хитойдан маслаҳатчи-эксперт жалб қилиш.

Ўз навбатида, Хитой томони ёрдам кўрсатишга ва камбағалликни қисқартириш соҳасидаги тажрибаси билан ўртоқлашишга тайёрлигини билдириди.

Камбағалликка қарши курашища дунё мамлакатлари тажрибасини ўрганиш ва улардан амалиётда кенг фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Хусусан, Ўзбекистонда камбағалликка қарши курашиш дастурларини ишлаб чиқиша Хитой тажрибасидан фойдаланиш ижобий самара беради. Хитой бугунги кунда камбағалликни тугатиш борасида жуда катта ишларни амалга ошириди. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, Хитойда бугунги кунга келиб 850 миллион киши кашшоқлик чегарасидан чиқарилди. Хитойда камбағаллик даражаси 1981 йилда 88 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилда бу кўрсаткич 0,7 фоизни ташкил этди. Бу кўрсаткич ривожланган мамлакатлардаги камбағаллик даражаси билан тўла мос тушади. Жумладан, камбағаллик даражаси АҚШда 1 фоизни, Швецияда 0,61 фоизни, Германияда 0,19 фоизни, Италияда 1,5 фоизни ташкил этади.

Хитойда камбагалликка қарши курашиш чора-тадбирлари күйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради:

1. Кўрсатилаётган ижтимоий ҳимоя чора-тадбирларининг аник манзилга йўналтирилганлиги;
2. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, маҳаллий бозорларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида илмий-тадкиқот ишларининг ҳар жиҳатдан қўллаб-куввагланиши;
3. Камбагалликка қарши курашишда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб ёндашиш;
4. Хитойда амалта оширилувчи ижтимоий сиёсат ахоли турли катламларининг манфаатларини камраб олишга қаратилган. Ҳусусан, кекса ёшдаги ахоли учун тегишли ижтимоий хизматларнииг сифатини ошириш мақсад қилиб олинган бўлса, меҳнатга лаёкатли ва, айниқса, ёшларнинг меҳнат салоҳиятларини рўёбга чиқариш Хитойда камбағалликка қарши курашиш сиёсатининг асосини ташкил этади. Бунда асосий эътибор ёшларни касб-хунарга ўргатишга қаратилади, яъни «инсонларга балиқ эмас, кармоқ бериб, уларни балиқ тутишга ўргатиш», мазмунидаги Конфуций таълимотига қатъий амал қилинади;
5. Қишлоқ ҳудудларида камбағалликни камайтириш мақсадида қишлоқ ҳудудларига саноат ишлаб чиқаришини олиб кириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар ўртасида кооперация алоқаларини кучайтириш;
6. Ҳудудларни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ривожлантириш, ахоли бандлиги ва даромадларини ошириш мақсадида маҳсус иктисодий зоналарни ташкил этиш амалиётидан кенг фойдаланиш;
7. Ижтимоий дастурларга йўналтирилган ҳар қандай маблағнинг сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатиши.

Жаҳон банкининг қашшоқликни камайтириш бўйича ҳар икки йилда эълон қилинувчи ҳисоботига кўра, дунё ахолисининг деярли 46 фоизи (3,4 миллиард киши) кунига 5,5 доллардан камроқ маблағга кун кечиради. 1,9 миллиарддан ортиқ киши эса (дунё ахолисининг 26,2 фоизи) кунига 3,2 доллардан камроқ маблағ ҳисобига кун кечиради. Купига 1,90 долларга кун кечиравчига энг қашшоқ ахолининг улуши дунё бўйича 10 фоизгача кисқарган

бүлса-да, хануз дунёда камбағалликни камайтириш муаммоси ўз аҳамиятини йўқотганича йўқ.

«Oxfam» халқаро ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё бўйича йиғилаётган солик тушумларининг ҳар бир долларига тўғри келувчи бойлар тўлайдиган солик атиги 4 центни ташкил этар экан. Агар дунё бўйича энг бой инсонларнинг атиги 1 фоизи тўланаётган соликлар микдорини атиги 0,5 фоизга оширсалар, дунё мамлакатлари бўйича бугунги кунда оддий мактаб таълимидан бебахра қолаётган 262 миллион бола учун мактабга катнаш имконияти яратилар экан.

Бугун бутун дунёда пандемия оқибатлари юз бериши туфайли қашшоқликка қарши курашиш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолди. Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Си Цзинпин бир неча бор қашшоқликка қарши курашни «энг шиддатли жанглар» деб атаган.

Хитой дунёдаги қашшоқликни камайтиришнинг энг катта дастурини амалга ошироқда. Хитой расмийларининг ижтимоий сиёсати яқин келажакда уйғун ривожланиш ва ўртacha фаровонлик жамиятига ўтишга қаратилган.

Ўтган асрнинг 90-йилларидан бери Хитой раҳбарияти ижтимоий ҳимоя тизимини куришни бошилади. Ушбу тизим аҳолининг заиф тоифаларини камраб олади – камбағал қишиюқ оиласлари фарзандлари («Умид» мақсадли дастури), болали ёлғиз аёллар («Бахт» дастури), ёлғиз кексалар («Беш турдаги кўллаб-куватлаш»).

1978 йилдан 2017 йилгача 740 миллион киши ёки Хитой қишилок аҳолисининг 94,4 фоизи қашшоқликдан чиқиб кетган. Бу кўрсаткич бутун дунё бўйлаб бир вақтнинг ўзида ўта қашшоқликда яшашини тўхтатган одамларнинг 70 фоизини ташкил етади. Сўнгги 5 йил ичida Хитойда 68 миллион киши қашшоқликдан халос бўлди. Мамлакатнинг камбағал худудларида яшовчи қишилок аҳолисининг ўртacha йиллик даромади ҳар йили ўртacha 10,4 фоизга ўси.

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгашида миллий дастурни амалга оширишни мувофиқлаштирадиган қашшоқликни камайтириш бўйича қўмита мавжуд. Мамлакатда қашшоқликка қарши курашиш бўйича сугурта, инвестиция, ижтимоий ёрдам, маълумотлар йиғиш, таҳлил ва хисобот йўналишларини камраб олган бутун тизимлар яратилган.

2004 йилдан бўён Хитойда умумий соғлиқни сақлаш тизими жорий қилинган ва давлат сұғуртаси тизими аҳодининг 95 фоиздан ортиғини қамраб олади. Дастурда Хитойнинг энг қашшок минтақаларида камбағалликни камайтиришига алоҳида эътибор қаратилган.

Хитойда қашшоқликка қарши кураш иқтисодиётнинг алоҳида тармокларини иқтисодий ривожлантириш, бандликни рағбатлантириш ва саноатнинг жойлашишини оптималлаштирища сармоялар ва мақсадли ёрдамга таянади. 2016 йил баҳорида Хитой қишлоқ хўжалигини ривожлантириш банки қишлоқ қашшоқлигини камайтириш учун беш йил давомида қарийб 460 миллиард доллар ажратди. Бундан ташқари, Хитойнинг давлат корпорациялари мамлакатнинг қашшоқ минтақаларида маҳаллий ишлаб чиқаришни, қишлоқ хўжалигини ва саноатни, биринчи навбатда, тоғ-кон саноатини ривожлантиришини кўллаб-кувватлаш учун 1,82 миллиард долларлик инвестиция фондини яратдилар.

Хитой қишлоқларни ривожлантиришига қаратилган кенг кўламили чора-тадбирларни, жумладан, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, қишлоқ жойларини ислоҳ қилиш ва суғориши инфратузилмасини ишлаб чиқарини ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши даражасини ошириш учун қабул қилди. Қишлоқ жойларида аҳоли учун сифатли ичимлик суви, тиббий хизмат кўрсатиш имкониятларини оширишига, шунингдек, Интернет тармоғи билан аҳолини қамраб олишни кенгайтиришига катта эътибор қаратилмоқда.

Шахарларда қашшоқликни енгисх иш ўринлари сонининг кўпайиши, таълим ва соғлиқни саклаш хизматларидан фойдаланиш билан боғлиқ. Қишлоқдаги қашшоқликни бартараф этиш аҳолини шаҳарларга кўчириш билан боғлиқ. Ўн йил ичida Хитой 250 миллион кишини шаҳарларга кўчириши режалаштироқда. Бунинг учун йирик инфратузилма лойиҳалари ишга туширилмоқда.

Қашшоқликка қарши курашнинг Европа модели ривожланган мажбурий сугурта тизимига асосланган. Унга мувофиқ, одам қанча узоқ ишласа, унинг ижтимоий ҳимояси даражаси шунчалик юқори бўлади (нафақалар қанча кўп бўлса, нафақалар микдори шунча кўп бўлади). Ушбу модель Германия, Нидерландия, Франция каби мамлакатларга хосдир. Европанинг жанубий мамлакатларида бюджетдан ижтимоий нафақалар ва субсидиялар жуда кам.

### *6.3.2. Иқтисодий ривожланиши даражаси турлича бўлган мамлакатларда камбагалликни бартараф этиши тажрибаси*

Инсоният ўз тараққиётида катта муваффақиятларга эришди, аммо азалий муаммо – камбагаллик, жамиятнинг бой ва камбагалларга табақаланиши муаммосини бартараф қила олмади. XXI асрда замонавий цивилизациянинг улкан ютуқлари замирида ушбу муаммо ўз долзарблигини йўқотмади, боз устига, у глобал жараён сифатида янги хусусиятлар ва кўринишларга эга бўлди. Жаҳонда тўкин-сочинликка қарамай, чукур қашшоқлик мавжуд: дунё ахолисининг тўртдан бир қисми камбагалликнинг Жаҳон банки томонидан белгиланган расмий чизигидан (бир суткада 2 АҚШ доллари) паст даражада, 1,2 миллиард киши (ахолининг бешдан бир қисми) эса кунига 1 АҚШ долларидан камрок маблағта яшайди, уларнинг аксарияти Жанубий Осиё ва Африкада истикомат қиласиди.<sup>1</sup>

Сўнгги йиллардаги глобаллашув турмуш даражасини ошириш воситаси бўлди ва айрим камбагал мамлакатларга ортда колишни қисқартиришга ёрдам берди. Турмуш даражаси нафақат даромад параметри бўйича ошди: ҳаётнинг ўргача давомийлиги ҳам, мактаб таълимининг давомийлиги ҳам бой мамлакатлар 1960 йилда эришган даражагача кўтарилди. Бунга кўп меҳнат талаб қиласидаги маҳсулотлар жаҳон бозорларига муваффақиятли кириб борган Вьетнам мисол бўлади. У ерда бандлик даражасининг ошиши ахолининг камбагал қатламлари даромадининг ўсишига ва қашшоқлик чизигидан паст даражада яшовчи одамлар сонинишг 1988 йилдаги ахолининг 75 фоизидан 2003 йилда 28,9 фоизигача камайишига олиб келди. Натижада, инсоният тараққиётининг ўртача даражасига эга бўлган мамлакатлар орасида Вьетнам ахоли қашшоқлиги индексининг энг паст даражасига (15,7 фоиз) эга.<sup>1</sup>

Бирок, шуни таъкидлашни истардикки, глобал ютуклар ўта нотенг даражада тақсимланмокда. 20 та энг бой мамлакатларда

<sup>1</sup> Россия и страны мира. 2010. Стат. сб. / Росстат. – М.: 2010.

<sup>2</sup> Доклад о развитии человека 2006. Что кроется за нехваткой воды: власть, бедность и глобальный кризис водных ресурсов / Пер. с англ. – М.: «Весь Мир», 2006.

ўртача даромадлар 20 та энг камбағал мамлакатлардаги ўртача даромадлардан 37 марта юкори ва бу фарқ сўнгти 40 йил ичидаги икки баробар ошди. Турли мамлакатларда камбағалликка қарши кураш ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот ва ижтимоий сугурта тизимларини ўз ичига олган ҳолда давлат ижтимоий сиёсатининг барча жабҳаларини камраб олмоқда. Миллий ижтимоий ҳимоя тизимлари хилма-хил бўлиб, бир қараашда, ўхшашилкларни ажратиш кийин. Бироқ, уларни турларга ажратиш мумкин. Мазкур ҳолатда «ижтимоий ҳимоя моделлари» ҳақида сўз юритилади. Европа комиссиясининг 1995 йилда тақдим этилган ҳисботига кўра, Европа Иттифоқи мамлакатларида тўртта асосий модель устунлик килади: континентал, Англия-Саксония (либерал), Скандинавия ва Жанубий Европа.<sup>1</sup>

### **Дунёнинг турли мамлакатларида кўлланиладиган ижтимоий ҳимоя (камбағалликни қисқартириш) моделлари.**

1. Контиентал модель (Бисмарк модели) (Германия, Нидерландия, Австралия, Швейцария, Франция) ижтимоий ҳимоя даражаси билан меҳнат фаолиятининг давомийлиги ўртасидаги ўзаро боғликларни назарда тутади. У кучли мажбурий ижтимоий сугурта, сугуртанинг турли шакллари: тиббий сугурта, пенсия сугуртаси ва ишсизлик бўйича сугуртага йўналтириладиган хизматларга асосланган. Давлат ижтимоий сугурта органларида молиявий кийинчиликлар юзага келган тақдирда улар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишига кафил вазифасини бажаради. Бундан ташқари, давлат меҳнат бозорида арzon ишчи кучининг ҳукмронлигига қарши чоралар кўради. Нидерландия, Дания, Германия, Белгия ва Францияда камбағалликнинг олдини олиш тизими барча иш берувчилар учун мажбурий бўлган ва ишловчининг асосий эҳтиёжларини қондириш учун старли даражадаги энг кам иш ҳақининг белгиланишига асосланган. Натижада, Францияда энг кам иш ҳаки ўртача даражанинг қарийб 60 фоизини, бошқа мамлакатларда эса ўртача даражанинг 50 фоизига яқинни ташкил қиласди.

<sup>1</sup> Страны ЕС: проблемы социальной защиты // Экономика и управление в зарубежных странах (по материалам иностранной печати). Ежемесячный информационный бюллетень. 2006. № 4.

**2. Ижтимоий ҳимоянинг либерал модели** (Буюк Британия, Ирландия, АҚШ, Япония): умумийлик тамойилларига асосланган ижтимоий ҳимоя тизими (жамиятнинг моддий қўллаб-куватланишга муҳтож бўлган барча аъзоларини қамраб олган) ва ижтимоий хизматлар бир хиллиги (пенсия ва нафақаларнинг тенг миқдори, уларни тўлаш шароитларининг бир хиллиги). Либерал модель донрасида мамлакатта хос бўлган айрим хусусиятлар ёритилади. Масалан, АҚШ ва Японияда ижтимоий ёрдам дастурлари тарқоқ тусга эга бўлиб, камбағалларнинг айрим тоифаларига манзилли йўналтирилган. Нафақалар камбағаллашиш жараёнини жиловладидиган, лекин уни бартараф этмайдиган даражада белгиланади. Бундай сиёsat камбағаллик ҳолати индивиднинг шахсий танлови натижаси ҳисобланади, деган мантиққа асосланади. Таъкидлаш лозимки, дунёдаги саноати энг ривожланган мамлакатлар орасида АҚШ ва Япония ўз ахолисининг нисбатан камбағаллиги даражаси бўйича етакчилик қилмоқда. Иктисадий ҳамкорлик ва таракқиёт ташкилоти маълумотларига қўра, мамлакат бўйича ўргача даромаднинг ярмидан камини олувчи оиласар АҚШда 13,7 фоизни, Японияда эса 13,5 фоизни ташкил этади. Қўшима Штатларда камбағалликка қарши кураш дастурлари ахолининг 15 фоизини қамраб олади. Ёрдам иккита мезон бўйича кўрсатилади: агар инсон камбағал бўлса ёки субсидиялападиган тоифалардан бирига мансуб бўлса.<sup>1</sup>

**3. Ижтимоий ҳимоянинг Жанубий Европа (рудиментар) модели** (Италия, Испания, Греция, Португалия) ижтимоий таъминотнинг нисбатан паст даражаси билан тавсифланади, ижтимоий ҳимоя эса оила ва қариндошларнинг алоҳида ҳуқуки (имтиёзи)дир. Илгари тақдим этилган моделлардан фарқли равишда ушбу модельни ривожланаётган, демак, ноаниқ ташкиллаштирилган модель сифатида талқин қилиш мумкин. Ижтимоий харажатларнинг асиметрик таркиби ҳам рудиментар модельнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Масалан, Италияда бу ижтимоий харажатларнинг энг катта қисмини пенсия таъминоти ташкил қиласади (ЯИМнинг 14,7 фоизи, Европа бўйича ўргача даражада – 12,5 фоизи), айни

<sup>1</sup> Воронкова О.В. Теория и практика государственного регулирования уровня бедности // Экономические науки. 2008. № 8 (45).

пайтда, оиланы құллаб-қувватлаш, таълим ва бандлик сиёсатига кам міндердеги маблағтар (тахминан 1ғоиз) сарфланади.<sup>1</sup>

**4. Социал-демократик (Скандинавия) модель** (Дания, Швеция, Финляндия, Норвегия) турли ижтимоий хавф-хатарлар ва жамият томонидан құллаб-қувватлашни талаб қылувчи қаётій вазиятлар-нинг көңг қамровига зәғ. Ижтимоий хизматлар мамлакатнинг барча ахолисига кафолатланади ва иш билан бандлик ва сұғурта бадалла-ришинг тұланиши билан боғлық әмас. Ижтимоий ҳимоя даражаси юқори бўлиб, бу ҳол ушбу мамлакатлардаги камбағалликнинг дунёдаги энг паст күрсаткичларини таъминлайди. Ижтимоий сиёсат қўйидаги тамойилга асосланади: камбағаллик, бу -- жамиятининг касалиги, инсонлар бозор жараёнида ўзгарувчан меҳнат бозорининг шароитлариға мослашишга ултурмаган ҳолда камбағалга айланишади.

Ушбу модель Ғарбий Европа мамлакатлари орасида камбағалликнинг энг паст даражаларидан бирига зәға бўлган Швецияда энг яққол тарзда намоён этилган. Постсоциалистик ўзгаришлар босқичини бошдан кечираётган постсоциалистик мамлакатларда қашшоқлашув даражаси бўйича катта фарқлар мавжуд. Спектрнинг бир учida МДҲ таркибидаги Тожикистон каби мамлакатлар (у ерда бир кунда 2,15 АҚШ долларидан камроқ міндердеги маблағ билан кун кечираётган ахолининг улуши 70 фоиздан кўпни ташкил қиласди) туради, спектрнинг бошқа учida эса Европа Иттифокига аъзо бўлган мамлакатлар – Чехия Республикаси, Венгрия ва Словения жойлашган (уларда мутлақ камбағаллик деярли мавжуд әмас)<sup>2</sup>. Шунинг учун собиқ социалистик мамлакатлар, одатда, иккита йирик турухга бўлинади: Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари ҳамда собиқ СССР мамлакатлари.

Ҳозирги вактда камбағалликни қисқартиришда энг катта муваффакиятларга эришган Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДҲ мамлакатларининг ижтимоий ҳимоялаш тизимида қўйидаги ўзгаришлар рўй бермекда:

<sup>1</sup> Pensions in Europe: Expenditure and Beneficiaries/ Eurostat / Theme 3-8/2004. - Luxemburg, 2004.

<sup>2</sup> Голубенко И.В. Преодоление бедности: зарубежный опыт и российская практика: автореф. дис. канд. экон. наук. – М.: 2007.

- 1) ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш функциялари давлат, маҳаллий ҳокимият органлари, корхоналар, нотижорат ва жамоат ташкилотлари ўргасида қайта тақсимланмоқда;
- 2) ахолининг меҳнатга лаёқатсиз ва ижтимоий заиф қатламларини химоялаш бўйича асосий мажбурият маҳаллий ҳокимият органларига ўтказилмоқда.

Бизнинг назаримизда, бу ижтимоий таъминот тизимининг манзиллилигини оширади, аммо, иккинчи томондан, маҳаллий ҳокимият органларига юклама ва улар ишининг ҳажми ортмоқда.

Евropa Йттифоқи мамлакатлари орасида ахолини ижтимоий кўллаб-куватлаш Бельгияда энг яхши тарзда ташкил этилган. Шунингдек, у ишчилариниң ўртача иш ҳакида оиласвий нафақаларнинг нисбий улуши бўйича ҳам биринчи ўринда туради. Евropa Йттифоқининг «яниги» мамлакатлари орасида Чехия камбағаллик чизигидан паст даражада яшовчи одамларниң энг паст фоизига эга бўлиб, бойлар билан камбағаллар ўргасида даромадлардаги тафовут Европадаги энг паст кўрсаткичлардан биридир.<sup>1</sup>

Социалистик тузумдан кейинги мамлакатларда ижтимоий химоялаш тизимининг таҳлили шуни кўрсатдики, ёрдам кўрсатиш мезонига кун кечириш учун зарур маблагларнинг энг кам миқдори (Чехия, Словакия, Россия), энг кам пенсия (Венгрия, Полша) ёки энг кам асосий даромад (Болгария) хисоб-китоблари асос қилиб олинган.

Хулоса қилиб айтганда, социалистик тузумдан кейинги ва ривожланаётган мамлакатларда камбағалликни қисқартириш сиёсати қашшоқлик чизигидан анча паст даражада яшовчиларга ёрдам беришга қаратилган (манзилли ижтимоий ёрдам). Шу билан бирга, ривожланган мамлакатлардаги камбағалликка карши кураш дастурлари иш ўрнига эга бўлмаганларга ва камбағалларнинг даромадларини маълум бир чизиқача олиб чиқишига қаратилган. Чет элдаги камбағалликка карши кураш стратегиялари ва ижтимоий химоя тизимларини таҳлил қилип асосида шундай хулосага келиш мумкинки, камбағаллик даражасини тартибга солишнинг

<sup>1</sup> Воронкова О.В. Государственная политика регулирования уровня бедности населения в России и других странах // TERRA ECONOMICUS (Экономический вестник Ростовского государственного университета). 2009. Том 7. – № 2.

оддий ягона режаси мавжуд эмас. Агар айрим мамлакатлар камбағалликни қисқартиришда катта тараққиётга эриша олса, демак, бунга бошқа мамлакатлар ҳам эришиши мумкин. Бирок, шуни ёдда тутиш лозимки, ҳар бир мамлакат ўзига хос хусусиятларга эга ва ривожланган мамлакатларнинг ижтимоий ҳимоялаш тажрибасидан кўр-кўронга нусха қўчиришга йўл кўйиб бўлмайди. Бу эса хорижий давлатларнинг ижтимоий ҳимоялаш моделларини таҳлил қилиш ва замонавий Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришга қаратилган яхлит сиёсатга ўтиш заруратини келтириб чиқаради.

#### **6.4. Қашшоқликка қарши глобал миқёсдаги кураш**

Халқаро миқёсда қашшоқликка қарши курашда кучларни бирлаштириш харакатлари 2000 йилда Мингийиллик ривожланиш мақсадлари қабул қилинган БМТнинг Мингийиллик декларациясида ифодаланган бўлиб, асосий масалалардан бири сифатида 2015 йилга келиб кунига 1,25 доллардан паст даромад олувчи дунё аҳолиси улушини икки баробарга камайтирилишини қайд этиш мумкин.

Ривожланган мамлакатлар камбағал мамлакатларга асосий ижтимоий хизматларни кўрсатиш учун ҳар йили 15 миллиард доллар ажратадилар ва ўз маҳсулотларини импорт қилиш учун ўз бозорларини очишга муваффак бўлмоқдалар. Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки ва бир қатор етакчи мамлакатлар энг қашшоқ мамлакатларнинг таркибий тузилишини қайта кўриб чикиб, карзларини кечиришни бошлашди.

2015 йилда Мингийиллик ривожланиш мақсадлари халқаро ҳамкорликнинг фаолияти ўрнига Баркарор ривожланиш максадлари киритилди, барча БМТга аъзо давлатлар томонидан қабул қилиниб, ҳаёт сифатини яхшилаш ва дунёдаги барча одамларнинг истиқболларини яхшилашга қаратилди.

Куйилган 17 мақсаднинг биринчиси сифатида, 2030 йилга қадар қашшоқликнинг ҳар кандай шаклларини барча жойларда тугатишга қаратилди. Жаҳон банки 2030 йилгача глобал қашшоқликка барҳам беришни ўз олдига максад қилиб қўйган.

**Пандемия таҳдидлари.** Сўнгги ўн йилликнинг глобал кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлган қашшоқликка қарши кураш бу йил янада долзарб масалага айланди. 1993 йилдан бери ҳар йили 17 октябрда нишонланиб келинаётган «Халкаро қашшоқликни йўқ қилини куни» 2020 йил сентябрда эълон қилинган, Жаҳон банкининг дунёдаги глобал қашшоқлик ҳолати тўғрисидаги баёноти билан орқага сурилиб колди, ушбу масала 2020 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган «20 талик гурух» дунёсининг етакчи иқтисодиёти раҳбарлари йиллик учрашувининг дикқат марказида турди.

Ушбу хужжатда Жаҳон Банки бу йил пандемия туфайли қашшоқлик, унга қарши курашиш бўйича кўп йиллик сайд-харатклар туфайли йўқотилган позицияларини қайтаришни бошлаганига эътибор қаратди.

**Қашшоқликни камайтириши ўйлари комплекс ёндашувни талаб қиласди.** Тахминан 30 йил давомида ўта қашшоқлик доимий равишда камайиб борди. 90-йилларнинг бошидан бери дунёда мутлақ қашшоқлик чегарасидан (кунига 1,9 доллар) паст яшайдиган одамларнинг улуши 35 фоиздан 8,4 фоизга камайди. 2020 йил бошида дунёдаги ўта қашшоқлар сони 689 миллион кишини ёки дунё аҳолисининг 9,2 фоизини ташкил этди. Бироқ, COVID-19 пандемияси, маҳаллий можаролар ва иқлим ўзгариши туфайли глобал ўта қашшоқлик даражаси бу йил ўн йилликлар ичига биринчи марта кўтарилади. 2020 йилги дастлабки ҳисобкитоблар ҳамда Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, кўшимча 88 дан 115 миллион одам қашшоқликка тушиб, уларнинг сони 703 дан 729 миллионга етади. Бундан ташкири, қашшоқлик географияси энг қашшоқ Африка мамлакатларидан ўрта даромадли мамлакатларга қараб кенгайиб бормоқда, башорат килинишича, 2020 йил ҳисобида қашшоқланиш даражаси 82 фоизга етади.

Камбағаллик таркалишининг янги тўлкини, биринчи навбатда, пандемия даврида карантин чекловлари туфайли глобал иқтисодиётдаги турғунлик билан боғлиқ, XBF 2020 йилда глобал иқтисодиётнинг 3 фоизга пасайишини кутмоқда, бу 2009 йилдаги глобал молиявий инқироз (2,3 фоизга пасайиш) давридан кўпроқдир. Натижада, Халкаро меҳнат ташкилоти 2020 йилнинг ик-

кинчи ярмида иқтисодий ўсиш 2019 йилнинг охирига нисбатан 10,5 фоизга пасайиб, 305 миллион доимий иш жойи йўқолишини тахмин қилмоқда.

Қашшоқликнинг илдизи, асосан, қишлоқ худудларига бориб тақалади. Бироқ Жаҳон банкининг таҳдилларига кўра, инқироз давом этаверса, дунёдаги қашшоқлар сони 2021 йил охирига бориб яна 150 миллионга кўпаяди. Бу кўрсаткич илм-маърифат ривож топган шахарлар ахолиси ҳисобига ошади.

Айни дамда глобал иқтисодий ўсиш 5,2 фоизга қисқариши кутилмоқда. Бу пасайиши охирги 80 йилда ҳам кузатилмаган. Агар вазият шундай давом этса, пайдо бўладиган қашшоқ ахоли кунига 1,9 доллардан камрок пул эвазига кун кўришига тўғри келади. Шундоқ ҳам ҳозир дунё ахолисининг чорак қисми кунига 3,2 доллардан камрок сарфлаб яшаб келмоқда. Янги пайдо бўладиган камбағалларнинг катта қисми – 110 миллиондан ортиғи Шарқий Осиё ва Африка Сахараси ахолиси бўлиши кутилмоқда.

Ишсизлик ўсиб бораётгани, кўпчилик жамғариб қўйган пулларини сарфлаб тутатгани сабабли одамлар камроқ овқат ейишга мажбур бўлмоқда. Кўплаб болалар, улар дунё қашшоқларининг ярмини ташкил этади, масофавий дарсларга қатнашишга имкон топа олмаяпти.

Курилиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ соҳаларда норасмий тарзда фаолият юритадиганлар кўпайиши кутилмоқда. Лекин, турли чекловлар ва ҳаракатланиш билан боғлиқ тақиқлар биринчи бўлиб уларга таъсир кўрсатади. Тикланиш учун ўн йил керак бўлиши мумкин. Бу энди камбағаллиқдан кутулиб, «косаси оқара бошлаганлар» учун айниқса қаттиқ зарба бўлади.

Ўта қашшоқ оиласларнинг болаларини туғилиши билан турли муаммолар туғилади: онаси ва, табиийки, ўзи ҳам тўйиб овқат ейиш имконидан маҳрум, тиббий хизматдан ҳам кўнгилдагидек фойдалана олмайди. Туғилганидан сўнг қашшоқ оила чақалоқлари доим ҳам расмий рўйхатга олинавермайди. Туғилибок дуч келган бундай қашшоқликдан қутулиш эса жуда кийин бўлади.

Пандемиягача Африкада баъзи мамлакатлар камбағалликка қарши «таъсирчан ҳаракатлар» килган ва нисбатан ривожланаётган иқтисодиётга эга бўлганди. Энди эса 54 та Африка давлати

#### 6.4. ҚАШШОҚЛИККА ҚАРШИ ГЛОБАЛ МИҚЁСДАГИ КУРАШ

пандемиянинг иктисодий ва ижтимоий таъсирига қарши қурашиб учун кейинги З йилда ҳар бир йил учун умумий 100 миллиард доллар керак бўлишини айтмоқда.

Бундан ташқари, дунёнинг тахминан ҳар учинчи ўта қашшоқ одами Африка Сахарасида яшовчилардан бўлиши тахмин килинмоқда. Бу ўртача 26–40 миллион одам дегани. Шарқий Осиёда эса бу ракам ундан ҳам каттарок: 49–57 миллион атрофида.

Жаҳон банкининг тахминича, 88–110 миллион аҳоли 2020 йилда, колган 23–33 миллиони эса 2021 йилда қашшоқка айланиши мумкин. Бундан ташқари, иқлим ўзгаришлари туфайи 2030 йилгача яна 100 миллион одам камбағалга айланиши хавфи ҳам бор.

Маълумот учун, бугунги кунда 690 миллионга яқин дунё ахолиси қашшоқ ҳисобланади. Яъни, улар кунига 1,9 доллардан камрок даромадга тирикчилик қиласди. Бошқа манбалар эса дунёдаги камбағаллар сонини 736 миллиондан ошик, деб кўрсатади. Уларнинг ярми бешта мамлакатда – Ҳиндистон, Бангладеш, Нигерия, Конго ва Эфиопияда яшайди.

Шундай қилиб, пандемия оқибатлари туфайли қашшоқликка қарши қураш бутун дупё учун тобора кескин муаммога айланиб бормоқда, шу билан бирга, Ўзбекистон учун бу жуда муҳимdir. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида қашшоқликни йўқ қилиш ва камбағалликка қарши қурашиш муаммоларини БМТ Бош Ассамблеяси келгуси сессиясининг асосий мавзуларидан бири сифатида белгилашни ҳамда ушбу масалаларга бағишлиланган глобал саммит ўтказишни таклиф қилди.

Қашшоқликка қарши қурашиш мавзусининг долзарблиги 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда қашшоқликка барҳам бериш стратегиясини ишлаб чиқишида хорижий тажрибага алоҳида эътибор беришни назарда тутади.

Хулоса қилиб айтганда, дунё мамлакатларида ижтимоий ҳимоя ва камбағалликка қарши қураш илгаридан мавжуд бўлиб келган муаммо ҳисобланади, уни ечиш учун минтақаларнинг ўзига хос жихатларини ҳамда уларда яшайдиган аҳоли катламларини ҳисобга олиш зарур. Шу нутқай назардан, қашшоқликка қарши қураш – жуда мураккаб ва кўпқиррали вазифадир. Албатта, аҳоли-

нинг кам таъминланган қатламларини ижтимоий қўллаб-кувватлаш ҳам зарурдир.

Камбағалликнинг турли хил сабабларини ҳисобга олган холда, унга қарши курашда ҳар кандай муҳим ютуқларга одамлар ўзларининг моддий муаммоларини мустақил ҳал эта оладиган ва ўзларини зарур даромадлари билан таъминлайдиган шароитлар яратилганидагина эришиш мумкин.

Камбағаллик жамият ва иқтисодиётда бир қатор салбий жараёнларни юзага келтиради. Шу туфайли бугунги кунда дунёда қашшоқлик ва камбағалликка барҳам бериш ҳамда барқарор ривожланишни таъминлаш муаммолари бутун дунё ҳалқининг эътиборида турибди.

Ўзбекистонда қашшоқликни тугатиш ва камбағалликни камайтириш чора-тадбирлари ишлаб чикилиб, амалиётга жорий этилмоқда, бу борада қатор вазифалар белтиланди.

Пандемия даврида камбағаликка қарши курашишда Хитой тажрибасини ўрганиш самарали ҳисобланади. Шу билан бирга, дунёда кенг қўлланаидиган ижтимоий ҳимоя усуслари ва чоралари аҳолини қўллаб-кувватлашда асосий йўллардан биридир.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, 2020 йил 88–110 миллион аҳоли, кейинги йилда 23–33 миллион киши қашшоқликка учраши мумкин. Шуни ҳисобга олганда, қашшоқликка қарши кураш бутун дунё учун тобора кескин муаммога айланади. Шу боис БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясини қашшоқликка қарши кураш глобал саммити номи остида ўtkазиш зарур.

**Таянч иборалар:** қашшоқлик, қашшоқликни тугатиш, камбағаллик, мутлақ камбағаллик, нисбий камбағаллик, камбағалликнинг чегараси, ижтимоий тенгсизлик, миграция, камбағаллик муаммоси, экологик муаммолар, Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати, ижтимоий ҳимоя манбаларига муҳтожслик, камбағаликка барҳам бериш, пандемия, реал даромад, қашшоқликка қарши кураш, глобал саммит.

### **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Бугунғи күнде дүнёда қанча одам ўта нөчөр ахволда күп кечирмөкдә?
2. Барқарор ривожланишининг биринчи мақсади мазмун-моҳияти нималардан иборат?
3. Қашшоқлик ва камбагаллик тушунчаларининг мазмун-моҳияти нималардан иборат?
4. Мұтлақ камбагаллық нима?
5. «Камбагаллик чегарасы» сүзи қандай маънони англатади?
6. Ўзбекистонда камбагалликни қисқартириши бўйича қандай чоратадбирлар ишилаб чиқилди?
7. Ночорлик ва камбагалликни көлтириб чиқарувчи сабаблар нималар билан боғлиқ?
8. Нима учун давлат камбагалликка барҳам берини керак?
9. Коронавирус пандемияси қашшоқликнинг келиб чиқшиига қандай таъсир кўрсатади?
10. Ўзбекистон ва ХХР камбагалликка қарши курашини бўйича қайси йўнанишларда ҳамкорлик қилмоқда?





## Т Е С Т

**1. БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессияси ўтказилган санани белгиланг.**

- А) 23 сентябрь 2020 йил;  
Б) 26 март 2020 йил;
- В) 27 февраль 2020 йил;  
Г) 3 декабрь 2020 йил.

**2. Америкалик иқтисодчи Жеффри Сакс ўзининг «Камбағалликтининг итиҳоси» китобида камбағаллик чангалидан қутулишга имкон берувчи нечта капитал турини кўрсатган?**

- А) 6 та;  
Б) 4 та;
- В) 8 та;  
Г) 5 та.

**3. Камбағалликнинг даражаларини белгиланг.**

- А) мутлақ, нисбий, субъектив;  
Б) паст, ўрта, юкори;
- В) макро, мезо, микро;  
Г) мутлак, мезо, юқори.

**4. Жаҳон банки маълумотига кўра, сайёрамиздаги энг қашшок мамлакатлар қайслар?**

- А) Конго, Мадагаскар;  
Б) Хиндистон, Индонезия;
- В) Нигерия, Хитой;  
Г) Эфиопия, Перу.

**5. Ўзбекистонда камбағалликни белгилашда озиқланишта асосланган усулнинг натижаларига кўра камбағаллик даражаси неча фоизга тенг?**

- А) 11,4 фоизга;  
Б) 36,6 фоизга;
- В) 9,6 фоизга;  
Г) 20 фоиздан ортик.

**6. Европа Иттифоқида нисбатан камбағал деб мамлакатдаги ўртача маошнинг қанча фоизидан кам даромад оладиган инсонларга айтилади?**

- А) 60 фоизи;  
Б) 50 фоизи;
- В) 70 фоизи;  
Г) 55 фоизи.

**7. Дастлабки хисоб-китобларга кўра, республика аҳолисининг қанча қисми камбағал экани аниқланган?**

- А) 4–5 фоизи;  
Б) 6–7 фоизи;  
В) 2–3 фоизи;  
Г) 10 фоиздан кўп.

**8. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда камбағал ойланинг шахсий компьютер билан таъминланганлиги республикадаги ўртacha миқдордан қанчага кам?**

- А) 12 баробарга;  
Б) 8 баробарга;  
В) 10 баробарга;  
Г) 5 баробарга.

**9. Ўзбекистонда ўртacha ойлик нафақа 2019 йилда неча сўмга teng бўлган?**

- А) 701,7 минг сўм;  
Б) 680 минг сўм;  
В) 558,8 минг сўм;  
Г) 1050,4 минг сўм.

**10. АҚШда камбағалликнинг даражаси 2019 йилда неча фоизни ташкил этган?**

- А) 1 фоиз;  
Б) 0,61 фоиз;  
В) 0,19 фоиз;  
Г) 1,5 фоиз.





## ГЛОССАРИЙ

### I. Б о б

**COVID-19 пандемияси –** SARS-CoV-2, ўткир, оғир нафас олиш билан кечадиганянги синдром – коронавирус келтириб чикарадиган COVID-19 коронавирус инфекцияси касаллиги пандемияси илк маротаба 2019 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида Хитойнинг Ухан шаҳрида қайд этилган касаллик 2020 йилнинг 11 мартада Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти томонидан пандемия деб белгиланди. 2020 йил 6 ноябряга қадар вирусни 190 дан ошиқ мамлакат ва худудда яшовчи 48,8 миллиондан ошиқ одам юқтириди; 1 230 000 дан ошиқ одам касаллик туфайли ҳалок бўлди, 32,2 миллиондан ошиқ одам эса тузалди. Хитой, Бразилия, Европа, Эрон, Жанубий Корея ва АҚШда пандемия ўчоқлари юзага келди.

**Гендер** – тушунчасининг лугавий маъноси лотинча «genus», яъни «жинс» маъносини англатади. Агарда, биологик жинс инсонларни аёл ва эркакларга ажратидиган бўлса, гендер, бу – аёл ва эркакларнинг жамиятдаги ўрнини

ажратишга қаратилган. Жамиятда аёл ва эркакларнинг ўз ўрнини топиши ва белгилаши учун давлат уларга бир хил шароит ва имконият яратиб бериши гендер тенгликни таъминлашда асос бўлиб хизмат қиласди.

**Глобал жойлашув тизими** – фазодаги сунъий йўлдошлар асосида таъминлаб берилган сунъий йўлдош глобал навигацион тизим бўлиб, Ер сайёрасида ва унинг атрофида бўлган жойлардаги вакт ва географик координатини аниқлаш имконини беради.

**Глобаллашув** – иқтисодиёт, ижтимоий муносабатлар ва бошқа турли соҳаларда миллий давлат чегараларининг шаффофлашув жараёни.

**Диний бағрикенілік** – хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб ғоя ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшashi

**Ижтимоий ҳамкорлик** – муроса фалсафаси бўлиб, хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гурухларининг умумий

мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги ни таъминлайди. Жамиятда тинчлик ва тотувликнинг, барқарор таракқиётнинг мустаҳкам кафолати вужудга келади.

**Ижтимоий шериклик** – ижтимоий шериклик давлат органларининг подавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, худудий дастурларни, шунингдек, норматив-хуқуқий хужжатларни ҳамда фуқароларнинг хуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорлигидир.

**Коррупция** (лат. *corrumpere* – бузмоқ) атамаси одатда, мансабдор шахслар томонидан унга берилган мансаб ваколатлари ва хуқуқлардан ўзларининг шахсий манфаатларини кўзлаб қонунчилик ва ахлоқ қоидаларига зид равишда фойдаланишини англатади.

**Маънавият** – арабча «маънолар мажмуи». Кишиларнинг фалсафий, хуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввур ва тушунчалари мажмуи. Маънавият «мағфура», «тафаккур» тушунчаларига якин ва улар бир-бирини такозо этади. Маънавият инсоннинг бутун умри давомида унинг

кучига куч кўшадиган, идрок ва акл-заковатини кенгайтирадиган ва мустаҳкамлайдиган восита саналади. Маънавият маънавий бойликлар, қадриятлар давлат, ҳалқ, миллат, жамият, айрим шахсларнинг бебаҳо ҳазинаси ва таракқиёт манбаидир. Мустақиллик туфайли ўзбек ҳалқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан ҳалқнинг умумий ва бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кент йўл очилди.

**Миллат** – узок давом этган ижтимоий, иктиносий, сиёсий ва этномаданий жараёнда, аник худудий доирада, тил ва ўзликни англаш бирлиги асосида шаклланган ҳалқ этник тарихининг энг юксак чўккиси, ўзига хос маданият, онг ва менталитет заминида таркиб топган ижтимоий бирлик шакли. Миллат кишиларнинг жипс тарихий бирлиги, умумиқтисодий турмуш, тил, худуд бирлиги, маданият, онг, руҳият уйғунлиги ва муштараклиги демакдир.

**Миллий ғурур** – ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфият. Бу туйғу ўз она замини авлод-аждодлари томонидан колдирилган моддий-маънавий меросдан, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига кўшган ҳиссасидан ўзга миллатлар олдидағи қадриммати, обрў-эътибори билан

фаҳрланиш ҳиссиятидир. Миллий ғуур ўз миллатининг чинакам фидойиси бўлган ҳар бир инсонга хос ички руҳий туйғудир.

**Миллий ўзликни англаш** – миллий ўз-ўзини англаш ҳар миллатнинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифодаловчи ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, маңбаатлар ва эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб этишидир. Миллий ўз-ўзини англаш, миллат шаклланиши муайян, нисбий, юқори босқичининг мезони ҳисобланади.

**Минтақавий муаммолар** – айрим қитъалар, дунёning йирик ижтимоий-иктисодий ҳудудлари ёки анча йирик давлатларда юзага келадиган мухим масалалар доирасини қамраб олади.

**Мулокот** – инсонлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан юзага келадиган боғланишлар ривожланишининг кўп киррали жараёнидир. Мулокот жараёнида ахборот алмашинув, яъни коммуникатив томон мухим ўрин тутади ва у мулокот давомида мулокотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок этишларида намоён бўлади. Киши биргаликда фаолият кўрсатаётганда заруратга кўра бошқа одамлар билан бирлашиши, улар билан мулокотга

киришиши, яъни алоқа ўрнатиши, ўзаро ҳамжиҳатликка эришиши, керакли ахборот олиши ва жавоб тариқасида ахборот бериши лозим. Мулокот жараёнидаги ўзаро биргаликдаги ҳаракат, яъни нутқ жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки ҳаракатлар, имо-ишоралар билан ҳам бир-бирини тушунишдан иборат. Демак, мулокот – шахслар орасидаги нутқли ёки нутксиз ўзаро алоқа жараёнидир.

**Озиқ-овқат ҳавфсизлиги** – кишлоқ ахолисининг турмуш дарражасини ошириш, озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш, искеъмолчиларни сифатли кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан талабларини кондириш.

**Пандемия** – бирон касалликнинг бир вақтнинг ўзида дунёning қатор давлатларида тарқалиши.

**Халқ** – 1) муайян мамлакатнинг барча ахолиси; 2) тарихий бирликнинг турили шакллари (қабила, элат, миллат). Халқларнинг келиб чиқиш тарихини (этногенезини) ва шаклланиш жараёнини ўрганишда ижтимоий фанларда «этнос» (юн. «халқ») ва «этник бирлик» иборалари кўлланилади.

**Экстремистик** сўзи «акл бовар қилмас даражада», «хаддан ошиш» маъноларини билдира-

ди. Жамиятда қабул қилинган кадриятлар ва мөъёларга зид қарашларни илгари суриш, кескин қарашлар ва чораларга мояйиллик экстремизмнинг асосий хусусияти хисобланади.

### II. Б о б

**Гендер** (ингл. *gender* – уруғ) – инсон жинсининг ижтимоий-моддий ва маънавий жиҳатини ифода этувчи тушунча. Гендер ибораси ижтимоий фанларда жинс мавзусини ўрганишда янгича ёндашув шаклланган паллада, яъни 1950 йилларда бошлаб киритилган. Бу давргача «жинс» тушунчаси одамнинг анатомо-физиологик хусусиятини англатган ҳолда инсониятни эркак ва аёл жинсларига ажратишнигина назарда тутади.

**Гендер идентификацияси** – муайян жинсга мансуб шахсга хос ҳулк шакллари.

**Гендер мафкураси** – жамиятда гендер фарқларини асослаб берадиган ғоялар.

**Гендер дифференциацияси** – табиий деб топилган жинсий тафовутларнинг ижтимоий мазмун касб этиши.

**Гендер тенглиги** – эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги.

**Амнистия** – юононча *amnestia* сўзидан олинган бўлиб «кечириши», «авф этиши» маъносини

билдиради. Амнистия акти норматив хусусиятга эга, яъни амнистия акти унда белгиланган талабларга жавоб берадиган барча шахсларга нисбатан қўллашилади.

**Конфессионал** – (лот. *иероп*) диний, масалан, дунёвийдан фарқ қилувчи конфессионал мактаб.

**Маданият** – «маданий», «шахарлик» деган маъноларни билдирали. Кейинчалик «маърифатли бўлиш», «тарбияли», «билимли бўлиш» маъноларида хам ишлатила бошланган.

**Мўъжиза** – бу шундай кашфиёт-вокеликни, уни мақон ва замонда пайдо бўлиши жамият тараққиётига қандай таъсир кўрсатиши, ҳатто янги ўзангага солиб юбориши, инкилобий ўзгаришлар килишга қодир куч-кудратлар.

### III. Б о б

**UNESCO** – (*United Nations Educational, Scientific and Cultural Organization* Бирлашган Миллатлар Таълим, Билим ва Маданият Ташкилоти), Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳсус ташкилотларидан бири бўлиб, Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг, 1946 йил ташкил қилинган. Бу ташкилотниш курилишига, 1945 йил ноябрь ойида Лондон-

да 44 давлат вакиллари катнашган ҳолда қарор килинган. Ташикологнинг маркази Парижда. Уч орғандан – Умумий йигилиш, Башқарув, Котиблиқдан иборат бўлган UNESCO ташкилотининг асл мақсади, таълим, билим ва маданиятни, унга аъзо бўлган ҳар бир давлатдаги Миллий комиссиялар орқали амалга ошириш.

**Халқаро транспорт коридори**, бу – ерусти транспорти (темир йўл, автомобил йўллари, дарё) ва телекоммуникацияларнинг умумий йўналишларига йўналтирилган юқори технологик транспорт тизими.

**Транзит салоҳияти**, бу – соликлар ва божхона тўловларини тўламасдан божхона бошқармаси назорати остида учинчи давлатларнинг товарлари мамлакатининг худуди орқали ўтадиган товарларни маълум бир мамлакат худуди орқали турли давлатлар томонидан ташиш имконияти.

**Институционал бирлик** – даромад ва харажатларнинг барча ҳисобваракларини юритиши керак бўлган технологик эмас, балки иқтисодий бир хиллика асосланган бирлик (жисмоний ёки юридик шахслар).

**Институционал трансформациялар**, бу – одатда, йирик иқтисодий ва бошқарув ислоҳот-

лари жараёнида амалга ошириладиган иқтисодий, хуқуқий, молиявий, мулкий, ташкилий ва бошқарув институтларининг ўзгаришлари.

**Интеграция (иқтисодий)**, бу – капитализм даврида иккى омилиниң – турли мамлакатлар хусусий монополияларининг ўзаро тўқнашуви ва ўзаро иқтисодий алоқаларда ва учинчи мамлакатлар билан муносабатларда мувофиқлантирилган давлат-монопол сиёсатини олиб боришининг органик бирикмаси шаклида ифодаланган иқтисодий хаётни байналмиллаштиришнинг сўнгги шакли.

**Таркибий инқизозлар** – иқтисодиётнинг айрим тармоқлари ва соҳалари ривожланиши ўргасидаги чукур номутаносибликларни ифодалайди.

**Иқтисодий ўсиш қўрсақчиchlari** – иқтисодий ўсишни аниклашда фойдаланиладиган киймат ва натурал (жисмоний) қўрсақчиchlар тизимидан иборат.

**Иқтисодий ислоҳотлар** – иқтисодиётда туб (ёки қисман) ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган тадбирлар.

**Иқтисодиётни эркинлаштириш** – нима ва қанча ишлаб чиқаришни қаерга, қандай баҳода

сотиши тадбиркорнинг ўзи белгилаши лозим. Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларини эркинлаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва мустақиллитетини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиш демакдир.

**Иқтисодиётни баркаорлаштириш** – танглик ҳолатларига барҳам бериш асосида макро-иқтисодий мувозанатликни саклаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шарт-шароитларни вужудга келтиришdir.

**Халкаро иқтисодий интеграция** – жаҳон мамлакатлари ўзаро иқтисодий алоқаларининг чукурлаштириш ва барқарор ривожланиши ҳамда миллий хўжаликлар ўртасидаги меҳнат тақсимоти асосида улар хўжалик алоқаларининг бирлашиш жараёни.

### IV. Б о б

**Иқтисодий интеграция** – миллий хўжаликлар ўртасидаги чукур, баркаор ўзаро алоқалар ва меҳнат тақсимоти, уларнинг турли босқич ва ҳар хил шаклдаги тақрорий ишлаб чиқариш тузилмаларининг ўзаро алоқалари асосида мамлакатларининг хўжалик-сиёсий жихатдан бирлашуви жараёни.

**Ташки савдо** – бир мамлакатнинг бошқа мамлакат ёки мамлакатлар билан олиб борадиган савдоси. Мамлакатдан товарлар чиқариш (экспорт) ва мамлакатта товарлар киритиш (импорт)дан ташкил тонади.

**Иқтисодиётни тиклаш** – мавжуд ишлаб чиқаришни техник тақомиллаштириш, асосий фонdlарни комплекс равишда янгилаш ва замонавийлаштириш асосида тўлиқ қайта қуриш жараёни.

**Инфратузилма** – ишлаб чиқариш ва товар муомаласи, шунингдек, инсон хаёт фаолияти учун зарур бўлган меъёрий шароитни таъминлашга хизмат қилувчи турли-туман ёрдамчи хизмат кўрсатувчи соҳалар (ташкислот, корхона ва муассаса) мажмуи.

**Товар айирбошлиш** – муайян товар (товарлар) микдорининг қиймати бўйича муқобил бўлган бошқа товар микдорига алмаштириш.

**Энергетика** – энергиянинг ҳар хил турларини ҳосил килиш, уларни бир турдан иккинчи турга ўзгартириш, муайян масофага узатиш ва етказиб бериш, улардан барча соҳаларда фойдаланишини ҳамда шулар билан боғлик назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилишни ўз ичига олган ҳалқ хўжалиги, фан ва техника соҳаси.

**Транспорт** – ижтимоий мөддий ишлаб чиқариш тармоғи, юкларни ва йўловчиларни бир жойдан иккинчи жойга элтиши, мамлакат вилоят ва туманлари, корхоналари, халк хўжалик тармоклари ўртасида, шунингдек, мамлакат ичидаги айирбошливи ва алоқани таъминлайди.

**Иқтисодий ҳамкорлик** – халқаро савдони бошқариш максадида бирлашган давлатлар гурхи.

**Ислоҳотлар концепцияси** – ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг асосий максад ва йўналишилари, уни амалга ошириш вазифалари ва стратегик йўларининг умумий ғоясидир.

**Иқтисодиётни барқарорлантириши** – танглиқ ҳолагларига барҳам бериш асосида макро-иктисодий мувозанатни сақлаш ва ишлаб чиқаришни юксалтириш учун шарт-шароитларни вужудга келтиришdir.

**Иқтисодий манфаатлар** иқтисодий категория бўлиб, улар ишлаб чиқаришнинг алоҳида катнашчилари (индивидулар, уларнинг гурухлари, синфий бирлашмалари) ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатларида ифодаланади.

**Илм-маърифат салоҳияти** – илм-маърифатга хизмат қилувчи

моддий ва инсоний ресурслар фан эришган даражадир.

**Фан-техника тараққиёти** – фан ва техниканинг муттасил равишда ва ўзаро боғлиқ ҳолда ривожланишидир.

**Бож иттифоқи** ягона ташки савдо тарифларини ўрнатиш ва учунчи мамлакатта нисбатан ягона ташки савдо сиёсати юритишни такозо қиласди.

**Тўлов иттифоқи** – миллий валюталарнинг ўзаро алмашинуви ва хисоб-китобда ягона пул бирлигининг амал қилиши.

**Умумий бозор** – бунда унинг катнашчилари ўзаро эркин савдони амалга ошириш ва ягона ташки савдо сиёсати ўтказиш билан бирга капитал ва ишчи кучининг эркин ҳаракати таъминланади.

**Иқтисодий ва валюта иттифоқи** иқтисодий интеграциянинг энг олий шакли бўлиб, бунда иқтисодий интеграциянинг барча қараб чиқилган шакллари иқтисодий ва валюта-молиявий сиёсат ўтказиш билан бирга ўйғунлашади.

**Экспорт** товарларни чет эллик мижозларга сотиш бўлиб, бунда мазкур мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар мамлакатдан ташкарига чиқарилади.

**Импорт** – чет эллик мижозлардан товарлар (хизматлар) сотиб олиб, уларни мамлакатга киритиш.

**Халқаро валюта тизими** – халқаро валюта муносабатларининг давлатлараро битимларда хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланган шакли.

**Иқтисодий битимлар** – қийматнинг ҳар қандай айирбөшланиши, яъни товарлар кўрсатилган хизматлар ёки активларга мулкчилик хукуқининг бир давлат резидентларидан бошқа давлат резидентларига ўтиши бўйича келишувлар.

**«Буюк Ипак йўли – мuloқот йўли» дастури** – тарихий-маданий обидаларни ўрганиш, қадимги йўллар ва йўналишларни аниқлаш, миллий ва маънавий бойликлар ҳамда анъаналарни ўрганиш механизми. Шарқ ва Farb халқлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатган ҳамда ривожлантирган бу йўлни халқларнинг биродарлик, ўзаро ҳамкорлик ва самимий мuloқот йўлига айлантиришдан иборат режасидир.

**Транзит** – (лот. *transitus* – ўтиши жойи) – йўловчи ва юкларни бир пунктдан бошқасига оралиқ пунктлар орқали ташиш тушунилади.

**Ипак йўли иқтисодий камари** – инфратузилма тараққиёти ва янги савдо имкониятлари жараёнларини сиёсийлаштирумасдан туриб, уларга эга бўлиш имкониятидир.

**Яшил иқтисодиёт** – назариянинг бирламчи қоидасига кўра, иқтисодиёт табиий мухитнинг қисмидир. У ушбу мухитдан олган турли хил ресурсларни кишиларга зарур бўлган маҳсулот ва хома ўзга айлантиради ҳамда вужудга келган чикиндиларни мухитга қайтаради. Шу ўринда, ўзлари табиатга қарам бўлган кишилар ҳам табиий мухит қисмидир.

**Логистика** – аниқ ҳисоб-китоб қилиш санъати, оқилона бошқариш тизими, деган маъноларни англатади.

**Ҳамкорлик**, бу – бир нечта эгалари бўлган, уларнинг ҳар бири бизнесга сармоя киритган. Баъзи шериклар бизнес фаолият олиб бораётган шахсларни ўз ичига олади, боинка шериклар эса чекланган иштирокчи ва бизнесга нисбатан қарзлар ва даво учун масъулияти чекланган шериклар бўлиши мумкин.

**Халқаро иқтисодий интеграция**, бу – турли мамлакатлар иқтисодий алоқаларининг баркарорлашиб, чукурлашиб ривожланиши, уларнинг хўжаликларини савдо имкониятлари жараёнларини сиёсийлаштирумасдан туриб, уларга эга бўлиш имкониятидир.

рининг чамбарчас чатишиб-чирмашиб ривожланиш жараёнларидир.

**Ракобат** – мустақил товар ишлаб чиқарувчи (корхона)лар ўртасида товарларни кулагай шароитда ишлаб чиқарин ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умумаш, иқтисодиётда ўз мавқенини мустаҳкамлаш учун кураш.

**Халқаро иқтисодий муносабатлар** (баъзида уларни ташки иқтисодий алоқалар, жаҳон хўжалиги алоқалари деб ҳам юритилиди) – бу жаҳоннинг турли мамлакатлари ўртасидаги хўжалик алоқалари мажмуудир.

**Глобаллашув** – (лот. *globus – ер курраси*) жаҳон хўжалигининг бутун маконини камраб олувчи иқтисодий муносабатлар ягона тармоғининг ташкил топиши ва ривожланишини англагади.

## V. Б о б

**Иқлим** – бу тушунча ўз ичига муайян ҳудудда узоқ вақт давомида йигилган ҳарорат, намлик, атмосфера босими, шамол, ёғин ва бошқа метеорологик параметрлар статистикаларини олади. Унбу параметрларнинг узоқ вақт ёмас, балки муайян вактдаги ҳолатларига об-ҳаво дейилади. Бошкacha айтганда, иқлим, бу – бирор

жойдаги об-ҳаво ҳолатлари тўпламидир.

**Ландшафт** – немисча сўз бўлиб, «жой» деган маъноди билдиради. Ҳозирги пайтда ландшафт тушунчаси географияда кенг ва тор маънода ишлатилади. Кенг маънода ландшафт деганда табиий худудий комплекс тушунилади. Масалан, тайга зонаси, боткок, тундра, чўл ва х. Тор маънода ландшафт – ер юзасидаги табиий чегаралари билан ажралиб турувчи жойдир.

**Орол денгизи** – Ўрга Осиёдаги энг катта берк шўр кўл. Маъмурӣ жиҳатдан Орол денгизининг ярмидан кўпроқ жануби-ғарбий қисми Ўзбекистон (Қорақалпоғистон), шимоли-шарқий қисми Қозогистон ҳудудида жойлашган.

**Оролбўйи миintaқаси** – мураккаб табиий географик худуд. Маъмурӣ жиҳатдан Ўзбекистон ва Қозогистон ҳудулларида. Унинг ғарбида Устюрт платоси, шимолида Катта ва Кичик Бўрсик қумликлари, шимоли-шарқида Оролбўйи Қорақуми, шарқда Сирдарё делтаси, жануби-шарқида Қизилкум чўлининг шимолий қисми, жанубида эса Амударёнинг ҳозирги делтаси жойлашган. Орол денгизи шимоли-шарқий ва жанубий қисмларида сув сатҳининг

пасайиши натижасида вужудга келгән ҳудудлар (Оролқум) мавжуд.

**Арил (курук) икlim** – ҳаво температураси юкори бўлган ва ёғин деярли ёғмайдиган ёки кам ёғадиган (йилига 100–150 мм) курук икlim. Чўл ва ҷалачўларга хос.

**Экологик омиллар** – атроф-мухитнинг организмлар фаолиятига ўзига хос таъсир этувчи маълум шароитлари ва элементлари мажмуй. Экологик омиллар 2 катта гурух – абиотик омиллар ва биотик омилларга бўлинади. Экологияда «чекловчи омиллар» тушунчаси хам мавжуд, улар таркибига организмлар мавжудлиги ва ривожланишини чекловчи ҳар кандай омилни киритиш мумкин.

**Антрапоген омиллар** – одам ва унинг хўжалик фаолиятининг ўсимлик, ҳайвон ва бошқа табиат компонентлариiga таъсири билан боғлиқ омиллар гурухи.

**Экологик мувозанат** – инсон, ўсимлик ва ҳайвонлар учун зарур бўлган табиий шароитлар мувозанати. Маълумки, табиат компонентлари бир-бирлари билан узвий боғланган, доим ўзаро алоқада ва таъсирдадир. Улар компонентлар ўргасида муттасил равишда рўй бериб турадиган модда ва энергия алмашинуви оқибатида хосил

бўлади ва табиатнинг бир бутунлигини таъминлайди. Табиат компонентлари ўргасидаги бундай ўзаро таъсир ва алоқалар узоқ геологик даврлар мобайнида ривожланиб, турли жойларда турли экосистемаларнинг шаклланишига олиб келган.

**Глобал муаммолар** – умумбашарий ҳаёт ва тараққиёт билан боғлиқ ҳозирги замон муаммолари.

**Қурғоқчилик** – буғланиш ёғиндан ортиқ бўлган шароитларда кечадиган узоқ давом этувчи обҳаво. Бундай шароитда тупроқдаги сув захираси тез сарфланиб кетади, бу эса қиплоқ ҳўжалиги экинлари ҳамда яйлов ўсимликларининг ривожланиши ва маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатади.

**Ёғинлар** – атмосфера (булутлар ёки ҳаво)дан Ер (ёки сув) юзига тушадиган суюқ ёки қаттиқ ҳолатдаги сув. Ёғинлар булатлардан ёмғир, қор, дўл ва муз зарралари кўринишида, ҳаво қатламидан шудринг ҳамда киров шаклида тушади.

**Ижтимоий химоя** – кенг маънода, мамлакат ахолисини ижтимоий ва моддий муҳофаза килинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган хукуқий, иктиносий, ижтимоий чора-тадбирлар мажмуй; тор маънода,

давлат ва жамиятнинг ёши, саломатлиги ҳолати, ижтимоий аҳволи, тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмагани туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтоҷ фуқаролар тўғрисидаги ғамхўрлиги.

**Сув ресурслари** – фойдаланиш учун яроқли бўлган срусти, еrosti сувлари ва тупроқдаги нам захиралари.

**Эрозия** (лот. «*erosio*» – «семирилиш», «нураш») – Ер қобигини

ташкил этадиган қояларнинг оқарсув, шамол ва бошқа ташки таъсиrlардан емирилиб, жойидан кўпорилиши ёки бир ердан бошка бир ерга ташилиши ҳодисасидир.

**Шўрланиш** (тупроқ шўрланиши) – сувда эрийдиган минерал тузларнинг тупроқда тўпланиш жараёни. Шўрланиш, асосан, чўл ва чалачўлардаги пасттекисликлар ҳамда еrosti сувлари оқиб чиқмайдиган ботикларга хос.





## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. Электрон манба: <https://www.xabar.uz/jamiyat/sessiyadagi-nutq> мурожаат санаси: 1.12.2020 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётни ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-5975-сонли Фармони. Конун хужжатлари маълумотлари миллый базаси, 27.03.2020 й., 06/20/5975/0377-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хамда унинг тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиши тўғрисида»ги 2020 йил 26 мартағи ПҚ-4653-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартағи «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5969-сонли Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан 17.06.2020 йилдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармасига ҳалқаро валюта жамғармасидан маблағлар жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 388-сонли Қарор.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 29 августдаги «2020–2021 йилларда иқтисодий ўсишни тиклаш ва иқтисодиёт тармоқлари хамда соҳаларида тизимли таркибий ислохотларни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 526-сонли Қарори.

7. Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсишни тиклаш ва тизимили таркибий ўзгаришларни давом эттириш бўйича 2020–2021 йиллардаги амалий Ҳаракатлар режаси. 2020 йил 29 август.

8. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси мустакиллигининг йигирма тўқиз йиллигига багишланган тантанали маросимдаги нутқи. 31.08.2020 йил. <http://uzo.uz/posts/33906>

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўгрисида» ПФ-4947-сон Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутки / Янги Ўзбекистон, №183, 2020 йил 24 сентябрь.

11. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутки. Халқ сўзи, 2016 йил 15 декабрь.

12. Нематов И. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари – амалда / Янги Ўзбекистон, №183, 2020 йил 24 сентябрь.

13. Камолиддин Раббимов. Сиёсатшунос: Ўзбекистоннинг ЕОИИга кўшилишидаги 5 салбий нуқта. <https://kun.uz/news/2019/10/21/siyosatshunos-ozbekistonning-yeoiiiga-qoshilishidagi-5-salbiy-nuqta>

14. Абулқосимов Х.П. Халқаро Иқтисодий Ташкилотларда миллий манфаатларни ҳимоялаш ва хавфсизликни таъминлаш йўллари / Иқтисод ва молия. 2019 йил 11-сон, 2-бет.

15. Топилдиев С.Р. Евроосиё иқтисодий иттифокини мамлакатимиз кинилок хўжалиги маҳсулотларини экспортда тутган ўрни/ Молия ва банк иши электрон илмий журнал. 2020 йил 4-сон, 178-бет.

16. Намозов А. Аграр соҳада инвестициялардан унумли фойдаланиш – давр талаби // O'zbekiston qishloq xo'jaligi. – Т.: 2009. №6. 29-б.

17. Сайдова Д.Н., Рустамова И.Б., Турсунов Ш.А. Аграр сиёсат ва озиқ-овқат хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. – Т.: ЎзР Фанлар академияси Асосий кутубхонаси нашриёти, 2016. 257-б.

18. Максимова В.Ф., Максимов К.В., Вершинина А.А. Международные финансовые рынки и международные финансовые институты, 2009 г.

19. Н. Красавина ва бошқалар. Международные валютно-кредитные финансовые отношения.

20. Моисеев С.Р. Международные финансовые рынки и международные финансовые институты. / Московский международный институт эконометрики, информатики, финансов и права. – М.: 2003. 245 с.

21. Об Узбекистане. <http://www.uz.undp.org/content/uzbekistan/ru/home/countryinfo.html>

22. Хакимов О. Социальная поддержка в борьбе с бедностью. ЦЭИР. Электрон манба: <https://gk-uzbekistan.de/ru/2020/08/25/>
23. Абатуров В. Глобальная борьба с бедностью: опыт зарубежных стран. ЦЭИР. Электрон манба: <https://review.uz/post/globálnaya-borba-s-bednostyu>
24. Қосимова Н. Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари барқарор ривожланиш манфаатлари йўлидаги таълим соҳасида ҳамкор сифатида. Ўкув қўлланма. – Т.: «Extremum-press», 2018.
25. Абдурахимова Ё.М. Ўзбекистонда камбағаллик даражаси ва камбағалликни қискартириш муаммолари. «Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар» мавзусидаги Республика миқёсида ўтказиладиган 18-кўп тармоқли илмий масоғавий онлайн конференцияси. Ч. 9. 2020 йил 30 июл. – Т.: «Tadqiqot», 2020. 14–16-б.
26. Абдувоҳидов А. Камбағаликка қарши қандай курашилади? 25.03.2020. Электрон манба: <https://sof.uz/post/kambagallikkqa-qarshiqanday-kurashiladi>
27. Gary Bickel, Mark Nord, Cristofer Price, William Hamilton, John Cook Measuring Food Security in the United States. Guide to Measuring Household Food Security. USA ,USDA, 2000.
28. [www.icarda.org](http://www.icarda.org) – Қурғоқчилик ҳудудларда кишлок хўжалиги тадқиқотлари бўйича халқаро маркази (ICARDA)нинг расмий сайти.
29. World Population Prospects, the 2010 Revision.





## МУНДАРИЖА

Кириш .....	3
-------------	---

### I. Б о б

#### ПАНДЕМИЯ ДАВРИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

доц. Н.Кодиров, доц. Ж.Бойалиев, доц. Б.Мамараҳимов,  
доц. М.Абдуллаева, кат. ўқит. Қ.Шарипов

1.1. Давлатлар ва халқлар ўртасидаги мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик.....	7
1.2. Умумий масъулият тамоилларини мустаҳкамлаш, халқаро шерилликни самарали ривожлантириш .....	14
1.3. Давлатнинг ўз фуқаролари ва халқаро ҳамкорлари олдидаги мажбурияtlари .....	22
1.4. Пандемия даврида халқаро миқёсда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш масалалари .....	40

### II. Б о б

#### ЖАМИЯТНИ СИЁСИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА ИҚГИСОДИЙ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ – МАМЛАКАТДАГИ ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ПОЙДЕВОРИ СИФАТИДА

проф. И.Саифназаров, проф. Б.Алиев, проф. А.Мухтаров,  
доц. Т.Султонов, доц. Д.Эрназаров

2.1. Гендер тенглик сиёсати: хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни – устувор масала.....	59
2.2. Мажбурий ва болалар меҳнати тутатилгани ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегиянинг қабул қилиниши.....	70
2.3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон ташаббуси .....	78
2.4. Барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда парламентнинг ролини ошириш .....	84

*III. Б о б*

**МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ БИЛАН  
ҲАМКОРЛИК – ЎЗАРО ИШОНЧ МУХИТИНИ  
ЯРАТИШГА АСОСДИР**

*доц. С.Топилдиев, доц. М.Абдуллаева*

3.1. Марказий Осиё давлатлари ўртасида транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш.....	96
3.2. Марказий Осиёда хавфсизликни таъминлаш механизмларини яратиш .....	105
3.3. Марказий Осиё маданий меросининг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни.....	119

*IV. Б о б*

**АФГОНИСТОН – МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ АЖРАЛМАС  
ҚИСМИ ВА МИНТАКАДА ИҚТИСОДИЙ  
ИНТЕГРАЦИЯНИ КУЧАЙТИРИШ  
АСОСИ СИФАТИДА**

*доц. С.Ғоғиризаров, доц. А.Хайитов, доц. С.Курбонов,  
доц. М.Маматов, доц. С.Топилдиев*

4.1. Афғонистоннинг Марказий Осиё минтақасида тутган ўрни ҳамда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш кафолатлари .....	130
4.2. Афғонистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда Марказий Осиё давлатлари билан ташки иқтисодий алоқаларининг ўрнатилиши.....	145
4.3. Марказий Осиёда иқтисодий интеграцияни кучайтиришда Афғонистоннинг иштирокини таъминлаш.....	155
4.4. Марказий Осиёда янги Ипак йўлиниң нуфузини ошириш.....	171

*V. Б о б*

**МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛANIШИГА  
ГЛОБАЛ ИҚЛIM ЎЗГАРИШИ ҲАМДА ОРОЛБЎЙИ  
МИНТАҚАСИ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИНИНГ ТАЪСИРИ**

*доц. И.Хотамов, доц. А.Ядгаров, асс. М.Олимов*

5.1. Глобал иқлим ўзгаришлари ва унинг Марказий Осиё тараққиётига таъсири ҳамда хавф-хатарлар .....	187
5.2. Оролбўйи минтақасида экологик фожиани бартараф этиш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси .....	205
5.3. Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни, аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш истиқболлари .....	210

5.4. Оролбўйи миңтақаси учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шерикликни ривожлантириш йўллари .....	217
<b><i>VI. Б о б</i></b>	
<b>ЖАХОНДА ҚАШШОҚЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ</b>	
<i>проф. М.Эшов, проф. Б.Беркинов, доц. М.Асқарова</i>	
6.1. Замонавий хатарлар қашшоқлик ва камбағаллик билан боғлиқ глобал муаммоларни кучайтирмақда .....	226
6.2. Ўзбекистон Республикасида қашшоқликни тугатиш ва камбағал- ликни камайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар .....	232
6.3. Камбағалликни қисқартириш бўйича хорижий тажрибалар .....	244
6.3.1. Камбағалликни қисқартириш бўйича Хитой тажрибаси .....	244
6.3.2. Иқтисодий ривожланиш даражаси турлича бўлган мамлакатларда камбағалликни бартараф этиш тажрибаси .....	249
6.4. Қашшоқликка қарши глобал миқёсдаги кураш .....	254
<b>Глоссарий .....</b>	262
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>	273



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Шавкат Мирзиёевнинг*

**БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ  
БОШ АССАМБЛЕЯСИ 75-СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН  
НУТҚИНИ ЎРГАНИШ ВА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК  
ЎРТАСИДА ТАРФИБ ҚИЛИШ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ ҚҮЛЛАНМА**

*Тошкент – «Маънавият» – 2021*

Муҳаррир *С. Холбеков*  
Мусахҳих *Ш. Назарова*  
Мусаввир *С. Щухрат*  
Компьютерда тайёрловчий *Ш. Соҳибов*

Лицензия А1 №189, 10.05.2011 йилда берилган.

Босишига 4.02.2021 йилда рухсат этилди. Бичими 60x90  $\frac{1}{16}$ . Таймс гарнитураси.

Офсет босма усулида босилди. Шартли босма табоги 17,5. Нашр табоги 16,3.

3000 нусха. Буюртма № 21-09. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047. Тошкент,

Тараққиёт 2-берккүча, 2-йй. Шартнома № 03-21.

27/IV/6

66.3/547



*Manavijal*

ISBN 978-9943-04-412-8

9 789943 044128